Е. ЕРГЕШЕВ

ИҚТИСОДИЙ ВА МОЛИЯВИЙ ТАҲЛИЛ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Е.ЕРГЕШЕВ

ИҚТИСОДИЙ ВА МОЛИЯВИЙ ТАҲЛИЛ

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги олий ўқув юртлариаро илмий-услубий бирлашмалар фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгаши томонидан олий ўқув юртларининг иқтисодий таълим йўналишлари талабалари учун дарслик сифатида тавсия этилган

Қайта ишланган ва тўлдирилган иккинчи нашри

ТОШКЕНТ – 2005

65.053
Е 696

Е.Ергешев. «Иқтисодий ва молиявий таҳлил». – Дарслик –Т.: «Консаудитинформ–Нашр» нашриёти, 348 бет.

Бозор иқтисодиёти шароитида корхона, фирма ва жисмоний шахсларнинг иқтисодий ва молиявий фаолияти ҳар томонлама чуқур таҳлил қилиб борилиши, улар томонидан амалдаги тегишли қонунлар, қонун ости ҳужжатлари пухта ўрганилиши лозим. Бу хўжалик юритувчи субъектларнинг ишбилармонлик фаолиятини мустаҳкамлаш, рақобатбардошлигини ошириш, истиқболини ўрганиш имконини беради.

Субъектларнинг хўжалик ва молиявий фаолиятини иқтисодий ва молиявий таҳлил қилиш усуллари тегишли қонунлар, низом ва кўрсатмалар, халқаро ва миллий стандартларга таянган ҳолда баён қилинган ушбу дарслик бу борада ўзига хос аҳамият касб этади.

У Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан олий ўқув юртларининг бухгалтерия ҳисоби, аудит, молия ва кредит, солиқ ва солиққа тортиш, иқтисодий педагогика, банк иши, менежмент мутахассисликлари бўйича таълим олаётган бакалаврлар, магистрлар учун дарслик сифатида тавсия қилинган. Ундан шунингдек, ўқитувчилар, аспирантлар иқтисодиёт йўналишидаги мутахассисларни таёрлаш ва қайта тайёрлаш марказлари тингловчилари, солиқ назоратчилари ва аудиторлар, иқтисодиёт коллежларининг талабалари ҳам фойдаланишлари мумкин.

Дарслик қайта ишланган ва тўлдирилган ҳолда иккинчи бор нашр қилинмоқда.

Тақризчилар: Тошкент Давлат иқтисодиёт университети «Молия ва солиқлар» кафедрасининг профессорлари, иқтисод фанлари докторлари О.Жуманов, А.Қўчқаров; Тошкент Молия институти «Молиявий таҳлил» кафедраси доценти Х. Ахмаджонов.

«Консаудитинформ–Нашр» нашриёти
Босишга рухсат этилди 12 январ 2005 й.

КИРИШ

Бозор иқтисодиётига ўтиш ҳозирги даврнинг асосий вазифасидир. Ўта долзарб деб ҳисобланган мазкур вазифа аҳолининг моддий ва маданий турмуш даражасини юксалтиришга қаратилган ижтимоий ишлаб чиқаришни ривожлантиришни, унинг самарадорлигини ҳамда меҳнат унумдорлигини оширишни, фан-техника тараққиётини жадаллаштиришни, халқ хўжалигининг барча тармоқларида иш сифатини бутун чоралар билан яхшилашни тақазо этади.

Бу масалаларни ҳал қилиш жараёнида муайян механизмлар қўлланилади. Улардан бири хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолиятини мунтазам равишда таҳлил қилиш механизмидир.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, бозор иқтисодиёти шароитида мулкнинг турли шахсларга мансублилиги ишлаб чиқариш, товарларни сотиш, иш бажариш ва хизмат кўрсатишда эркин рақобат ҳукмронлигига асос бўлади. Бу эса, ўз навбатида, ҳар бир корхона ва фирманинг яшовчанлигини у ўзини ўзи таъминлашига боғлиқ қилиб қўяди. Бу жараёнда муваффақиятга таҳлилни тўғри ташкил қилиш орқалигина эришиш мумкин. Эслатиб ўтиш жоизки, бизда иқтисодий таҳлил етарли даражада ривожланган, ўз мазмуни, предмети ва услубига эга. Аммо унинг асосий қисми бўлган молиявий таҳлилга шу пайтгача деярли аҳамият берилмади, чунки бунга зарурият ҳам йўқ эди.

Эндиликда шаклланадиган молиявий таҳлил республикамизнинг ўзига хос ривожланиш хусусиятларини ҳисобга олиши, ўзида Ўзбекистоннинг миллий ҳисоб сиёсатини акс эттириши лозим. Демак, яратиладиган молиявий таҳлил муайян йўналиш асосланишини тақазо қилади.

Унутмаслик керакки, барча корхоналарнинг иқтисодиётини юксалтириш учун бундай корхоналар ва уларнинг бўлинмаларидаги моддий-техника воситалари ва меҳнат ресурсларидан унумли фойдаланиш чораларини кўриш, маблағларни эҳтиёт қилиш, тежаб-тергаб сарфлаш ва фойдаланилмаётган имкониятларни топиш, ишга солиш лозим. Бу борадагина эмас, бошқа иқтисодий ва ижтимоий масалаларни ҳал этишда хам иқтисодий таҳлил ўзига хос ўрин тутади.

SamISI
№ 438560

Таҳлил самарадорлиги савдо корхонаси фаолияти устидан режали раҳбарликни амалга ошириш ва уни назорат қилишда ғоят катта аҳамиятга эга. Дарсликда иқтисодий таҳлилнинг назарий ва амалий асослари ҳамда уни савдо ташкилотларида йўлга қўйиш ва юритиш усуллари, шунингдек, савдо корхоналари хўжалик фаолияти таҳлили назарияси, товар айланиши ва молиявий ҳолат, муомала харажатлари, молиявий натижалар таҳлиллари ва уларнинг ўзгаришига таъсир кўрсатувчи омиллар, молиявий коэффициентлар ҳар томонлама баён қилинган; улгуржи, умумий овқатланиш, саноат корхоналари ва қишлоқ хўжалиги корхоналари хўжалик фаолияти таҳлилининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида тўхталиб ўтилган.

Хуллас, у иқтисодий ва молиявий кўрсаткичлар таҳлилига алоқадор масалаларга бағишланган. Унда бу кўрсаткичларга таъсир этувчи омилларни аниқлаш ва улардан ҳар бирининг таъсирини баҳолаш усуллари маълумотлар асосида баён қилинган, фойдаланилган барча маълумотлар бухгалтерия ҳисобида ифодаланган аниқ ва тўғри кўрсаткичларга асосланган. Бу дарсликнинг амалий аҳамиятини янада оширади.

Дарслик олий ўқув юртларининг тегишли мутахассисликлари бўйича таълим олаётган талабалар учун иқтисодий таҳлил курси дастурига мувофиқ тайёрланган. Ундан иқтисодий ва молиявий амалларни мукаммал ўрганишда савдо, саноат ва қишлоқ хўжалиги корхоналарининг раҳбарлари, иқтисодиёт бўлимлари ходимлари ҳам фойдаланишлари мумкин.

I БОБ. ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛНИНГ ПРЕДМЕТИ ВА УСЛУБИ

1.1. Иқтисодий таҳлилнинг аҳамияти ва вазифалари

Маълумки, бозор иқтисодиётига ўтилиши муносабати билан муайян масалаларни, хусусан, мавжуд иқтисодий имкониятлардан оқилона фойдаланиш, иш сифатини, асосий фондлардан фойдаланишнинг самарадорлик даражасини, меҳнат унумдорлигини кескин ошириш, республика аҳолисининг озиқ-овқат маҳсулотлари ва бошқа товарларга бўлган талабини чуқурроқ ўрганиш, иқтисодий тежамкорликни кучайтириш масалалари оммавий ҳал қилиш лозим. Мақсадга эришиш учун аввало, ҳар бир корхона ва бўлим фаолиятининг атрофлича, чуқур таҳлилига асосланиб, ички хўжалик имкониятларидан тоборо унумлироқ фойдаланишга, камроқ харажат қилиб, юқори натижаларга эришишга, илғор тажрибаларни жорий этишга, илғорларнинг ташаббусларини оммалаштиришга алоҳида эътибор бериш, сифат кўрсаткичларини муттасил яхшилаб бориш керак.

Бу корхонанинг иш шароитини ҳисобга олиб, иқтисодий қонунларнинг барча талаблари тўлиқ бажарилиши устидан назоратни, шунингдек, фойдаланилмаётган имкониятларни излаб топиб, ишга солишни, рентабелликка эришиш йўлларини аниқлашни тақозо қилади. Бунда эса иқтисодий таҳлил муҳим аҳамият касб этади.

Хўжалик юритишни бошқариш ишларига илмий ёндашиш даражаси иқтисодий фанлар қанчалик ривожланганлигига ва уларнинг тавсиялари хўжалик юритиш амалиётига қанчалик татбиқ қилинишига боғлиқ. Шундай экан, барча корхоналарнинг, шу жумладан, савдо корхоналарининг раҳбарлари, мутахассислари, иқтисодчилари, ҳисобчилари, бўлим бошлиқлари, сотувчилари иқтисодий таҳлил услубларини мукаммал ўзлаштиришлари ва иқтисодий билимларни пухта эгаллашлари лозим. Бу уларнинг ўзлари ишлаётган корхона иқтисодиётини чуқур билишларига, пухта иш юритишларига, фаолиятларига иқтисодиёт соҳасидаги янгиликларни изчиллик билан татбиқ эта олишлари, камчиликларнинг сабабларини аниқлашларига, кел-

гусида бундай хатолар такрорланишига йўл қўймасликларига, эътибордан четда қолаётган ички хўжалик имкониятларини топиб, улардан тўла фойдаланилиши таъминланишига ёрдам беради. Ҳар тарафлама чуқур иқтисодий таҳлил илмий режалаштиришнинг асоси — халқ хўжалиги, шу жумладан, савдо корхоналари хўжалигига раҳбарликнинг ҳам негизидир. Корхона хўжалик фаолияти таҳлили шундай қуролдирки, унинг воситасида иқтисодий тежамкорлик шартларига риоя қилиш ва хўжалик муқобил иш юритиши устидан назорат амалга оширилади. Иқтисодий таҳлил маълумотлари кенг меҳнаткашлар оммасига ҳар бир меҳнат жамоаси ва бутун хўжалик бажарган иш натижалари билан танишиш имконини беради.

Иқтисодий таҳлилнинг асосий вазифаси хўжалик иқтисодиётини ўрганиш, уни янада ривожлантириш, такомиллаштириш, мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланиш, эришилган муваффақиятларни кенг ёйиш ва йўл қўйилган камчиликларнинг сабабларини ўрганиш ҳамда уларни имкони борича тугатишга ёрдам беришдан иборат. Шундай қилиб, иқтисодий таҳлилнинг вазифаларига қуйидагилар киради:

· эришилган муваффақиятларнинг асослари ва йўл қўйилган камчиликларнинг сабабларини бухгалтерия ва статистика ҳисоботлари асосида ўрганиш;

· корхонанинг фаолиятини, иқтисодиётининг ривожланиш даражаси ва суръатини ҳар томонлама ўрганиш;

· ютуқларни мустаҳкамлаш чораларини кўриш, камчиликларнинг ўз вақтида олдини олиш;

· муайян хўжалик фаолиятини батафсил ўрганиш асосида режанинг бажарилишига баҳо бериш;

· таҳлил якунига кўра, иш натижаларига таъсир қилган омиллар ва сабабларни ўрганиш;

· фойдаланилмаётган имкониятларни қидириб топиш ва улардан тўлиқ фойдаланиш;

· паст кўрсаткичли корхоналар фаолияти билан илғор корхоналар фаолиятини таққослаш, паст кўрсаткичли корхоналар фаолиятини илғор корхоналар тажрибасига таянган ҳолда ривожлантириш ва мустаҳкамлашга ёрдам берадиган тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

Бу вазифаларнинг бажарилишини таъминлаш учун иқтисодий таҳлил холис (объектив) ва аниқ бўлиши, мунта-

зам ўтказилиб турилиши лозим. Нохолис ва мавҳум таҳлил натижаларга нотўғри баҳо берилишига, корхоналар фаолияти самарадорлигини ошириш юзасидан нотўғри таклифлар киритилишига олиб келади.

Иқтисодий таҳлил шундай воситадирки, унинг ёрдамида иқтисодий тежамкорликка, иш сифати ва сръатини, унумдорликни оширишга эришиш, бу жараёнлардаги фаолият устидан назорат юритиш мумкин бўлади.

1.2. Иқтисодий таҳлил асослари

Фаннинг ҳамма тармоқлари учун методологик асос ҳисобланган *билиш назарияси* иқтисодий таҳлилни ҳам заруратга айлантиради ва моҳиятини белгилайди. Замонавий фаннинг методлари ва услубларини яхлит ҳолда билиш жараёнида таҳлил ва синтез, эксперимент, методлаш каби муҳим восита (инструмент)лардан фойдаланилади.

Таҳлил, грекча «analisis» сўзидан олинган бўлиб, ўрганилган объектни қисмларга, элементларга бўлиш, деган *маънони англатади. Таҳлил диалектик бирликда «синтез»* тушунчаси билан боғлиқдир.

«Синтез» сўзи эса, грекча «Sinthesis» сўзидан келиб чиққан бўлиб, у аввал қисмга бўлиниб, ўрганилган объектнинг бир бутун объектга айланишини билдиради.

«Таҳлил» ва «синтез» тушунчалари ҳар қандай илмий изланишнинг негизидир. Улар инсон онгининг шакли сифатида кўпгина фанлар томонидан ўрганилади, лекин хўжалик фаолияти ва унинг сўнгги натижалари таҳлили фақат «Иқтисодий таҳлил» фанида ўрганилади. Таҳлил билан кенг маънода иқтисодий таҳлил назарияси, бошқарув таҳлили ва молиявий таҳлил шуғулланади.

«Иқтисодий таҳлил» фани бир-бири билан боғлиқ бўлган 4 қисмдан иборат:

- иқтисодий таҳлил назарияси;
- бошқарув таҳлили;
- молиявий таҳлил;
- тармоқларда иқтисодий таҳлил.

Иқтисодий фанлар тизимида иқтисодий таҳлил махсус фанлар қаторига киради ва у бошқа фанлар билан чамбарчас боғлиқ. Иқтисодий фанларнинг ўзаро боғлиқлиги қуйидагиларда намоён бўлади:

Умумий иқтисодиёт назарияси:

1. Аниқ иқтисодий фанлар:

- тармоқлар иқтисодиёти;
- корхоналар иқтисодиёти;
- мамлакат иқтисодиёти.

2. Махсус иқтисодий шакллар ва ташкилотлар иқтисодиёти:

- кредит, молия, маркетинг, табиатдан фойдаланиш иқтисодиёти ва ҳ.к.

3. Ахборот аналитик фанлар:

- статистика;
- иқтисодий-математик методлар;
- хўжалик фаолиятининг таҳлили.

4. Тарихий иқтисодий фанлар:

- иқтисодий фикр тарихи;
- халқ хўжалиги таҳлили.

Иқтисодий таҳлил ва иқтисодий назария. Иқтисодий таҳлил алоҳида корхоналарнинг хўжалик фаолиятини ўрганишда иқтисодий назария категорияларига асосланади; корхоналар фаолиятини баҳолашда бу фаолият иқтисодий қонунларга бўйсунишига эътиборни қаратади.

Иқтисодий таҳлил ва бухгалтерия ҳисоби. Корхоналарнинг хўжалик фаолиятини таҳлил қилишда бухгалтерия ҳисоби маълумотлари асосий манба ҳисобланади. Бухгалтерия ҳисобининг асосий усулларидан бири бўлган баланс усули иқтисодий таҳлилда ҳам қўлланилади. Иқтисодий таҳлил хулосалари асосида бухгалтерия ҳисобининг назорат функцияси намоён бўлади. Иқтисодий таҳлил ёрдамида бухгалтерия ҳисобининг аналитик аҳамияти ошади ва бу, ўз навбатида, бухгалтерия ҳисоби такомиллашишига олиб келади.

Иқтисодий таҳлил ва аудит. Иқтисодий таҳлил жараёнида аудит ва тафтиш (ревизия) маълумотларидан фойдаланилади. Ўз навбатида, аудитор ва ревизорлар таҳлил натижаларига ўз текширувларида суянадилар. Улар кўпроқ эътиборни иқтисодий таҳлил натижасида аниқланган камчиликларга қаратадилар.

1.3. «Иқтисодий таҳлил» фанининг мазмуни ва предмети

Мамлакатимизда бозор иқтисодиёти дастурини амалга оширишда ва унинг моддий-техника базасини яратишда «Иқтисодий таҳлил» фани муҳим ўрин тутади.

«Иқтисодий таҳлил» фани режалаштириш, ҳисоб ва ҳисоботнинг илмий тизимига асосланади. Чунки режа топшириқларининг реаллиги ҳисоб ва ҳисоботнинг аниқ ҳамда тўғрилигига боғлиқ. Уни бузиш эса, жиноятдир. Шунинг учун ҳам «Иқтисодий таҳлил» фани «Савдо корхоналари иқтисодиётини режалаштириш», «Меҳнатни ташкил этиш», «Бухгалтерия», «Хўжаликни бошқариш», «Статистика» каби фанлар билан узвий боғланган бўлиб, яхлит мустақил фан ҳисобланади. Қайд этилган фанлардан ҳар бири корхоналар иқтисодиётининг айрим соҳаларини ўргатади. «Иқтисодий таҳлил» фанининг бошқа фанлардан фарқи шундаки, у хўжалик фаолиятини тўғри таҳлил қилган ҳолда хўжаликда қандай иш юритилаётганлигини, унинг иқтисодиёти ва ривожланиш даражаси, ривожланишига нималар тўсқинлик қилаётганини, савдо корхоналарида товар айланиш режасининг бажарилаётганини, муомала харажатларини пасайтириш ва рентабелликни оширишда қандай имкониятлар мавжудлигини кўрсатиб беради.

Иқтисодий таҳлилнинг асосий мақсади иқтисодий қонунлардан фойдаланиб хўжаликларда, уларнинг тармоқлари ҳамда таркибий бўлинмаларида самарадорликни ошириш учун, фойдаланилмаётган имкониятларни ахтариб топиш ва улардан самарали фойдаланиш йўлларини аниқлашдир. Дарҳақиқат, таркибий қисмларини ўрганмай туриб, яъни таҳлил қилмай туриб, табиат ва жамиятдаги ҳодисалар сингари иқтисодий ҳодисаларни ҳам илмий жиҳатдан билиб бўлмайди.

«Таҳлил» ибораси грекча «анализ» сўзидан олинган бўлиб, «бўлакларга бўлиш» ёки «ажратиш», «таҳлил қилиш» каби маъноларни англатади. Бинобарин, таҳлил мураккаб ҳодиса ва предметларни таркибий қисмларга бўлиш, ажратиш асосида кўрсаткичларни таққослаш ва ўрганиш, демакдир.

Таҳлил тадқиқ усули бўлиб, шу усул воситаларида ҳодисалар ўртасидаги сабабий боғланиш ва ўзаро боғлиқликлар ўрганилади.

Фан бевосита ишлаб чиқарувчи кучга айланаётган фан-техника инқилоби шароитида таҳлил ҳаётий заруратдир. Усиз табиат ва жамият тараққиётининг объектив қонунларини билиш ва улардан фойдаланиш мумкин эмас.

Аммо инсон онгли фаолиятининг айрим омиллари ва ўрганилаётган предметнинг баъзи томонларини таҳлил қилиш билангина фаолият ёки предмет ҳақида ҳамиша ҳам тўла тасаввур пайдо бўлавермайди. Тўла тасаввур ҳосил бўлиши учун предметдаги айрим таркибий қисмларнинг боғлиқликлари ва ўзаро муаммоларини белгилаб олиш, умумлаштириш, яъни синтез қилиш лозим. Чунки таҳлилсиз синтез бўлмайди. Демак, таҳлил билан синтезнинг узвий боғлиқлигигина объектив олам ҳодисаларини ҳар томонлама ўрганишга имкон беради.

Шундай қилиб, имкониятларни ахтариб, улардан тўғри фойдаланиш йўлларини аниқлаш ва ижтимоий самарадорликни ошириш мақсадида ишлаб чиқарувчи кучлар аҳволини халқ хўжалигида, унинг тармоқлари ва таркибий бўлинмаларида иқтисодий қонунларга амал қилинишини ўрганиш иқтисодий таҳлилнинг асосий мазмунини ташкил этади.

«Савдо корхоналари хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш» курси халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларига хос хусусиятларни эътиборда тутган ҳолда хўжалик фаолиятининг барча томонларини ўргатади.

Бошқа фанлар сингари «Иқтисодий таҳлил» фани ҳам ўзи асосланадиган иқтисодий таҳлил мазмунига кўра тавсифланувчи предметга эга. Савдо корхоналари хўжалик фаолияти таҳлили предмети деб бундай корхоналардаги хўжалик жараёнлари ҳамда ушбу жараёнлар натижаларини, объектив ва субъектив омилларга боғлиқлиги ва бу боғлиқликнинг тегишли иқтисодий ахборотномаларда акс эттирилишига айтилади.

Хўжаликнинг молиявий натижалари объектив ва субъектив омиллар таъсирида шаклланиб, иқтисодий ахборот тизими орқали акс эттирилади. Иқтисодий таҳлил предмети объектив ташқи омил таъсирида шаклланувчи хўжалик жараёнлари ва уларнинг пировард натижалари ҳисобланади. Объектив омиллар хўжалик фаолиятига доимий таъсир кўрсатиб, ўзида иқтисодий қонунлар ҳаракатини акс эттиради. Иқтисодий таҳлил жараёнида кўпинча баҳо оми-

ли, яъни баҳолар, тарифлар, ставкалар ўзгариши мумкин. Чунончи, қиймат қонуни ва бозор қонуни талабига кўра, баҳолар муттасил ўзгариб боради. Бу эса, корхонанинг барча кўрсаткичларига таъсир қилади. Баҳолар, тарифлар, ставкаларнинг ўзгариши таҳлил жараёнида, шунингдек, мураккаб иқтисодий ҳисоб-китоблар амалга оширилишини талаб этади.

Иқтисодий таҳлил предмети, юқорида қайд этганимиздек, объектив ва субъектив омиллар таъсирида шаклланувчи хўжалик жараёнлари ва корхоналарнинг охирги молиявий натижаларидир. Субъектив омил инсоннинг конкрет фаолияти билан боғлиқ.

Мувофиқ тарзда хўжалик юритишга, бизнес режанинг тўлиқ бажарилишига (ҳамма бошланғич позициялар объектив мавжуд бўлганда) у ёки бу ишлаб чиқариш жамоаси ишини оқилона амалга ошириши ишлаб чиқариш, иқтисодиёт, молия жараёнлари тўғри ташкил қилиниши, ижрочининг ўз иши бўйича чуқур билимларга эгалиги, иқтисодий ва ташкилий тайёргарлиги орқали эришилади.

1.4. «Иқтисодий таҳлил» фанининг услуби

«Иқтисодий таҳлил» фанининг услуби хўжалик жараёнларининг ҳолати ва ривожланишини диалектика услубига асосан ўрганади. Бунга хўжаликнинг ички имкониятларини топиш ва иш жараёни самарадорлигини ошириш йўлларини белгилаш мақсадида ишлаб чиқарувчи кучлар ва иқтисодий қонунлар таркибий қисмларини алоҳида-алоҳида кўриб чиқиш орқали эришилади.

Табиат, жамият ва тафаккурнинг ривожланиш қонунларини тадқиқ қилиш ҳамда ўрганишнинг бирдан бир тўғри йўли (илмий услуби) диалектик услубдир. Шунинг учун ҳам бу услуб ҳамма фанларнинг, шу жумладан, «Иқтисодий таҳлил» фанининг ҳам назарий ва услубий асосини ташкил этади. Материалистик диалектика иқтисодий жараёнларни уларнинг ўзаро алоқаси, ҳаракат ва ривожланиши давомида биргаликда ўрганишни талаб қилади.

Бошқа ходисалар билан боғлиқ ва улар қуршовидаги бирор ҳодиса алоҳида олиб кўриладиган бўлса, уни ҳеч қачон тўғри тушуниб бўлмайди. Шу боисдан ҳам айрим хўжаликлар, корхона ва ташкилотлар фаолияти бу фаоли-

ятга оид барча далил ва маълумотларнинг ўзаро боғлиқлигини эътиборда тутган ҳолда комплекс ўрганишни тақозо қилади. Масалан, товар айланиши (обороти) режасининг бажарилишини таҳлил қилишда бу режанинг ғоят жиддийлигини ва унга таъсир қилувчи ва унинг уддаланишини таъминловчи омилларга эътибор қаратиш зарур. Бу омиллар сирасига савдо корхоналарининг тегишли товар жамғармалари, ишчи кучи, машиналар ва моддий-техника ресурслари билан таъминланиш ҳамда шу ресурслардан унумли фойдаланиш даражаси, табиий шароитлари ва бошқалар киради.

Иқтисодий таҳлилда «омил» тушунчаси у ёки бу хўжалик жараёнининг такомиллашиши учун зарур шароитлар ҳамда бу жараёнларнинг натижаларига таъсир этадиган сабабларни англатади.

Савдо корхоналари ва ташкилотларининг фаолияти серқирра. Шу боис, улар бажарадиган ишларнинг натижалари ҳам хилма-хил омилларга боғлиқ. Шунинг учун иқтисодий таҳлил вақтида айрим омил таъсиринигина эмас, балки бутун бир комплекс омиллар таъсирини умумий ва алоҳида-алоҳида ўрганиб чиқиш зарур. Агар иқтисодий таҳлил жараёнида ўзаро боғлиқ омиллардан бирортаси эътибордан четда қолса, таҳлил натижаси бўйича чиқариладиган хулосалар аниқ ва тўғри бўлмайди.

Иқтисодий таҳлил сифатли, хулосаларининг мақбул бўлиши кўп жиҳатдан таъсир кўрсатувчи омиллар чуқур ўрганилишига боғлиқ.

Диалектик материализм услуби шуни ўргатадики, ривожланиш пастдан юқорига қараб содир бўлади, билиш эса оддийдан мураккабга, хусусийдан умумийга томон ривожланиб боради. Шу сабабли иқтисодий таҳлил услуби тадқиқотнинг *индукция* ва *дедукция* усулларини ўз ичига олади. Хусусий, якка факт олиниб, унинг асосида умумий қоида ҳосил қилинадиган бўлса, бу — индукция усули; аввал барча хусусий ҳолларни ўз ичига олган умумий қоида ҳосил қилинадиган бўлса, бу — дедукция усули бўлади.

Иқтисодий ҳаётнинг барча ҳодисалари бир-бири билан сабабий, натижавий боғлиқ. Иқтисодий таҳлилда бу боғлиқликни аниқлаб олиш лозим. Бу корхона ва ташкилот фаолияти натижаларига салбий таъсир кўрсатадиган сабабларнинг олдини олиш имконини беради.

Корхоналар фаолияти самарадорлиги ва бу самарадорликка тегишли омилларнинг таъсир даражаси таҳлил қилинаётганда иқтисодий таҳлил иқтисод ва бошқа фанлар эришган муваффақиятларга таянади. Ўз навбатида, иқтисодий таҳлил услубининг қўлланилиши бошқа иқтисодий фанларни корхонар ва ташкилотлар фаолиятида юз бераётган жараёнлар ҳақидаги янги маълумотлар билан бойитишга имкон туғдиради. Корхона ва ташкилотларининг хўжалик фаолиятини илмий асосда комплекс таҳлил қилмоқ учун диалектик услубни қўллай олиш билан бирга, иқтисодиёт фанларининг бутун тизимини, хусусан, иқтисодиёт назариясини, тугишли корхоналар иқтисодиётини, режалаштириш ва ташкил этишни, бухгалтерия ҳисоби, статистика ва бошқа фанларни чуқур билиш лозим.

Бу фанларни ўрганмасдан, шунингдек, ишлаб чиқарувчи кучлардан, иқтисодий қонунлардан қай тарзда фойдаланиш лозимлигини билмасадан хўжалик фаолиятини чуқур таҳлил қилиш, боз устига корхоналарда иш самарадорлигини оширишга қаратилган ва илмий жиҳатдан асосланган таклифларни ишлаб чиқиш қийин.

Бошқа иқтисодий фанлар услубиёт каби «Иқтисодий таҳлил» фани услубиёти ҳам ўзига хос муҳим хусусиятларга эга. Чунончи, хўжалик фаолиятига таъсир қилувчи омиллар, техника, технология, савдони, ишлаб чиқаришни ташкил этиш кабилар билан боғлиқ омилларни системали ва комплекс текшириш ва таҳлил қилиш «Иқтисодий таҳлил» фани услубиётининг энг муҳим хусусиятларидан бири ҳисобланади. Эслатиб ўтиш керакки, системали таҳлилни комплекс таҳлил билан алмаштириш асло мумкин эмас. Объектни *иерархик* усул (бўйсиниш тартиби) орқали бошқариш, масалан, цехни корхонанинг, бирлашмани тармоқнинг бир қисми ва ҳоказо сифатида *ўрганиш* системали таҳлилга мисол бўлади.

Дарваки айтганидек, иқтисодий таҳлил ва хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш бир нарса эмас. Хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш иқтисодий таҳлилнинг бир бўлаги ҳисобланади. Иқтисодий таҳлилни бошқаришнинг учала даражаси (халқ хўжалиги, тармоқ, корхона) билан боғлиқ хўжалик фаолиятининг таҳлили фақат учинчи даражадаги бошқаришга алоқадор.

Хўжалик ривожланишига таъсир этувчи омилларнинг таъсир даражасини белгилаш орқали бизнес-режанинг бажарилиши, бошқаришнинг самарадорлиги ҳамда фаолиятдаги асосий ва ҳал этувчи масалалар аниқланади. Таҳлил натижалари умумлаштирилиб корхонанинг хўжалик юритиш борасидаги фаолиятига баҳо берилади ҳамда барча имкониятларнинг йиғма ҳисоби аниқланади.

Маълумки, иқтисодий кўрсаткичлар бир-бирлари билан ҳар томонлама сабабли боғланишда. Таҳлил усулининг вазифаси ана шу сабабларни аниқлашдир. Таъкидлаш лозимки, ҳатто, айрим олинган иқтисодий кўрсаткичларга бир қанча сабаблар таъсир кўрсатади. Бу сабабларнинг ҳаракатини аниқлаш эса жуда ҳам мураккабдир. Шу сабабли аввало асосий ва ҳал қилувчи сабаб ва омиллар таъсирини аниқлаш керак. Шундай қилиб, таҳлилнинг дастлабки шарти хўжалик фаолиятига таъсир этувчи сабабларни иқтисодий белгиларига қараб, тўғри туркумлаш ҳисобланади. Масалан, товар маҳсулоти ҳажмининг ўсиш суръатига таъсир этувчи омиллар 3 гуруҳга:

· меҳнат омиллари;

· меҳнат воситалари, омиллари;

· меҳнат предметлари омиллари гуруҳларига умумлаштирилади.

· меҳнат омилларига корхонанинг ишчи кучи билан таъминланиши, иш вақтидан фойдаланиши ва меҳнат унумдорлиги;

· меҳнат воситалари омилларига эса, корхонанинг асосий фондлар билан қай даражада таъминланганлиги, уларнинг ҳажми, таркиби, ўсиш суръатлари, техник ҳолати ва улардан фойдаланиш самарадорлигининг даражаси сингарилар;

· меҳнат предметлари омилларига корхонанинг хом ашё ва асосий материаллар билан таъминланганлиги ва улардан фойдаланиш самарадорлиги даражаси кабилар киради.

Юқорида санаб ўтилган омиллар мустақил ва ўзига ҳос маънога эга, шу билан бирга бир-бири билан узвий равишда боғланган. Аммо уларнинг таъсирини механик тарзда бир-бирига қўшиб ҳам бўлмайди. Чунончи, меҳнат унумдорлиги ўсиши ишчилар малакаси ва иш вақтидан самарали фойдаланилишига (меҳнат омиллари); меҳнат унумдорли-

ги ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражасига (меҳнат қуроллари омиллари) ҳамда хом ашё ва материаллардан тежамкорлик билан ва оқилона фойдаланишга (меҳнат предметлари омиллари) боғлиқ.

Ўз навбатида ҳар бир гуруҳ таркибий қисмларга бўлинади. Чунончи, меҳнат омиллари миқдор ва сифат кўрсаткичларидан иборат. Миқдор кўрсаткичларига ишчиларнинг рўйхатдаги ўртача сони кирса, сифат кўрсаткичига меҳнат унумдорлиги даражасининг ўсиши мисол бўлади. Бир ишчига тўғри келувчи йиллик иш унумдорлиги:

- бир ишчи томонидан бир йилда ишланган ўртача иш кунларига;
- ўртача иш кунларининг узунлигига;
- бир ишчига тўғри келувчи ўртача соатлик иш унумига боғлиқ.

Кўриниб турибдики, бир кўрсаткич иккинчи бир кўрсаткич билан узвий равишда боғланган бўлиб, ўзига хос занжирсимон яхлит шакл ҳосил қилади.

1.5. Корхоналарда иқтисодий таҳлилни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби

Режаларнинг илмий асосланишига режалаштиришдан олдинги давр учун ташкилотлар ва корхоналар хўжалик фаолиятини чуқур таҳлил қилиш орқали эришилади. Иқтисодий таҳлил ташкилотлар ва корхоналар молиявий-хўжалик фаолиятини ўрганиш усуллари тизимидир. Ундан режани иқтисодий асослаш ва унинг бажарилишини таҳлил қилишда фойдаланилади.

Таҳлилни тўғри уюштириш учун аввало, таҳлил режасини ишлаб чиқиш, мавжуд материалларни ўрганиш, жадваллар тузиш, чизмалар тайёрлаш ва таҳлил қилинадиган материалларнинг сифатини текшириш лозим. Тўғри ва синчиклаб текширилган маълумотлар ёрдамидагина хўжалик фаолиятининг яхши томонларини кўрсатиш, камчиликларни очиб ташлаш ва ишни яхшилашга оид чораларни белгилаш мумкин.

Таҳлил режасини тузишда корхона ва ташкилотлар хўжалик фаолияти таҳлилининг тахминий тузилишидан фойдаланиш мумкин (1-жадвал).

Хўжалик фаолияти таҳлили билан корхона ва ташкилотларнинг хизматчилари, юқори ташкилотлар, молия, банк тизимлари ва манфаатдор бошқа ташкилотлар шуғулланади.

1-жадвал

Савдо корхоналари ва ташкилотлари хўжалик фаолияти таҳлилининг тахминий режаси

Савдо корхонасининг хўжалик фаолиятини юқори ташкилотлар, туман ва шаҳар бошқармалари, уюшмалар, шунингдек, режалаштирувчи ва молиявий органлар, давлат

№	Таҳлил мавзуи	Таҳлил манбаи	Муддати	Таҳлил ўтказувчи шахс
1.	Ҳисобот йилида йиллик товар айланиши режаси бажарилишининг таҳлили	Йиллик ҳисобот, савдо-молия режаси	III – IV	Мутахассис, иқтисодчи ходим ва ҳ.к.

банки, давлат статистика, солиқ органлари ва бошқа ташкилотлар таҳлил қилади.

Юқори ташкитлотлар иқтисодий таҳлил ёрдамида давлат интизомига риоя этилишини, режалар бажарилишини назорат қилиб турадилар, режалаштириш ва бошқаришни такомиллаштирадилар ва мавжуд молиявий ресурслардан янада самаралироқ фойдаланиш имкониятларини қидириб топадилар.

Таҳлил режаси бажарилишига асосан корхоналарнинг иқтисодчилари маъсул ҳисобланадилар. Бу жараёнга, шунингдек, хўжаликдаги мутахассислар ва бошқа хизматчилар ҳам жалб этилиши, молиявий ишларнинг бажарилишини таҳлил қилишда эса бош ҳисобчи иштирок этиши лозим. Улар иқтисодчи билан биргаликда хўжалик кўрсаткичларини янада яхшилашга қаратилган аниқ таклифларни ишлаб чиқишлари ҳамда бу таклифларни хўжилик раҳбарларига топширишлари керак. Энг муҳими, хўжаликда аналитик ишлар ташкил этилишини режа тузиш билан тугатиш керак эмас. Чунки энг яхши тузилган таҳлил режаси ҳам имкониятлардан фойдаланиш ва ходимларни режани бажаришга сафарбар қилишни кўзда тутадиган ташкилий ишлар билан мутаҳкамланмаса, қоғозда қолиб кетиши мумкин. Шундагина у корхоналар иқтисодини мус-

таҳкамлашда мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланишга ёрдам беради. Режанинг бажарилишини пухта назорат қилиб туриш, мунтазам текширув олиб бориш интизомни мустаҳкамлаш ва иш учун жавобгарлик даражасини оширишнинг самарали чорасидир.

Таҳлилнинг сифатли қилиб ўтказилиши у қай даражада ташкил қилинишига боғлиқ. Таҳлил жараёнида таҳлил даврини беш босқичга бўлиш мумкин:

1. Таҳлил режаси ва дастурини тузиш. Режада: кўзда тутилиши:

· кўриладиган масалалар ва таҳлил йўналиши акс эттирилган дастур тузиш;

· таҳлил усули;

· таҳлил қилинадиган мавзу (корхона);

· таҳлилнинг вазифаси ва мақсади;

· муддати;

· таҳлилни ўтказадиган шахс (бухгалтер, иқтисодчи ва бошқа ходимлар) белгиланади.

2. Таҳлил учун зарур манбаларни танлаш ва уларнинг тўғрилигини текшириш керак.

3. Таҳлилга жалб қилинган материалларни бир тизимга келтириб, аналитик жадвалларга жойлаштириш ва таҳлил қилинаётган кўрсаткичларга таъсир кўрсатувчи омилларни аниқлаш ҳамда ўрганиш лозим.

4. Таҳлил якунини ҳужжатларда расмийлаштириш. Бунда аниқланган камчиликлар, ишни яхшилаш юзасидан берилган таклифлар, мавжуд имкониятлар кўрсатилади.

5. Таҳлил якунига кўра, берилган таклифларни жорий этиш ва кўрсатилган камчиликларни бартараф қилиш устидан назорат ўрнатиш.

Таҳлил босқичлари ўрганилгандан сўнг иқтисодий таҳлил мавзуи ва аломат (белги)ларига кўра, қуйидагича туркумланиши мумкин: а) мавзуи; б) субъекти (ким таҳлил қилади); в) мақсади (нима учун таҳлил қилинади); г) даврийлиги (вақти-вақти билан ўтказилиши); д) таққосланиш кенглиги; е) такрорланиши; ж) режага нисбатан; и) саволларнинг мазмуни; к) мавзунинг таҳлилга жалб этилиши.

Иқтисодий таҳлилни ўз навбатида, мавзу бўйича қуйидаги турларга ажратиш мумкин: халқ хўжалиги бўйича; иқтисодий ёки маъмурий район бўйича; айрим олинган ишлаб чиқаришнинг муҳим тармоқлари – саноат, қишлоқ

Sanoat
№ 438560

хўжалиги, транспорт, давлат, кооператив, хусусий савдо корхоналари ва ҳоказо.

Иқтисодий таҳлилнинг субъекти эса, шу корхонада ташкил этилган иқтисодий таҳлил бюроси, хўжаликни бошқариш органлари, кредит, молия, статистика ва солиқ ташкилотлари, кенгаш ва касаба уюшмаси ташкилотлари ва ҳоказоларни ўз ичига олади.

1.6. Иқтисодий таҳлил жараёнида қўлланиладиган усуллар

Хўжалик фаолиятини ўрганиш учун умумий асос қилиб олинган услубга кўра, таҳлил жараёнида текшириш маълумотларига ишлов бериш ва омилларни аниқлашда таҳлилнинг махсус усулларидан фойдаланилади.

Корхона ва ташкилотларнинг хўжалик фаолиятини ўрганиш ва комплекс таҳлил қилишда қуйидаги усуллардан фойдаланиш мумкин: таққослаш, фоиз чиқариш, коэффициент, индекс, ўсиш қаторлари, режа кўрсаткичларини қайтадан ҳисоблаш, айирмалар усули, занжирли боғланиш, кўрсаткичларни баланс билан боғлаш, корреляция, ҳисобда математик усулларни қўллаш, чизиқли дастурлаштириш, аналитик жадваллар тузиш, чизма усули, ўйин усули, умумий хизмат кўрсатиш усули ва ҳоказо.

Таҳлилда юқорида қайд этилган усуллардан фойдаланиш хўжаликда янги имкониятларни топишга ёрдам беради, иш фаолиятини янада оширади.

Таҳлилда энг кўп қўлланиладиган усуллардан бири — таққослаш усули бўлиб, унда бир нечта иқтисодий кўрсаткичлар ўзаро таққосланади. Жумладан, ҳақиқатда эришилган натижалар жорий режа ёки келажакдаги режа топшириқлари билан, мажбуриятлар билан; йиллик ёки даврий ҳисобот кўрсаткичлари ўтган йилги ёки даврий маълумотлар билан; ўрганилаётган хўжалик кўрсаткичлари шунга ўхшаш бошқа хўжалик кўрсаткичлари билан, шунингдек, туман, вилоят, республика ўртача кўрсатлари билан, хўжаликнинг ҳақиқий кўрсаткичлари шу хўжалик ичидаги бўлинмаларнинг ўхшаш кўрсаткичлари билан солиштирилади. Таққослаш усулининг мазкур шакллари савдо корхоналарида ва ташкилотларида товар айланиши режасининг

бажарилишини таъминлаш, муомала харажатларини камайтириш ҳисобига рентабеллик даражасини ошириш имкониятларини топишга, таҳлил қилинаётган хўжаликда илғор тажрибалар жорий қилинишига ёрдам беради.

Таққослашда вазиятга қараб, натура ёки қиймат кўрсаткичидан, мутлақ (абсолют) ёки нисбий кўрсаткичдан фойдаланиш мумкин. Лекин таққосланадиган кўрсаткичлар солиштирилиши, яъни яхлит ва миқдорий омиллар бирлиги ҳамда вақт даври мутаносиблиги таъмин этилиши шарт.

Статистик гуруҳлаш усули. Маълумотларни маълум белгиларига кўра гуруҳларга бўлиш статистик текширишнинг муҳим усули ҳисобланади. Бу усул ёрдамида хўжалик бўлинмалари, товар айланиши ҳажми, меҳнат унумдорлигининг товар айланиши ҳажмига боғлиқлиги ва бошқалар аниқланади. Статистик гуруҳлаш усули, шунингдек, савдо корхоналарида режалаштириш ва режанинг бажарилиши устидан назорат юритишда, корхона ва ташкилотларнинг ривожланишига доир материалларни ўрганиш ва шу асосда уларнинг хўжалик фаолиятини янада кучайтириш тадбирларини белгилашда қўлланилади. Бу усул статистик гуруҳлар усули дейилишининг боиси шундаки, унда кўрсаткичлар бир қанча статистик маълумотларни гуруҳларга бўлиш асосида ўрганилади. Статистик гуруҳлаш усули орқали иқтисодий кўрсаткичлар сифат жиҳатидан бир хил бўлган гуруҳларга бўлинади ва айрим кўрсаткичлар ўртасида бир-бирига боғланишлар борлиги ҳамда ўрганилаётган ҳодисаларнинг энг асосийси, муҳими қайси эканлиги ва унинг таъсир даражаси аниқланади. Умуман, статистик гуруҳлаш усули ёрдамида сифати бир хил бўлган кўрсаткичлар бир гуруҳга бирлаштирилади.

Масалан, савдо корхоналари (дўкон) товар айланиши режаси бажарилишига қараб, товарни туркумларга ажратиш, бу туркумнинг кўрсаткичларига асосан, товар айланиши режасининг бажарилиш суръати пасайиши билан муомала харажатлари ўртача даражаси ошишини аниқлаш, бунга мисол қилиб, товар айланиши режасининг бажарилиши муомала харажатлари даражасига боғлиқлигини кўрсатиш мумкин.

2-жадвал

Савдо корхоналарида (дўконлар)да товар айланиш режасининг бажарилиши ва муомала харажатлари даражаси

Дўконлар гуруҳи бўйича товар айланиши режасининг бажарилиши, %	Дўконлар сони	Битта дўконга тўғри келадиган ўртача йиллик товар айланиши ҳажми, минг сўм	Дўконлар гуруҳи бўйича товар айланиши режасининг бажарилиши, %	Муомала харажатлари даражаси товар айланиши ҳажмига нисбатан, %	
				режа бўйича	ҳақиқатда
85 гача	10	12230	82,0	18,6	20,0
85-90	13	12800	88,0	18,3	19,2
91-95	15	12870	93,0	18,2	18,1
96-100	17	13000	97,0	18,1	17,9
101-105	20	13200	102,0	18,0	17,5
106 дан юқори	8	14100	106,0	17,9	17,4

Маълумотларни статистик таҳлил қилишда жадвалларнинг тўғри тузилишига алоҳида аҳамият бериш керак. Чунки таҳлилнинг сифати кўп жиҳатдан жадвалларнинг тўғри тузилишига боғлиқ. Жадваллар қанчалик пухта, мукаммал тузилса, уларда рақамлар тўғри ва аниқ қайд этилса, текшириш натижалари ҳақида ишончли маълумот олиш мумкин бўлади. Акс ҳолда улар иқтисодий жараёнларнинг бирбирига боғлиқлиги ҳамда уларнинг ривожланиш қонуниятлари ҳақида аниқ тасаввур бермайди.

Жадвалларнинг шакллари жуда хилма-хил бўлиши мумкин. Улар иқтисодий таҳлилнинг мақсад ва вазифаларига қараб, ўзгариб туради.

Иқтисодий таҳлил тажрибаларида ўртача ва нисбий кўрсаткичлардан фойдаланилади. Ўртача кўрсаткичлар ўртача арифметик ва ўртача хронологик кўрсаткичлар бўлиб, уларнинг бири иккинчисидан фарқ қилади.

Ўртача арифметик кўрсаткичлар оддий ўлчамдир.

Ўртача оддий арифметик кўрсаткичлар суммаси ўша суммага қўшилувчилар сонига бўлиб белгиланади. Масалан, савдо корхонасида 1750 сотувчи ишласа, бир йиллик товар айланиши ҳажми 75000 минг сўм бўлса, у ҳолда битта сотувчига бир йилда тўғри келадиган товар айланиши ҳажми 42857 сўмни ташкил этади.

Агар 15 та дўконнинг бир йиллик товар айланиши 216000 минг сўмни ташкил қилса, бу ҳолда битта дўконда ўрта ҳисобда 14400 минг сўмлик товар айланади.

Ўртача ўлчам жами арифметик кўрсаткичларда салмоғи ҳар хил бўлган хилма-хил вариантларнинг ўртача кўрсат-

кичларини ҳисоблашда қўлланилади. Масалан, бир неча йиллик муомала харажатлари ва рентабеллик даражаларини товар айланиши ҳажмига нисбатан белгилаш мумкин.

Ўртача хронологик кўрсаткич вақтида ўзгарадиган кўрсаткичлардан (йиллик ўртача товар заҳиралари, йиллик муомала маблағларининг ўртача қиймати, асосий капиталнинг йиллик ўртача қиймати ва ҳоказо) ҳисоблаб чиқарилади.

Нисбий рақам – бир абсолют рақамнинг бошқасига нисбатан аниқланадиган кўрсаткичидир. Фоизлар, коэффициентлар, индекслар шулар жумласидандир.

Фоизлар рақамлар ўртасидаги нисбатни, шунингдек, режа бажарилишини ифодалашда, кўрсаткичларни динамик таққослашда, тузилиш улушини белгилашда, рентабеллик кўрсаткичлари ва бошқаларни ифодалашда кенг қўлланилади.

Коэффициентлар – таққослаб кўриладиган рақамлардан бирининг иккинчисига қараганда катта ёки кичиклигини кўрсатувчи нисбий рақамдир. Бунда таққослаш асосида коэффициент олинади. Масалан, бир кунлик иш вақти 9 соат, смена меъёри 7 соат бўлган сотувчининг сменадаги иш коэффициенти $\frac{9}{7} = 1{,}3$ бўлади.

Индекслар бевосита жамлаб бўлмайдиган мураккаб иқтисодий ҳодисалардаги (масалан, бир неча хил товарлар сотиладиган нархлардаги ва ҳоказолардаги) ўзгаришларни ифодалайдиган кўрсаткичлардир.

Таққослаш асосига қараб индекслар *базисли (асосий) ва занжирли* индексларга бўлинади. *Базисдан индекслар* ҳисоблаб чиқарилганда биринчи (асосий) кўрсаткич 100 ёки коэффициент ҳисобида олинади, ундан кейин келадиган рақамлар (кўрсаткичлар) асосий кўрсаткич саналиб, нисбатан фоизларда ёки коэффициентларда ҳисобланади.

Занжирли индекслар ҳисоблаб чиқарилганда дастлабки давр кўрсаткичи эмас балки кейин келадиган ҳар қайси кўрсаткич асос қилиб олинади, яъни уларнинг асоси ўзгариб туради, бошқача қилиб айтганда, улар ўзгарувчи асосга эга бўлади. Занжирли индекслар корхоналарнинг умумий фаолиятини изоҳлашга, товар айланиши режаси бажарилишини, ялпи даромад ва фойда миқдори кўпайи-

шини таъминлашга, муомала харажатларини камайтириш имкониятларини қидириб топишга ёрдам беради.

Айирмалар усули таҳлил қилинаётган (ҳисобот) кўрсаткичларнинг асосий кўрсаткичларга нисбатан айирмаларини белгилаш учун қўлланилади. Айирмалар усулини ишлатиб, режа билан ҳисобот ўртасидаги айирмани аниқлаймиз.

Занжирли боғланиш усули ишнинг натижасига таъсир қилувчи бир неча омилларни аниқлаш учун қўлланилади. Чунки омиллардан ҳар бири ўзгарувчан деб фараз қилинса, мумкин бўлган ҳар қандай комбинациянинг натижалари топилади. Бу усулни чуқур тушуниб олмоқ учун аниқ бир мисол келтирамиз.

Масалан, товар айланиши ҳажмининг ўзгариши сотувчилар сони билан меҳнат унумдорлигининг ўзгаришига боғлиқ, бу икки омилнинг товар айланиши ҳажмига таъсирини аниқлаш учун занжирли боғланиш усули ишлатилади. Бунинг моҳиятини қуйидаги мисолда кўриш мумкин:

3-жадвал

Сотувчилар сони ва меҳнат унумдорлиги ўзгаришининг товар айланиш ҳажмига таъсири

Кўрсаткичлар номи	Режа бўйича	Ҳақиқатда	Фарқи; +,-
Сотувчилар сони	10	8	- 2
Битта сотувчига тўғри келадиган ўртача йиллик товар айланиши ҳажми, минг сўм.	500	600	Қ 100
Товар айланиши ҳажми, минг сўм	5000	4800	- 200

Юқоридаги жадвалда келтирилган маълумотлардан фойдаланиб, товар айланиши ҳажмининг ўзгаришига таъсир қилувчи омиллар– сотувчилар сони ва меҳнат унумдорлигининг ўзгаришини қуйидаги занжирли боғланиш орқали аниқлаш мумкин:

4-жадвал

Сотувчилар сони ва меҳнат унумдорлигининг ўзгаришини занжирли боғланиш орқали аниқлаш

Ҳисоб турлари	Сотувчилар сони, нафар	Битта сотувчига тўғри келадиган товар айланиши, минг сўм	Умумий товар айланиши ҳажми, минг сўм	Таъсир кўрсатувчи омиллар, -,+
1- ҳисоб	режа 10	режа 500	режа 5000	-
2 - ҳисоб	ҳақик. 8	режа 500	хисоб. 4000	- 1000
3 - ҳисоб	ҳакик. 8	ҳақик. 600	ҳакик. 4800	+ 800
				- 200

Кўрсаткичларни балансли боғлаш усули таҳлилдагина эмас, балки бухгалтерия ҳисоби ва уни ривожлантиришда ҳам кенг қўлланилади. Бу усулдан бир-бири билан боғлиқ миқдорлар мувозанатига ишонч ҳосил қилиш ёки маълум бўлган бир неча омиллар ёрдамида номаълум омилнинг таъсирини аниқлаш зарурати туғилган ҳолларда, чунончи, товар ва бухгалтерия балансини тузишда ва реализация ҳажмига таъсир кўрсатувчи омилларни таҳлил қилишда ҳамда корхонанинг тўлаш қобилиятини аниқлашда фойдаланилади.

Корреляция — таҳлил усулидир. У ўрганиладиган ҳодисалар ўртасидаги алоқа фаолияти тобелик кўринишида бўлмаган ҳолларда қўлланилади.

Бу усул математик - статистика усуллари ёрдамида турли йўналишда таъсир кўрсатувчи айрим омиллар ўртасидаги турли даражалар (алоқа зичлиги)нинг боғлиқлигини ҳисоблаб чиқишга, улар ўртасидаги энг мувофиқ нисбатни топишга ҳамда натижавий кўрсаткич билан уни тақазо қилган омил ёки омиллар ўртасидаги миқдорий боғлиқликни белгилашга имкон яратади. Иқтисодий таҳлилда корреляция усули ўрганиладиган ҳодисаларни пухта билиб олишга, иқтисодий тадқиқотнинг самарадорлигини оширишга кўмаклашади. Шунингдек, муайян миқдордан фойдаланиш, масалан, муомала харажатлари даражаси билан чакана товар айланиши орасидаги, товар айланиши ҳажми билан товар заҳиралари орасидаги, умумий товар айланишининг ўсиш суръати билан айрим товарларни сотиш ва ҳ.к.лар орасидаги боғлиқликни белгилаш имконини беради.

Бу усулда иккита кўрсаткичнинг алоқа зичлиги алоҳида коэффициентлар билан ўлчанади. Уларнинг муносабати ва ўзгариши 0 дан 1 гача. Корреляция муносабати чегарасининг 0,1—0,3 гача бўлиши бўш; 0,4—0,5 етарли; 0,5—0,7 сезиларли; 0,7—0,9 юқори; 0,9—0,99 жуда ҳам юқори ҳисобланади.

Чизиқли режалаштириш усули бир-бири билан боғлиқ мураккаб ҳодисаларни таҳлил қилишда қўлланилади. Бу усул корхонанинг иқтисодий фаолиятига оид кўп масалаларни, хусусан, оз сарфлаб, юқори натижаларга эришишни таъмин этадиган мувофиқ режали йўлни таҳлил қилишда энг мувофиқ вариантлар топишга имкон яратади; транспорт харажатларини таҳлил қилишда, савдо корхоналарига товарларни бир меъёрда етказиб беришда транспорт воситаларидан фойдаланишнинг муқобил вариантини

аниқлашда қўлланилади. Бунда ҳисоб-китоблар ҳисоблаш техникаси воситасида амалга оширилади.

Аналитик жадваллар тузиш усули – таҳлилнинг муҳим усулидир. Таҳлилнинг сифати кўп жиҳатдан жадвалларни ишлаб чиқиш сифатига боғлиқ. Яхши тузилган жадвал рақамларни мантиқий изчилликда жойлаштиришга, текшириш натижаларини очиқ-ойдин, аниқ ва ишонарли тарзда ифодалашга имкон беради. Жадвал мазмуни таҳлилнинг мақсади ва вазифасига боғлиқ.

Кўрсаткичларнинг чизма тасвири усули – таҳлилни қисқа муддатида ва жадал ўтказишда, масалан, режанинг бажарилиш даражасини, кўрсаткичлар, тузилишлар, ўзаро алоқалар динамикасини ўрганишда кенг қўлланилади. Кўрсаткичларнинг чизма ёки геометрик шаклдаги қўлам (масштаб)ли тасвири аналитик жадвалларга муҳим қўшимчадир. Улар кўплаб кўрсаткичларни аниқ ва равшан тарзда таърифлашга, корхонанинг ишлаб чиқариш мобайнидаги ўсиш суръатлари ва ҳисобот давридаги хўжалик фаолияти натижаларини кенг оммага тушунарли қилиб етказишга ёрдам беради.

1.7. Иқтисодий таҳлилнинг турлари

Таҳлилнинг турларини туркумлаш уларни умумлаштириш ва бир системага келтириш, энг муҳим томонларини аниқлаш ҳамда фанни, хусусан, «Иқтисодий таҳлил» фанини истиқболда янада такомиллаштириш учун кенг имконият очиб беради. Таҳлилнинг барча турлари ўз белгиларига қараб, маълум гуруҳларга умумлаштирилади. Гуруҳлашган бундай белгиларга қуйидагиларни киритиш мумкин: таҳлилнинг вазифалари, уни ўтказиш муддати, қабул қилинадиган қарорларнинг хусусияти, корхоналар фаолиятини ўрганишнинг асосий жиҳатлари, резервларни аниқлаш усуллари, ўрганиладиган объект, таҳлил қилинадиган субъект, ўрганиладиган ҳодисаларнинг кўлами, ахборотларни қайта ишлаш усуллари кабилар. Барча турдаги таҳлиллар бажарадиган вазифаларига қараб, қуйидаги гуруҳларга умумлаштирилади: бизнес-режанинг тиғизлиги ва асосланганлигини баҳолаш, унинг бажарилишини назорат қилиш ва эришиладиган натижаларни олдиндан айтиб бе-

риш (прогноз), эришилган натижаларни объектив баҳолаш ва шу мақсадда корхона фаолиятига боғлиқ бўлган ва боғлиқ бўлмаган сабабларни аниқ белгилаш, ички хўжалик ҳисобини якунлаш; резервларни аниқлаш ва ишлаб чиқаришга жалб этиш, келгусида режалаштириш учун асос (база)ни аниқлаш, мақбул бошқарув қарорлари қабул қилиш учун аналитик вариантларни аниқлаш.

Иқтисодий таҳлил даврийлиги ва такрорланиши жиҳатидан *бир йўла ўтказиладиган* ёки *вақти-вақти билан ўтказиладиган таҳлилга* бўлинади. *Бир йўла ўтказиладиган таҳлил* айрим сабабларга кўра, бир маротаба амалга оширилиши мумкин. Вақти-вақти билан ўтказиладиган таҳлил эса, айрим олинган иш вақти, иш жараёнининг доимий такрорланиши, режанинг бажарилиши устидан назорат ўрнатиш мақсадида ўтказилади.

Вақти-вақти билан ўтказиладиган таҳлил, ўз навбатида, *тез ва қисқа муддатда ўтказиладиган, ретроспектив (ўтмишга қаратилган) ва перспектив таҳлилга* бўлинади.

Тез ва қисқа муддатда ўтказиладиган таҳлил корхона ва ташкилотлар хўжалик фаолиятининг, яъни шу корхона ва ташкилотларнинг бир сменада, бир кунда, ўн кунликда ва бир ойда бажарилган ишлари таҳлилидан иборат бўлади. Тез ва қисқа муддатда ўтказиладиган таҳлил жараёнида зудлик билан тайёрланадиган ҳисобот маълумотларидан, назорат ва ҳисоблаш асбобларининг кўрсатмалари, раҳбар ва шу ишни бажарадиган ходимларнинг малакаси ва бошқалардан фойдаланилади.

Ретроспектив таҳлил. Корхоналарнинг амалий фаолиятида асосан жорий таҳлилни ўтказиш усули тўла ишлаб чиқилган.

Жорий таҳлилда расмий жиҳатдан қабул қилинган ҳисоботга таянган ҳолда корхоналарнинг ойлик, чорак, (квартал)лик, йиллик фаолияти таҳлил қилинади. Жорий таҳлилнинг асосий вазифаси хўжалик фаолиятида эришилган пировард натижаларга объектив баҳо бериш, фойдаланилмаган ички хўжалик имкониятларини комплекс тарзда аниқлаш ва уларни келгусида ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга жалб этиш ҳисобланади.

Жорий таҳлилнинг кенг кўламда қўлланишига қуйидагилар сабаб бўлади: биринчидан, таҳлилнинг барча вазифа-

лари бизнес-режанинг тўғрилиги ва асосланганлиги, унинг бажарилишини назорат қилиш, хўжалик фаолиятида эришиладиган натижаларни олдиндан айтиб бериш, меҳнат, моддий ва молия ресурсларидан самарали фойдаланиш ва ҳоказолар жорий таҳлил зиммасига тушади; иккинчидан, жорий таҳлилнинг кенг кўламда қўлланилишига барча корхоналарнинг тасдиқланган ягона ҳисобот шаклларига асосан юқори ташкилот, статистика, молия ва солиқ органлари, давлат банкига ҳисобот топшириш вазифасининг зарурлиги; учинчидан, жорий таҳлилнинг бажариладиган аналитик ишларда тутган салмоғи 90 фоизни ташкил қилади, чунки дастлабки ва оператив таҳлилни ўтказиш усули ҳали тўла ишлаб чиқилмаган; тўртинчидан, жорий таҳлилда корхонанинг хўжалик фаолияти чуқур, ҳар томонлама ва комплекс равишда ўрганилади, чунки ходимнинг ихтиёрида барча аналитик ахборотлар манбаи муҳайё; бешинчидан, хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш тарихан жорий таҳлилдан бошланган; олтинчидан, иқтисодий таълим йўналишидаги олий ўқув юртларида мутахассисларни тайёрлаш ҳам жорий таҳлил асосида олиб борилади.

Жорий таҳлил учун ойлик, чорак, (квартал)лик ва йиллик ҳисоботлар асосий ахборотлар ҳисобланади.

Жорий таҳлилнинг субъекти корхонанинг иқтисодий бўлимлари, юқори ташкилот, молия, солиқ ва статистика органлари, давлат банки объекти – корхоналар, уларнинг филиаллари, бошқармалар ва вазирликлардир.

Жорий таҳлилнинг дастлабки ва оператив таҳлилдан устунлиги шундаки, уни ўтказишда ахборотлар тизими изчиллик ва комплекслилик хусусиятларига эга бўлиб, расмий жиҳатдан қабул қилинган бухгалтерия ва статистика ҳисоботларига асосланилади.

Оператив таҳлил корхонанинг хўжалик фаолиятини бошқаришда шу кундаги ишлаб чиқариш жараёнини тез (оператив) идора этишда қўлланилади. У қисқа муддатли таҳлил бўлиб, ишлаб чиқариш жараёнида рўй берган четга чиқишларни оператив равишда аниқлайди ва уларни бартараф қилиш чораларини кўради. Оператив таҳлилнинг асосий вазифаси топшириқлар ижросини мунтазам назорат қилиш, маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни сотиш жараёнини кунбакун, шу кунги ишлаб чиқариш имкониятларини ўз вақтида аниқлаш ва ишлаб чиқаришга жалб қилиш ҳисобланади. Опе-

ратив таҳлил бошқарув тизими ходимларининг тахминан 50 фоиз иш вақтини олади. Амалда эса унинг умумий бажариладиган аналитик ишларда тутган салмоғи 10 фоизни ташкил этади. Оператив таҳлил жорий таҳлилдан фарқли ўлароқ, асосан бошланғич маълумотларга асосланади.

Оператив таҳлил ўз ичига қуйидагиларни олади:

· корхонада асосий миқдор ва сифат кўрсаткичлари ҳамда унинг бўлинмаларида, смена, сутка, беш кунлик ва ўн кунлик (декада)да четга чиқишларни аниқлаш;

· меъёрдан чиқишга таъсир қилувчи омилларни аниқлаш;

· камчиликларга йўл қўйган жавобгар шахсларни аниқлаш;

· салбий омилларни бартараф қилиш учун тадбирлар ишлаб чиқиш;

· эришилган натижаларга белгиланган вақтда якун ясаш ва илғор звеноларни аниқлаш.

Оператив таҳлил, одатда, қуйидаги кўрсаткичлар бўйича олиб борилади: маҳсулотни ишлаб чиқариш, жўнатиш ва сотиш, ишчи кучидан, асбоб-ускуна ва моддий ресурслардан фойдаланиш, таннарх, фойда ва рентабеллик, тўлов қобилияти. Демак, жорий таҳлилда ўрганиладиган иқтисодий кўрсаткичлар сони оператив таҳлилда ўрганиладиган кўрсаткичлардан анча кўп. Оператив таҳлилнинг натижаси жорий таҳлил натижасидек ўта аниқ бўлмайди. Чунки, ойнинг хоҳлаган кунида ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг ҳақиқий таннархини ёки маҳсулот таннархи пасайиши натижасида олинган фойда миқдорини аниқ ҳисоблаб чиқиш мумкин эмас, негаки маҳсулотнинг қанча қисми шу ойда сотилади, қанча қисми эса келгуси ойда сотилишини олдиндан аниқ ҳисоблаб бўлмайди. Бу камчилиги оператив таҳлилнинг аҳамиятини камайтирмайди, зеро, оператив таҳлил орқали олинган натижаларнинг мутлақ аниқлигидан кўра, уларни ўз вақтида олиш аҳамиятлироқ.

Молиявий - иқтисодий таҳлил. Ушбу таҳлилнинг моҳияти умумий қиймат кўрсаткичлари тизимини ўрганиш ва корхоналарнинг молиявий фаолияти натижаларини таҳлил қилиш билан ифодаланади. Умумлашган қиймат кўрсаткичларига қуйидагилар киради: реализация бўйича режанинг шартнома мажбуриятини адо қилган ҳолда бажарилиши, товар маҳсулоти, бир ишловчига тўғри келувчи йиллик иш унуми, маҳсулот таннархи, фойда ва шу кабилар. Таҳлил

қилиш жараёнида ана шу қиймат кўрсаткичлари батафсиллаштирилади. Масалан, маҳсулот ҳажми —таққосланадиган ва таққосланмайдиган, уларни ишлаб чиқаришни ўзлаштириш муддатлари бўйича, ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш бўйича, маҳсулотнинг сифати кабилар. Маҳсулот таннархи кўрсаткичи умуман ва уларнинг элементлари ва калькуляция моддалари бўйича ўрганилади. Фойда олиш бўйича белгиланган режанинг бажарилишига таъсир этувчи омиллар батафсил таҳлил қилинади. Умумлашган меҳнат унумдорлиги кўрсаткичи бир ишчига тўғри келувчи йиллик, кунлик ва соатлик иш унумини ўз ичига олади.

Молиявий-иқтисодий таҳлилга хос муҳим хусусиятлардан бири — бу, асосий ахборот олиш манбалари, Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган ҳисобот шаклларидан фойдаланиш ҳисобланади.

Шундай қилиб, молиявий иқтисодий таҳлилнинг предмети корхоналар хўжалик фаолиятининг турли томонлари, хўжалик юритиш жараёни, иқтисодий кўрсаткичларнинг бир-бири билан сабабий боғланиши, субъекти эса корхона, вазирлик, бошқарма, молия-кредит идоралари ва статистика органларининг иқтисодиёт бўлинмалари саналади.

Шу билан бирга корхоналар таҳлил объекти ҳам ҳисобланиб, уларнинг фаолияти юқори ташкилот, молия-кредит ва статистика органлари томонидан ўрганилади. Масалан, молия органлари корхоналарнинг хўжалик фаолиятини таҳлил қилишда асосий эътиборни айланма маблағлар ҳолати, бизнес-режа, фойда бўйича режа, давлат бюджетига тўлов мажбуриятлари бажарилишига қаратадилар. Кредит тизими эса, корхоналарнинг ўз айланма ва таққосланган маблағлари ҳолатига, олинган кредит товар-моддий бойликлар билан таъминланганлигига, тўлов интизоми бажарилиши кабиларга аҳамият беради.

Ўрганиладиган масалаларга қараб, молиявий-иқтисодий таҳлил тўла ёки танланма хусусиятга эга бўлиши мумкин. Молиявий - иқтисодий таҳлил ўтказиладиган муддат кунлик, ҳафталик, декадалик, ойлик, чораклик, йиллик бўлиши мумкин. Унинг дастлабки, оператив ва жорий турлари мавжуд.

Теҳник - иқтисодий таҳлил. Ушбу таҳлил комплекс иқтисодий таҳлил ва муҳандислик таҳлилининг бирикиши асосида ҳосил бўлган.

Техника-иқтисодий таҳлил 3 йўналишда олиб борилади:

- ишлаб чиқаришнинг техник даражасини таҳлил қилиш;
- ишлаб чиқаришни ташкил қилиш, меҳнат ва бошқарувни таҳлил қилиш;
- ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг техник даражасини таҳлил қилиш.

Корхонанинг техник даражасини таҳлил қилиш жараёнига ишлаб чиқариш базасини ривожлантириш даражаси, илғор технология жараёнларини жорий қилиш, ишлаб чиқаришни комплекс механизациялаш ва автоматлаштириш, қўл меҳнатини тўла механизациялаш (замонавийлаштириш) каби масалалар киради.

Ишлаб чиқаришни ташкил этиш, меҳнат ва бошқарув масалаларини таҳлил қилиш жараёнида қўлланилаётган бошқарув шаклларининг прогрессивлиги (илғорлиги) бошқарув тизими самарадорлигига эришиш, бошқарув аппаратини қисқартириш каби масалалар ечимларини топишга имкон беради.

Маҳсулотнинг техник даражасини таҳлил қилиш жараёнида истеъмолчилар талабларини ҳисобга олган ҳолда юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш, унинг техник ва иқтисодий кўрсаткичларини республикамизда ва чет элларда ишлаб чиқарилган энг яхши намуналарнинг техник ва иқтисодий кўрсаткичлари билан таққослаш имконини яратади. Маҳсулотнинг техник даражаси аттестация қилиш орқали аниқланади. Техника - иқтисодий таҳлил иқтисодчилар, техниклар, мухандислардан тузилган комплекс бригада орқали амалга оширилади.

Таққослама (корхоналараро) таҳлил иқтисодий таҳлилнинг энг кўп қўлланиладиган усулидир. Унинг 2 асосий тури мавжуд: ички завод таҳлили, яъни таҳлилнинг объекти сифатида шу корхонага тааллуқли хўжалик жараёни ўрганилади.

Таққослама (корхоналараро) таҳлилнинг моҳияти алоҳида олинган корхоналарнинг хўжалик фаолиятини уларнинг кўрсаткичларини чуқур ва ҳар томонлама ўрганиб, эришилган натижалар даражасини объектив фарқлаш ва иқтисодий кўрсаткичларга таъсир қилувчи асосий омилларни аниқлаш ҳамда илғор тажрибаларни ишлаб чиқаришга татбиқ этиш орқали ички имкониятларни аниқлашдан иборат.

Таққослама таҳлил корхонанинг барча иқтисодий кўрсаткичларини ўз ичига олиши мумкин ёки бошқача айтганда, комплекс хусусиятга эга бўлади. Таққослама таҳлилнинг мазмуни мақсад ва текшириладиган объектга қараб қуйидагича туркумланади:

· объект бўйича (корхона, цехлар, ишлаб чиқариш участкаси, иш жойи);

· мавзунинг мазмуни бўйича—меҳнат предметларини, меҳнат воситаларини, меҳнат ва молия ресурсларини таҳлил қилиш ва ҳоказо;

· таҳлилни ўтказиш доираси—комплекс таҳлил ва махсус (тематик) таҳлил.

Таққослама таҳлил энг муҳим методологик масалалардан бири—ўрганиладиган объектни шундай объект билан солиштириш шартларига риоя қилишга асосланади. Бу шартлар:

· таққосланадиган кўрсаткичларнинг сифат жиҳатидан бир хиллиги ва уларни ҳисоблаш усулининг бирлиги (масалан, маҳсулот таннархига киритиладиган харажатларнинг бир хиллиги)ни;

· маҳсулотни ягона ўлчашни, ўзгармас баҳо билан ўлчашни, географик шароитларнинг ўхшашлигини;

· таққосланадиган даврда иш кунларининг бир хиллиги ва ҳоказоларни кўзда тутади.

Ички ва ташқи таҳлил. Ички ишлаб чиқариш таҳлили эътиборни корхона фаолиятининг, айниқса, ишлаб чиқаришнинг барча босқичларига қаратади. Бундай таҳлил асосан алоҳида корхонанинг хўжалик фаолияти натижалари асосида олиб борилади. Унинг асосий вазифалари корхона мажбуриятларини бажаришига объектив баҳо бериш, ишлаб чиқаришни ҳар томонлама ўрганиш, ишлаб чиқариш натижаларига таъсир этувчи омилларни, корхона фаолиятининг ички имкониятларини аниқлаш ва ҳисобга олиш, имкониятлардан фойдаланиш учун чора-тадбирлар ишлаб чиқиш, илғор тажрибаларни ўрганиб, ишлаб чиқаришга жорий этишдан иборат.

Ички таҳлил натижалари ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва технологияни яхшилаш учун қўлланилади; маълумотлари эса, одатда, сир сақланади ва тор доирадаги корхона мутахассислари томонидан олиб борилади.

Ташқи таҳлилда корхонанинг молиявий аҳволига баҳо берилади. У орқали корхонанинг молиявий барқарорлик кўрсаткичлари – тўлов қобилияти, маблағлардан самарали фойдаланиш даражаси, рентабеллик ва бозор фаоллигини белгиловчи кўрсаткичлар ўрганилади.

Ташқи таҳлилни корхона раҳбарлари ва мутахассислари ҳамда ташқи фойдаланувчилар (солиқ органлари, инвесторлар, банк хизматчилари, акциядорлар, аудиторлар) ва бошқалар олиб боради.

Ташқи таҳлил маълумотлари асосан корхонанинг йиллик ҳисоботида келтирилади. Улардан бошқа корхона ёки манфаатдор шахслар фойдаланишлари мумкин.

Хўжаликлараро ижтимоий - иқтисодий таҳлил. Бу таҳлилнинг асосий мақсади корхона, хўжалик фаолияти натижаларини бошқа корхоналар натижалари билан таққослаш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш имкониятларини топишдан иборат. Корхона, цех, бўлим фаолияти натижалари таққослама таҳлил объектлари ҳисобланади.

Таққослаш қуйидаги асосий босқичлардан иборат:

- таққосланадиган корхоналарни белгилаш;
- кўрсаткичларнинг ўзаро таққосланишини белгилаш;
- иқтисодий маълумотларни тўплаш ва уларга аналитик ишлов бериш;
- танлаб олинган кўрсаткичларни таққослаш ва таҳлил қилиш, эришилган натижаларга баҳо бериш ва таъсир этувчи омилларни ҳисобга олиш;
- таҳлил натижаларини умумлаштириш, таққосланаётган корхоналарда ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш юзасидан хулоса ва таклифлар бериш ва ҳ.к. лар.

Хўжаликлараро иқтисодий таҳлил 2 гуруҳга ажратилади:

- умумий ёки тўлиқ таҳлил;
- хусусий ёки локал таҳлил.

Умумий таҳлилда корхонанинг маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотишидан бошлаб, то молиявий ҳолатигача бўлган аҳамияти тўлиқ ўрганилади.

Хусусий таҳлилда эса корхона фаолиятининг айрим томонлари, масалан, меҳнат ресурсларидан фойдаланиш, ишчиларнинг иш вақтидан фойдаланиш, ускуналардан фойдаланиш, материаллардан фойдаланиш ва ҳ.к.лар ўрганиб чиқилади.

Хўжаликлараро таҳлил корхоналар ва уларнинг кўрсаткичлари, ўрганилган даврлар, тармоқлар ўзаро таққосланадиган бўлишини асосий шарт қилиб қўяди.

Ижтимоий - иқтисодий таҳлил давлат статистика органлари томонидан олиб борилади. Унда асосан қуйидаги кўрсаткичлардан фойдаланилади:

- аҳоли жон бошига тўғри келадиган озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмоли даражаси;
- аҳолининг реал даромадлари;
- меҳнатга ҳақ тўлаш;
- нафақа билан таъминлаш;
- савдонинг ҳолати;
- даволаниш масканлари билан таъминлаш;
- уй-жой фондининг аҳволи.

Вазифани бажарувчи қиймат таҳлили. (ВБҚТ) Маҳсулот таннархини пасайтириш учун кераксиз ва ортиқча харажатлар кескин қискартилиши маҳсулот ишлаб чиқариш лойиҳалаштирилаётганда ҳам, уни ишлаб чиқариш чоғида ҳам ҳар томонлама ҳисобга олиниши керак. Бу масалани ижобий ҳал қилишда ВБҚТ асқотади.

ВБҚКТ – объектни (маҳсулот, технологик ва меҳнат жараёнларни) системали тарзда тадқиқ қилиб, меҳнат ва моддий ресурслардан самарали фойдаланишга қаратилган чора ва тадбирларни ишлаб чиқади.

ВБҚТ асосида «вазифа» тушунчаси ётади. Демак, ВБҚТ буюмнинг вазифалари системали тадқиқ қилинишини тақозо этиб, уни яратиш ғоясидан яратилиб, ишлатилиши фойдаланишдан чиқариш ва чиқитга чиқарилгунича бўлган жараённи ўз ичига олади.

ВБҚТнинг асосий мақсади – илмий-тадқиқот ва тажриба - конструкторлик ишлари жараёнида янги хил маҳсулотларни лойиҳалаштириш, уларни ўзлаштиришда ортиқча харажатларнинг юзага келишига йўл қўймаслик; ишлаб чиқариш босқичида – лойиҳа бўйича кўзда тутилган харажатлар даражасидан четга чиқмаслик; буюмни қўллаш босқичида оқланмаган эксплуатацион харажатлари ва йўқотишларни бартараф қилиш ва ниҳоят, утилизация қилиш (чиқитга чиқариш) босқичида чиқитга чиқарилган буюмларни қайта ишлаб, улардан фойдаланишдир.

Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан боғлиқ харажатларни тўртта гуруҳга бўлиш мумкин:

· буюмнинг конструктив тузилиши билан боғлиқ харажатлар;

· технологик жараён харажатлари;

· ишлаб чиқаришнинг ташкилий тизими харажатлари;

· табиий-геологик омиллар билан боғлиқ харажатлар.

Ишлаб чиқариш харажатлари шу йўналишлар бўйича муттасил қисқартириб борилиши керак.

ВБҚТ нинг энг муҳим принциплари қуйидагилардан иборат:

· объектга комплекс тарзда ёндашиш;

· объект ҳолатини ўрганишда жамоа ижодкорлигини ҳар томонлама фаоллаштириш;

ВБҚТ нинг барча босқичларида техникавий ва ташкилий ечимларни баҳолашда тегишли вазифани бажариш учун зарур ва бу жараёндаги ортиқча харажатларни аниқлаш. Масалан, автомобиль ҳаракатланиш воситаси вазифасини бажаради. Демак, автомобиль ҳаракатланиши учун қандай чиқимлар зарур, бу жараёнда ортиқча харажатлар борми — эътиборни шуларни аниқлашга қаратиш керак. Умуман, ҳар бир маҳсулот 3 хил вазифани бажаради:

· асосий вазифа;

· қўшимча вазифа;

· дисфункция (кераксиз) вазифаларни.

Масалан, стулнинг асосий вазифаси — ўтириш учун, қўшимча вазифаси — суянчиғи воситасида суяниш учун ҳам хизмат қилади. Стулнинг кераксиз вазифасини аниқлаш керак.

ВБҚТ қуйидаги босқичларда ўтказилади:

1. Таҳлил қилиш объектини танлаш (маҳсулот конструкцияси, ишлаб чиқаришни ташкил қилиш, технологик жараён, бошқарув ва ҳисоб тизими кабилар).

2. Таҳлилнинг мақсади ва вазифаларини асослаш (рентабеллик даражасини ошириш, ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш, жаҳон бозорида маҳсулотларнинг рақобатбардошлик қобилиятини ошириш, хом ашё, материаллар ва электр қувватини тежаш, ишлаб чиқаришдаги «тор» жойларни бартараф қилиш, импорт ва тахчил маҳсулотларни ишлатишдан воз кечиш).

3. Таҳлил объекти тўғрисида маълумотлар йиғиш ва унинг асосий, қўшимча ҳамда кераксиз вазифаларини аниқлаш.

4. Ижодий ёндашиш ва ностандарт тафаккур қилиш.

5. Вазифани бажарувчи қиймат таҳлилини қўллаш орқали олинадиган иқтисодий самарани аниқлаш.

6. Қабул қилинган қарорларни ишлаб чиқаришга жорий этиш.

Перспектив таҳлил ретроспектив таҳлил билан яқиндан боғлиқ бўлиб, йиллик, беш йиллик, ўн йиллик ва ундан ҳам кўп муддатга мўлжалланган режа топшириқларини аниқлашга, бажариладиган ишларни мукаммал ўрганишга, корхона ва ташкилотлар хўжалик ва молиявий фаолиятининг ривожланиш қонуниятларини ва ғояларини аниқлашга ёрдам беради.

Иқтисодий таҳлил мазмунига кўра, *комплекс ва мавзу бўйича* (тематик) таҳлилга бўлинади.

Комплекс таҳлилда корхона ва ташкилотларнинг хўжалик фаолияти чуқур ва ҳар томонлама ўрганилади. Комплекс таҳлил жараёнида хўжаликнинг ҳамма соҳалари таҳлил қилинади. Бундан асосий мақсад эришилган натижаларга иқтисодий баҳо беришдир.

Комплекс иқтисодий таҳлил тезликни, аниқликни, доимийликни ва бетарафликни талаб қилади.

Мавзу бўйича ўтказиладиган таҳлилда эса, корхона ва ташкилотлар фаолиятининг айрим олинган алоҳида йўналишлари ўрганилади. Масалан товар айланиши режаси бажарилиши, меҳнат унумдорлиги таҳлил этилади. Бу жараёнда кўрилаётган йўналишни чуқурроқ ва кенгроқ ўрганиш талаб қилинади, натижаларга таянган ҳолда фойдаланилмаётган имкониятлар аниқланиб, камчиликларни бартараф этиш йўллари белгилаб берилади.

Иқтисодий таҳлил аниқ маълумотларга асосланган ҳолда ўтказилади. Унинг якуни бўйича чуқур ва асосли хулосалар ёзилади.

Танлама таҳлил корхона маъмуриятига шикоятлар тушганда, масалан шикоятга кўра меҳнатга ҳақ тўлаш фонди бўйича ортиқча сарфга йўл қўйилганлигини, омборда товарларнинг бутлиги ҳамда сотилаётган моллар тўғри баҳоланганлигини текшириш учун ўтказилади.

Танлама таҳлилда кўзда тутилган ҳамма масалалар ўрганилиб чиқилгандан сўнг тегишли тарзда расмийлаштирилади.

Таҳлил натижаларни баённома шаклида расмийлаштириш билан тугайди.

Хўжаликнинг йиллик ҳисоботига илова қилинадиган баённомада таҳлил натижаларини аниқ, равшан ифода қилишга, корхона ва ташкилотларнинг хўжалик фаолияти натижаларига таъсир этган омилларни очиб беришга алоҳида эътибор қаратилиши лозим.

Баённоманинг хотима қисмида ҳулосалар, аниқланган камчиликларни тугатиш, хўжалик фаолияти самарадорлигини ошириш учун ишга солинмаган имкониятлардан унумли фойдаланиш юзасидан аниқ таклифлар баён қилинади.

1.8. Иқтисодий таҳлилнинг манбалари

Таҳлил жараёнида фойдаланиладиган ҳужжатлар ва улардан олинадиган маълумотлар таҳлил манбалари ҳисобланади. Хўжалик фаолиятини таҳлил қилишда хўжаликнинг бир йиллик ва бир неча йиллик ҳисобот маълумотларидан, йиллик савдо ва молиявий режадан, бўлинмалар бўйича берилган савдо-молиявий топшириқлардан, мавсумий иш режаларидан, бухгалтерия, статистика ва бошқарув бўйича тезкор маълумотлардан, тахминан иш шароитлари бир хил бўлган илғор корхоналарнинг кўрсаткичларидан, олдинги кузатиш ва ҳужжатли тафтиш материалларидан, кундалик ахборотлардан (қондирилмаган талабларни ҳисобга олиш журналларидан, харидорлар конференцияларининг қарорларидан, талаб ва таклифлар дафтарларидан, йиғилиш, кенгаш қарорларидан, кўргазма-сотиш материалларидан ва ҳоказолардан) фойдаланилади.

Аниқ маълумотларга бўлган талаб таҳлил қилинаётган даврга ва таҳлилдан кўзда тутилган мақсадга боғлиқ.

Ишни чуқурроқ ўрганиш учун режадан четга чиқиш сабаблари ҳисобга олиб бориладиган дафтарлар, бирламчи ҳужжатлар, ҳисоб варақлари, автотранспортнинг йўл варақаси ва ҳоказолар кўздан кечирилади. Иқтисодий таҳлил ва синтез сифати ахборот манбаларининг тўғрилигига боғлиқ. Шунинг учун ҳам таҳлил ишида фойдаланиладиган барча материаллар арифметик нуқтаи назардан синчиклаб ўрганилади, уларнинг баланс билан боғлиқлигига эътибор берилади, режа ва ҳисоботлардаги материалларда хатога йўл қўйилган-қўйилмаганлиги текширилади.

Таҳлил учун тайёрланаётган маълумотлардаги кўрсаткичлар (рақамлар) соддалаштирилиб (яхлитлаштирилиб), таққос-

лашга мос ҳолга келтирилиши, шундан сўнг тартибга солиниб, кейинги таҳлил учун гуруҳларга ажратилиши лозим. Зарур маълумотлар тахт қилингандан сўнг иқтисодий таҳлил усуллари воситасида корхона ва унга қарашли бўлинмаларнинг хўжалик фаолиятини таҳлил қилишга киришилади.

Қисқача хулосалар

Бозор иқтисодиётига ўтилиши билан муайян масалаларни, хусусан, мавжуд иқтисодий имкониятлардан оқилона фойдаланиш, иш сифатини, асосий фондлардан фойдаланишнинг самарадорлик даражасини, иш унумини кескин ошириш, республика ахолисининг озиқ - овқат маҳсулотлари ва бошқа товарларга бўлган талабини чуқурроқ ўрганиш, иқтисодий тежамкорликни кучайтириш талаб қилинади. Бу масалаларини ҳал қилиш учун ҳар бир корхона, ташкилот, фирма ва компаниялар фаолиятини атрофлича, чуқур таҳлил қилиш асосида ички хўжалик имкониятларидан тобора унумлироқ фойдаланишга, камроқ харажат қилиб, юқори натижаларга эришишга, илғор тажрибаларни жорий этишга ва сифат кўрсаткичларини яхшилаб боришни йўналтириш тақозо этилади. Фан эса бу борада тармоқларнинг барқарор негизини яратиш асосида уларни молиявий жиҳатдан мустаҳкамлаш йўлларини белгилаб беради.

Иқтисодий таҳлил назариясини мукаммал ўзлаштириш орқали бундай таҳлилнинг хилма-хил усулларидан оқилона фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Лекин бу билангина чекланиб қолмасдан бошқа иқтисодий фанларни ҳам чуқурроқ ва ҳар томонлама ўрганиш лозим.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Иқтисодий таҳлилнинг аҳамияти нимада?
2. Иқтисодий таҳлилнинг вазифалари нималардан иборат?
3. Иқтисодий таҳлил нималарга асосланади?
4. «Иқтисодий таҳлил» фанининг мазмуни ва предметига изоҳ беринг.
5. «Иқтисодий таҳлил» фанининг услубига таъриф беринг.
6. Иқтисодий таҳлил жараёнида.

- таққослаш;

· фарқни топиш;
· баланс;
· занжирли боғланиш;
· фоизли сонлар бўйича фарқини топиш;
· гуруҳлаштириш;
· коэффициентлар, индекслар ва арифметик усуллар қўлланилади. Уларнинг ҳар бири ҳақида тушунча беринг.

7. Иқтисодий таҳлилнинг нечта босқичи бор?

8. Иқтисодий таҳлилнинг:
· жорий таҳлил;
· ёппасига таҳлил;
· ретроспектив таҳлил;
· перспектив таҳлил;
· таққослама таҳлил;
· тез муддатда ўтказиладиган таҳлил;
· молиявий-иқтисодий таҳлил;
· техник - иқтисодий таҳлил;
· ички ва ташқи таҳлил;
· хўжаликлараро ижтимоий-иқтисодий таҳлил;
· вазифани бажарувчи қиймат таҳлили;
· мавзу бўйича таҳлил турлари мавжуд.

9. Иқтисодий таҳлилда қандай манбалардан фойдаланилади?

Асосий адабиётлар

1. Баканов М.И., Шеремет А.Д. «Теория экономического анализа». –М., «Финансы и статистика», 1996.

2. Ергешев Е.Е. «Иқтисодий ва молиявий таҳлил». Дарслик. – Т., «Молия» 2000.

3. Кадирханов С.К., Тулаходжаева М.М. «Бухгалтерия хисоби, иқтисодий таҳлил ва аудитнинг ривожланиши». –Т., ТДИУ, 1998.

4. Пардаев М.К. «Иқтисодий тахлил». Ўқув қўлланма –Т., Самарқанд кооператив институти, 2001.

5. Пардаев М.К. «Иқтисодий тахлил назарияси» –Самарқанд: «Зарафшон», 2001.

6. Савицкая Г.В. «Методика комплексного анализа хозяйственной деятельности». –М., ИНФРАМ 2001.

7. Шоалимов А.К. «Бошқарув тахлили». Ўқув қўлланма. –Т., ТДИУ, 2003.

II БОБ. ТОВАР АЙЛАНИШИ РЕЖАСИ БАЖАРИЛИШИНИНГ ТАҲЛИЛИ

2.1. Чакана савдода товарларнинг айланиши, унинг халқ хўжалигидаги аҳамияти ва таҳлилнинг вазифалари

Чакана савдода товарларнинг айланиши деб аҳолига, давлат ва жамоа хўжаликлари, ташкилотлар ва корхоналарга сотиладиган халқ истеъмоли товарларининг пул шаклида ифодаланган ҳажмига айтилади. Чакана савдода товарлар айланишининг моҳияти аҳолига товарлар сотишга асосланган ҳолда иқтисодий муносабатлар ҳамда пул даромадларини халқ истеъмоли буюмларига алмаштириш билан ифодаланади.

Чакана савдода товар айланиши ҳажмининг ўсиши саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари тўхтовсиз, тез суръатларда ишлаб чиқарилишига ҳамда аҳоли пул даромадларининг кўпайишига боғлиқ.

Аҳоли пул даромадларининг ўсиши, ижтимоий истеъмол фондлари ҳисобидан тўлов ва имтиёзлар доирасини кенгайтириш чакана савдода товар айланишини янада ривожлантиришнинг мустаҳкам асосидир.

Чакана савдода товар айланишининг ривожлантирилиши шаҳар билан қишлоқ орасида, саноат корхоналари билан қишлоқ хўжалиги корхоналари ўртасида иқтисодий алоқаларни ўрнатади. Чунки саноат ва қишлоқ хўжалиги халқ хўжалигининг асосий ишлаб чиқариш тармоғи ҳисобланади. Улар томонидан яратилган меҳнат буюмлари ижтимоий ва шахсий эҳтиёжларни қондиради.

Савдо шаклларига кўра, чакана савдода товарларнинг айланиши давлат, кооператив, жамоа хўжалиги ва хусусий савдога бўлинади. Давлат ва кооператив чакана савдода товарларнинг айланиши қуйидагиларни ўз ичига олади:

- товарларни чакана савдо тармоқларида нақд пулга сотиш;
- товарларни аҳолига бир неча муддатда тўлаш шарти билан кредитга сотиш;
- майда улгуржи савдо.

Чакана савдода товар айланишининг халқ хўжалигидаги аҳамияти шундан иборатки, бунда товарларнинг муо-

мала жараёни тугалланади, уларнинг қиймати ва истеъмол қиймати реализация қилинади. Натижада, жамиятнинг товарларни ишлаб чиқариш ва уларни сотиш харажатлари пул шаклида қопланади. Бу, ишлаб чиқариш корхоналарига ўз фаолиятини янгилаш ва такрор ишлаб чиқаришнинг узлуксиз жараёнини таъминлаш имконини беради.

Чакана савдода товар айланишининг халқ хўжалигидаги аҳамияти яна шундан иборатки, товарларни сотиш йўли билан аҳолининг истеъмол буюмларига бўлган эҳтиёжи қондирилади, товарларнинг асосий қисми (90% дан ортиғи) аҳолига етказиб берилади. Чакана савдода товар айланишининг ўсиши шахсий истеъмол учун келиб тушадиган товарлар массасининг кўпайишидан далолат беради; товарларнинг айланиши орқали саноат ва қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқарилиши кўпайиб бораётган барча товар массасини сотиш йўли билан халқ истеъмолига таъсир кўрсатилади.

Чакана савдода товарларнинг айланиш ҳажми халқ истеъмоли даражаси кўрсаткичлари ҳисобланади, уни ўстириш эса, аҳолининг моддий ва маданий турмуш даражаси оширилишини тавсифлайди. Шу боисдан республикамиз ҳукумати томонидан товарларнинг айланишини ривожлантириш учун кейинги йиллардаги аниқ вазифалар белгилаб берилмоқда. Халқ фаровонлигини янада ошириш, аҳолининг ўсиб бараётган моддий ва маънавий эҳтиёжларини тўлиқ қондириш ва ижтимоий тадбирлар ишлаб чиқишни муттасил кучайтира бориш чоралари кўрилади. Шунингдек, самарадорликнинг ўсишига алоҳида тўхталиб ўтилади.

Истеъмол даражасини изчил ошириб бориш ва таркибини такомиллаштириш, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари ва ноозиқ-овқат моллари билан таъминлашни яхшилашга алоҳида эътибор билан қаралмоқда. Бу жараёнда иқтисодий таҳлилга таянилмоқда.

Режалаштириш ва иқтисодий рағбатлантиришнинг янги тизимига ўтилиши корхоналар хўжалик фаолиятини янада чуқурроқ ўрганишни тақазо этмоқда, иқтисодий таҳлил орқали фақат эришилган ютуқларга ижобий баҳо бериш билан чегараланмасдан, корхоналар фаолиятининг самарадорлик даражасини ошириш йўллари ва имкониятлари ҳам аниқ ва равшан кўрсатиб берилишини шарт қилиб қўймоқда ва бу борадаги вазифалар кўламини оширмоқда.

Бу эса, иқтисодий таҳлилнинг аҳамияти доирасини кенгайтирмоқда.

Шундай қилиб, юқорида қайд қилинганларга асосланган ҳолда иқтисодий таҳлилнинг вазифаларини қуйидагича ифода қилиш мумкин:

- товарларнинг айланиш динамикасини ўрганиш;
- товарлар айланиши режасининг бажарилишини ва харидорларнинг товарлар билан таъминланиш даражасини текшириш;
- товарларнинг айланиш ҳажми ўзгаришига таъсир кўрсатувчи омилларни аниқлаш;
- товарларнинг айланиш ҳажмини кўпайтириш учун мавжуд имкониятлардан тўлароқ фойдаланиш, айланишини тезлаштириш, заҳираларини режали сақлаш ва харидорларга хизмат кўрсатишни яхшилаш;
- аниқланган камчиликларни ўз вақтида тугатиш ва ички имкониятлардан унумли фойдаланиш юзасидан тавсиялар бериш.

Иқтисодий таҳлил натижасининг сифатли бўлиши кўп жиҳатдан унинг манбаларига ҳам боғлиқдир. Товарларнинг айланиш ҳажмини таҳлил қилиш жараёнида қуйидаги манбалардан фойдаланилади: савдо-молия режаси, бухгалтерия ва статистик маълумотлар, жорий, тезкор олинадиган ҳисоб маълумотлари ва ҳисоботга алоқаси бўлмаган маълумотлар.

2.2. Чакана савдода товар айланишининг умумий ҳажми, чораклар, ойлар ва товар гуруҳлари бўйича савдо режаси бажарилишининг таҳлили

Товарларнинг айланиш режаси савдо корхоналари ва ташкилотлари молиявий - савдо режасидаги етакчи бўлимдир. Улар фаолиятининг самарадорлиги ҳам кўп жиҳатдан режа интизомига қай даражада риоя қилинишига, товарларни сотиш режасининг бажарилиши, шунингдек, товарлар турлари, жамғармалари бўйича тўғри тақсимланиши ва вақтида сотилиши даражасига боғлиқ.

Шу сабабли ҳам товарларни сотиш ва товар заҳиралари режасининг бажарилиш ҳажми ва таркиби молиявий-савдо режасининг барча бўлинмаларига – товар заҳиралари, меҳнат, муомала харажатлари, даромад, молия ва бошқа бўлинмаларига таъсир кўрсатади. Шу боисдан молиявий-савдо

режаси таҳлили унинг асосий қисми – товарлар айланиши режаси бажарилишини таҳлил қилишдан бошланади.

Товарлар айланиши режаси ижроси фаолиятда ўта муҳим аҳамият касб этади. Чунки савдо корхоналари, биринчидан, товарлар айланиши режасини бажариш орқали аҳолининг хилма-хил товарларга бўлган эҳтиёжини қондиради, боз устига саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиб, ишлаб чиқариш бўғинларининг ҳам, аҳолининг ҳам мушкулини осон қилади; иккинчидан, товарларнинг айланиш режасини бажариш баробарида бошқа бир қанча муҳим иқтисодий кўрсаткичлар режаси бажарилишини ҳам таъминлайди. Масалан, корхонада муомала харажатларини камайтиради, ялпи даромадни кўпайтиради ва рентабеллик даражасини оширади.

Чакана савдода товарлар айланиши таҳлили бу жараённи режалаштиришнинг муҳим шарти ҳисобланади. Режали ҳисоб-китобнинг аниқлиги ва иқтисодий асосланганлиги тўлиқ, чуқур таҳлил ўтқазишни, таҳлил асосида чиқарилган ҳулосалар тўғрилигини таъминлайди.

Товарларнинг айланиш ҳажмини бозор ривожланиши билан боғлиқ ҳолда режалаштириш лозим. Чунки, режа ва бозор яхлит хўжалик механизмидир. Шу боис иқтисодиётни қайта қуриш пайтида режалаштириш идоралари ва юқори ташкилотлар бозор муносабатларига мос режалаштириш дастурини тузишлари зарур. Савдо корхоналари раҳбарлари эса бозор ва ярмаркаларнинг ялпи харид даражасини аниқлашда фаол иштирок этишлари керак.

Таҳлил жараёнида товарлар айланишининг олдинги йиллардаги ўсиш суръатларини аниқлаш зарур. Бу товарлар айланишининг аввалгига нисбатан ривожланишга мойиллигини (қонуниятини) аниқлаш имкониятини беради. Аммо унутмаслик керакки, товарлар айланишининг бир йиллик ўсиш кўрсаткичи ҳар доим ҳам бу жараён ривожланишга мойиллигини акс эттирайвермайди, чунки товарлар айланиши ривожланишига фақат таҳлил этиладиган даврга хос бўлган, вақтинча амал қиладиган омиллар таъсир кўрсатиши мумкин. Шунинг учун товарлар айланишининг ҳисобот йилидаги умумий ҳажми режадаги ҳамда ўтган йилги ҳажми билан таққосланади. Агар таҳлил қилинадиган даврда нархлар ўзгарган бўлса, унда бу ўзгариш товар айланиши жараёнини таҳлил қилишда сотиш бўйича ку-

тиладиган оборотни нархлар индексига (0,90,095) тақсимлаб, таққослаб бўладиган ҳолатга келтирилади.

Биз таҳлил қилаётган савдо корхонасида товарлар айланиши режасининг бажарилиши 5 - жадвалда акс эттирилган. Ундан кўриниб турибдики, савдо корхонаси ҳисобот даврида чакана савдо товарлари айланиши режасини 92%га бажарган, режадаги 132400 минг сўмлик ўрнига ҳисобот даврида 121824 минг сўмлик ёки режадагидан 10576 сўмлик ёхуд 8% кам товар сотган. Оқибатда аҳолига товарларни нақд пулга сотиш, кредитга сотиш ва майда, улгуржи жўнатилган товарлар бўйича ҳам режалар бажарилмаган.

Эслатиб ўтиш керакки, товарларнинг айланиш режаси режалаштириш яхши йўлга қўйилмаганлиги сабабли бажарилмаган. Бу режа ўтган йилда ҳам бажарилмаганлигига қарамай, корхона раҳбарлари ва юқори ташкилотлар томонидан товарларнинг айланиш суммаси ҳисобот йилидагидан 5747 минг сўмга кўп белгиланган. Таҳлил асосида савдо тармоғи фаолияти салбий баҳоланди, жамоага товарларнинг айланиш режасини бажариши учун савдо майдонларидан янада тўлароқ фойдаланиш чора-тадбирларини ўрганиш, харидорларга хизмат кўрсатишнинг илғор шаклларини қўллаш, савдо шохобчаларини кўпайтириш ва меҳнат унумдорлигини ошириши зарурлиги юзасидан тавсиялар берилди.

Товарлар айланиши умумий ҳажмининг кейинги таҳлиллари чораклар, ойлар ва ўн кунликлар бўйича ўтказилади. Бу товарлар айланиши режасининг йил бўйи бир маромда бажарилишини ўрганиш ва аҳоли талабининг қондирилиш даражасини йил мавсумлари бўйича кузатиб бориш имконини беради.

5-жадвал

Савдо тармоғида товарлар айланиши режасининг бажарилиши (минг сўм)

Чакана савдода товарларнинг айланиши	Ўтган йил ҳисоботи	Ҳисобот йили		Ўтган йилдагига нисбатан режанинг ўзгариши		Ҳақиқатда ўтган йилдагига нисбатан ўзгариши		Ҳақиқатда режага нисбатан ўзгариши	
		режа бўйича	ҳақиқатда	мутлақ суммада	% ҳисобида	мутлақ суммада	% ҳисобида	мутлақ суммада	% ҳисобида
Жами	126653	132400	121824	5747	4.5	- 4829	3.8	- 10576	8.0
Шу жумладан, нақд пулга сотилган товарлар	124248	129112	119273	4864	3.9	- 4975	4.0	- 9839	7.6
Кредитга берилган товарлар	1205	2300	1771	1095	90.8	- 566	46.9	- 529	23.0
Майда, улгуржи жўнатилган товарлар	1200	988	780	212	17.6	- 420	35.0	- 208	21.0

Товарлар айланиши режасининг чораклар, ойлар ва ўн кунликлар бўйича бажарилиши 6,7,8,9-жадвалларда акс эттирилган.

6-жадвал

Чакана савдода товарлар айланиши режасининг чораклар бўйича бажарилишини таҳлил қилиш (минг сўм)

Чораклар	Режа бўйича	Ҳақиқатда	Фарқи	Режанинг бажарилиши, %
I чорак	32500	30500	- 2000	93,8
II чорак	28500	24223	- 4277	84,9
III чорак	35100	33848	- 1252	96,4
IV чорак	36300	33253	- 3047	91,6
Жами	132400	121824	- 10576	92,0

7 – жадвал

Чакана савдода чораклар бўйича бир меъёрда ишлашнинг таҳлили

Чораклар	Режа бўйича	Ҳақиқатда	Фарқи, +, -	Бир меъёрда ишлаш коэффициенти
I чорак	24,5	25,0	0,5	2,65
II чорак	21,5	19,9	- 1,6	19,9
III чорак	26,5	27,8	1,3	26,5
IV чорак	27,5	27,3	- 0,2	27,3
Жами	100	100	-	-

Товарлар айланиши режасининг чораклар бўйича бажарилиши таҳлили натижаси шуни кўрсатадики, йил давомида бирорта чоракда ҳам режа бажарилмаган, лекин бир меъёрда ишлаш коэффициенти бўйича I–III чораклар да иш коэффициенти режаси бажарилган, аммо режа бўйича товарлар айланиши суммасининг юқори бўлиши натижасида бир меъёрда ишлаш коэфициенти 98,2%ни ташкил этди (24.5+19.9+26,5+27.3 = 98.2).

Чораклар бўйича товарлар айланиши режасининг бажарилиши таҳлили сотиш режасининг ойлик ва ўн кунликлар бўйича бажарилиши таҳлили билан тўлдирилиши лозим. Бундай таҳлил товарларнинг айланиш режаси йил давомида бир маромда бажариб борилишини таъминлаш ва ишдаги камчиликларни бартараф қилиш чора-тадбирларини кўриш имконини беради.

Товарлар турлари ва тузилишлари бўйича айланишини таҳлил қилиш аналитик ишнинг муҳим босқичларидир. Бундай таҳлил айрим товарлар гуруҳлари ва тузилиши бўйича режа қандай бажарилганлигини, аҳоли эҳтиёжларини қондириш ва айрим товарларнинг сотиш мойиллиги дара-

жасини, товарнинг ҳақиқий тузилиши режадагидан фарқ қилишини аниқлаш имконини беради.

Таҳлил жараёнида товар айланиши режасининг товарлар гуруҳи бўйича ва ассортименти бўйича бажарилишини таҳлил қилиш муҳим аҳамиятга эга. Савдо корхонаси товарларнинг айланиш ҳажмини ортиғи билан бажариши, лекин гуруҳлари ва ассортименти бўйича айланиши ҳажмини бажармаслиги мумкин. Савдо корхоналари ходимлари товарларнинг айланиш ҳажмини кўпайтириш учун савдо пештахталари ва омборларини қимматбаҳо ва тез сотиладиган товарлар билан тўлдиришлари ҳам мумкин. Лекин бунда аҳолининг эҳтиёжи ҳисобга олинмаса, мақсадга эришиб бўлмайди.

8-жадвал

Товар айланиши режасининг ойлар ва чораклар бўйича бажарилиши таҳлили

Ойлар	Ўтган йил, минг сўм	Хисобот йили			Фарқи		Ўтган йилдагига нисбатан бажарилиши, %
		режа, минг сўм	ҳақиқатда, минг сўм	режанинг бажарилиши, %	режага нисбатан, минг сўм	ўтган йилдагига нисбатан, минг сўм	
1	2	3	4	5	6	7	8
Январь	9700	10872	10174	93.5	- 698	+474	104.8
Февраль	9527	10896	10187	93.4	- 709	+660	106.9
Март	10313	10732	10139	94.4	- 593	- 174	98.3
I чорак бўйича жами	29540	32500	30500	93.8	-2000	+ 960	103.2
Апрель	8965	9170	8100	88.3	-1070	- 865	90.3
Май	9172	8972	7800	86.9	-1172	1372	65.0
Июнь	9733	10358	8323	80.3	-2035	-1410	85.5
II чорак бўйича жами:	27870	28500	24223	84.9	-4277	-3647	86.9
I ярим йиллик бўйича жами:	57410	61000	54723	69.7	-6277	- 2687	95.3
Июль	10687	11127	10995	98.8	-132	+ 208	101.9
Август	11245	11899	11790	99.1	-109	+ 545	104.8
Сентябрь	12195	12074	11063	91.6	-1011	-1132	90.7
III чорак бўйича жами:	34227	35100	33484	96.4	-1252	-379	98.8
9 ой бўйича жами:	91637	96100	88571	92,1	-7529	-3066	96.6
Октябрь	11785	11970	10776	90.0	-1194	-1009	91.4
Ноябрь	11096	12140	11699	96.3	- 441	+ 603	105.4
Декабрь	12135	12190	10778	88.4	-1412	-1357	88.8
IV чорак бўйича жами	35016	36300	33253	91.6	-3047	-1763	94.9
II ярим йил бўйича жами	69243	71400	67101	93.9	-4299	-2142	96.9
Ҳаммаси:	126653	132400	121824	92.0	-10576	-4829	96.2

9-жадвал

Товарлар айланиши режасининг ўн кунликлар ва ойлар бўйича бажарилиши (минг сўмда)

Сана	I ўн кунлик			II ўн кунлик			III ўн кунлик			Жами		
	режа	ҳақи-қатда	режа-дан фарқи	режа	ҳақи-қатда	режа-дан фарқи	режа	ҳақи-қатда	режа-дан фарқи +, -	режа	ҳақи-қатда	режадан фарқи +, -
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13
Январь	3620	3290	- 330	3622	3884	Қ262	3630	3000	-130	10872	10174	- 698
Февраль	3630	3400	- 230	2630	3200	- 430	3636	3587	- 49	10896	10187	- 709
Март	3575	3400	- 175	3479	3200	- 279	3678	3539	- 139	10732	10139	- 593
Апрель	3000	2500	- 500	3070	2700	- 370	3100	2900	- 200	9170	8100	- 1070
Май	2900	2400	- 500	2990	2500	- 490	3082	2900	- 182	8972	7800	- 1172
Июнь	3452	2720	- 732	3452	2768	- 774	3454	2835	- 679	10358	8323	- 2035
Июль	3709	3540	- 169	3709	3670	- 39	3709	3785	Қ76	11127	10995	- 132
Август	3600	3830	Қ 230	3660	3590	- 70	4639	4370	- 269	11899	11790	- 109
Сентябрь	4020	3690	- 330	4024	3652	- 372	4030	3721	- 309	12074	11063	- 1011
Октябрь	1985	3547	- 438	3990	3688	- 302	3995	3541	- 454	11970	10776	- 1194
Ноябрь	4040	3977	- 63	4045	3889	- 56	4055	3753	- 322	12140	11699	- 441
Декабрь	4060	3599	- 467	4063	3676	- 387	4067	3503	- 564	12190	10778	- 1412
Жами	43591	39893	- 3698	43734	40517	- 3217	45075	41414	- 3161	132400	121824	-10576

Шунинг учун ҳар бир савдо корхонаси жами товарларнинг айланиш ҳажми билан бирга гуруҳлари ва ассортименти бўйича айланиш ҳажмини бажаришга ҳам эътибор билан қараши шарт. Бунда қуйидагилар назарда тутилади: ўртача ассортимент бўйича режанинг бажарилишини аниқлаш учун аввало товарлар гуруҳларининг ҳисобот давридаги айланиш ҳажми режалаштирилган айланиш ҳажми билан таққосланиб, белгиланган ассортимент ҳисобига энг кам сумма ёзилади, кейин белгиланган ассортиментдаги товарлар айланиш ҳажмининг жами суммаси 100 га кўпайтирилиб, режадаги жами товарлар айланиш ҳажмига бўлинади. Агар айланиш ҳажми ҳамма товарлар гуруҳлари бўйича бажарилган бўлса, у ҳолда ассортимент режасининг бажарилиши 100 фоизни ташкил этади.

Ассортимент бўйича режанинг бажарилиши 100 фоиз ёки ундан кам бўлиши ҳам мумкин. Биз таҳлил қилаётган савдо корхонасида товарлар айланиши режасининг белгиланган ассортимент ва тузилиши бўйича бажарилиши ҳақида 10-жадвал маълумотлари орқали ҳам тасаввур ҳосил қилиш мумкин. Унда қайд этилганидек, чакана савдода товарларнинг айланиш режаси умумий ҳажми бўйича 92%, ассортимент бўйича эса атиги 90.7 фоиз $\left(\frac{120170x100}{132400}\right)$ га бажарилган.

Таҳлил натижалари кўрсатадики, умуман товарларнинг гуруҳлари бўйича товарларнинг айланиш режаси бажарилмаган, сотилган товарлар ҳажми ҳам ўтган йилдагига нисбатан пасайган. Бунга товарлар аҳолининг юксак талабини қондириш имконини берадиган миқдорда ажратилмаганлиги сабаб бўлган.

Ассортимент ва тузилиш бўйича ўтказилган таҳлилдан маълум бўлишича, умумий режа бажарилмаслиги натижасида савдо тармоғи (дўкон) таркибидаги мавжуд 9 та бўлимда ҳам товарларнинг айланиш режаси уддаланмаган (11-жадвал).

10-жадвал

Товарлар айланиши режасининг ассортимент ва тузилиши бўйича бажарилиши таҳлили

Товар гуруҳлари	Режа бўйича		Ҳақиқатда		Ўзгариш		Режа-нинг бажари лиши, %	Белгиланган ассортимент ҳисобига бажарилиши
	суммаси, минг сўм	улуши, %	суммаси, минг сўм	улуши, %	суммаси, минг сўм	улуши, %		
1. Ип газламалар	1679	1.3	2146	1.8	+ 467	+ 0.5	127.8	1679
2. Трикотаж буюмлари	9080	6.8	9921	8.2	+ 841	+ 1.4	109.2	9080
3. Гилам ва гиламга оид буюмлар	11555	8.7	8455	6.9	- 3100	1.8	73.2	8455
4. Пойабзал	15198	11.4	13674	11.3	- 1524	- 0.1	89.9	13674
5. Мўйна ва чармдан бўлган товарлар	500	0.4	344	0.3	- 156	- 0.1	68.1	344
6. Атторлик моллари	14806	11.2	14534	11.9	- 272	+ 0.7	98.1	14534
7. Электр товарлари	2822	2.2	2940	2.5	+ 118	+ 0.3	104.2	2822
8. Соатлар	1929	1.5	1709	1.5	- 220	-	88.5	1709
9. Заргарлик буюмлари	4156	3.2	4384	3.6	+ 228	+ 0.4	104.3	4156
10. Шойи газламалар	7693	6.0	6708	5.7	- 985	- 0.5	37.2	6708
11. Тайёр кийимлар	27761	20.9	25255	21.4	- 1506	+ 0.5	94.7	25255
12. Ташқи ва ички кийимлар	6126	4.8	3849	3.3	- 2277	- 1.5	62.8	3849
13. Радио товарлари	6633	5.2	6000	5.1	- 633	- 0.1	90.4	6000
14. Бошқа товарлар	23462	16.4	21905	16.5	- 1557	+ 0.1	93.4	21905
ЖАМИ	132400	100.0	121824	100.0	- 10576	-	92.0	120170

Юқорида товарлар айланиши режасининг бажарилишига умумий баҳо берилди. Энди товарлар айланиши ҳажмининг ўзгаришига (режа бажармаслигига) таъсир кўрсатувчи омилларни ўрганамиз. Бунинг учун ушбу омилларни қуйидаги 3 гуруҳга бўламиз:

· товар заҳиралари билан боғлиқ бўлган омиллар;

· савдо корхоналарининг ишчи кучи билан таъминланиши ва меҳнат унумдорлиги билан боғлиқ омиллар;

· савдо корхоналарининг асосий капитал (фондлар) билан таъминланиши ва ундан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган омиллар.

Таҳлил жараёнида бу омиллар алоҳида-алоҳида ўрганилади. Аммо уларнинг ҳаммаси бир-бири билан чамбарчас боғлиқ.

11-жадвал

Товар айланиши режасининг савдо бўлимлари бўйича бажарилиши таҳлили

Бўлимлар	Режа бўйича, минг сўм	Ҳақиқатда, минг сўм	Фарқи, минг сўм	Режанинг бажарилиши, %
1.Тўқимачилик маҳсулотлари бўлими	12652	11762	- 890	93,0
2.Тайёр кийимлар бўлими	28237	26294	- 1943	96,1
3.Трикотаж бўлими	17366	15775	- 1591	90,8
4.Пойабзал бўлими	15202	15852	- 1350	91,1
5.Атторлик бўлими	21515	20899	- 616	97,1
6.Хўжалик моллари бўлими	19799	16556	- 3243	83,6
7.Маданий моллар бўлими	12915	12098	- 817	93,7
8.Озиқ-овқат маҳсулотлари бўлими	4118	4037	- 81	98,0
9.Филиал	596	551	- 45	92,4
Жами	132400	121824	- 10576	92,0

2.3. Савдо корхоналарида товар заҳиралари билан таъминланиш ва товарлар айланишининг таҳлили

Товар муомаласи доирасида бўлган истеъмол буюмлари товар заҳираларини ташкил этади. Товар заҳираларининг доимо муомалада бўлиши товарлар айланиши, шунингдек аҳоли талабини қондириш ва савдо корхоналари бир меъёрда ишлашини таъминлашнинг муҳим шартидир.

Товар заҳиралари товарларнинг сотиш ҳажмига боғлиқ бўлиши керак. Улар ҳам миқдор жиҳатидан, ҳам сифат жиҳатидан савдони узлуксиз таъминлаши, харидорларга танлаш имконияти яратилиши учун етарли бўлиши лозим.

Товар заҳиралари чакана савдода товарлар айланиши режаси бажарилишига кўмаклашувчи муҳим восита, сотиш жараёни узлуксизлигини таъминлашнинг зарур шартидир. Товар заҳираларини режалаштиришда товарлар айланишининг илмий асосланган режаларидан келиб чиқилиши, товар заҳиралари меъёрдан ошириб юборилишига ҳам, камайтирилишига ҳам йўл қўймаслик лозим.

Ортиқча товар заҳиралари товарларнинг кўплаб йиғилиб қолишига ва бузилишига, уларнинг айланиши секинлашишига, сақлашда ортиқча харажат қилинишига олиб келади. Товар заҳиралари камлиги савдода уларнинг айланиш режаси бажарилмаслигига сабаб бўлади, бу эса, ўз навбатида, савдо хизмати сифатини ва аҳоли талабининг қондирилиш даражасини пасайтиради.

Товар заҳиралари тайинланишига қараб, жорий даврда сақланадиган товарлар, мавсумда жамғариладиган товарлар, муайян мақсадга мўлжалланган ва муддатдан олдин ташиб келтириладиган товарлар заҳираларига бўлинади.

Жорий даврда сақланадиган товар заҳиралари аҳолига товарлар сотишнинг узлуксизлигини таъминлаш учун мўлжалланган.

Мавсумий жамғариладиган товар заҳиралари учун товарларни ишлаб чиқариш билан уларни истеъмол қилиш орасидаги фарқ характерлидир.

Бунда товарларни ишлаб чиқариш маълум муддатлар бўйича чекланган, аммо улар йилнинг кўп мавсумида истеъмол қилинади. Мавсумий жамғариладиган товарларга картошка, сабзавот, мева ва бошқалар киради.

Муайян мақсадларга мўлжалланган товар заҳиралари айрим топшириқларни бажариш, яъни айрим қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари (пахта, қанд лавлаги ва бошқа техник экинлар) бўйича давлат харидини бажариш учун мўлжалланган.

Муддатидан олдин ташиб келтирилган товар заҳиралари ҳудудий ёки иқлим шароитларига қараб, товар ташиб келтириш имкони бўлмаган ҳудудларда бутун йил давомида мунтазам равишда шакллантирилади.

Товарлар айланиши режасининг бажарилиши бир қанча омилларга, чунончи, чакана товарлар айланиши режасининг бажарилиши қуйидаги товар баланси элементлари билан узвий боғлиқ: товарларни мол юборувчилардан та-

ниб келтириш, қайта ҳисоблаш ва хатлаш (инвентаризация) ўтказиш натижасида товарларнинг кўп ёки кам чиқиши, истеъмолчиларга товарларни сотиш, товар заҳираларининг айрим сабабларга кўра, меъёрдан четга чиқиши.

Бир-бирлари билан ўзаро алоқадор бўлган бу элементлар чакана савдо корхоналарига товарларни ўз вақтида ташиб келтириш ҳажмига боғлиқ. Бу боғлиқликни товар баланси орқали қуйидагича ифодалаш мумкин:

$$Т_{зах}^{1} + Т_{к} + Т_{о} = Т_{с} + Т_{чк} + Т_{кч} + Т_{зах}^{2}$$

Бу ерда:

$Т_{зах}^{1}$ - йил бошига бўлган қолдиқ;

$Т_{к}$ - ҳисобот йилида ташиб келтирилган товарлар;

$Т_{о}$ - қайта ҳисоблаш натижасида ошиқ чиққан товарлар;

$Т_{кч}$ - қайта ҳисоблаш натижасида кам чиққан товарлар;

$Т_{с}$ - товарларни сотиш;

$Т_{чк}$ - товарларнинг четга чиқиб кетиши;

$Т_{зах}^{2}$ - товарларнинг йил охирига бўлган қолдиғи.

Товар баланси формуласи элементлари товарларнинг айланма ҳажми билан боғлиқлигини аниқлаганимиздан кейин товар баланси элементлари товарларнинг айланиши ҳажмига қандай таъсир қилганлигини ҳисоблаб чиқамиз. Товар балансини таҳлил қилишда савдо - молия режаси, статистик ҳисобот ҳамда «товарлар ҳаракати» ҳисобот шакллари маълумотларидан фойдаланилади. Таҳлил қилинаётган савдо корхонаси товар балансининг мазмуни 12 - жадвалда берилган.

12-жадвал

Товар балансининг таҳлили (минг сўм)

Товар баланси элементлари	Режа бўйича	Ҳақиқатда	Фарқи, +, -
Товарларнинг йил бошидаги қолдиғи ($Т_{зах}^{1}$)	41145	33449	- 7696
Товарларнинг йил давомида келиши ($Т_{к}$)	127393	124693	- 2700
Товарларнинг қайта ўлчаш натижасида ошиқча чиққан қисми ($Т_{о}$)	-	-	-
Жами	168538	158142	- 10396
Товарларни сотиш ($Т_{с}$)	132400	121824	- 10576
Товарларнинг чиқиб кетиши ($Т_{кч}$)	3401	3319	- 82
Товарларнинг йил охиридаги қолдиғи ($Т_{зах}^{2}$)	132737	32999	+ 262
Жами	168538	158142	- 10396

Демак, товар балансининг элементлари бир-бири билан товарларнинг айланиш ҳажми режадаги ва йил боши қолдиғи ўртасидаги фарқ бўйича агар йил бошидаги қолдиқ режадагига нисбатан кўп бўлса, ошади, камайса озаяди. Йил охирида эса, бу борада бунинг акси кузатилади.

Чакана савдода товар айланиши режасининг бажарилишини аниқлаш учун бу формулани шаклан ўзгартириб, қуйидагича ифодалаймиз:

$$Т_с = Т_{зах}^{1} + Т_к + Т_о - Т_{чк} - Т_{кч} - Т_{зах}^{2}$$

Бу ерда:

$Т_с$ - товарларни сотиш;

$Т_{зах}^{1}$ - товарларнинг йил бошидаги қолдиғи;

$Т_к$ - товарларнинг йил давомида келиши;

$Т_о$ — товарларнинг қайта ҳисоблаш натижасида ошиқча чиққан қисми;

$Т_{чк}$ — товарларнинг четга чиқиб кетиши;

$Т_{кч}$ - қайта ҳисоблаш натижасида товарларнинг кам чиқиши;

$Т_{зах}^{2}$ — йил охиридаги товар заҳиралари.

Товар баланси элементларининг товарлар айланиш ҳажмига қандай таъсир кўрсатишини аниқлашда занжирли боғланиш усулига таянилади. Бунда 13-жадвал маълумотларидан фойдаланилади. Бу усулнинг моҳияти шундан иборатки, унда ҳисоб формуласи таркибига кирган режа доирасидаги айрим олинган миқдорий кўрсаткичлар айнан шу кўрсаткичларнинг ҳисоботдагилари билан алмаштирилади. У ёки бу кўрсаткичларнинг таъсири кетма-кет айириш йўли билан аниқланади.

Товарларнинг айланиш ҳажмига таъсир кўрсатувчи омилларни аниқлаш учун занжирли боғланиш усули қўлланилади (13-жадвал).

13-жадвал

Чакана савдода товарларнинг айланиши ҳажмига таъсир этувчи омил — товар баланси элементларини занжирли боғланиш усули билан аниқлаш (минг сўм)

Товар баланси элементларининг ҳарфий ифодаси	Товар баланси элементларининг сон ифодаси				
	$Т_{зах}^{1}$	$Т_к$	$Т_{чк}$	$Т_{зах}^{2}$	$Т_с$
$1.Тзах_0^1 + Тк - Тчк_0 - Тзах_0^2 = Т_с^1$	41145	127393	3401	32737	132400
$2.Тзах_1^1 + Тк_0 - Тчк_0 - Тзах_0^2 = Т_с^2$	33449	127393	3401	32737	124704
$3.Тзах_1^1 + Тк - Тчк_0 - Тзах_0^2 = Т_с^3$	33449	124693	3401	32737	122004
$4.Тзах_1^1 + Тк_1 - Тчк_1 - Тзах_0^2 = Т_с^4$	33449	124693	3319	32737	122086
$5.Тзах_1^1 + Тк_1 - Тчк_1 - Тзах_1^2 = Т_с^5$	33449	124693	3319	32999	121824

Жадвалдаги маълумотлардан кўриниб турибдики, товар баланси элементлари товарларнинг айланиш ҳажмига қуйидагилар таъсир қилади:

1. Товар заҳралари қолдиғининг йил бошидаги ўзгариши - T_c2-T_c1=124704-132400 = 7696 м.с. (-);

2. Товарларнинг келтирилиши -T_c3-T_c2 = 122004-124704= 2700 м.с.(-);

3. Товарларнинг чиқиб кетиши -T_c4-T_c3 = 122086-122004 =82 м.с.(+);

4. Товар заҳиралари қолдиғининг йил охиридаги ўзгариши.

Тс5 – Тс4 = 121224 – 122086 = - 262 м.с. (-)

Умумий фарқ 132400 – 121824 = - 10576 м.с.

Юқоридаги ҳисоб-китобдан аён бўлаяптики, товарларнинг айланиш ҳажмига фақат товар балансидаги бир элемент – четга чиқиб кетган товарларнинг режага нисбатан камайиши ижобий, қолган ҳамма элементлар эса, салбий таъсир кўрсатган.

Товарларнинг заҳиралари доимо меъёр доирасида бўлиши керак. Товарлар тури қанчалик кўп бўлса, уларнинг заҳиралари меъёри ҳам шунча ошиши лозим, чунки товарлар заҳираси уларнинг турлари бўйича шакллантирилади. Товар заҳираларининг режага нисбатан кўпайтирилиши сотув ҳажмига ижобий таъсир кўрсатади. Унутмаслик керакки, товар заҳиралари харидорларнинг талабига жавоб бермайдиган моллар ҳисобига шакллантириш салбий омилдир. Демак, товар заҳираларини илмий жиҳатдан асосланган меъёрлар бўйича шакллантириш алоҳида аҳамиятга эга.

Республикамиз Президенти фаронларига, Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига асосан иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг узоқ йилларга мўлжалланган асосий йўналишларини ҳаётга татбиқ этиш юзасидан муайян чоралари кўрилди. Чунончи, хом ашё, материаллар, ёқилги, электр энергия ва бошқа моддий ресурслар сарфи бўйича меъёрлар тизимини такомиллаштириш, улардан тежаб-тергаб фойдаланиш, ортиқча ва меъёрдан ташқари товар заҳиралирини ташкил қилиш ҳолларига барҳам бериш каби муҳим иқтисодий ва ташкилий тадбирлар амалга оширилди. Озиқ-овқатлар сирасига кирмайдиган мураккаб турдаги товарлар ва узоқ муддат фойдаланиладиган товарларнинг кўп миқдордаги заҳиралари вужудга келтирилади, чакана савдо корхоналарини

товар билан таъминлаш шароитлари, товарларни ташиб келтиришнинг мунтазамлиги ва тезлиги, товарлар билан муттасил таъминлаб турмаслик, уларни ташиб келтиришдаги узилишлар заҳирадаги товарлар миқдори камайиб кетишига олиб келади, қўшимча заҳиралар яратиш заруратини келтириб чиқаради. Товарлар қанчалик тез ташиб келтирилса, уларнинг заҳиралари шунчалик кам бўлади ва аксинча.

Моддий-техника базасининг яхши ҳолати ва омбор майдонларининг мавжудлиги катта заҳира ташкил қилиш имконини беради. Йирик дўконларда кўплаб товар турлари мавжуд бўлади. Бу эса уларда товар заҳираларининг кўпайиб кетишига олиб келади.

Ажратилган товарларни ўз вақтида олиш, аҳоли талабига қараб, бир маромда ташиб келтириш, заҳираларини меъёрдаги ҳажмда сақлашга шароит яратиш каби омиллар савдо ишининг сифатини оширади. Товар заҳиралари миқдори кўп ва озлигига савдо ходимлари малакасини ошириш, харидорларга хизмат кўрсатиш жараёнини такомиллаштириш сингари омиллар ҳам таъсир кўрсатади.

Товар заҳираларидан кейин товар балансининг энг муҳим элементларидан бири—товарларнинг йил давомида келиб тушишини таҳлил қилиш зарур. Чунки товар айланиши режасининг бажарилиши товарлар чакана савдо корхоналарига бир меъёрда ташиб келтирилишига боғлиқ.

Товар заҳиралари (фондлари) ташкил топиш манбаларига кўра, марказлаштирилган ва марказлаштирилмаган заҳира (фонд)ларга бўлинади.

Марказлаштирилган заҳира (фонд)лар саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг давлат харидидан, чет эл молларидан ташкил топади. Улар давлат томонидан ажратилади ҳамда республика савдо вазирлиги ва мустақил давлатларнинг тегишли органлари томонидан тасдиқланади.

Марказлаштирилмаган заҳира (фонд)лар хўжалик, маҳаллий ташкилотларга бўйсунадиган ишлаб чиқариш корхоналари, маҳсулотларидан воситачилик тармоқлари ва тижорат дўконлари молларидан, марказлаштирилмаган тартибда харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларидан ва ҳоказолардан ташкил топади. Бу заҳира (фонд-)лар савдо ташкилотлари ва корхоналари билан маҳсулот ишлаб чиқарувчилар орасида тузилган шартномалар асосида олди-сотди орқали вужудга келтирилади.

Энг муҳим товарлар (ун, ёрма, балиқ маҳсулотлари, қанд, газлама, пойабзал, тикувчилик буюмлари ва бошқалар) бўйича моддий балансларни, шунингдек, ширинликлар, ароқ, макарон ва бошқа товарлар бўйича ресурслар балансларини республика Иқтисодиёт ва Савдо вазирликлари ишлаб чиқади ва тасдиқлайди. Кўпгина товарлар (эмаль, электр лампалар ва бошқалар) бўйича моддий баланслар республика Давлат таъминоти, бир қатор озиқ-овқат маҳсулотлари ва озиқ-овқатлар жумласига кирмайдиган товарлар (250 номга яқин) бўйича моддий баланслар республика Савдо вазирлиги томонидан ишлаб чиқади ва тасдиқланади.

Биз таҳлил қилаётган савдо корхонасида товарларнинг 60% дан зиёдроғи марказлаштирилган фондлар бўйича келтирилмоқда.

Товарлар келиб тушишини таҳлил қилиш жараёнида бу борадаги режанинг аввало, барча товарлар гуруҳлари ва ҳар бир товар тури бўйича бажарилишини аниқлаш зарур. Бу келиб тушган товарлар ҳажми ва таркиби бўйича сотиш режасини бажариш, муқобил товар заҳиралари яратиш, аҳолининг ўсиб бораётган талабини қондириш даражасини аниқлаш имконини беради.

Товарларнинг келиб тушишини таҳлил қилиш жараёнида товар етказиб берувчилар билан уларни етказиб бериш юзасидан тузилган шартномаларнинг бажарилишини текширишга алоҳида аҳамият бериш керак. Ҳар бир шартнома бўйича ташиб келтирилган товарларнинг миқдори, тури ва сифати, уларни ортиш-жўнатиш муддатлари текширилади.

Агар товарлар шартномада белгиланган муддатда етказиб берилмаса, у ҳолда бунинг сабаблари аниқланиб, камчиликларни бартараф қилиш чора-тадбирлари ишлаб чиқилади.

Бозор иқтисодиёти шароитида кўпгина савдо корхоналари, фирмалар, қўшма корхоналар ва компаниялар савдони ривожлантириш ва ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун кўплаб товарларни, хом ашё ва материалларни хорижий давлатлардан келтирмоқдалар. Аммо бу товарларнинг кўпчилиги халқаро стандартлар талабига жавоб бермайди. Шунинг учун таҳлил жараёнида савдо ташкилотларига четдан келтириладиган товарларнинг жами товар заҳираларидаги, товар айланиш ҳажмидаги салмоғи аниқланиши зарур.

Товарлар манбалари бўйича келиб тушиши ўрганилгандан сўнг уларнинг заҳиралари кунлик айланишини таҳлил қилишга ўтилади.

Товар заҳираларининг сотиш муомаласи билан ўзаро алоқадорликдаги ҳаракати савдо соҳаси иқтисодий кўрсаткичларидан бири – товар айланишини белгилаш имконини беради. Товарлар айланиши муомала тезлигини ёки товарларнинг муомаладаги вақтини белгилайди.

Товар заҳираларига таъсир этувчи омилларнинг умумлашган ифодаси товарлар айланиш тезлиги кўрсаткичида аксини топади. Товар заҳираларининг тез айланиши халқ хўжалигида муҳим аҳамиятга эга. Товар заҳиралари айланишининг тезлашиши улар учун сарфланадиган маблағлар камайишига, рентабеллик даражси ошишига, корхона молиявий ҳолати мустаҳкамланишига олиб келади.

Товар заҳираларининг айланиш даражасини аниқлаш учун қуйидаги кўрсаткичлардан фойдаланилади: товар заҳираларининг ўртача қолдиғи (З), таҳлил қилиниш вақти (В), товар айланиши ҳажми (Т), товарларнинг айланиш коэффициенти (Ка), айланиш куни (Ак), товар заҳираларининг банд бўлиш коэффициенти (Кб).

Юқорида берилган кўрсаткичлардан фойдаланиб, товар айланиш кўрсаткичларини қуйидаги формулалар орқали З усул билан ҳисоблаш мумкин:

$$К_а = \frac{T}{З}; \; А_к = \frac{З x B}{T}; \; К_б = \frac{З}{T};$$

Товар заҳираларининг ўртача қолдиғини ҳисоблаш учун, одатда, статистик ўртача хронологик усул қўлланилади. Яъни:

$$З = \frac{\frac{1}{2}З_1 + З_2 + З_3 + ... + З_{n-1} + \frac{1}{2}Зn}{n-1}$$

Бу ерда:

$З_1$, $З_2$, $З_3$, ..$З_n$ – маълум бир даврдаги товар заҳиралари;
n – товар заҳиралари олинган вақт.

Товар айланиш кўрсаткичлари корхона бўйича ҳам, товарлар гуруҳи бўйича ҳам ҳисобланиши мумкин. Биз таҳлил қилаётган корхонада товар айланиши кўрсаткичлари қуйидагича бўлади (14-жадвал):

14-жадвал

Товарлар айланишининг таҳлили

Товар гуруҳлари	Ўртача товар захиралари, минг сўм		Товар айланиши ҳажми, минг сўм		Товарларнинг айланиши (кун ҳисобида)			Режага нисбатан фарқи, +, -		
	режа бўйича	ҳақиқатда	режа бўйича	ҳақиқатда	режа бўйича	ҳақиқатда	режадаги товар захиралари ва ҳақиқий товар айланиши ҳажми	ҳаммаси	шу жумладан, ўзгариши	
									товар захиралари ҳисобига	товар айланиши ҳажми ҳисобига
1.Ип газламалар	290	245	1679	2146	62.1	41.1	48.6	- 21	- 7.5	- 13.5
2. Трикотаж буюмлари	2260	2292	9080	9921	89.6	83.2	82.0	- 6.4	+ 1.2	- 7.6
3.Пойабзал	1997	2430	15198	13674	47.3	64.0	52.5	- 16.7	+ 11.5	+ 5.2
4.Гилам ва гилам буюмлари	2942	2692	11555	8455	91.7	114.6	125.2	+ 22.9	- 10.6	+ 33.5
5.Чарм ва чармдан қилинган товарлар	127	91	500	344	91.4	95.2	132.9	+ 3.8	- 37.7	+ 41.5
6.Атторлик моллари	4093	4016	14806	14534	99.5	101.4	101.3	+ 1.9	+ 0.1	+ 1.8
7.Электр товарлари	1076	1219	2822	2940	1373	149.3	131.7	+ 12.0	+ 17.6	- 5.6
8.Заргарлик буюмлари	1172	1209	4156	4384	101.5	99.3	96.2	- 2.2	+ 3.1.	- 5.3
9.Кимёвий-маиший товарлар ва ҳ.к.лар	89	84	251	229	127.6	132.1	139.9	+ 4.5	- 7.8	+ 12.3
10.Бошқа товарлар	27895	18946	70424	63488	117.0	107.4	129.8	- 9.6	- 22.4	+ 12.8
Жами	36941	33224	132400	121824	100.6	98.2	109.2	- 2.4	- 11.0	+ 8.6

Режа бўйича $К_а = \frac{T}{3}$: яъни $\frac{132400}{36941} = 3.58$ марта.

Энди айланиш кунини аниқлаймиз:

$А_к = \frac{3xB}{T}$: яъни $\frac{36941x360}{132400} = 100.6$ кун.

ёки

$А_к = \frac{B}{Ка}$: яъни $\frac{360}{3.58} = 100.6$ кун.

Ҳақиқатда $К_а = \frac{T}{3}$: яъни $\frac{121824}{33224} = 3.66$ марта айланган.

Айланиш куни $А_к =$ $= 98.2$ кун

ёки

$А_к =$ $= 98.2$ кун.

Энди товар заҳираларининг банд бўлиш коэффициентини аниқлаймиз.

У режа бўйича:

Ҳақиқатда: $К_б = \frac{3}{T} = \frac{36941}{132400} = 0.279$;

$К_б = \frac{3}{1} = \frac{33224}{121824} = 0.273$.

14-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, корхона бўйича товар айланиш вақти режага нисбатан йилига 2,4 кунга тезлашган. Бу асосан ип газламалар (21 кун), трикотаж бўюмлар (6,4 кун), заргарлик буюмлари (2,2 кун) ва бошқа товарлар (9,6 кун) ҳисобига бўлган. Қолган товарлар бўйича айланиш секинлашган.

Товар айланишининг тезлашишига, умуман олганда, 2 омил таъсир кўрсатади: товар заҳиралари қолдиғининг ўзгариши. Мисолимизда режадаги заҳиралар камайиши ҳисобига товар заҳираларининг айланиши 11,0 кунга тезлашди; иккинчидан, товар айланиш ҳажми режага нисбатан бажарилмаганлиги туфайли кунлик айланиши 8,6 кунга секинлашди. Эслатиб ўтиш керакки, сифатсиз товарлар кўплаб келтирилиши натижасида савдо корхоналари омборларида уларнинг заҳиралари йиғилиб қолмоқда.

Бу, аввало, товар заҳиралари айланишининг секинлашишига, омборларда йилдан-йилга кўпайиб боришига, иккинчидан товар заҳираларини сақлаш харажатларининг кўпайишига олиб келмоқда.

15-жадвал

Товар айланиш ҳажми таркибий ўзгаришининг товар захиралари айланишига таъсири

Товар гуруҳлари	Товар айланиши ҳажмининг товар гуруҳлари бўйича улуши, %		Товарларнинг айланиши, кун ҳисобида				Ҳақиқий товарлар тузилиши товарлар режа бўйича айланишига нисбатан	Ҳақиқий тузилишини ва режа бўйича айланишини ҳисобга олганда товарлар айланишининг ўртача кунлик даражаси
	режа бўйича	ҳақиқатда	режа бўйича	ҳақиқатда	режага нисбатан фарқи			
					тезлашиши (-)	секинлашиш (+)		
1	2	3	4	5	6	7	8 (3x4)	9 $\frac{8гр\,жо\,ли}{100}$ кунлар
1. Ип газламалар	1.3	1.8	62.1	41.1	21		111.7	
2.Трикотаж буюмлар	6.8	8.2	89.6	83.2	6.4		734.1	
3.Пойабзал	11.4	11.3	47.3	64.0		16.7	534.4	
4.Гилам ва гиламга оид буюмлар	8.7	6.9	91.7	114.6		22.8	632.7	
5.Чарм ва чармдан қилинган товарлар	0.4	0.3	91.4	95.2		3.8	27.4	
6.Атторлик моллари	11.2	11.9	99.5	101.4		1.9	1184.0	
7.Электр товарлари	2.2	2.5	137.3	149.3		12.0	343.0	
8.Заргарлик буюмлар	3.2	3.6	101.5	99.3	2.2		365.4	
9.Кимёвий-маиший товарлар	0.2	0.2	127.6	132.1		4.5	25.5	
10.Бошқа товарлар	54.6	53.3	117.0	107.4	9.6		6236.1	
ЖАМИ	100.0	100.0	100.6	98.2	2.4		10202.1	102.02

Товарлар заҳиралари айланиши тезлашишига ва секинлашишига уларнинг ҳажми ва қолдиғи ўзгаришидан ташқари, айланиш ҳажми ва гуруҳлари бўйича таркибий ўзгариши ҳам таъсир кўрсатади. Буни аниқлаш учун товар айланишининг ҳақиқий ҳажмининг товар гуруҳлари бўйича улуши режадаги заҳираларининг айланиш кунига кўпайтирилиб, олинган натижа 100га бўлинади. Товар айланиш ҳажми таркибий ўзгаришининг товар заҳиралари айланишига таъсирини аниқлаш учун жадвал тузилади (15-жадвал).

Жадвал маълумотларидан маълум бўлмоқдаки, товар айланиш ҳажми таркибий тузилишининг ўзгариши товар заҳиралари айланиши 1,4 кунга (102.0 −100.6) секинлашишига олиб келган, аммо айрим гуруҳдаги товарлар тез айланиши натижасида товар заҳираларининг айланиш вақти 3,8 кунга (98.2-102.0) тезлашган.

2.4. Савдо корхоналарида ишчи кучи билан таъминланиш ва иш вақти фондидан фойдаланишнинг таҳлили

Савдо корхоналарида товар айланиши режасининг бажарилиши мавжуд товар фондларигагина эмас, балки, бу корхоналарнинг ишчи кучи билан таъминланганлигига ва меҳнат унумдорлигига ҳам боғлиқ. Шунинг учун ҳам республикамизда бошқа соҳалар каби савдо тизими учун ҳам кадрлар тайёрлаш, уларни жой-жойига қўйиш, малакасини ошириб бориш, унумли ишлашлари учун шароит яратиш, меҳнатини муҳофаза қилиш, ижтимоий таъминоти, дам олишларини ташкил этиш, моддий фаровонлигини оширишга алоҳида эътибор билан қаралмоқда, кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, корхоналар ва ходимлар аро мусобақани кенг йўлга қўйиш, хизмат кўрсатиш маданиятини ошириш, ҳар бир ходимда меҳнаткашларга юқори сифатли хизмат кўрсатишга масъуллик ҳисини шакллантириш чоралари кўрилмоқда. Бу бозор иқтисодиётига ўтилаётган ҳозирги шароитда ўзига хос аҳамият касб этаётган бу каби тадбирларни амалга ошириш жараёнини изчиллик билан таҳлил қилиб бориш имконини бермоқда.

Савдо корхоналарининг ишчи кучи билан таъминланишини таҳлил қилишда, аввало, асосий ходимлар, сотувчилар, кассирлар, назоратчилар, ёрдамчи хизмат кўрса-

тувчи ва маъмурий ходимлар доимий таркиби (штати)нинг тўлиқлиги текширилади.

Савдо корхоналари раҳбарлари дўконлар ходимларининг доимий таркибини, шу жумладан, бошқарма ходимлари сонини мустақил тасдиқлайдилар. Республика «ЎЗБЕКСАВДО» АЖ жойларда ходимларга ёрдам кўрсатиш, савдо тармоқларининг ихтисослаштирилганлиги, иш жойлари сони, иш тартиби ва товарлар ўз-ўзига хизмат кўрсатиш усулида сотилишини ҳисобга олган ҳолда энг оммавий турдаги дўконлар учун намунавий иш тартибини ишлаб чиқади.

Эслатиб ўтиш керакки, республикамизда аҳоли сони ўсиши билан савдо корхоналари сони ҳам кўпайиб, ишчи кучига бўлган талаби янада орта боради. Демак, бу талабни муттасил ўрганиб бориш, аниқлаш зарурати кучаяди. Бунда иқтисодий таҳлил ўзига хос ўрин тутади. Дарвоқе, иқтисодий таҳлилнинг асосий вазифаларидан бири савдо корхоналари ишчи кучи билан қай даражада таъминланганлигини аниқлашдир, чунки товар айланиши режасининг бажарилиши кўп жиҳатдан корхоналарнинг ишчи кучи билан таъминланганлигига боғлиқ. Таҳлил жараёнида ходимлар сони қуйидаги гуруҳларга бўлиб ўрганилади: сотувчилар, ёрдамчи хизмат кўрсатувчи ходимлар ва маъмурий-бошқарув ходимлари.

Бунда ходимларнинг ҳисобот йилидаги сони ўтган йилги ҳамда режалаштирилган сони билан таққосланиб, корхона ходимлар билан қай даражада таъминланганлиги ва бу борадаги режага нисбатан мутлақ фарқ аниқланади (16-жадвал).

16-жадвал

Савдо корхоналарининг савдо ходимлари билан таъминланиш

Кўрсаткичлар	Режа бўйича		Ҳақиқатда		Режага нисбатан фарқи +, -		Режанинг бажарилиши %
	мутлақ	улуши,%	мутлақ	улуши,%	мутлақ	улуши,%	
1.Сотувчилар	716	49,80	715	50,30	- 1	- 0,50	99,9
2.Ёрдамчи хизмат кўрсатувчи ходимлар	576	40,1	559	39,4	- 17	0,7	97
3.Маъмурий - бошқарув ходимлари	145	10,1	145	10,3	-	- 0,2	100,0
Жами	1437	100,0	1419	100,0	- 18		98,2

Жадвалдан кўриниб турибдики, ҳисобот даврида ходимларнинг рўйхат бўйича ҳақиқий ўртача сони режадагига нисбатан 18 нафарга қисқарган. Бу қисқариш асосан ёрдамчи хизмат кўрсатувчи ходимларнинг камайиши ҳисобига рўй берган. Таҳлил якуни шуни кўрсатадики, корхона ишчи кучи билан етарли даражада таъминланмаган ва оқибатда товар айланиши режаси атиги 92% га бажарилган.

Эслатиб ўтиш керакки, сотувчилар сони бўйича мутлақ фарқни аниқлаш мумкин эмас, чунки уларнинг сони товар айланиши режасининг бажарилиши билан бевосита боғлиқ. Шу боис товар айланиши режаси бажарилишини ҳисобга олган ҳолда сотувчилар сони бўйича нисбий фарқни аниқлаш зарур. Сотувчилар сонининг нисбий фарқи қуйидагича топилади: режа бўйича сотувчилар сони товар айланиши режасининг бажарилиш фоизига кўпайтирилиб, юзга бўлинади ва ҳисобланган кўрсаткич ҳақиқатдаги сотувчилар сони билан таққосланади. Шу тариқа сотувчилар сони бўйича нисбий камлик ёки ортиқчалик аниқланади. Нисбий камлик меҳнат унумдорлиги ўсганлигини, ортиқчалик эса бу унумдорлик пасайганлигини билдиради. Сотувчилар сони бўйича нисбий фарқни аниқлашда 17-жадвалдаги шаклдан фойдаланилади.

17-жадвал

Сотувчилар сони бўйича нисбий фарқни аниқлаш учун намунавий шакл

Кўрсаткич	Сотувчилар сони, нафар		Режадаги сотувчилар сони режа бўйича товар айланиши режасининг бажарилишига нисбатан ҳисобланган	Фарқи, нафар	
	режа	ҳақиқатда		мутлақ	нисбий
Сотувчилар	716	715	659	- 1	56

Жадвалда қайд этилганидек, товар айланиши режасининг бажарилиш даражасини ҳисобга олганда, сотувчилар сони бир кишига мутлақ кам бўлган. Товар айланиши режасининг 92% га бажарилишини инобатга олганда, нисбий ортиқчалик 56 нафарни ташкил этади. Бу эса, савдо корхонасида меҳнат ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланмаганлигидан, меҳнат унумдорлиги пасайганлигидан далолат беради.

Савдо корхоналарининг савдо ходимлари билан таъминланиш даражасига баҳо берилгандан сўнг, иш вақти фондидан фойдаланиш даражаси таҳлил қилиниши зарур. Иш вақти фонди деб савдо ходимлари томонидан жами ишланган одам-соатларга ва одам-кунларга айтилади. Таҳлил жараёнида иш вақти фондидан фойдаланиш даражаси ва бу борадаги мутлақ фарқнинг ўзгариш сабаблари аниқланади. Иш вақти фондининг ўзгариши (жами одам-соатлар бўйича) қуйидаги омилларга боғлиқ:

1. Сотувчилар сонининг ўзгариши. Бу омилнинг таъсирини аниқлаш учун сотувчилар сони бўйича мутлақ фарқ режадаги бир сотувчига тўғри келадиган ўртача йиллик иш кунларига ва ўртача иш кунининг давомийлигига кўпайтирилади.

2. Битта сотувчига тўғри келадиган ўртача йиллик иш кунларининг ўзгариши. Бу омилнинг таъсирини аниқлаш учун ўртача йиллик иш кунлари бўйича мутлақ фарқ ҳисобот давридаги сотувчилар сонига ва режадаги ўртача иш кунининг давомийлигига кўпайтирилади.

3. Ўртача иш куни давомийлигининг ўзгариши. Бу омилнинг таъсирини аниқлаш учун ўртача иш кунининг давомийлиги бўйича мутлақ фарқ ҳисобот давридаги сотувчилар сонига ва ўртача йиллик иш кунларига кўпайтирилади. Корхонада иш вақти фондидан қай даражада фойдаланилганлигини таҳлил қилиш ва юқорида қайд қилинган омилларнинг иш вақти фондига таъсирини аниқлаш учун 18-жадвалда келтирилган шаклдан фойдаланилади.

18-жадвал

Иш вақти фондидан фойдаланишнинг таҳлили

Кўрсаткичлар	Режа бўйича	Ҳақиқатда	Фарқи	Режанинг бажарилиши, %
Сотувчиларнинг ўртача сони, нафар	716	715	- 1	99,86
Сотувчилар томонидан ишланган жами одам-соатлар	2574163.2	2643498	69334.8	102.69
Сотувчилар томонидан ишланган жами одам - кунлар	229836	225940	- 3896	98.30
Битта сотувчига бир йилда тўғри келадиган ўртача иш кунлари	321	316	- 5	98.4
Ўртача иш кунининг давомийлиги, соат	11.2	11.7	0.5	104.3

Жадвалдаги маълумотлардан кўриниб турибдики, сотувчилар томонидан ишланган одам соатлар режага нисбатан 69334,8 одам соатга кўпайган. Иш вақти фондининг кўпайишига ёки камайишига таъсир кўрсатувчи омилларни 18-жадвалдаги маълумотлардан фойдаланиб, қуйидагича аниқлаймиз:

1. Сотувчилар сонининг ўзгариши. Мисолимизда сотувчилар сони ҳисобот йилида режага нисбатан бир нафарга камайган. Бу эса, иш вақти фондининг 3595,2 одам - соатга (-1x321x11.2) камайишига олиб келди.

2. Битта сотувчига бир йилда тўғри келадиган ўртача йиллик иш кунларининг ўзгариши. Савдо корхонасида ҳар бир сотувчи режадагига нисбатан 5 кун кам ишлаган. Бу, ўз навбатида, иш вақти фонди 40040 одам-соатга (-5x715x11.2) камайишга олиб келди.

3. Ўртача иш куни давомийлигининг ўзгариши. Таҳлил қилинаётган савдо корхонасида ўртача иш кунининг давомийлиги 0,5 одам-соатга кўпайган. Бу иш вақти фондини 112970 одам-соатга (+ 0.5x715x316) кўпайишига олиб келди.

Текшириш: Иш вақти фонди бўйича фарқ:

+112970 – 3545.2- 40040 + = 69334.8 одам-соат.

Иш вақти фондининг ўзгаришига таъсир этувчи омиллар занжирли боғланиш усулида қуйидагича аниқланади:

19-жадвал

Иш вақти фондининг ўзгаришига таъсир этувчи омилларни занжирли боғланиш усулида аниқлаш

Кўрсат-кичлар	Режа бўйича	Ҳақи-қатда	Фарқи (- 1)	Занжирли алмаштиришлар		
				I	II	III
Сотувчиларнинг ўртача йиллик сони, нафар	716	715	- 1	715	715	715
Битта сотувчига тўғри келадиган ўртача йиллик иш куни	321	316	- 5	321	316	316
Битта сотувчига тўғри келадиган ўртача иш кунини давомий-лиги, соат	11.2	11.7	0.5	11.2	11.2	11.7
Жами иш вақти фонди, одам-соатлар	2574163.2	2643498	69334.8	2570568	2530528	2643498

Жадвалда қайд этилганидек, таҳлил қилинаётган корхонада иш вақти фондининг умумий ҳажми Қ69334.8 одам - соатга кўпайган. Бунга қуйидаги омиллар таъсир кўрсатган:

1. Сотувчилар сонининг 1 нафарга камайиши иш вақти фонди 3595,2 одам-соатга камайиишига олиб келди:

2570568 – 2574163,2 = - 3595,2 одам-соат.

2. Сотувчилар томонидан ишланган ўртача йиллик иш кунлари 5 кунга камайганлиги иш вақти фонди 40040 одам - соатга камайишига олиб келди:

2530528 – 2570568 = - 40040 одам соат.

3. Битта сотувчига тўғри келадиган ўртача иш куни давомийлигининг 0,5 соатга кўпайиши иш вақти фонди 112970 одам - соатга кўпайишига олиб келди:

2643498 – 2530528 = + 112970 одам-соат.

Одатдагидек, барча омиллар таъсири натижанинг умумий фарқига тенг + 112970 – 3595,2 - 40040 = + 69334.8 одам-соат.

Таҳлил натижаси шуни кўратдики, савдо корхонасида иш вақти фондидан самарали фойдаланиш даражасига фақат ўртача иш кунининг давомийлигини узайтириш ижобий, қолган омиллар эса салбий таъсир кўрсатган. Бу ўзгаришлар, ўз навбатида, товар айланиши ҳажмининг ўзгаришига ҳам таъсир этган.

2.5. Товар айланиши ҳажмининг ўзгаришига таъсир кўрсатувчи меҳнат омиллари таҳлили

Товар айланиш ҳажмининг ўзгаришига қатор омиллар, чунончи, сотувчилар сонининг ўзгариши, ўртача йиллик иш кунларининг ўзгариши, ўртача иш куни давомийлигининг ўзгариши ва ўртача бир соатга тўғри келадиган товар айланиши ҳажмининг ўзгариши таъсир кўрсатади. Улар қуйидагича аниқланади:

1. Сотувчилар сонининг ўзгариши. Бу омилнинг таъсирини аниқлаш учун сотувчилар сони бўйича мутлақ фарқ режадаги ўртача йиллик иш кунларига, ўртача иш кунининг давомийлигига ва ўртача бир соатга тўғри келадиган товар айланиши ҳажмига кўпайтирилади.

2. Ўртача йиллик иш кунларининг ўзгариши. Бу омил таъсирини аниқлаш учун ўртача йиллик иш кунлари бўйича мутлақ фарқ ҳисобот давридаги сотувчилар сонига, режада-

ги ўртача иш кунининг давомийлигига ва ўртача бир соатга тўғри келадиган товар айланиши ҳажмига кўпайтирилади.

3. Ўртача иш куни давомийлигининг ўзгариши. Бу омил таъсирини аниқлаш учун ўртача иш кунининг давомийлиги бўйича мутлақ фарқ ҳисобот давридаги сотувчилар сонига, ўртача йиллик иш кунларига ва режадаги ўртача бир соатга тўғри келадиган товар айланиши ҳажмига кўпайтирилади.

4. Ўртача бир соатга тўғри келадиган товар айланиши ҳажмининг ўзгариши. Бу омил таъсирини аниқлаш учун ўртача бир соатга тўғри келадиган товар айланиши ҳажми бўйича мутлақ фарқ ҳисобот давридаги сотувчилар сонига, ўртача йиллик иш кунларига ва ўртача иш кунининг давомийлигига кўпайтирилади.

Таҳлил жараёнида юқорида қайд қилинган омилларнинг товар айланиши ҳажми ўзгаришига таъсирини ҳамда корхона бўйича меҳнат унумдорлиги ва бир сотувчига тўғри келадиган товар айланиши ҳажмининг ўзгаришига таъсир кўрсатувчи омилларни аниқлаш учун 20-жадвалдаги шакл қўлланилади. Бунда таҳлилнинг фарқни топиш, занжирли боғланиш ва фоизли сонлар бўйича фарқни топиш усулларидан фойдаланилади.

20-жадвал

Меҳнат унумдорлиги кўрсаткичлари таҳлили

Кўрсаткичлар	Режа бўйича	Ҳақиқатда	Фарқи, +, -	Режанинг бажаралиши, %
1. Товар айланиши ҳажми, м.с.	132400	121824	10576	92,01
2. Савдо ходимларининг ўртача сони, нафар	1437	1419	- 18	98,2
3. Сотувчиларнинг ўртача сони, нафар	716	715	- 1	99,86
4. Сотувчиларнинг савдо ходимлари орасидаги улуши, %	49,826	50,387	+ 0,561	x
5. Сотувчилар томонидан ишланган жами одам-кунлар	229836	225940	- 3896	98,30
6. Битта сотувчига бир йилда тўғри келадиган ўртача йиллик иш кунлари	321	316	- 5	98,4
7. Сотувчилар томонидан ишланган жами одам-соатлар	2574163,2	2643498	69334,8	102,69
8. Ўртача иш кунининг давомийлиги, соат	11.2	11.7	+ 0.5	104,3

9. Битта савдо ходимига тўғри келадиган ўртача йиллик товар айланиши ҳажми, сўм	92136,4	85852,0	- 6284,4	93,2
10. Битта сотувчига тўғри келадиган ўртача йиллик товар айланиши ҳажми, сўм	184916,2	170383,2	- 14533	92,1
11. Ўртача бир иш кунига тўғри келадиган товар айланиши ҳажми, сўм	576,1	539,2	- 36,9	93,5
12. Ўртача бир соатга тўғри келадиган товар айланиши ҳажми, сўм	51,434	46,084	- 5,35	89,6

Жадвалдаги маълумотлардан кўриниб турибдики, товар айланиши ҳажми режадагига нисбатан 10576 минг сўмга бажарилмаган ёки 8% ни ташкил этган. Бунга меҳнат омиллари қуйидагича таъсир кўрсатган:

1. Сотувчилар сони режадагига нисбатан бир нафарга камайиши товар айланиши ҳажмининг 184 минг сўмга камайишига олиб келди:

- 1x321 x 11,2x51,434 = - 184,4 минг сўм

2. Корхонада ҳар бир сотувчи режадагига нисбатан 5 кун кам ишлаган. Бу, товар айланиши ҳажми 2059,4 минг сўмга камайишига сабаб бўлди:

- 5x715x11,2x51,434 = - 2059,4 минг сўм

3. Таҳлил қилинаётган корхонада ўртача иш кунининг давомийлиги режадагига нисбатан 0,5 соатга ошган. Бу, товар айланиши ҳажмининг 5810,4 минг сўмга кўпайишига олиб келди:

+ 0,5x715x316x51,434 = +5810,4 минг сўм.

4. Ўртача бир соатга тўғри келадиган товар айланиши ҳажми режадагига нисбатан 5,35 минг сўмга камайган. Яъни меҳнат унумдорлиги даражаси пасайиши ҳисобига товар айланиши ҳажми 14142,2 минг сўмликка камайган:

- 5,35x715x316x11,7 = - 14142,4 минг сўм.

Ҳисобнинг тўғрилигини текшириш:

- 184,8 – 2059,4 – 14142,4+ 5810,4 = - 10576 минг сўм.

Таҳлил натижаларини умумлаштириш учун 21-жадвалдаги шаклдан фойдаланилади:

21-жадвал

Таҳлил **натижаларини умумлаштириш**

Товар айланиш ҳажми, м.с.		Фарқи +, -	Таъсир кўрсатувчи омиллар			
режа бўйича	ҳақиқатда		сотувчилар сонининг ўзгариши, нафар	ўртача йиллик иш кунларининг ўзгариши	ўртача иш куни давомийлигининг ўзгариши, соат	ўртача бир соатга тўғри келадиган товар айланиши ҳажмининг ўзгариши
132400	121824	-10576	- 184,8	- 2059,4	5810,4	- 14142,1

Таҳлил натижаси шуни кўрсатадики, товарларнинг айланиш ҳажмини кўпайтириш учун таҳлил қилинаётган савдо корхонасини сотувчилар билан тўлиқ таъминлаш, ўртача иш кунларини режада кўзда тутилган даражага етказиш ва бир соатга тўғри келадиган товарларнинг айланиш ҳажмини ошириш лозим.

22-жадвал

Товар айланиши ҳажмининг ўзгаришига таъсир кўрсатувчи омилларни занжирли боғланиш усулида аниқлаш

Боғланишлар / Кўрсаткичлар	I боғланиш	II боғланиш	III боғланиш	IV боғланиш	V боғланиш
1. Ўртача сотувчилар сони, нафар	716	715	715	715	715
2. Ўртача йиллик иш кунлари, кун	321	321	316	316	316
3. Ўртача иш кунининг давомийлиги, соат	11,2	11,2	11,2	11,7	11,7
4. Ўртача бир соатга тўғри келадиган товар айланиши ҳажми, сўм	51,434	51,434	51,434	51,434	46,084
5. Товар айланиш ҳажми, м.с.	132400	132214	130155	135965	121824

Товар айланиши ҳажмининг ўзгаришига таъсир кўрсатувчи омиллар қуйидагича ҳисобланади:

1. Сотувчилар сонининг ўзгариши:

132214-132400 = - 186 минг сўм.

2. Ўртача йиллик иш кунларининг ўзгариши:
130155-132214 = - 2059 минг сўм.
3.Ўртача иш куни давомийлигининг ўзгариши:
135963-130155 = + 5810 минг сўм.
4.Ўртача бир соатга тўғри келадиган товар айланиши ҳажмининг ўзгариши:
121824 135965 = - 14141 минг сўм.
Текшириш: - 186-2059 – 14141 + 5810 = - 10576 минг сўм.

23-жадвал

Товар айланиши ҳажмининг ўзгаришига таъсир кўрсатувчи меҳнат омилларини фоизли соплар бўйича фарқни топиш усулида аниқлаш

Кўрсаткичлар	Режанинг бажарилиши,%	Олдинги фоиздан фарқ, +,-	Таъсир кўрсатувчи омиллар ҳисобланган, минг сўм	Таъсир кўрсатувчи омиллар
1.Сотувчиларнинг ўртача сони	99,86	- 0,14	$\frac{-0.14x132400}{100}$ = - 185.3	Сотувчилар сонининг ўзгариши
2.Сотувчилар томонидан ишланган жами одам-кунлар	98,304	-1,556	$\frac{-1.556x132400}{100}$ = - 2060.4	Иш кунларининг ўзгариши
3.Сотувчилар томонидан ишланган жами одам-соатлар	102,693	+ 4,389	$\frac{+4.389x132400}{100}$ = - 5810,0.0	Ўртача иш куни давомийлигининг ўзгариши
4.Товар айланиши ҳажми	92,01	-10,68	$\frac{-10.68x132400}{100}$ = - 14140.3	Ўртача бир соатга тўғри келадиган товар айланиши ҳажмининг ўзгариши

Таҳлилнинг кейинги босқичида меҳнат унумдорлиги режасининг бажарилиши ва унинг ўзгариш сабаблари аниқланиши зарур. Меҳнат унумдорлиги вақт бирлиги ичида сотилган товарлар ҳажми билан белгиланади.

Меҳнат унумдорлигининг ўсиши халқ хўжалигида алоҳида аҳамият касб этади: муомала доирасида бўлган товар заҳираларининг айланиш вақти қисқартиришига, муомала харажатлари камайтиришига, рентабеллик даражаси ошишига ва пировард натижада корхонининг самарадорлик даражаси юксалишига олиб келади.

Савдода меҳнат унумдорлигининг миқдор ўлчови маълум даврда бир ходим ҳисобига тўғри келадиган товар айланиши ҳисобланади ва бир сотувчи ҳисобига тўғри келадиган товар айланиши ҳажми билан белгиланади. Бир ходимга тўғри келадиган товар айланиши дўконнинг товар айланишини ундаги ходимлар сонига ҳамда сотувчилар сонига бўлиш йўллари билан аниқланади.

20-жадвалда қайд этилгандек, ҳисобот даврида бир ходим ҳисобига тўғри келадиган меҳнат унумдорлиги режадагига нисбатан 6284,4 сўмга кам бўлган ёки режа 93,2% бажарилган. Бир сотувчи ҳисобига тўғри келадиган меҳнат унумдорлиги эса, режадагидан 14533 сўмга кам ёки 92,1% бажарилган.

Таҳлил жараёнида ўртача бир савдо ходимига ва ўртача бир сотувчига тўғри келадиган товар айланиши ҳажмининг ўзгаришига қандай омиллар таъсир кўрсатганлиги аниқланиши зарур.

Умуман олганда, меҳнат унумдорлигининг ўзгаришига иккита омил таъсир кўрсатади. Биринчи омил сотувчилар сонининг савдо ходимлари ўртасидаги улуши ўзгариши бўлса, иккинчиси - бир сотувчига тўғри келадиган меҳнат унумдорлигининг ўзгаришидир.

Биринчи омил таъсири сотувчиларнинг савдо ходимлари ўртасидаги улуши фарқини режадаги бир сотувчига тўғри келадиган меҳнат унумдорлигига кўпайтириб, ҳосилани 100 га бўлиш йўли билан топилади:

$$\frac{0.561x184916}{100} = + 1037 \text{ сўм}$$

Демак, савдо ходимлари ўртасида сотувчилар сонининг тутган ўрни режадагига нисбатан ошиши натижасида меҳнат унумдорлиги 1037 сўмга кўпаяди.

Иккинчи омил таъсири бир сотувчига тўғри келадиган меҳнат унумдорлиги фарқини ҳақиқатдаги сотувчилар сонининг савдо ходимлари ўртасида тутган улушига кўпайтириб, кўпайтмани 100 га бўлиш йўли билан топилади:

$$- \frac{14533x50.387}{100} = - 7321.4 \text{ сўм}$$

Текшириш: -7321.4 + 1037 = -6284.4 сўм.

Демак, бир сотувчига тўғри келадиган меҳнат унумдорлиги режадагига нисбатан камайиши корхона бўйича меҳнат унумдорлиги 7321.4 сўмга камайишига олиб келган.

Меҳнат унумдорлигига таъсир кўрсатувчи омилларни 24-жадвалдан фойдаланиб, занжирли боғланиш усулида ҳам аниқлашимиз мумкин.

24-жадвал

Савдо корхонаси бўйича меҳнат унумдорлигига таъсир кўрсатувчи омиллар таҳлили

Бир савдо ходимига тўғри келадиган меҳнат унумдорлиги, сўм					
Режа бўйича сотувчиларнинг улуши ва меҳнат унумдорлиги, сўм	Ҳисобот йилидаги сотувчиларнинг улуши ва режа бўйича бир сотувчига тўғри келадиган меҳнат унумдорлиги, сўм	Сотувчиларнинг ҳисобот йилидаги улуши ва бир сотувчига тўғри келадиган меҳнат унумдорлиги, сўм	Режага нисбатан фарқи		
			Шу жумладан, ўзгариш		
			ҳаммаси	сотувчиларнинг улуши ҳисобига	бир сотувчига тўғри келадиган меҳнат унумд. ҳисобига
$\frac{49.826 x 1849162.2}{100}$ = 92136,4	$\frac{50.387 x 184916.2}{100}$ = 93173,7	$\frac{50.387 x 170383.2}{100}$ = 85852	6284.4	+1037,3	-7321,7

Таҳлилнинг иккинчи босқичида бир сотувига тўғри келадиган ўртача йиллик товар айланиши ҳажмининг ўзгариши сабаблари таҳлил қилинади. Бир сотувчига тўғри келадиган товар айланиши ҳажмининг ўзгариши қуйидаги омилларга боғлиқ:

- ўртача йиллик иш кунларининг ўзгаришига;
- ўртача иш куни давомийлигининг ўзгаришига;
- ўртача бир соатга тўғри келадиган товар айланиши ҳажмининг ўзгаришига.

Юқорида қайд қилинган омилларнинг бир сотувчига тўғри келадиган ўртача йиллик товар айланиши ҳажми ўзгаришига таъсирини занжирли боғланиш усулида аниқлаш учун 25-жадвалдан фойдаланамиз.

25-жадвал

Бир сотувчига бир йилда тўғри келадиган товар айланиши ҳажмининг ўзгаришига таъсир кўрсатувчи омиллар таҳлили

Ҳисоблар	Таъсир кўрсатувчи омиллар			Умумий кўрсаткич	Олдинги ҳисобдан фарқ, сўм	Фарқ сабаблари
	ўртача йиллик иш кунлари	ўртача иш кунининг давомийлиги соат	бир соатга тўғри келадиган ўртача товар айланиши ҳажми, сўм	бир сотувчига бир йилда тўғри келадиган ўртача товар айланиши ҳажми, сўм		
I ҳисоб	321	11,2	51,434	184916,2		Иш кунларининг камайиши, иш куни давомийлигининг ошиши, бир соатга тўғри келадиган товар айланиши ҳажмининг камайиши
II ҳисоб	316	11,2	51,434	182035,2	-2881	
III ҳисоб	316	11,7	51,434	190161,7	+8126,5	
IV ҳисоб	316	11,7	46,084	170383,2	-19778,5	

Умумий фарқ: 170383,2 – 184916,2 = - 14533 сўм.

1. Ўртача йиллик иш кунларининг ўзгариши ҳисобига:

182035,2 – 184916,2 = - 2881 сўм.

2. Иш куни давомийлигининг ўзгариши ҳисобига:

190161,7 – 182035,2 = + 8126,5 сўм.

3. Ўртача бир соатга тўғри келадиган товар айланиши ҳажмининг ўзгариши ҳисобига:

170383,2 – 190161,7 = - 19778,5 сўм.

Текшириш: -2881-19778,5 + 8126,5 = -14533 сўм.

Савдо корхоналарида кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш, улардан тўғри фойдаланиш харидорларга хизмат кўрсатиш сифатини, меҳнат унумдорлигини оширишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Иқтисодиёт йўналишидаги илмий-тадқиқот институтлар ва йирик олимларимиз ҳисобига кўра, меҳнат унумдорлигини савдо ходимларининг иш шароитларини яхшилаш эвазига 2–4, совутиш ва иситиш тизимларини такомиллаштириш ҳисобига 5–10 ва хоналарни, иш жой-

ларни ёритиш тизимларини тўғри йўлга қўйиш эвазига 10–15% ошириш мумкин. Озиқ-овқат дўконларига қадоқланган товарлар ташиб келтиришни 1% кўпайтириш эса республикамиз бўйича сарфланадиган иш кунини 40 минг одам - кунига камайтириш имконини беради.

Юқорида кўрсатилган ҳамма омиллар таҳлил жараёнида чуқур ўрганилиши ва аниқланиши лозим.

2.6. Товар айланиши режаси бажарилишига ташкилий ва техникавий омиллар таъсирининг таҳлили (дўконлар иш тартиби таҳлили)

Товар айланиши режасининг бажарилиши қатор ташкилий ва техникавий омилларга боғлиқ. Улар қуйидагилардан иборат:

1. Савдо тармоқ (шохобчаларини) ривожлантириш режаси бажарилиши, уларнинг ихтисослашиши, тўғри жойлашиши ва ишлатилиши таҳлили.

2. Савдонинг илғор шаклларини ривожлантириш.

3. Савдо корхоналарининг қоидага мувофиқ иш юритиш тартиби.

Савдо корхоналарида савдо тармоқларини ривожлантириш, кўчма савдо ва ташиб юриб сотиладиган товарлар доирасини кенгайтириш режаси белгиланади. Шунинг учун таҳлил жараёнида юқорида қайд этилган кўрсаткичлар режасининг бажарилишини аниқлаш зарур. Агар режа бажарилмаса, у вақтда бунинг оқибатида товар айланиш ҳажмининг, ялпи даромад ва фойда суммасининг камайишини таҳлил орқали аниқлаш лозим.

Товар айланиши ҳажмининг ўсиши ва аҳолига хизмат кўрсатишнинг яхшиланиши савдо тармоқлари тўғри жойлаштирилишига боғлиқ. Шу боис таҳлил жараёнида савдо тармоқлари жойлашиши аҳоли учун қулайми ёки йўқми - бу чуқурроқ ўрганилиши; шунингдек, аҳоли пунктларининг жойлашиши ва аҳоли зичлигини ҳисобга олган ҳолда ҳар бир иқтисодий районда, шаҳарда савдонинг илғор шаклари, савдо тармоқларининг жойлашиши, фаолияти самарадорлиги аниқланиши лозим.

Савдо корхоналари фаолияти самарадорлиги таққослаш йўли билан аниқланади. Бунда илғор иш усули бўйича ишлаётган савдо корхоналари бундай усулга ўтмаган савдо

корхоналари билан таққосланади, иш самарадорлиги ҳамда товар айланиши ҳажмига ижобий ва салбий таъсир кўрсатувчи омиллар аниқланади.

Савдо майдонлари саҳни, товар заҳиралари сақланадиган жойлардан унумли фойдаланиш савдо корхоналари иш усулига боғлиқ. Хўжалик фаолиятини таҳлил қилишда иш сменаси, овқатланиш вақти, дам олиш кунлари ҳамда айрим иш соатларида харидорлар кўпайишини ҳисобга олган ҳолда корхоналарнинг 1.5–2 сменада ишлаши мақсадга мувофиқлигини эътиборга олиш лозим. Бундан ташқари, савдо корхоналарида иш жойи сони, иш кунлари, сменаси, савдо майдони ҳамда бир иш жойига тўғри келадиган товар айланиши ҳажми режаларининг бажарилиши аниқланиши керак.

Маълумки, кейинги пайтларда кўпгина савдо корхоналарида ўз-ўзига хизмат кўрсатиш жорий этилди ва бу жараён такомиллаштирилмоқда. Натижада савдо корхоналарининг моддий-техника базасидан фойдаланиш самарадорлиги сифат кўрсаткичига айланмоқда. Шу сабабли бир соатда 1м^2 савдо майдонига, бир иш жойига тўғри келадиган товарлар айланиши ҳажми ўрганилади.

Савдо корхоналарининг иш тартибини таҳлил қилиш учун қуйидаги кўрсаткичлардан фойдаланилади: савдо майдони, сотувчиларнинг иш жойи, бир йилда бир сотувчига тўғри келадиган ўртача иш кунлари, ўртача иш кунининг давомийлиги ва бир соатда 1м^2 савдо майдонига тўғри келадиган товар айланиши ҳажми. Бу кўрсаткичларнинг ўзгариши товар айланиши ҳажми ўзгаришига таъсир кўрсатади.

Товар айланиши ҳажми ўзгаришига юқорида қайд қилинган омиллар таъсирини аниқлашнинг асосий усулларидан бири фарқни топиш усулидир. Товар айланиши ҳажми ўзгаришига тегишли омиллар таъсири ушбу усулда қуйидагича аниқланади:

1. Савдо майдонининг ўзгариши. Бу омилнинг таъсирини аниқлаш учун савдо майдони бўйича мутлақ фарқ режадаги ўртача йиллик иш кунларига, ўртача иш кунининг давомийлигига ва ўртача бир соатда 1м^2 савдо майдонига тўғри келадиган товар айланиши ҳажмига кўпайтирилади.

2. Ўртача иш куни давомийлигининг ўзгариши. Буни аниқлаш учун ўртача иш куни давомийлиги бўйича мутлақ фарқ ҳисобот давридаги савдо майдонига, режадаги ўртача йил-

лик иш кунларига ва ўртача бир соатда 1м² савдо майдонига тўғри келадиган товар айланиши ҳажмига кўпайтирилади.

3. Ўртача йиллик иш кунларининг ўзгаришини аниқлаш учун ўртача йиллик иш кунлари бўйича мутлақ фарқ ҳисобот давридаги савдо майдонига, ўртача иш кунининг давомийлигига ва режадаги ўртача бир соатда 1м² савдо майдонига тўғри келадиган товар айланиши ҳажмига кўпайтирилади.

4. Ўртача бир соатда 1м² савдо майдонига тўғри келадиган товар айланиши ҳажмининг ўзгариши. Бу омилнинг таъсирини аниқлаш учун бир соатда 1м² савдо майдонига тўғри келадиган товар айланиши ҳажми бўйича мутлақ фарқ ҳисобот давридаги савдо майдонига, ўртача иш кунининг давомийлигига ва ўртача йиллик иш кунларига кўпайтирилади. Савдо корхонасининг фаолиятини таҳлил қилиш учун қуйидаги жадвални тузамиз:

26-жадвал

Дўконларнинг иш тартиби таҳлили

Кўрсаткичлар	Режа бўйича	Ҳақиқатда	Фарқи	Режанинг бажарилиши, %
1. Чакана савдо товар айланиши, минг сўм	132400	121824	-10576	92,0
2. Савдо майдони, м²	8715	8765	50	100,5
3. Ўртача иш кунининг давомийлиги (соат)	11,2	11,7	0,5	104,3
4. Бир йилда 1 та сотувчига тўғри келадиган ўртача иш куни	321	316	- 5	98,4
5. Бир соатда 1м² савдо майдонига тўғри келадиган товар айланиши ҳажми, сўм	4,225	3,759	- 0,466	88,9

Бир соатда м² савдо майдонига тўғри келадиган товар айланиши ҳажми қуйидагича аниқланади:

Режа бўйича: $\frac{132400}{8715x11.2x321} = 4.225 сум$

Ҳақиқатда: $\frac{121824}{8765x11.7x316} = 3.759 сум$

Жадвал кўрсаткичларидан кўриниб турибдики, таҳлил қилинаётган савдо корхонасининг савдо майдони 50 м² га ва ўртача иш кунининг давомийлиги 0,5 соатга кўпайган. Лекин битта сотувчига тўғри келадиган ўртача иш куни режадагига нисбатан 5 кунга ва бир соатга 1 м² савдо майдонига тўғри келадиган товар айланиши 0,466 сўмга камайган. Бу эса, товар айланиши ҳажмининг ўзгаришига таъсир кўрсатади. Таҳлилда юқорида қайд этилган кўрсаткичларни чуқурроқ ўрганиб, товар айланиши ҳажмининг ўзгаришига ижобий ҳамда салбий таъсир кўрсатувчи омилларни аниқлаш керак.

Бунинг учун «Иқтисодий таҳлил» фанининг асосий усулларидан бири—занжирли боғланиш усулидан фойдаланамиз. Бунда биринчи боғланиш режа кўрсаткичлари бўлиб, улар кейинги боғланишларда ҳақиқатдаги кўрсаткичлар билан биттадан кетма-кет алмаштирилиб борилади.

Савдо корхонаси иш усулини савдо майдони ўрнига сотувчиларнинг ўртача сонини ҳамда иш жойи сонини (ўзўзига хизмат қилувчи дўконларда шартли иш жойи) қўшиб ҳам таҳлил қилиш мумкин. Таҳлил қилинаётган савдо корхонасида товар айланиши режасининг бажарилишига таъсир кўрсатувчи омилларни аниқлаш учун қуйидаги жадвалдан фойдаланамиз:

27-жадвал

Чакана савдода товар айланиши режасининг бажарилишига таъсир кўрсатувчи омилларни ҳар хил шароитда аниқлаш

Кўрсаткичлар / Боғланишлар	Савдо майдони, м²	Ўртача иш кунининг давомийлиги, соат	Бир йилда 1 сотувчига тўғри келадиган иш куни	Бир соатда 1м² савдо майдонига тўғри келадиган товар айланиши, сўм	Чакана савдо товар айланиши, минг сўм
I	8715	11.2	321	4,225	132400
II	8765	11.2	321	4,225	133137
III	8765	11.7	321	4,225	139081
IV	8765	11.7	316	4,225	136915
V	8765	11.7	316	3,759	121824

Товар айланиши ҳажми режадагига нисбатан 10576 минг сўмга (132400-121824) бажарилмаган. Бунга қуйидаги омиллар салбий таъсир кўрсатган:

1. Савдо майдонининг ўзгариши. Савдо майдонининг режага нисбатан 50 м² кўпайиши товар айланиши ҳажми 737 минг сўмга (133137-132400) кўпайишига олиб келди.

2. Ўртача иш куни давомийлигининг ўзгариши. Ўртача иш куни давомийлигининг режага нисбатан 0,5 соатга кўпайиши ҳисобига товар айланиши ҳажми 5944 минг сўмга (139081-133137) кўпайди.

3. Бир йилда битта сотувчига тўғри келадиган ўртача иш кунининг ўзгариши. Бир йилда ўртача бир сотувчига тўғри келадиган иш куни режадагига нисбатан 5 кунга камайган, бунинг ҳисобига товар айланиши ҳажми 2166 минг сўмга (136915-139081) озайган.

4. Бир соатда 1 м² савдо майдонига тўғри келадиган товар айланиши ҳажмининг ўзгариши. Бир соатда 1м² майдонига тўғри келадиган товар айланиши ҳажми режадагига нисбатан 0,466 сўмга камайиши умумий товар айланиши ҳажми 15091 минг сўмга (121824-136915) камайишига олиб келди.

Текшириш: (+737 + 5944 – 2166 - 15091) = - 10576 минг сўм.

Шундай қилиб, савдо майдони 50м² га, ўртача иш куни давомийлиги 0,5 соатга ортиши ҳисобига товар айланиши ҳажми 6681 минг сўмга кўпайди. Бир йилда ўртача бир сотувчига тўғри келадиган иш кунларининг камайиши ҳамда меҳнат унумдорлигининг режадагига нисбатан камайиши ҳисобига эса товар айланиши ҳажми 17257 минг сўмга камайди.

Демак, таҳлил қилинаётган савдо корхонасида товар айланиши ҳажмини кўпайтириш учун ўртача бир сотувчига бир йилда тўғри келадиган иш кунларини ҳамда меҳнат унумдорлигини ошириш керак.

Юқорида ҳисобланган омилларни иккинчи усул – фарқни топиш усули билан ҳам аниқлаш мумкин:

1. Савдо майдонининг ўзгариши:

+ 50x11,2x321x4,225 = Қ 747 минг сўм.

2. Ўртача иш куни давомийлигининг ўзгариши:

+ 0,5 + 8765x321x4,225 = + 5944 минг сўм.

3. Ўртача иш кунининг ўзгариши:

- 5x11,7x 8765x4,225 = - 2166 минг сўм.

4. Бир соатда 1м² савдо майдонига тўғри келадиган товар айланиши ҳажмининг ўзгариши:

– 0.466x8765x11.7x316 = -15101 минг сўм.

Текшириш: +747 5944 – 2166 – 15101 = - 10576 минг сўм.

2.7. Асосий фондлар ҳолати, таркибий тузилиши ва улардан фойдаланишнинг самарадорлик даражаси таҳлили

Савдо корхоналари ўз хўжалик фаолиятларини амалга оширишлари учун етарли миқдорда асосий фондларга эга бўлишлари зарур. Бундай фондларга бинолар, иншоотлар, омборхоналар, машиналар, жиҳозлар, транспорт воситалари ва ҳ.к.лар киради.

Асосий воситаларга қиймати Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган, шунингдек, қийматидан катъи назар бир йилдан ортиқ хизмат қиладиган асбоб-учкуналар киради.

Товар айланиши режасининг бажарилиши кўп жиҳатдан савдо корхоналари асосий воситалар билан қай даражада таъминланганлигига, бундай воситаларнинг техник ҳолатига ва улардан самарали фойдаланилишига боғлиқ.

Шу боис кейинги йилларда янги савдо корхоналарининг омборхоналарини қуриш ҳамда бундай корхоналарни юқори сифатли ҳисоблаш машиналари, жиҳозлар, кўтарма транспорт асбоб-ускуналари билан таъминлашга ҳам эътибор берилмоқда.

Асосий фондлар омилининг таҳлили бундай фондлар ҳолатига ва тузилишига умумий баҳо беришдан бошланади. Таҳлил учун керакли маълумотлар йиллик бухгалтерия ҳисоботининг «Асосий ва амортизация фондларининг мавжудлиги ва ҳаракати ҳақидаги ҳисобот» дан олинади.

Таҳлил қилинаётган савдо корхонасида асосий фондларнинг таркиби ва тузилиши қуйидагича:

28-жадвал

Асосий фондлар таркиби ва тузилишининг таҳлили

Кўрсаткичлар	Йил бошига		Йил охирига		Ўзгариш	
	суммаси, минг сўм	улуши, %	суммаси, минг сўм	улуши, %	суммаси, минг сўм	улуши, %
Асосий ишлаб чиқариш фондлари	9192	100	9201	100	9	-
Шу жумладан:						
1. Бино ва иншоотлар	6912	75,2	6983	75,9	71	0,9
2. Асбоб ва ускуналар	1351	14,7	1371	14,9	20	0,2
3. Транспорт воситалари	83,0	0,9	92	1,0	9	0,1
4. Бошқа асосий фондлар	8467	9,21	755	8,2	- 91	1,0

Жадвалдаги кўрсаткичлардан маълум бўлаяптики, жами асосий фондларнинг қиймати йил охирига келиб, 9 минг сўмга кўпайди, шу жумладан, асосий фондларнинг актив қисми бўлган асбоб-ускуна ва жиҳозлар қиймати 20 минг сўмга, транспорт воситалари қиймати 9 минг сўмга ошди. Бу эса, асосий фондларнинг умумий ҳолати яхшиланганлигидан далолат беради, чунки фондларнинг актив қисми кўпайиши товар айланиши режаси бажарилишига бевосита таъсир кўрсатади.

Демак, асосий фондларнинг актив қисми, одатда, пассив қисмидан тезроқ ўстирилиши керак, лекин баъзан бунинг акси бўлиши, пассив қисм актив қисмдан тезроқ ўсиши ҳам мумкин. Масалан, янги савдо корхоналари, савдо комплекслари ва ярмаркалар қуриш ҳисобига фондларнинг пассив қисми ошишини салбий ҳолат деб бўлмайди. Шундай экан, асосий фондлар ҳолати ва тузилиши таҳлил қилинаётганда субъектнинг ривожланиш истиқболини ҳам ҳисобга олиш керак.

Асосий фондлар тузилишини илмий муассасаларнинг тавсиялари, шу йўналишдаги илғор корхоналарнинг тажрибалари асосида такомиллаштириб бориш лозим. Асосий фондлардан муттасил фойдаланилада. Шу сабабли уларнинг бир қисми эскиради, ишдан чиқади, бошқалари эса фойдаланишга киритилади. Бинобарин, асосий фондларнинг техник ҳолати қисман бўлса ҳам товар айланиши режаси бажарилишига сезиларли даражада таъсир кўрсатади. Шундай қилиб, асосий фондларнинг *техник ҳолати қуйидаги 3 та кўрсаткич билан белгиланади:*

1. Асосий фондларнинг янгиланиш коэффициенти. Буни аниқлаш учун янги ишга киритилган асосий фондлар суммаси асосий фондларнинг йил охирига бўлган бошланғич қийматига бўлинади.

2. Асосий фондларнинг эскириш коэффициенти. Буни ҳисоблаш учун асосий фондларнинг йил боши ва охиридаги эскириш суммаси йил боши ва йил охиридаги бошланғич қийматига бўлинади.

3. Асосий фондларнинг хўжаликдан чиқиб кетиш коэффициенти. Буни аниқлаш учун хўжаликдан чиқиб кетган асосий фондлар суммаси асосий фондларнинг йил бошидаги бошланғич қийматига тақсимланади.

Асосий фондлар ижарага олинган фондларни ҳисобга олмаганда барча фондларнинг ўртача 18-20% ини ташкил этади. Савдонинг моддий - техника базаси узлуксиз кенгайиб бормоқда, бунга товар айланиши ҳажмини кўпайтириш ва савдо хизмати кўрсатишни янада яхшилаш вазифалари сабаб бўлмоқда.

Асосий фондлардан фойдаланиш самарадорлигининг энг муҳим кўрсаткичлари — фондлар келтирган фойда (фонд самараси) ва фонд сиғимидир. Улар асосан фондларининг 1 сўми ҳисобига қанча товар айланиши ва фойда тўғри келишини билдиради.

Асосий фондлар самарадорлиги даражасининг ўсиши катта иқтисодий фойда келтиради, чунки қўшимча капитал маблағ сарфламасдан туриб мавжуд асосий фондлар ҳисобидан кўпроқ товарлар сотишни тақозо этади.

Фонд самараси кўрсаткичини аниқлаш учун товар айланиши ҳажми асосий фондларнинг (ижарага олинганларини ҳам қўшиб ҳисобланганда) ўртача йиллик қийматига бўлинади.

Асосий фондлардан фойдаланишнинг самарадорлик даражасини таҳлил қилиш учун қуйидаги жадвалдан фойдаланамиз:

29-жадвал

Асосий фондлардан фойдаланишнинг самарадорлик даражаси таҳлили

Кўрсаткичлар	Ўтган йили	Ҳақиқатда	Ўтган йилга нисбатан фарқи	
			мутлақ суммада	% ҳисобида
1. Чакана савдода товар айланиши, минг сўм	126653	121824	- 4829	3,8
2. Асосий фондларнинг ўртача йиллик қиймати, минг сўм	9192	9201	+ 9	0,09
3. Фондларнинг самарадорлик даражаси, сўм 1 сатр: 2 сатр	13,7786	13,2402	- 0,5384	4,0

Жадвалдан кўриниб турибдики, ҳисобот даврида асосий фондлардан фойдаланиш ўтган йилдагига нисбатан 0.538% сўмга камайган. Лекин асосий фондлар қийматининг ортиши ҳисобига товар айланиши ҳажми 124 минг сўмга кўпайган (К9х13,7786), олинадиган самаранинг ка-

майиши эвазига товар айланиши ҳажми 4953 минг сўмга камайган (- 0,538х9201). Шундай қилиб, бу икки омилнинг таъсири 4829 минг сўмни (124-4953) ташкил этди. Бу сумма товар айланиши ҳажмида бўлган фарққа тўғри келади.

Бундан ташқари, таҳлил жараёнида савдо корхоналарининг асосий фондларида энг кўп улушни импорт ускуналари ва савдо бинолари эгаллайди. Шу боис асосий фондлардан фойдаланиш самарадорлигининг муҳим кўрсаткичларидан яна бири ҳар 1 м^2 савдо майдонига тўғри келадиган товар айланиши ва фойда ҳисобланади. Таҳлилда юқоридаги жадвалдан фойдаланиш мумкин. Бунда фақат фондларнинг ўртача йиллик қиймати ўрнига савдо майдони кўрсаткичи олинади.

Таҳлил жараёнида асосий фондлардан фойдаланишни яхшилаш имкониятлари ва уларнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш йўллари қидириб топилиши зарур. Бундай имкониятлар савдо майдонларидан фойдаланиб, дўконларнинг иш сменасини, техника билан жиҳозланиш даражасини ошириш, савдо корхоналарини йириклаштириш, хизмат кўрсатишнинг илғор усулларини қўллаш ва ҳоказолардан иборат.

Қисқача хулосалар

Ахолини хилма-хил товарларга бўлган талабини муттасил қондириб боришда товар айланиш режасининг узлуксиз бажарилиши муҳим ахамиятга эга. Савдо корхоналарида товар айланишини таҳлил қилиш жараёнида товар айланиши режасининг умумий ҳажми товар гуруҳлари бўйича ҳамда ой ва чораклар бўйича қандай бажарилганлиги ўрганилиши лозим. Товар айланишини таҳлил қилишдан мақсад агар товар айланиши ҳажмида ўзгаришлар бўлса, бу ўзгаришларга таъсир этувчи омилларни батафсил ўрганишдир.

Савдо корхоналарининг асосий кўрсаткичи товар айланиш ҳажми ҳисобланади. Уни бажариш барча турдаги воситалардан, савдо майдонларидан, савдо ходимлари ва ишвақти фондидан унумли фойдаланиш ва иш унумдорлиги ҳамда товар заҳиралари билан таъминланганлик даражаси билан белгиланади.

Таҳлил жараёнида юқорида қайд қилинган кўрсаткичлар товар айланиши ҳажми ўзгаришига ижобий хамда салбий таъсир кўрсатганлигини ҳисоблаб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Таҳлил натижаларига кўра, товар айланиши ҳажмини кўпайтириш учун мавжуд имкониятларни аниқлаб бериш мақсадга мувофиқдир.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Товар айланиш режасининг бажарилиши халқ хўжалигида қандай аҳамиятга эга?
2. Таҳлилнинг вазифалари нималардан иборат?
3. Товар айланиши ҳажмининг ўзгаришига қандай омиллар гуруҳи таъсир этади?
4. Товар айланишининг умумий ҳажми, товар гуруҳлари ва ассортименти бўйича бажарилиши қай тарзда таҳлил қилинади?
5. Товар заҳиралари ҳолати таҳлили қай тарзда ўтказилади?
6. Товар заҳиралари айланишини таҳлил қилишда нималарга эътибор берилади?
7. Савдо корхоналари савдо ходимлари билан таъминланишининг таҳлили нималарни кўзда тутади?
8. Иш вақти фондидан фойдаланиш ва унинг ўзгаришига таъсир этувчи омилларни таҳлил қилишда нималарга эътибор берилади?
9. Товар айланиши ҳажми ўзгаришига таъсир этувчи меҳнат омиллари таҳлилида-чи?
10. Меҳнат унумдорлиги кўрсаткичлари таҳлили нималарни кўзда тутади?
11. Меҳнат унумдорлигининг ўзгаришига қандай омиллар, таъсир этади?
12. Товар айланиши ҳажмининг ташкилий ва техникавий омилларга боғлиқлиги қай тартибда таҳлил қилинади?
13. Дўконларнинг иш тартиби-чи?
14. Асосий фондларнинг техник ҳолати таҳлилидан мақсад нима?
15. Асосий фондлардан фойдаланишнинг самарадорлик даражаси таҳлилида нималарга таянилади?

Асосий адабиётлар

1. Азларов А.А. «Бозор иқтисодиёти шароитида савдо ташкилотларида аудит ва таҳлил». –Т., ТДИУ, 1999.

2. Баканов М.И. «Экономический анализ в торговле». –М., «Финансы и статистика», 1999.

3. Ергешев Е.Е. «Иқтисодий ва молиявий таҳлил». Дарслик. –Т., «Молия» 2000.

4. Кравченко Л.И. «Анализ хозяйственной деятельности предприятий торговли и общественного питания». –Минск «Вышейщая школа», 1998.

5. Прыкин Б.В. «Экономический анализ предприятия». Учебник. –М., ЮНИТИ-ДАНА, 2000.

6. Савицкая Г.В. «Анализ хозяйственной деятельности». Учебник. –М., ИНОРРА-М, 2003.

7. Шоалимов А.Х. «Бошқарув таҳлили» Ўқув қўлланма. –Т., ТДИУ, 2003.

III БОБ. МУОМАЛА ХАРАЖАТЛАРИ ТАҲЛИЛИ

3.1. Чакана савдода муомала харажатларини камайтиришнинг моҳияти, аҳамияти ва таҳлилнинг вазифалари

Товарларни ишлаб чиқаришдан то истеъмолчиларга етказиб беришгача бўлган жараён билан боғлиқ харажатлар муомала харажатларини ташкил этади. Уларга юкларни ташиш билан боғлиқ бўлган харажатлар, меҳнат ҳақи харажатлари, ижтимоий суғурта, мажбурий мол-мулк суғуртаси, асосий фондларнинг амортизацияси, санитария кийимлари, сочиқ, дастурхон, арзон баҳо ва тез эскирувчи буюмларнинг эскириши, ошхона идишлари ва овқатланиш анжомлари учун харажатлар, ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун сарфланадиган газ ва электр қуввати, товарларни сақлаш, қайта ишлаш, саралаш ва жойлаштириш, реклама, иморатларни сақлаш, таъмирлаш ва ижара харажатлари, товарларни сотиш жараёнида меъёр чегарасидаги нобудгарчиликлар, идиш харажатлари ва бошқа харажатлар, шунингдек, маъмурий - бошқарув ходимларига тўланадиган меҳнат ҳақи харажатлари.

Чакана савдода муомала харажатлари аҳолига юқори даражада маданий хизмат кўрсатиб, уларнинг кун сайин ўсиб бораётган эҳтиёжларини янада тўлароқ қондириш учун товарларни истеъмолчиларга етказиб беришга оид ижтимоий зарур харажатлардан ташкил топади. Харажатларнинг асосий қисмини меҳнатга ҳақ тўлаш ва меҳнат муҳофазаси, ижтимоий суғурта ва савдо соҳаси бўйича кадрларни тайёрлаш харажатлари эгаллайди. Муомала харажатларини камайтириш мақсадида фойдаланилмаётган имкониятларни аниқлаш ва ишга солиш учун кураш олиб бориш муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Савдо корхоналарида меҳнатни механизациялаш, хусусан, товарларни қадоқлаш воситалари билан жиҳозланиш, шунингдек, муомала харажатлари миқдорини харидорларга хизмат кўрсатиш сифатини ошириш баробарида камайтириш талаб этилади.

Муомала харажатларини камайтиришнинг халқ хўжалигидаги аҳамияти шундан иборатки, бунда харажатлар даражаси пасайиши ҳисобига савдо корхонасининг фойда

миқдори, рентабеллик даражаси ҳамда иқтисодий рағбатлантириш фондларига ажратмалар кўпайиб боради.

Муомала харажатлари иқтисодий таркиби, мазмуни ва харажатлар йўналишига кўра, бир қанча белгилари бўйича таснифланади.

Биринчи гуруҳга кирадиган харажатлар товарларни сотиш билан боғлиқ бўлган харажатлардир. Улар транспорт харажатлари, иш ҳақи амортизацияси, санитария қисмларининг эскириши ва арзон баҳо, тез эскирувчан буюмлар, электр энергия ва ёқилғи харажатлдари, товарларни сақлаш, реклама, меъёр чегарасидаги нобудгарчиликлар, идиш харажатлари, мулкларнинг мажбурий суғуртаси, меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги, махсус идишларнинг эскириши, касса хўжалигини юритиш, бир маротаба ишлатиладиган буюмлар харажати, бозорни ўрганиш ва бошқа харажатларни ўз ичига олади.

Иккинчи гуруҳга маъмурий ва бошқарув билан боғлиқ бўлган харажатлар—маъмурий ва бошқарув ходимларининг меҳнат ҳақи, ижтимоий суғурта, транспортларни ижарага олиш, иморатларни ижарага олиш, маъмурий ва бошқарув биноларини асраш, таъмирлаш ва амортизация ҳисоблаш, юқори ташкилотларга ажратма қилиш, мажбурий суғурта қилиш, маъмурий ва бошқарув ходимларига бериладиган хизмат сафари харажатлар киради.

Учинчи гуруҳ бошқа операцион харажатлардан—кадрларни тайёрлаш, маслаҳат харажатлари, аудитор ишлари учун, кўп болали аёлларга қўшимча таътил бериш, ходимларга бепул товарлар бериш, пенсияга чиқадиганларга қўшимча нафақа бериш, банк хизматлари учун сарфлар, бюджетга мажбурий тўловлар, тўланадиган жарималар, суд харажатлари, айбдор шахслар аниқланмаган вақтдаги харажатларни қоплаш ва бошқа харажатлардан ташкил топади.

Муомала харажатларини камайтиришда меҳнат унумдорлигини ошириш, меҳнат ва молиявий ресурслардан фойдаланишда иқтисодий тежамга риоя қилиш ҳамда ҳисоб ва иқтисодий таҳлилнинг тўғри йўлга қўйилиши муҳим аҳамиятга эга.

Таҳлилнинг вазифалари жорий давр режаларини текшириш, баҳолаш ва ортиқча сарфланган маблағлар суммасини ҳисоблаш, харажатларнинг бир неча йиллар мобайнидаги ўзгариши динамикасини белгилаш, режадан

фарқ қилиш сабабларини ўрганиш, муомала харажатларига таъсир кўрсатувчи барча омилларни аниқлаш, муомала харажатларини камайтириш учун имкониятларни топиш, келгуси йил режасини ишлаб чиқишда таҳлил материалларидан фойдаланиш кабилардан иборат.

3.2. Муомала харажатларининг сарфланишига умумий баҳо бериш

Таҳлил жараёнида муомала харажатларини ўрганишга доир аналитик ишлар маълум изчилликда ўтказилади: аввало, умуман, савдо корхонаси бўйича муомала харажатлари режасининг бажарилиши текширилиб, умумий баҳоланади, кейин муомала харажатлари даражаси динамикаси ва тузилиши ўрганилади, чунки муомала харажатлари даражаси товар айланиши ҳажмига нисбатан белгиланади. Улар савдо корхоналари иш сифатининг муҳим кўрсаткичларидан бири бўлиб, фойда билан чамбарчас боғлиқдир. Муомала харажатлари даражаси қанчалик кам бўлса, бошқа тенг шароитларда фойда шунчалик юқори бўлади. Сўнгра таҳлилни янада чуқурроқ ўтказиш учун харажатларни ҳар бир моддаси бўйича таҳлил қилишга ўтилади.

Таҳлил жараёнида муомала харажатлари режасининг бажарилишига умумий баҳо берилгандан сўнг, муомала харажатлари мутлақ суммасининг ўзгаришига таъсир кўрсатувчи омиллар аниқланади.

Муомала харажатлари суммаси ўзгаришига турли омиллар таъсир этади. Таҳлил жараёнида бу омилларни умумлаштириб, йирик икки омилга—товар айланиши ҳажмининг ўзгариши ва муомала харажатлари ўртача даражасининг ўзгариши омилларига бўлиш мумкин.

Товар айланиши ҳажми ўзгаришининг муомала харажатлари суммаси ўзгаришига таъсирини аниқлаш учун ҳисобот давридаги товар айланиши ҳажмининг режадагидан фарқи режадаги муомала харажатлари ўртача даражасига кўпайтирилиб юзга бўлинади.

Муомала харажатлари ўртача даражаси ўзгаришининг муомала харажатлари суммаси ўзгаришига таъсирини аниқлаш учун муомала харажатларининг ўртача даражаси бўйича фарқни ҳисобот давридаги товар айланиши ҳажмига кўпайтириб, юзга бўлинади.

Муомала харажатлари даражасига булардан ташқари қуйидаги омиллар ҳам таъсир кўрсатади:

Товар ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган омиллар. Харидорлар талабига жавоб берувчи товарлар ишлаб чиқариш — агар харидор талабига мос келмайдиган товарлар ишлаб чиқарилса, бу харажатларнинг ошиб кетишига, юқори сифатли товарлар эса харажатларни камайтиришга олиб келади.

Товар нархининг ўзгариши ҳам муомала харажатлари даражасига тўғридан-тўғри таъсир ўтказади. Товарлар нархи пасайганда уларнинг сотилиши тезлашади, бу эса, харажатлар камайишига сабаб бўлади.

Товарларни транспортга ортиш-тушириш билан боғлиқ бўлган омиллар. Товарларни марказлаштирилган тартибда, контейнерлардан фойдаланган ҳолда етказиб бериш улар билан боғлиқ харажатларни анчагина камайтиради.

Савдо жараёни билан боғлиқ бўлган омиллар. Бу омилларга товар айланиши ҳажми ва тузилиши, харидорларга хизмат кўрсатишнинг илғор шаклларини ва савдода илғор тажрибалардан фойдаланиш кабиларни киритиш мумкин.

Таҳлил жараёнида ҳисобот йилидаги кўрсаткичлар ўтган йилги ҳисобот кўрсаткичлар билан ҳамда режадаги кўрсаткичлар билан таққосланиб, ортиқча сарфланган ва тежалган миқдор аниқланади.

Биз таҳлил қилаётган хўжаликда муомала харажатлари режасининг бажарилиши қуйидагича:

30-жадвал

Муомала харажатлари режаси бажарилишининг таҳлили

Кўрсаткичлар	Жорий йил				Фарқи		Ўтган йилдагига нисбатан жорий йилда, %
	ўтган йил	режа бўйича	ҳақиқатда	режанинг бажарилиши, %	режага нисбатан	ўтган йилдагига нисбатан	
1.Товар айланиши ҳажми, минг сўм	126653	132400	121824	92.0	-10576	- 4829	96.2
2.Муомала харажатлари суммаси, минг сўм	23786.6	24889.8	25215.1	101.3	+325.3	1428.5	106.0
3.Муомала харжатларининг ўртача даражаси, %	18.781	18.799	20.698	110.1	+1.899	1.917	110.2

Жадвал кўрсаткичларидан кўриниб турибдики, товар айланишни ҳажми ҳисобот йилида ўтган йилдагига нисбатан 4829 минг сўмга, режага нисбатан 10576 минг сўмга камайган, муомала харажатлари суммаси режадагига нисбатан 325,5 минг сўмга, ўтган йилдагидан нисбатан 1428,5 минг сўмга кўпайган. Муомала харажатларининг ўртача даражаси эса ўтган йилдагига нисбатан 1,917% га, режадагига нисбатан 1,899% га ошган. Таҳлилнинг кейинги босқичида муомала харажатларининг мутлақ суммасига таъсир кўрсатувчи омиллар аниқланади.

Муомала харажатларининг режага нисбатан кўпайиши ёки камайиши 2 омилга боғлиқ. Биринчиси — товар айланиши ҳажмининг ўзгариши. Бу омилнинг таъсирини аниқлаш учун товар айланиши ҳажми бўйича мутлақ фарқ режадаги муомала харажатларининг ўртача даражасига кўпайтирилиб, 100 га бўлинади.

Таҳлил қилинаётган савдо корхонасида товар айланиши ҳажми ҳисобот йилида режага нисбатан 10576 минг сўмга кам бажарилган. Бунинг эвазига муомала харажатлари бўйича 1988,1 минг сўм тежашга эришилган

Иккинчиси — муомала харажатлари ўртача даражасининг ўзгариши. Бу омил таъсирини аниқлаш учун муомала харажатларининг ўртача даражаси бўйича мутлақ фарқ ҳисобот давридаги товар айланиши ҳажмига кўпайтирилиб, 100 га бўлинади. Савдо корхонасида муомала харажатларининг ўртача даражаси ҳисобот йилида режага нисбатан 1,899% га ошган. Бу, ўз навбатида, муомала харажатлари 2313,4 минг сўм ортиқча сарфланишига олиб келди.

Иккита омилнинг йиғиндиси муомала харажатлари суммаси бўйича мутлақ фарқни беради:

+ 2313.4 — 1988.1 = + 325.3 минг сўм.

Муомала харажатлари ўзгаришига таъсир кўрсатувчи омиллар аниқлангандан сўнг чораклар ва бўлимлар бўйича муомала харажатлари режасининг бажарилиши таҳлил қилинади.

Бундай таҳлилнинг моҳияти шундан иборатки, унда чораклар ва бўлимлар бўйича муомала харажатлари даражасининг пасайиши ёки кўпайиши ҳисобига ҳисобот дав-

ридаги товар айланиши ҳажмига нисбатан нисбий тежалган ёки ортиқча сарфланган муомала харажатлари суммасини аниқлашга имконият яратилади. Нисбий тежалган ёки ортиқча сарфланган муомала харажатлари суммасини топиш учун ҳисобот давридаги товар айланиши ҳажми муомала харажатларининг ўртача даражаси бўйича фарқига кўпайтирилиб, 100 га бўлинади.

Таҳлил қилинаётган хўжаликда муомала харажатлари режасининг чораклар ва бўлимлар бўйича бажарилишини 31—32-жадваллардан кўриш мумкин. Уларда қайд этилганидек, савдо корхонасида ҳисобот йилида режадагига нисбатан муомала харажатлари 325.3 минг сўмга кўпайган. Муомала харажатлари кўпайишига ҳамма чораклларда йўл қўйилган. Оқибатда бундай харажатларнинг ўртача даражаси режадагига нисбатан ҳамма чораклларда юқори бўлган.

Муомала харажатлари даражасининг ҳисобот йилида режадагидан юқори бўлишига товар айланиши ҳажми режаси бажарилмаганлиги ҳисобига эришилган. Таҳлил қилинаётган савдо корхонасида фақат чораклар бўйичагина эмас, балки ҳамма бўлимлар бўйича ҳам нисбий ортиқча сарфга йўл қўйилган. Барча чораклар ва барча бўлимлар бўйича нисбий ортиқча сарфланган харажатлар 2313,4 минг сўмни ташкил этади. Бунга асосан товар айланиши ҳажмининг бажарилмаганлиги сабаб бўлган.

Таҳлил жараёнида муомала харажатлари ўртача даражасининг ўзгаришига таъсир кўрсатувчи омиллар ҳам аниқланиши зарур. Муомала харажатлари ўртача даражаси ўзгаришига товар айланиши ҳажми таркибий тузилишининг ўзгариши ҳам таъсир кўрсатади. Буни аниқлаш учун товар гуруҳларидаги товар айланиши улуши бўйича фарқ режалаштирилган муомала харажатларининг ўртача даражасига кўпайтирилади-да, фоиз ҳисобидаги сонлар йиғиндиси 100 га бўлиниб, ҳисобот давридаги товар айланиши ҳажмига кўпайтирилади. Муомала харажатлари ўртача даражаси ўзгаришига товар айланиши ҳажми таркиби тузилишининг таъсирини аниқлаш учун 31-жадвалдаги шаклдан фойдаланилади.

31-жадвал

Муомала харажатлари режасининг чораклар бўйича бажарилиши таҳлили

Чораклар	Товар айланиши ҳажми, минг сўм			Муомала харажатлар, минг сўм			Муомала харажатларининг ўртача даражаси, %			Нисбий тежалган (-) ёки ортиқча сарфланган муомала харажатлари (+)
	режа бўйича	ҳақиқатда	режанинг бажарилиши, %	режа бўйича	ҳақиқатда	режанинг бажарилиши, %	режа бўйича	ҳақиқатда	режага нисбатан фарқ, +, -	
I	32500	30500	93,8	5973,5	5990	100,2	18,38	19,639	+ 1,259	383,9
II	28500	24223	84,9	5897,5	5996	101,6	20,693	24,753	+ 4,06	983,6
III	35100	33848	96,4	6247,6	6340	101,4	17,799	18,730	+ 0,931	315,1
IV	36300	32253	91,6	6771,2	6889	101,7	18,653	20,717	+ 2,064	630,8
Хаммаси	132400	121824	92,0	24889,8	25215,1	110,3	18,794	20,698	- 1,899	2313,4

32-жадвал

Бўлимлар бўйича муомала харажатлари режаси бажарилишининг таҳлили

Бўлимлар	Товар айланиши ҳажми, минг сўм			Муомала харажатлари, минг сўм			Муомала харажатларининг ўртача даражаси, %			Нисбий тежалган (-) ёки ортиқча сарф-ланган (+) муомала харажат-лари
	режа бўйича	ҳақи-қатда	фарқи, +, -	режа бўйича	ҳақиқатда	фарқи	режа бўйича	ҳақиқатда	фарқи	
1.Тўқимачилик маҳсулотлари бўлими	12652	11762	- 890	2401.0	2460.0	+ 59.0	18.977	20.914	+1.937	+ 227.8
2.Тайёр кийимлар бўлими	28257	26694	- 1943	4840.0	5020.0	+ 180.0	17.128	19.089	+1.961	+ 515.6
3.Трикотаж бўлими	17386	15775	- 1591	3650.0	3660.0	+ 10.0	20.993	23.201	+2.208	+ 328.0
4.Пойабзал бўлими	15202	13852	- 1350	2780.0	2780.0	- 10.0	18.352	20.069	+1.717	+ 237.8
5.Атторлик бўлими	21515	20899	- 616	3733.8	3800.1	+ 66.3	17.354	18.183	+0.829	+ 173.0
6.Хўжалик идиплари булими	19759	16556	- 3203	3705.0	3790.0	+ 85.0	18.750	22.892	+4.172	+ 685.7
7.Маданий моллар бўлими	12915	12098	- 917	2970.0	3000.0	+ 30.0	32.996	24.797	+1.807	+ 218.6
8.Озиқ-овқат бўлими	4118	4037	- 81	690.0	600.0	- 90.0	16.755	14.862	-1.893	- 76.4
9.Филиал	596	551	- 45	110.0	105.0	- 5.0	18.456	19.056	+ 0.6	+ 3.3
Хаммаси	132400	121824	- 10576	24889.8	25215.1	+ 325.3	18.799	20.698	+1.899	+ 2313.4

33-жадвал

Товар айланиши ҳажми таркибий тузилиши ўзгаришининг муомала харажатлари ўртача даражасига таъсирини аниқлаш

Бўлимлар	Товар айланиш ҳажмининг бўлимлар бўйича улуши, %			Режа бўйича муомала харажатларининг даражаси, %	Фоиз ҳисобидаги сонлар
	режа бўйича	ҳақиқатда	фарқи, +, -		
1.Тўқимачилик маҳсулотлари бўлими	9.6	9.7	+ 0.1	18.977	+ 1.9
2.Тайёр кийимлар бўлими	21.3	21.6	+ 0.3	17.128	+ 5.1
3.Трикотаж бўлими	13.1	12.9	- 0.2	20.993	- 4.1
4.Пойабзал бўлими	11.5	11.4	- 0.1	18.352	- 1.8
5.Атторлик бўлими	16.2	17.2	+ 1.0	17.354	+ 17.3
6. Хўжалик моллари бўлими	14.9	13.6	- 1.3	18.750	- 24.3
7.Маданий моллар бўлими	9.7	9.9	+ 0.2	22.996	+ 4.5
8.Озиқ-овқат бўлими	3.1	3.3	+ 0.1	16.755	+ 3.3
9.Филиал	0.6	0.4	- 0.2	18.456	- 3.6
Ҳаммаси	100	100	-	18.799	- 1.7

Жадвалда қайд этилганидек, бўлимларда товар айланиши тузилишининг ўзгариши ёки ёмонлашиши ҳисобига корхона бўйича муомала харажатларининг умумий даражаси 0,017 % пасайди, бу эса ҳисобот йилидаги товар айланиши ҳажмига нисбатан 20,7 минг сўмни ташкил этади (121824 . 0.017 : 100.)

Муомала харажатлари даражасининг ўзгаришига қуйидаги омиллар ҳам таъсир кўрсатиши мумкин: товарларга қўйиладиган чакана баҳоларнинг ўзгариши, савдо шохобчаларидаги, омбордаги ва йўлдаги товарларнинг тез айланиши, савдо корхоналарига ташқаридан кўрсатилган хизмат (иш)лар учун белгиланган тариф даражаларининг ўзгариши, илғор шаклларни қўллаш, майда савдо корхоналарини йириклаштириш каби омиллар. Бу омиллар муомала харажатлари пасайишига олиб келади.

3.3. Муомала харажатларининг моддалар бўйича таҳлили

Савдо корхоналари бўйича муомала харажатларини ўрганиш харажатларнинг қайси моддаси ва тури ҳисобига тежамкорликка эришилган ёки ортиқча харажатлар қилинганини аниқлаш имконини бермайди. Шу боисдан ҳам муомала ха-

ражатлари режаси бажарилиши харажатларнинг ҳар бир моддаси, моддалар орасида эса харажат турлари бўйича таҳлил қилинади.

Моддалар бўйича харажатлар таҳлили жадвалларда ҳисоблаб чиқилади. Таҳлилни чуқурлаштириш учун товар айланиши ҳажми ўзгаришининг ва бошқа омилларнинг моддалар бўйича харажат миқдорига таъсири юзасидан ҳисоблар ўтказилади.

Савдода барча муомала харажатлари харажат моддалари ва турларига қараб тасниф қилинади. Муомала харажатларини моддалар бўйича таснифлаш харажатлар тузилишини, кўплаб харажатлар талаб қиладиган моддаларни аниқлашга имкон беради.

Таҳлил қилинаётган савдо корхонасида муомала харажатларининг моддалари бўйича таҳлили 34-жадвалда акс эттирилган. Ундан кўриниб турганидек, корхонада муомала харажатлари ҳисобот йилида режадагига нисбатан 325,3 минг сўм кўп сарфланган: юкларни ташиш, меҳнат ҳақи фонди, ижтимоий суғурта, ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун ёқилғи, газ ва электр қуввати, идиш, реклама харажатлари ва бошқа харажатлар бўйича ортиқча сарфга йўл қўйилган.

Оқибатда харажатларнинг режага нисбатан ҳар хил ўзгариши моддалар бўйича ҳам муомала харажатлари даражаси ўзгаришига олиб келган. Жадвалдаги рақамлардан шундай хулоса чиқариш мумкинки, савдо корхонаси мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланмаган. Бинобарин, ошиқча сарфланган харажатларнинг 60% и шартли ўзгарувчи муомала харажатлари гуруҳига киради.

Шундай қилиб, муомала харажатларини икки гуруҳга— товар айланиши ҳажмига боғлиқ бўлган ва боғлиқ бўлмаган харажатлар гуруҳларига ажратиш зарур. Биринчи гуруҳ — шартли ўзгарувчан муомала харажатларидир. Уларга товар айланишининг ўзгариши билан боғлиқ бўлган харажатлар — иш ҳақи, транспорт харажатлари, товарларни ўраш-жойлаш ва навларга ажратиш, табиий камайиш билан боғлиқ бўлган харажатлар ва бошқа ҳаражатларнинг 50% и киради. Бу гуруҳдаги харажатларнинг кўпайиши товар айланиши ҳажмининг ўзгаришига боғлиқ, чунки товар айланиши ҳажми кўпайиши билан юқорида айтилган харажатлар режадагига нисбатан ортиши ёки режадаги товар айланиши ҳажмининг бажарилмаслиги ҳисобига камайиши кўзда тутилади.

Иккинчи гуруҳ — шартли ўзгармас муомала харажатлари. Бу гуруҳ харажатларига товар айланишининг ўзгариши билан

тўғридан-тўғри боғлиқ бўлмаган харажатлар — ижара харажатлари ва асосий фондларнинг амортизацияси, биноларни сақлаш, ижтимоий суғурта, тиббий хизматлар учун тиббиёт ташкилотларига ажратмалар, мажбурий мол-мулк суғуртаси, меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги, бозор фаолиятини ўрганиш ва бошқа харажатларнинг 50% и киради.

Шартли ўзгарувчан ва шартли ўзгармас муомала харажатларини таҳлил қилишдан мақсад ҳар иккала кўрсаткичлар бўйича мутлақ ва нисбий фарқларни аниқлашдир. Шартли ўзгарувчан муомала харажатлари бўйича нисбий фарқ қуйидагича аниқланади: режадаги шартли ўзгарувчан муомала харажатлари товар айланиши режасининг бажарилган фоизига кўпайтирилиб, 100 га бўлинади, режадаги шартли ўзгармас муомала харажатларига қўшилиб, ҳисобот давридаги муомала харажатлари билан таққосланади. Таҳлил қилинаётган савдо корхонасида шартли ўзгарувчан ва шартли ўзгармас муомала харажатларини таҳлил қилиш учун 35-жавдалда берилаётган шаклдан фойдаланамиз.

Жадвалдан кўриниб турганидек, товар айланиши ҳажмига боғлиқ бўлган шартли ўзгарувчан муомала харажатлари ҳисобот йилида 63% ни ташкил этди $\left(\frac{15848,6}{25215,1}\right)$. Товар айланиши ҳажмининг режадагига нисбатан бажарилмаганлиги ҳисобига шартли ўзгарувчан муомала харажатлари 1239 минг сўмга камайиши керак эди (23650.8 — 24889.8). Лекин ҳисобот даврида харажатлар режадагидан 362,1 минг сўмга (15848,6 — 15486,5) кўпайди. Шартли ўзгармас муомала харажатлари бўйича 36.8 минг сўм (9366,5 — 9403,3) тежашга эришилди.

Агар муомала харажатларини даражаси бўйича таҳлил қиладиган бўлсак, бунда харажатлар даражаси 1,899% ошганлиги аёнлашади. Харажтлар даражасининг ўзгаришига қуйидаги омиллар таъсир кўрсатган: товар айланиши ҳажмини ўзгариши ҳисобига 0,615% (19,414 — 18,799) ва муомала харажатларининг ортиқча сарфланиши ҳисобига 1,284% (20,698 — 19,414). Шу билан бирга шартли ўзгарувчан муомала харажатлари даражаси 1.313% (13.009 — 11.696) кўпайган.

Муомала харажатларининг режа бўйича бажарилишига умумий баҳо берилгандан сўнг, таҳлилнинг кейинги босқичига ўтилиши зарур. Кейинги даврда муомала харажатларининг айрим олинган моддалари чуқур ўрганилади ва унга таъсир кўрсатувчи омиллар аниқланади. Чунки савдо корхоналарида янги тизимга ўтилиши муносабабти билан муомала харажатлари моддалари бўйича корхона томонидан режалаштирилади.

34-жадвал

Муомала харажатларининг моддалари бўйича таҳлили

Харажат турлари	Муомала харажатлари, минг сўм						Муомала харажатларининг даражаси, %		
	режа бўйича		ҳақиқатда		фарқи		режа бўйича	ҳақиқатда	фарқи, +, -
	суммаси	улуши, %	суммаси	улуши, %	суммаси	улуши, %			
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
1.Темир йўлда, сув, ҳаво, автомобиль ва от -аравада ташиш харажатлари	1956.0	7.85	1990.0	7.89	+ 34	+ 00.9	1.47	1.63	+ 0.16
2.Меҳнат ҳақи харажатлари	12037	48.36	12276.2	48.68	+ 239.2	+ 0.32	9.09	10.07	+ 0.98
3.Ижтимоий суғурта харажатлари	970.2	3.89	879.1	3.88	+ 8.9	- 0.01	0.73	0.80	+ 0.07
4.Иморат, иншоот, хона ва жиҳозларни ижарага олиш ва сақлаш харажатлари	1500.1	6.02	1359.7	5.39	- 140.4	- 0.63	1.13	1.11	- 0.02
5. Асосий фондларнинг амортизацияси	2000	8.03	1896	7.52	- 104.0	- 0.57	1.51	1.55	+ 0.04
6.Санатория кийимлари, сочиқ, дастурхон, арзон - баҳо ва тез эскарувчи буюмларнинг эскириши	120	0.48	11.9	0.47	- 1.0	- 0.01	0.09	0.99	
7.Ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун сарфланган ёқилғи - газ ва электр қуввати харажатлари	312.3	1.25	360.3	1.42	+ 48.0	+ 0.17	0.23	0.30	+ 0.07

8.Товарларни сақлаш, қайта ишлаш, қайта саралаш ва жойлаш харажатлари	363.0	1.45	355.0	1.42	- 8	- 0.03	0.27	0.29	+ 0.02
9.Савдо рекламаси харажатлари	270.0	1.08	272.0	1.08	+ 2.0	-	0.20	0.22	+ 0.02
10.Товарларни ва маҳсулотларни ташиш, сақлаш ва сотиш пайтида меъёр чегарасидаги нобудгарчиликлар	1245.0	5.0	1200.0	4.78	- 245	- 0.22	0.94	0.98	+ 0.04
11.Идиш харажатлари	497.0	1.99	518.0	2.06	+ 21.0	+ 0.07	0.37	0.42	+ 0.05
12.Мол-мулкнинг мажбурий суғуртаси									
13.Меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги харажатлари	127.0	0.51	120	0.47	- 7.0	- 0.04	0.09	0.10	+ 0.01
14.Жорий харажатлар, вентилятор ўрнатиш ва сақлаш харажатлари	90.0	0.36	95.0	0.37	+ 5	+ 0.01	0.07	0.07	-
15. Махсус оёқ-кийим ва кийимларнинг эскириши									
16. Бошқа корхоналарга кийимларни юниш, тикиш, махсус кийимларни дезинфекция қилиш учун тўловлар									

17.Тиббий хизматлари учун тиббий ташкилотларига ажратмалар	67.0	0.27	65.0	0.26	- 2.0	0.01	0.05	0.05	-
18.Инкассация ва касса хўжалигини юритиш учун харажатлар	67.0	0.27	65.0	0.26	- 2.0	0.01	0.05	0.05	-
19.Бир маротаба ишлатиладиган, салфетка, қоғоз, дастурхон, қоғоз, стаканлар ва тарелкаларнинг қиймати									
20.Мол сотиладиган бозор фаолиятини ўрганиш харажатлари	62.0	0.25	70.0	0.27	+ 8	+0.02	0.04	0.05	+ 0.01
21.Бошқа харажатлар	102.5	0.41	154.8	0.61	+ 52.3	+ 0.20	0.07	0.12	+ 0.05
Жами	21993.0	88.3	22110.1	87.68	+ 117.1	0.62	16.611	18.1.9	+ 1.538
22.Маъмурий - бошқарув ходимларининг меҳнат ҳақи фонди	2896.8	11.7	3105.0	12.32	+ 208.2	+ 0.62	2.188	2.549	+ 0.361
Ҳаммаси	24889.8	100.0	25215.1	100	+ 325.3	-	18.799	20.698	+ 1.899

35-жадвал

Шартли ўзгарувчан ва шартли ўзгармас муомала харажатларининг таҳлили

Харажат турлари	Режа бўйича		Режадаги шартли ўзгарувчан муомала харажатлари товар айланиши режасининг бажарилишига ҳисобланган		Ҳақиқатда		Фарқи		Таъсир этувчи омиллар			
									товар айланиши ҳажми		бошқа омиллар	
	минг сўм	товар айланишига нисбатан, %	минг сўм	товар айланишига нисбатан, %	минг сўм	товар айланишига нисбатан, %	минг сўм	товар айланишига нисбатан, %	минг сўм	товар айланишига нисбатан, %	минг сўм	товар айланишига нисбатан, %
1	2	3	4	5	6	7	8 (6-2)	9 (7-3)	10 (4-2)	11 (5-3	12 (6-4)	13 (7-5)
Темир йулда, сув, ҳаво, автомобиль ва отаравада ташиш харажатлари	1956.0	1.47	1799.5	1.47	1990	1.63	+34.0	+0.16	-156.5	-	+190.5	+ 0.16
Меҳнат ҳақи харажатлари	12037.0	9.09	11074.0	9.09	12276.2	10.07	+239.2	+0.98	- 963	-	+1202.2	+0.98
Товарларни сақлаш, қайта ишлаш, қайта сараланш ва жойлаш харажатлари	363.0	0.27	33.9	0.21	355.0	0.29	- 8.0	+0.02	- 29.1	-	+21.1	+0.02

[illegible]	270.0	0.20	248.4	0.20	271	0.22	+2.0	+0.02	- 22	-	-24	-0.02
[illegible]												
[illegible]												
[illegible]											

Шартли ўзгарувчан ва шартли ўзгармас муомала харажатларини бошқача услуб билан ҳам таҳлил қилиш мумкин. Таҳлил жараёнида корхона бўйича нисбий фарқ аниқланади. Нисбий фарқни ҳисоблаш учун 36-жадвалдаги шакл тузилади.

36-жадвал

Корхона бўйича нисбий тежалган ва нисбий ортиқча сарфланган муомала харажатларини аниқлаш

Кўрсаткичлар	Суммаси, минг сўм
1.Муомала харажатлари: режа ҳақиқатда фарқи	24889.8 25215.1 + 325.3
2.Режа бўйича шартли ўзгарувчан муомала харажатлари	15486.5
3.Режа бўйича шартли ўзгармас муомала харажатлари (24889.8-15486.5)	9403.3
4.Режадаги шартли ўзгарувчан муомала харажатлари товар айланиши ҳажми режа бажарилишига ҳисоблашган (15486.5х 92.0 : 100)	14247.5
5.Режа бўйича ҳисобланган муомала харажатларининг ҳаммаси (14247.5 + 9403.3)	23650.8
6.Муомала харажатлари бўйича нисбий фарқ, ортиқча (+),кам (-) (25215.1-23650.8)	+ 1564.3

Жадвалдан кўриниб турганидек, товар айланиши ҳажмини 92,0% бажариш учун 23650,8 минг сўм харажат қилиниши керак эди, ҳақиқатда эса 25215,1 минг сўм сарфланди. Бу борада нисбий ортиқча сарф 1564,3 минг сўмни ташкил этди.

3.4. Меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан фойдаланишнинг таҳлили

Меҳнатга ҳақ тўлаш фонди савдо корхоналари штатини аниқлашни ифодаловчи хўжалик фаолиятининг энг муҳим кўрсаткичларидан биридир.

Меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан фойдаланишни таҳлил қилишнинг дастлабки босқичида бу фонд бўйича тежамкорликка эришилганлигига ёки ортиқча харажат қилганлигига баҳо беришдир. Бундай баҳо четланишларнинг сабабларини аниқлашга, меҳнат ҳақи фондидан фойдаланишда юз берган камчиликларни бартараф қилиш тадбирларини ишлаб чиқишга имкон яратади.

Шунинг учун савдо корхоналарида меҳнатга ҳақ тўлаш фонди режасининг бажарилишини аниқлаш орқали бу фонд бўйича харажатлар тежалгани ёки ортиқча сарфлангани сабаблари очиб ташланади, мавжуд маблағлардан янада самарали ва унумли фойдаланиш йўллари белгиланади.

Меҳнатга ҳақ тўлаш фондини таҳлил қилишдан асосий мақсад бу фонднинг тўғри сарфланишини; у бўйича мутлақ ва нисбий тежалган ҳамда ошиқча сарфларни аниқлаш; тежалган ёки ортиқча сарфларни ҳисоблаб чиқиб, уларга таъсир кўрсатувчи омилларни; давлат банки томонидан савдо корхоналарига меҳнат ҳақи фондининг тўғри берилаётганлигини текшириш ва ундан мақсадга мувофиқ фойдаланаётганлигини аниқлашдан; меҳнат унумдорлигининг ўсиш даражаси билан иш ҳақи фондининг ўсиш даражаси ўртасидаги муносабатни аниқлашдан иборат.

Меҳнат ҳақи фондини таҳлил қилишда статистик ҳисобот, меҳнат ҳақини ҳисоблаш қайдномалари ва режа маълумотларидан фойдаланилади.

Таҳлил материалларни танлаш ва тайёрлашдан бошланади, сўнгра зарур ҳисоб-китоблар ўтказилади. Таҳлил қилинаётган кўрсаткичлар ўрганиб чиқилади, савдо корхонаси бўйича меҳнат ҳақи фондининг айрим элементлари бўйича сарф қилинаётган маблағларга баҳо берилади ва хулосалар чиқарилади.

Савдо корхонаси бўйича меҳнат ҳақи фондини таҳлил қилиш учун қуйидаги аналитик жадвални тузамиз:

37-жадвал

Меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан фойдаланишнинг таҳлили

Фондлар	Режа бўйича	Ҳақиқатда	Фарқи	Режанинг бажарилиши
Меҳнатга ҳақ тўлаш фонди, ҳаммаси, минг сўм	14933.8	15381.2	+447.4	102.9
Шу жумладан: Сотувчиларнинг меҳнат ҳақи фонди, минг сўм	12037	12276.2	+239.2	101.9

Жадвалдан кўриниб турганидек, ҳисобот даврида корхонада меҳнат ҳақи фонди бўйича 447,4 минг сўм ортиқча сарфга йўл қўйилган. Ортиқча сарф режадагига нисбатан 2,9% ни, шу жумладан, сотувчиларнинг меҳнат ҳақи фон-

ди бўйича 239,2 минг сўмни, бу эса режадагига нисбатан 1,9% ни ташкил этади.

Шуни эслатиб ўтиш керакки, товар айланиши режасининг бажарилиши асосан сотувчиларга боғлиқ бўлганлиги туфайли уларнинг меҳнат ҳақи фонди бўйича мутлақ фарқ билан бирга нисбий фарқни ҳам аниқлаш керак. Сотувчиларнинг меҳнат ҳақи фонди бўйича нисбий тежалган маблағ ёки ортиқча сарфларни аниқлаш учун қуйидаги жадвал тузилади:

38-жадвал

Меҳнатга ҳақ тўлаш фонди бўйича мутлақ ва нисбий фарқни аниқлаш

Меҳнатга ҳақ тўлаш фонди, минг сўм			Фарқи	
режа бўйича	режадаги сотувчиларнинг меҳнат ҳақи фонди товар айланиши ҳажмининг бажарилишига ҳисобланган	ҳақиқатда	мутлақ	нисбий
12037	$\frac{12037 x 92.0}{100} = 11074$	12276.2	+239.2	+1202.2

Режа бўйича сотувчилар меҳнат ҳақи фонди товар айланиши режасининг бажарилиш фоизига кўпайтирилиб, юзга бўлинади ва ҳисобланган кўрсаткич сотувчиларнинг ҳақиқатдаги меҳнат ҳақи фонди билан таққосланади. Натижа меҳнат ҳақи фонди бўйича нисбий ёки ортиқча сарфни кўрсатади.

Юқоридаги жадвалдан кўриниб турганидек, товар айланиши режасининг бажарилиш даражасини ҳисобга олмаганда, сотувчилар меҳнат ҳақи фонди бўйича 239,2 минг сўм мутлақ ортиқча сарфга йўл қўйилган. Товар айланиши режасининг 92,0% га бажарилишини ҳисобга олганда эса, нисбий ортиқча сарф 1202,2 минг сўмни ташкил этди.

Таҳлилнинг кейинги босқичида сотувчиларнинг меҳнат ҳақи фонди бўйича ортиқча сарфга қандай омиллар таъсир кўрсатганлиги ўрганилади ва аниқланади. Таҳлил ва меҳнат ҳақи фондидаги ўзгаришларнинг сабабларини аниқлаш учун қуйидаги аналитик жадвал тузилади:

39-жадвал

Сотувчиларнинг меҳнат ҳақи фондидан фойдаланилиши бўйича таҳлил

Кўрсаткичлар	Режа бўйича	Ҳақиқатда	Фарқи, +, -	Режанинг бажарилиши, %
1.Товар айланиши ҳажми, минг сўм	132400	121824	- 10576	92.0
2.Меҳнатга ҳақ тўлаш фонди, минг сўм	12037	12276.2	+ 239.2	101.9
3.Сотувчиларнинг ўртача сони	716	715	- 1	99.8
4.Бир сотувчига тўғри келадиган ўртача йиллик товар айланиши ҳажми, сўм				
5.Битта сотувчига тўғри келадиган ўртача йиллик меҳнат ҳақи фонди, сўм	16811.4	17169.5	+ 358.1	102.1

Жадвал кўрсаткичларидан маълум бўляптики, ҳисобот даврида товар айланиши ҳажми 92,0% га бажарилган. Сотувчиларнинг меҳнат ҳақи фонди ҳисобот йилида режадагига нисбатан 239,2 минг сўмга ортиқча сарфланган.

Иқтисодий таҳлилнинг асосий вазифаларидан бири меҳнат ҳақи фондидаги ўзгаришлар сабабларини аниқлашдан иборат. Меҳнат ҳақи фондининг ўзгариши қуйидаги омилларга боғлиқ:

1. Товар айланиши ҳажмининг ўзгариши. Бу омил таъсирини аниқлаш учун режа бўйича белгиланган меҳнат ҳақи фонди товар айланиши режасининг ортиқча ёки кам бажарилган фоизига кўпайтирилиб, 100 га бўлинади. Мисолимизда товар айланиши режаси 92,0% бажарилган, режа бўйича сотувчиларнинг меҳнат ҳақи фонди 12037 минг сўмни ташкил этади. Шундай қилиб, режали савдо корхонасида товар айланиши ҳажми 8% кам бажарилган. Бу меҳнат ҳақи фондидан 962,9 минг сўм – 8% х 12037:100 олиб келиши зарур.

2. *Сотувчилар сони бўйича нисбий фарқнинг ўзгариши.* Иккинчи омил таъсири, аввало, сотувчилар сонининг нисбий фарқини аниқлаш орқали топилади. Бунинг учун режадаги сотувчилар сони товар айланиши режасининг бажарилиш фоизига кўпайтирилиб, юзга бўлинади, натижани ҳақиқатда ишлаган сотувчилар сони билан таққосла-

нади. Биз таҳлил қилаётган хўжаликда сотувчилар сони бўйича нисбий фарқ 56 кишини (715-659) ташкил этади: 716 x 92% : 100 = 659 нафар. Сотувчилар сони бўйича аниқланган нисбий фарқ режадаги ўртача йиллик меҳнат ҳақи фондига кўпайтирилади: +56x16811.4=+946.1 минг сўм. Демак, сотувчилар сони бўйича нисбий ортиқчалик, ўз навбатида, меҳнат ҳақи фондининг 946,1 минг сўмга ортиқча сарфланишига олиб келди.

3. Битта сотувчига тўғри келадиган ўртача йиллик меҳнат ҳақи миқдорининг ўзгариши. Бу омилнинг таъсирини аниқлаш учун бир сотувчига тўғри келадиган ўртача йиллик меҳнат ҳақи бўйича фарқ ҳисобот давридаги сотувчилар сонига кўпайтирилади: + 358.1x715 = + 256,0 минг сўм.

Бир сотувчига тўғри келадиган ўртача йиллик меҳнат ҳақи фондининг режадагига нисбатан 358,1 сўмга кўпайиши меҳнат ҳақи фонди 256,0 минг сўмга ортиқча сарфланишига олиб келди. Таҳлил натижаларини умумлаштириш учун қуйидаги жадвални тузамиз:

40-жадвал

Меҳнат ҳақи фонди, минг сўм		Фарқи	Меҳнат ҳақи фондига таъсир этувчи омиллар		
режа бўйича	ҳақиқатда		товар айланиши ҳажми ҳисобига	сотувчилар сонининг ўзгариши ҳисобига	бир сотувчига тўғри келадиган ўртача йиллик меҳнат ҳақи фондининг ўзгариши ҳисобига
12037	12276,2	+ 239,2	- 962,9	+ 946,1	+ 256

Меҳнат ҳақи фондига таъсир кўрсатувчи омилларни занжирли боғланиш усули орқали ҳам аниқлаш мумкин. Бу усулни қўллаш жараёнида қуйидаги формуладан фойдаланамиз:

$$\frac{T}{Ут} x Ум$$

Бу ерда:

Т – товар айланиши;

Ўт – бир сотувчига тўғри келадиган ўртача йиллик товар айланиши ҳажми;

Ўм – бир сотувчига тўғри келадиган ўртача йиллик меҳнат ҳақи фонди.

Занжирли боғланиш усулини қўллаб, иш ҳақи фондига таъсир кўрсатувчи омилларни аниқлаш учун қуйидаги аналитик жадвални тузамиз:

41-жадвал

Меҳнат ҳақи фондига тасир кўрсатувчи омилларни занжирли боғланиш усули орқали аниқлаш

Боғланишлар, кўрсаткичлар	I боғланиш	II боғланиш	III боғланиш	IV боғланиш
1.Товар айланиши, минг сўм	132400	121824	121824	121824
2.Бир сотувчига тўғри келадиган ўртача йиллик товар айланиши, сўм	184916	184916	170383	170383
3.Бир сотувчига тўғри келадиган ўртача йиллик меҳнат ҳақи фонди, сўм	16811,4	16811,4	16811,4	17169,.5
4.Меҳнат ҳақи фонди, минг сўм	12037	11075	12020	12276,2

1-ҳисоб: режа $\frac{T}{Ут}$ х Ўм = $\frac{132400x16811.4}{184916}$ = 12037 минг сўм;

2-ҳисоб: $\frac{T}{Ут}$ х Ўм = $\frac{121824x16811.4}{184916}$ = 11075 минг сўм;

3-ҳисоб: $\frac{T}{Ут}$ х Ўм = $\frac{121824x16811.4}{170383}$ = 12020 минг сўм;

4-ҳисоб: $\frac{T}{Ут}$ х Ўм = $\frac{121824x17169.5}{170383}$ = 12276.2 минг сўм.

1. Товар айланиши ҳажмининг ўзгариши:
11075–12037 = - 962.0 минг сўм.
2. Меҳнат унумдорлигининг ўзгариши:
12020 – 11075 = + 945 минг сўм.
3.Бир сотувчига тўғри келадиган ўртача йиллик меҳнат ҳақининг ўзгариши:
12276.2 – 12020 = + 256.2 минг сўм.
4.Меҳнат ҳақи фонди бўйича умумий фарқ:
+ 945 + 256.2 – 962 = + 239.2 минг сўм.

Савдо корхонасининг меҳнатга ҳақ тўлаш фонди таҳлил қилингандан кейин нималар эвазига тежамкорликка эришилганлиги ёки ортиқча харажатларга йўл қўйилганлигини аниқлаш мақсадида меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг қисмлар бўйича сарфланиши ўрганиб чиқилиши лозим. Ойлик маош бўйича ҳақ тўлаш меҳнат ҳақи фондининг асосий элементи ҳисобланади. Ходимлар сони ва малака таркиби бўйича штат жадвали тузилиши натижасида тўлов суммаларида ўзгаришлар вужудга келиши мумкин. Сотувчиларнинг меҳнат ҳақи фондидан фойдаланиш даражасига баҳо берилгандан сўнг ёрдамчи хизмат кўрсатувчи ва маъмурий - бошқарув ходимлари меҳнат ҳақи фондидан қандай фойдаланилаётганлигини текширишимиз зарур. Ёрдамчи хизмат кўрсатувчи ва маъмурий - бошқарув ходимлари меҳнат ҳақи фондининг ўзгариши икки омилга боғлиқ.

Биринчи омил—*меҳнат ҳақи ставкасининг ўзгариши.* Бу омилнинг таъсирини аниқлаш учун бир ходимга тўтри келадиган ўртача меҳнат ҳақи ставкаси бўйича мутлақ фарқ ҳисобот давридаги ходимлар сонига кўпайтирилади.

Иккинчи омил—*ходимлар бўйича штатнинг ўзгариши.* Бу омил таъсирини аниқлаш учун ходимларнинг штат бўйича фарқи режадаги ходимларнинг ўртача йиллик меҳнат ҳақи фондига кўпайтирилади.

Меҳнат ҳақи фонди таҳлилидан сўнг меҳнат унумдорлигининг ўсиш даражаси билан бир савдо ходимига тўғри келадиган ўртача йиллик меҳнат ҳақи фондининг ўсиш муносабатлари ўрганилиши лозим. Чунки меҳнат унумдорлиги даражаси ҳар доим меҳнат ҳақи фондининг ўсиш даражасидан олдинда бўлиши зарур.

Биз таҳлил қилаётган савдо корхонасида меҳнат унумдорлигининг ўсиш даражаси (92,1%) меҳнат ҳақи фондининг ўсиш даражаси (102,1%) дан паст. Бу эса, ривожланаётган савдо корхоналарининг хўжалик юритиш тамойилига зид хусусиятдир. Меҳнат унумдорлигининг тез ва жадал суръатлар билан ўсиши муомала харажатлари камайишига ҳамда савдо корхоналари жамғармасининг кўпайишига олиб келади.

3.5. Транспорт харажатлари таҳлили

Муомала харажатлари таркибида меҳнат ҳақи моддасидан кейин иккинчи ўринда транспорт харажатлари тўради. Транспорт харажатлари чакана савдода муомала харажатларининг 15–16% ини ташкил этиб, меҳнат ҳақи харажатлари билан бирга ҳисобланганда, республикамиз бўйича 53–55% ини ташкил этади.

Транспорт харажатлари таҳлили жараёнида ҳисобот давридаги юкни ташиш билан боғлиқ бўлган харажатлар режада кўрсатилган харажат суммаси билан таққосланиб, тежалган ёки ортиқча сарфланган харажатлар суммаси аниқланади ва юкни ташиш билан боғлиқ бўлган харажатларни камайтириш йўллари кўрсатилади.

Юкларни ташиш билан боғлиқ бўлган харажатлар таҳлилида иқтисодий таҳлилнинг асосий вазифалари қуйидагидан иборат: товарларни етказиб бериш шартларини ўрганиш; товарларни савдо корхоналарига етказиб бериш жараёнида, фойдаланиладиган транспорт турларининг афзаллигини, самарадорлигини ўрганиш; юкларни ташиш билан боғлик бўлган харажатларни режадагига нисбатан камайтириш имкониятларини аниқлаш.

Юкларни ташиш билан боғлиқ бўлган харажатларнинг умумий суммасига икки омил – ташилган юк ҳажмининг ўзгариши ва ўртача бир т/км юкни ташиш транспорт тарифининг ўзгариши таъсир кўрсатади.

Биринчи омилнинг таъсирини аниқлаш учун ташилган юк ҳажми бўйича мутлақ фарқ режадаги ўртача бир т/км юкни ташиш бўйича транспорт тарифига кўпайтирилади.

Иккинчи омилнинг таъсирини аниқлаш учун ўртача бир т/км юк ташиш транспорт тарифи бўйича мутлақ фарқ ҳисобот даврида ташилган юк ҳажмига кўпайтирилади.

Юкларни ташиш билан боғлиқ харажатларга юқорида кўрсатилган омиллардан ташқари товар айланиши ҳажмининг тузилиши, хилма-хил транспортлар билан ташиш жараёнида юклар салмоғининг ўзгариши, юк ташиш масофасининг ўзгариши, товар етказиб берувчиларни савдо корхоналарига қулайроқ биркитиш, товар-транспорт ҳужжатларини тўғри расмийлаштириш ҳам таъсир кўрсатади. Биз таҳлил қилаётган савдо корхонасида юкларни ташиш билан боғлиқ бўлган харажатлар қуйидагича акс эттирилган:

42-жадвал

Транспорт харажатларининг таҳлили

Кўрсаткичлар	Режа бўйича	Ҳақиқатда	Фарқи	Харажатларнинг ўзгариши	
				ташилган юк ҳажми ҳисобига	ўртача бир т/км тарифининг ўзгариши ҳисобига
1.Юк ташиш билан боғлиқ бўлган харажатлар, минг сўм	1956	1990	+ 34	- 265.4	+ 299.4
2.Ташилган юк ҳажми, т/км	2456789	2123456	- 333333	x	x
3.Ўртача бир тонна/км юк ташиш бўйича транспорт тарифи, сўм	0.796	0.937	+ 0.141	x	x

Жадвалдан кўриниб турганидек, юкларни ташиш билан боғлиқ бўлган харажатлар ҳисобот даврида режадагига нисбатан 34 минг сўмга кўпайган. Бунга асосан ўртача бир тонна/км юк ташиш бўйича транспорт тарифининг режадагига нисбатан 0,141 сўмга кўпайиши салбий таъсир курсатган. Мисолимизда ўртача транспорт тарифининг 0,141 сўмга кўпайиши юкларни ташиш билан боғлиқ бўлган харажатларнинг 199,4 минг сўмга ортишига олиб келди (+0.141x2123456). Лекин савдо корхоналарига ташиб келтирилган юк ҳажми режадагига нисбатан 333333 т/км камайди натижада транспорт харажатлари 264,4 минг сўмга тежалади (+ 333333x0,796).

Таҳлил натижаси шуни кўрсатадики, савдо корхонасида транспорт харажатларини янада камайтириш имкониятлари бор. Юкларни савдо корхоналарига етказиб бериш билан боглиқ бўлган харажатларни камайтиришда мавжуд транспорт воситаларидан унумли фойдаланиш – товарларни савдо корхоналарига марказлаштирилган айланма усулда етказиб бериш муҳим аҳамиятга эга.

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида мустақил республикамизнинг кўпгина савдо корхоналари, фирма ва компаниялари хорижий давлатларнинг кўпгина фирмалари билан бевосита алоқада бўлиб, кўплаб товарларни четдан

келтирмоқда. Шуни эслатиб ўтиш керакки, хорижий фирмалар билан шартномалар тузишда, товарларнинг етказиб берилиш жараёнидаги ҳамма харажатлар товар етказиб берувчилар зиммасига юкланиши ҳисобга олиниши зарур.

Ҳозирги вақтда товарларни контейнер усулида етказиб бериш ривожланмоқда. Бунинг аҳамияти шундан иборатки товарлар ишлаб чиқариш (саноат корхоналари)дан савдо корхоналарига қисқа муддатда келиб тушади. Контейнер транспорти усулининг кенг тарқалиши темир йўл платформаларида юк ташиш камайишига ва транспортдан унумли фойдаланишга олиб келади. Илмий-тадқиқот институтларининг ҳисоб-китобига кўра, контейнерларда 1 млн. тонна юкни ташиш 1,5 минг кишини ишдан озод қилади, юкларнинг транспортда ташилиши 30-35% га тезлашади, натижада 18—20 млн. сўм тежалади.

Қисқача хулосалар

Савдо корхоналарининг хўжалик фаолиятини кенгайтириш хамда иш самарадорлигини юксалтириш учун маълум миқдорда моддий маблағ, меҳнат сарфлари талаб қилинади. Улар ёрдамида, турли хилдаги ишлар бажарилиб, ахолига хилма-хил товарлар сотилади. Чунки хозирги бозор иқтисодиётига ўтилаётган ҳозирги шароитда муомала харажатлари салмоғи товар айланиш ҳажмига нисбатан 20—25 %ни ташкил этади. Шу нуқтаи назардан харажатлар 2 гуруҳга, яъни шартли ўзгарувчан ва шартли ўзгармас муомала харажатларига бўлиб ўрганилиши лозим.

Сўнгги йилларда харажатлар суммаси йил сайин ошиб бормоқда. Шу боисдан тахлил жараёнида муомала харажатлари ўзгаришига таъсир этувчи омиллар хисоблаб чиқилиши, уларни камайтириш йўллари аниқланиши лозим. Муомала харажатларини таҳлил қилишда шартли ўзгарувчан харажатлар ўзгаришига алоҳида этибор бериш керак. Чунки шартли ўзгарувчан харажатлар товар айланиши ҳажмига боғлиқ бўлиб, бу харажатлар таркибига меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари, транспорт харажатлари ва бошқа харажатлар киради.

Таҳлил натижаларига кўра, харажатларнинг умумий ҳажми ва турлари бўйича мавжуд имкониятлар кўрсатиб берилиши лозим.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Муомала харажатларини пасайтиришнинг халқ хўжалигидаги аҳамият нимада?

2. Таҳлилнинг вазифалари нималардан иборат?

3. Муомала харажатлари сарфига умумий баҳо беришдан мақсад нима?

4. Унинг ўзгаришига қандай омиллар таъсир этади?

5. Муомала харажатларини моддалари буйича таҳлил қилишда нималарга эътибор бериш керак?

6. Шартли ўзгарувчан муомала харажатларига қандай харажатлар киради?

7. Шартли ўзгармас муомала харажатларига-чи?

8. Меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан фойдаланилишини таҳлил қилиш нималарни кўзда тутади?

9. Меҳнатга ҳақ тўлаш фонди бўйича нисбий фарқни аниқлаш тартиби, деганда нималарни тушунасиз?

10. Меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг ўзгаришига таъсир этувчи омиллар таҳлилида нималарга эътибор берилади?

11. Транспорт харажаталри таҳлили ва бу харажатлар ўзгаришига таъсир этувчи омилларни таҳлил қилишдан мақсад нима?

Асосий адабиётлар

1. Абдуллаев Е. «Иқтисодий таҳлил» 100 та савол ва жавоб. –Т., «Меҳнат», 2001.

2. Абрютина М.С. «Экономический анализ торговой деятельности» Учебное пособие. –М., «Дело и Сервис», 2000.

3. Богатко А.Н. «Основы экономического анализа хозяйственного субъекта». –М., «Финансы и статистика», 1999.

4. Гинзбург А.И. «Экономический анализ» Предмет и методы Моделирование ситуации Оценка управленческих решений. –М., СПБ, Нижний Новгород: ПИТЕР, 2003.

5. Ергешев Е.Е. «Иқтисодий ва молиявий таҳлил» Дарслик. –Т., «Молия», 2000.

6. Шоалимов А.Х. «Бошқарув таҳлили» Ўқув қўлланма. –Т., ТДИУ, 2003.

IV БОБ. МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАР ТАҲЛИЛИ

4.1. Молиявий таҳлилнинг мақсади, босқичлари ва асосий шакллари

Молиявий таҳлилнинг мақсади ҳисобот маълумотлари орқали корхона хўжалик фаолиятида ўтган даврда, таҳлил қилинаётган вақтда эришилган ҳамда келгусида эришиладиган молиявий натижалар ҳамда молиявий ҳолатга ҳар томонлама баҳо беришдан иборат.

Молиявий таҳлилнинг асосий босқичларини қуйидаги 3 гуруҳга бўлиш зарур:

1. Таҳлилнинг мақсадини аниқлаш ва унга ёндашиш йўлларини белгилаш. Бу босқичда корхона кўрсаткичларини халқ хўжалиги, тармоқ бўйича ўртача кўрсаткичлар билан, ўтган йилги ва режадаги кўрсаткичлар ҳамда бошқа турдош корхоналарнинг кўрсаткичлари билан солиштириш мумкин.

2. Таҳлил учун тақдим қилинган ахборотлар ва таҳлил манбалари сифатига баҳо бериш. Бу босқичда ахборотларнинг тўғрилиги, йиллик ҳисоботлардаги кўрсаткичлар таҳлил талабларига жавоб бера олиш-олмаслиги текширилади.

3. Иқтисодий таҳлил усулларидан фойдаланган ҳолда таҳлил ўтказиш ва унинг натижаларини расмийлаштириш. Ушбу босқичда корхонанинг молиявий натижалари, молиявий коэффициентлар ва молиявий ҳолати бўйича бевосита таҳлил қилинади, бу жараёнда таҳлилнинг ҳар хил усулларидан фойдаланиб, олинган натижаларга асосан тегишли хулосалар чиқарилади ва молиявий аҳволни яхшилаш чора-тадбирлари ишлаб чиқилади.

Молиявий таҳлилнинг асосий шакллари қуйидагилардан иборат:

Горизонтал таҳлил. Бу таҳлилда ҳисобот давридаги кўрсаткичлар ўтган даврдаги ҳамда режалаштирилган кўрсаткичлар ва турдош корхоналарнинг кўрсаткичлари билан солиштирилади.

Вертикал таҳлил. Таҳлилнинг бу шаклида товар айланиши ҳажмида айрим олинган товар гуруҳларининг салмоғи, жами асосий фондларда ишлаб чиқаришга тааллуқли асосий фондларнинг қиймати ва салмоғи аниқланади ва ўрганилади.

Динамик таҳлилда кўрсаткичларнинг бир неча йиллар мобайнидаги ўзгариши ўрганилади. Бу шаклдаги таҳлил кўпинча истиқболни, келажакда амалга ошириладиган ишларни белгилаш учун ўтказилади.

Макон таҳлили. Бу шаклдаги таҳлилда қилинаётган объект кўрсаткичлари бошқа турдош объект кўрсаткичлари билан солиштирилади.

Нисбий кўрсаткичлар таҳлили натижалари бўйича хулосалар чиқариш учун жуда кўплаб коэффициентлар, индекслар, фоизлардан фойдаланган ҳолда ўтказилади.

Омилли таҳлилда натижаларига бир қанча омилларнинг таъсири ҳисобланиб, мавжуд имкониятлар аниқланади ва келгусида улардан самарали фойдаланиш йўллари белгилаб берилади.

4.2. Молиявий таҳлил субъектлари, уларнинг мақсади ва манфаатдорлиги

Корхона молиявий ҳолати таҳлили субъектлари қуйидагилардир:

- корхонанинг бошқарувчилар;
- акциядорлар ва бошқа инвесторлар;
- солиқ идоралари;
- банк муассасалари;
- кредиторлар;
- статистика ва истиқболни белгилаш идоралари;
- товар жўнатувчилар;
- товар олувчилар.

Улар ўз фаолиятларида қуйидаги мақсадларга асосланади:

- *корхонани бошқарувчилар* молиявий-хўжалик фаолияти самарадорлигига баҳо бериш, мавжуд ички имкониятларни топиш, улардан фойдаланиш чора - тадбирларини ишлаб чиқиш ва корхонанинг молиявий жиҳатдан барқарорлигини, мустақиллигини ва рақобатбардошлигини таъминлашга;
- акциядорлар ва бошқа инвесторлар ўзлари оладиган дивиденд миқдорини, акциянинг бозор баҳосини аниқлаш ва корхонанинг келгусидаги истиқболини билиш;
- солиқ идоралари солиқларнинг ўз вақтида тўланиши, тўғри ва тўлиқ тўланганлигини текшириш;

· банк муассасалари, кредиторлар пул маблағлари ва бошқа кредит ресурсларини аниқлаш, меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан мақсадга мувофиқ фойдаланилаётганлигини, олинган кредит ва бошқа мажбуриятларнинг тегишли фоизи билан тўловга қодирлиги даражасини текшириш;

· статистика ва истиқболни белгилаш идоралари статистик жаҳатдан ҳисобга олиш ва умумлаштириш;

· товар жўнатувчилар жўнатиладиган товарлар учун тўланадиган маблағлар борлиги ёки йўқлигини текшириш;

· товар олувчилар маҳсулот баҳосининг асосланганлиги, сифати, андозага тўғрилиги, стандарт талабига жавоб бериши ва вақтида етказиб бера олинишини билиш.

Юқоридаги кўрсаткичларини ҳисобга олган ҳолда хўжалик фаолияти натижаларидан қуйидагилар бевосита манфаатдорлар: корхона маъмурияти; солиқ ташкилотлари; сотиб олувчилар ва сотувчилар; қарз берувчилар ва мулк эгалари.

Хўжалик фаолияти натижасидан касаба уюшмалари, матбуот муассасалари, ассоциациялар, масалаҳатчилар, биржалар ва аудиторлик фирмалари билвосита манфаатдорлар.

4.3. Савдо корхоналарида ялпи даромадни таҳлил қилишда таҳлилнинг аҳамияти, вазифалари ва манбалари

Савдо корхоналари ва ташкилотларининг самарадорлиги режа интизомига риоя қилиш даражасига, ҳар бир корхона ва ташкилот бўлимларида товарлар сотиш режасининг бажарилиш даражасига, шунингдек, саноат корхоналарида ишлаб чиқарилган ҳамда четдан ва бошқа республикалардан келтирилган товарларнинг тўғри тақсимланиши ҳамда, улардан тўғри фойдаланиш даражасига кўп жиҳатдан боғлиқ.

Бозор иқтисодиёти учун асосий мезон иқтисодиётнинг бошқариш усулларини такомиллаштириш, бу жараёнда энг муҳим йўналиш—иқтисодий рағбатлантириш ва хўжалик ҳисоби усулларига устуворлик бериш, баҳо, даромад, молия механизмларига эътиборни кучайтириш, банкдан олинган қарзлардан янада оқилона фойдаланишидир.

Хўжалик ҳисоби савдо корхоналари ва ташкилотларида хўжаликни режали юритишининг энг муҳим усулларидан

ҳисобланади. Бу усулнинг моҳияти шундаки, унда ҳар бир корхона ва ташкилот ўз харажатлари ва фаолияти натижаларини пул шаклида ўлчайди, харажатларини товарларни сотиш натижасида олинган даромадлари ҳисобига қоплайди ва хўжаликнинг даромадлилигини таъминлайди.

Корхона ва ташкилотларда харажатларни ўз даромадлари ҳисобидан қоплаш ва фойда олиш хўжалик ҳисобининг муҳим талабидир. Савдо устамалари савдо ташкилотлари ва корхоналари учун харажатларни қоплаш ва даромад олишнинг асосий манбаидир. Бундай устамалар уларнинг ялпи даромадини ташкил этади. Товар айланишига нисбатан фоиз ҳисобидаги ялпи даромад суммаси ялпи даромад даражаси деб юритилади. Савдо устамаларининг миқдори республика Вазирлар Маҳкамасининг Давлат нарх қўмитаси томонидан белгиланади. Бундай устамалар даражаси асосида ялпи даромаднинг мутлақ миқдори аниқланади.

Савдо корхоналари ва ташкилотларида иш ялпи даромад миқдорини ошириш билан бирга харажатларни камайтириб, корхонанинг даромадлилигини таъминлайдиган даражада ташкил этилиши зарур.

Савдо корхоналарида ялпи даромад олиш жараёнини таҳлил қилишда таҳлилнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

- ялпи даромаднинг умумий ҳажмини, товар гуруҳлари бўйича бажарилишини аниқлаш;
- амалда жорий қилинган савдо устамалари қай даражада қўлланилаётганини текшириш;
- ялпи даромад суммасининг ўзгаришига таъсир этувчи омилларни аниқлаш;
- корхонанинг фойдаланилмаётган ички имкониятларини аниқлаш.

Корхонанинг молиявий натижалари, молиявий коэффициентлари ва молиявий ҳолати таҳлили сифатли ўтказилиши асосан таҳлил манбаалари тўғри ва сифатли тузилишига боғлиқ.

Таҳлил учун керакли маълумотлар таҳлилнинг асосий манбалари бўйича қуйидаги йиллик ҳисоботлардан олинади:

1-шакл – «Бухгалтерия баланси»;

2-шакл – «Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот»;

2а-шакл – «Дебиторлик ва кредиторлик қарзлари тўғрисида маълумонома»;

3-шакл – «Асосий воситалар тўғрисида ҳисобот»;

4-шакл – «Пул оқимлари тўғрисида ҳисобот»;

5-шакл – «Ўз ермояси тўғрисида ҳисобот»

(Корхонани йиллик ҳисоботи илова қилинган).

Бухгалтерия баланси хўжаликнинг молиявий иқтисодий ҳолатини белгиланган давр учун икки иқтисодий нуқтаи назардан умумлашган пул ўлчамида кўрсатади. Балансининг активи маблағлар мавжудлиги ва жойлашишини, пассиви эса, маблағларнинг манбалари, келиб чиқиши ва ўрнини характерлайди.

Одатда, баланс ва ҳисобот кўрсаткичлари ҳисобот даврининг бошланиши ва охирида келтирилади. Улар иқтисодий жараёнлар характерини ва корхонанинг чорак (квартал) ва йил давомидаги молиявий - хўжалик ҳолатини аниқлайди ва моҳиятини очиб беради.

Бухгалтерия баланси активи ва пассивида корхонанинг асосий фаолиятига кирадиган маблағ ва манбалар акс эттирилади. Таҳлилда аввало, баланс моддалари суммаларининг йил (ёки бир неча йил) мобайнидаги ўзгаришини ўрганиш, хўжалик фаолиятининг ижобий ва салбий томонлари ҳақида хулоса чиқариш керак.

4.4. Савдо корхоналарида ялпи даромад режаси бажарилишига, умумий баҳо ва унинг ўзгаришига таъсир этувчи омиллар таҳлили

Савдо корхоналарида ялпи даромад муомала харажатларини қоплаш манбаи ҳисобланади. Савдо устамалари миқдорининг оширилиши савдо корхоналари иши сифатидан катъи назар уларнинг юқори даромад олишларига имкон беради. Савдо устамаларининг камайиб кетиши эса, муомала харажатларини қопламайди ва зарар кўришга олиб келади. Бундай ҳолда савдо корхоналари ва ташкилотлари ўз фаолиятларига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра, молиявий қийинчиликларга учрайдилар. Уларда харажатларни қоплаш ва қандай бўлмасин даромад олишга ишонч йўқолади, чунки товарларни сотиш ҳажми ортган сари зарар суммаси ҳам ошиб боради.

Савдо корхоналари фақат товарларни сотиш эвазигагина эмас, балки бошқа йўллар—бўш идишларни сотиш, омбордаги товарларни қайта ўлчаш ва хатлов (инвентаризация) да ошиқча чиққан товарлар ҳисобига ҳам ялпи даромад суммасини кўпайтиришлари мумкин.

Умуман олганда, ялпи даромад суммасининг ўзгариши асосан икки омилга:

- товар айланиши ҳажмининг ўзгаришига;
- ўртача ялпи даромад даражасининг ўзгариши боғлиқ.

Биринчи омилнинг таъсирини аниқлаш учун товар айланиши ҳажми бўйича мутлақ фарқ режалаштирилган ўртача ялпи даромад даражасига, иккинчи омилнинг таъсирини аниқлаш учун эса ўртача ялпи даромад даражаси бўйича мутлақ фарқ ҳисобот давридаги товар айланиши ҳажмига кўпайтирилиб, 100 га бўлинади.

Маълумки, товар айланиши ҳажмининг кўпайиши ёки камайиши ялпи даромад ҳажмини тубдан ўзгартириши мумкин. Шу боис ялпи даромад ҳажми ўзгаришига юқоридаги омиллардан ташқари товар айланиши ҳажми таркибий тузилишининг ўзгариши, савдо устамаларининг айрим товарлар бўйича кўпайиши ёки камайиши каби омиллар, масалан, ҳисобот давридаги товар айланиши салмоғининг режадаги товар айланиши салмоғига тўғри келиши, савдо устамасининг айрим товарлар бўйича кўпайиши ёки камайиши ва айрим ҳолларда товар етказиб берувчи ташкилотлар томонидан қўшимча савдо устамасининг ўз вақтида берилмаганлиги ва йўл харажатлари давлат бюджети томонидан қопланмаганлиги таъсир кўрсатиши мумкин.

Таҳлилнинг асосий вазифаларидан бири таҳлил даврида ялпи даромад ҳажми бўйича режа бажарилишини, ялпи даромад ҳажми ўзгаришига товар салмоғи ўзгариши таъсирини, сотилган товарлар ассортименти ва сифати ўзгариши ҳамда ўртача ялпи даромад даражасининг ўзгаришига таъсир кўрсатувчи омилларни аниқлашдан иборат. Фаолият таҳлил қилинаётган корхонада ялпи даромад режаси бажарилишига баҳо бериш ва унинг ўзгаришига юқорида қайд қилинган омиллар таъсирини аниқлаш учун 43-жадвалдаги шаклдан фойдаланилади.

43-жадвал

Ялпи даромад ҳажми бўйича режа бажарилишининг таҳлили

Кўрсаткичлар	Режа бўйича	Ҳақиқатда	Фарқи	Режанинг бажарилиши, %
1.Ялпи даромад, минг сўм	28983,6	29074,5	+ 90,9	100,3
2.Товар айланиш ҳажми, минг сўм	132400	121824	-10576	92,0
3.Ўртача ялпи даромад даражаси 1 қатор х100 : 2 қатор, %	21.891	23.866	+ 1.975	х

Жадвалдан кўриниб турибдики, ялпи даромад миқдори ҳисобот йилида режадагига нисбатан 90,9 минг сўмга кўпайган. Бунга ўртача ялпи даромад даражасининг режага нисбатан 1,975% кўпайиши ижобий таъсир кўрсатган. Таҳлил қилинаётган савдо корхонасида ўртача ялпи даромад даражасининг 1,975% кўпайиши ялпи даромад суммаси 2406 минг сўмга (1.975х121824:100) кўпайишига олиб келди. Товар айланиш ҳажми 10576 минг сўмга бажарилмагани эса ялпи даромад суммасининг 2315,1 минг сўмга (- 10576 х 21.891:100) камайишига сабаб бўлди. Шундай қилиб, таъсир кўрсатувчи омилар йиғиндиси ялпи даромад суммасининг мутлақ фарқини беради: (+2406.0 − 2315.1 = + 90.9 минг сўм).

Таҳлил жараёнида ўртача ялпи даромад даражаси қандай сабаблар таъсирида ўзгарганлигини аниқлашимиз зарур. Чунки ўртача ялпи даромад даражаси илмий асосланганлиги савдо корхоналари ишининг иқтисодий самарадаорлигини оширишда алоҳида аҳамиятга эга. Ўртача ялпи даромад даражасининг иқтисодий жиҳатдан асосланган миқдори асосан:

- савдо корхоналарининг жойлашган ўрни бўйича;
- товар айланиши ҳажми улушининг ўзгариши;
- айрим товар гуруҳлари бўйича савдо устамаларининг ўзгариши;
- майда улгуржи товар айланиши ҳажмининг ўзгариши ва ҳоказолар бўйича белгиланади ва ўзгаради.

Савдо устамаларини айрим товарлар ва товар гуруҳлари бўйича табақалаштириш баъзи товарларни сотиш билан боғлиқ бўлган муомала харажатларининг бир хил эмаслиги билан боғлиқ. Маълумки, савдо устамасининг энг юқори

миқдори энг кўп меҳнат сарфланиб тайёрланадиган, сақлаш учун махсус шароитлар ва қўшимча ишлов беришни талаб қиладиган, нисбатан суст айланадиган ва муомала харажатлари даражасини ошириб юборадиган товарларга, масалан, картошка ва сабзавот, музқаймоқ, маъданли сувлар, туз, чинни буюмлар, қурилиш материаллари ва ҳоказоларга белгиланади. Бундан ташқари товар айланиши ҳажмида юқори ва паст даражадаги савдо чегирмаси қўйилган айрим товарлар улушининг бўлиши ҳам ўртача ялпи даромад даражаси кўпайишига ёки пасайишига олиб келади.

Таҳлил жараёнида товар айланиши ҳажми таркибий тузилишининг ўртача ялпи даромад даражаси ўзгаришига таъсирини аниқлаш учун 44-жадвалдаги шаклдан фойдаланилади. Бунда товар айланиш ҳажмининг товар гуруҳлари бўйича улуши аниқланиб, улуш бўйича фарқ режадаги ўртача ялпи даражасига кўпайтирилади ва ҳисобланган фоизли сонларнинг жами 100 га бўлинади.

44-жадвалда акс эттирилганидек, товар айланишида савдо устамалари даражаси юқори бўлган товарлар (ип газлама, атторлик моллари, трикотаж буюмлар, заргарлик буюмлари, тайёр кийимлар ва бошқа моллар)нинг салмоғи ошган ва шунга мувофиқ савдо устамалари даражаси анча паст моллар (гилам ва гиламга оид буюмлар, шойи газламалар, ташқи ва ички кийимлар) салмоғи камайган. Натижада гуруҳлари бўйича айрим товарлар улушининг режадагига нисбатан пасайиши, ялпи даромад даражаси 0,009% пасайишига (0,9:100), бу эса, корхонада ялпи даромад миқдори 10,9 минг сўмга (0,009x121824:100) камайишига олиб келди.

Ялпи даромад ҳажми ўзгаришига айрим товар гуруҳлари бўйича ўртача савдо чегирмалари меъёрларининг ўзгариши ҳам таъсир қилади. Буни аниқлаш учун савдо чегирмаси янги меъёри билан эски меъёри ўртасидаги фарқ янги савдо чегирмаси қўлланилиши натижасида сотилган ҳақиқий товар айланиши миқдорига кўпайтирилиб, ҳосила юзга бўлинади. Масалан, биринчи июлдан заргарлик буюмлари бўйича савдо чегирмаси меъёри Давлат баҳо қўмитаси томонидан ўзгартирилди. Олдинги 16,46% ли савдо чегирмаси ўрнига янгиси жорий қилиниб, миқдори 19,53% қилиб белгиланди. У қўлланилган вақтдан бошлаб 12320 минг сўмлик товар сотилган.

44-жадвал

Товар айланиш ҳажми таркибий тузилишининг ўртача ялпи даромад даражаси ўзгаришига таъсирининг таҳлили

Товар гуруҳлари	Товар айланиш ҳажми ичида товар гуруҳларининг улуши, %			Режа бўйича ўртача даромад даражаси, %	Ҳисобланган фоизли сонлар
	режа бўйича	ҳақиқатда	фарқи, +, -		
Ип газламалар	1,3	1,8	+ 0,5	22,43	+ 11,2
Трикотаж буюмлари	6,8	8,2	+ 1,4	21,70	+ 30,3
Нойабзал	11,4	11,3	- 0,1	21,74	- 2,1
Гилам ва гиламга оид буюмлар	8,7	6,9	- 1,8	21,82	- 39,2
Чарм ва чармдан ишланган моллар	0,4	0,3	- 0,1	23,18	- 2,3
Атторлик моллари	11,2	11,9	+ 0,7	21,92	+ 15,3
Электр хўжалик моллари	2,2	2,5	+ 0,3	22,54	+ 6,7
Соатлар	1,5	1,5			
Заргарлик буюмлари	3,2	3,6	+ 0,4	22,31	+ 8,9
Шойи газламалар	6,0	5,7	- 0,3	22,6	- 6,7
Тайёр кийимлар	20,9	21,4	+ 0,5	22,63	+ 11,3
Ташқи ва ички тайёр кийимлар	4,8	3,3	- 1,5	22,71	- 34,1
Мусиқа асбоблари	5,2	5,1	- 0,1	22,72	- 2,2
Бошқа товарлар	16,4	16,5	+ 0,1	20,26	+ 2,0
ЖАМИ	100,0	100,0	-	21,89	- 0,9

Тегишли давр мобайнида корхонанинг ялпи даромади савдо чегирмаси меъёри ўзгариши ҳисобига 378,2 минг сўмга (19.53-16.46)х (12320:100) кўпайди ёки товар айланиши ҳажмига нисбатан (378,2 х 100:121824) 0,31% ни ташкил этди.

Шуни ҳам эслатиб ўтиш керакки, корхона ялпи даромадининг савдо чегирмаси ҳисобига кўпайиши ёки камайиши ташқи омил ҳисобланади. У корхонанинг хўжалик фаолиятига боғлиқ эмас.

Ялпи даромад ҳажми ўзгаришига ташкилотлар томонидан етказилиб бериладиган товарларнинг узлуксиз ҳаракати ҳам таъсир кўрсатади. Улгуржи савдо корхоналари томонидан товарлар савдо корхоналарига омбордан ёки транзит шаклида келтирилиши ялпи даромад ўзгаришига, чунончи, транзит усулида келтирилиши бу даромад кўпайишига, аксинча, омбордан келтирилган товарлар салмоғи камайишига олиб келади.

Масалан, шартномага асосан улгуржи савдо корхонаси омборидан режа бўйича 32320 минг сўмлик товар келтирилиши кўзда тутилган эди, ҳақиқатда эса 34745 минг сўмлик товар келтирилди. Улгуржи савдо корхонаси омбордан товар етказиб беришни режадагидан 2425 минг сўм ортиғи билан бажарди, лекин транзит шаклида товар етказиб бериш режа бўйича бажарилмади. Улгуржи савдо корхонасининг савдо чегирмасига нисбатан устамаси 14,5%, устама олинадиган товарлар бўйича ўртача савдо чегирмаси 6,35%. Шундай қилиб, улгуржи савдо корхонаси омборидан келтирилган товар айланишининг кўпайиши ялпи даромад миқдори 22,3 минг сўмга ($\frac{2425 \cdot 6,35 \cdot 14,5}{100 \cdot 100}$) камайишига сабаб бўлди.

Бу эса, товар айланишига нисбатан 0,18% ни (22,3х100:121824) ташкил этади.

Ялпи даромад ҳажмининг ўзгаришига майда улгуржи йўллар билан сотилган товарлар миқдори ҳамда баҳо ўзгариши ҳам таъсир кўрсатади.

Ялпи даромад ҳажмининг ўзгаришига таъсир кўрсатувчи омиллар таҳлил жараёнида умумлаштирилиб, 45-жадвалдаги шакл тузилади.

45-жадвал

Ялпи даромад ҳажми ўзгаришига таъсир этувчи омиллартаҳлили

Кўрсаткичлар	Ялпи даромад ҳажмининг ўзгаришига таъсир кўрсатувчи омиллар	
	кўпаяди	камаяди
1.Товар айланиши ҳажмининг ўзгариши ҳисобига	-	2315.1
2.Товар айланиши таркибий тузилишининг ўзгариши ҳисобига	-	10.9
3.Айрим товар гуруҳлари бўйича савдо чегирмасининг ўзгариши ҳисобига	378.2	
4.Товар харакатининг узлуксизлиги ўзгариши ҳисобига	-	22.3
5.Ўртача ялпи даромад даражасининг ўзгариши ҳисобига	2406.0	-
6.Майда улгуржи товарлар билан сотилган товар айланиши ҳамда товарлар баҳосининг ўзгариши ҳисобига	-	345.0
Ялпи даромад ҳажмининг режадагига нисбатан мутлақ фарқи	90.9	-

Таҳлил натижаси шуни кўрсатадики, ялпи даромадни кўпайтириш учун савдо корхоналарида мавжуд имкониятлар етарли. Келгуси хўжалик йилида шулардан тўлиқ фойдаланилса, даромад миқдори режадагидан ортиши мумкин.

Савдо корхоналарининг хўжалик фаолиятини янада чуқурроқ ўрганиш ва билиш учун ялпи даромад миқдорининг умумий ҳажми бўйичагина эмас, балки ялпи даромад режасининг бажарилиши чорак (квартал)лар бўйича ҳам, товар гуруҳлари бўйича ҳам таҳлил қилинади. Бу борадаги крсаткичлар қайси чорак (квартал)да ва қайси товар гуруҳлари бўйича қандай бажарилаётганлиги аниқлангач, тегишли ҳулосалар чиқарилиб, камчиликларни бартараф этиш, уларнинг такрорланмаслиги юзасидан белгиланган чора-тадбирлар, ишлаб чиқилган тавсиялар, берилган кўрсатмалар, билдирилган фикр ва мулоҳазалар корхона умумий мажлисларида муҳокама қилинади.

Кейинги босқичларда ялпи даромад режасининг чораклар бўйича бажарилиши таҳлил қилиниши зарур, чунки бу режанинг бир меъёрда бажарилиши савдо корхонаси молиявий натижалари яхшиланишига, молиявий холати мустаҳкамланишига ва барқарорлигига олиб келади.

Ялпи даромад режасининг чораклар ва товар гуруҳлари бўйича бажарилишини таҳлил қилиш учун 46–47-жадвалдаги шакллардан фойдаланилади. Уларда қайд этилганидек, ялпи даромад I–II–III чоракларда ортиғи билан бажарилган, IV чоракда 63,6 минг сўмга бажарилмаган. Товар гуруҳлари бўйича, режага нисбатан ип газламалар сотишдан 138,9%, трикотаж буюмлари сотишдан 118,7%, атторлик моллари сотишдан 106,5%, электр хўжалик моллари сотишдан 113,9%, заргарлик буюмлари сотишдан 112,8%, тайёр кийимлар сотишдан 102,7% ялпи даромад кирим қилинган, қолган товар гуруҳлари бўйича режалаштирилган сумма олинмаган. Умуман, ялпи даромад миқдорининг кўпайишига чорак бўйича ҳам, товар гуруҳлари бўйича ҳам бу даромад ўртача даражаси режага нисбатан кўпайиши сабаб бўлган. Бу ўринда эслатиб ўтиш керакки, ялпи даромад ўртача даражасининг ўсиши ҳисобига олинган даромад ташқи омил ҳисобланади, савдо корхонаси бундан манфаат кўрмайди. Шу боис савдо корхонаси учун ялпи даромад миқдорини кўпайтиришнинг асосий омилларидан бири товар айланиши ҳажмини режага нисбатан ошириш ҳисобланади.

46-жадвал

Ялпи даромад режасининг чораклар бўйича бажарилиши

Чораклар	Товар айланиши, минг сўм			Ялпи даромад, минг сўм			Ўртача ялпи даромад даражаси товар айланишига нисбатан, % ҳисобида			Ялпи даромад миқдори бўйича режага нисбатан мутлақ фарқ		
	режа	ҳақиқатда	режанинг бажарилиши, %	режа	ҳақиқатда	режанинг бажарилиши, %	режа	ҳақиқатда	Режанинг Бажарилиши,%	ҳаммаси	шу жумладан	
											товар айланиши ҳажмининг ўзгариши ҳисо-бига	ўртача даромад даражасининг ўзгариши ҳисобига
I	32500	30500	93,8	6927,1	6977,7	100,7	21,31	22,87	+1,56	+50,6	-426,2	+476,8
II	28500	24223	84,9	7187,9	7239,5	100,7	25,2	29,88	+4,68	+51,6	-1077,8	+1129,4
III	35100	33848	96,4	7303,8	7355,8	100,7	20,8	21,73	+0,93	+52,0	-260,4	+312,4
IV	36300	33253	91,6	7564,8	7501,2	99,1	20,83	22,55	+1,72	-63,6	-634,6	+571,0
Жами	132400	121824	92,0	28983,6	29074,5	100,3	21,89	23,86	+1,97	+90,9	-2315,1	+2406

47-жадвал

Ялпи даромад ҳажмининг айрим олинган товар гуруҳлари бўйича бажарилиши таҳлили

Товар гуруҳлари	Товар айланиш ҳажми, минг сўм			Ялпи даромад, минг сўм			Ўртача ялпи даромад даражаси товар айланиши ҳажмига нисбатан, %			Ялпи даромад суммаси бўйича режага нисбатан мутлақ фарқ		
	режа	ҳақиқатда	фарқи	режа	ҳақиқатда	режанинг бажарилиши,%	режа	ҳақиқатда	фарқи	ҳаммаси	шу жумладан	
											товар айланиш ҳажмининг ўзгариш ҳисобига	ялпи даромад даражасининг ўзгариши ҳисобига
Ип газламалар	1679	2146	+ 467	376,7	523,3	138,4	22,43	24,38	+1,95	+146,6	+104,7	+41,9
Трикотаж буюмлар	9080	9921	+ 841	1970,8	2341,1	118,7	21,70	23,54	+1,89	+370,3	+182,4	+187,9
Пойабзал	15198	13674	- 1524	3304,1	3285,4	99,4	21,74	24,02	+2,28	- 18,7	-331,3	+312,6
Гиламлар	11555	8455	- 3100	2521,5	2006,4	79,5	21,82	23,73	+1,91	- 515,1	-676,4	+161,3
Атторлик моллари	14806	14534	- 272	3246,1	3459,8	106,5	21,92	23,80	+1,98	+213,7	- 69,6	+213,7
Электр хўжалик моллари	2822	2040	+ 118	637,6	726,8	113,9	22,59	24,72	+2,13	+ 89,2	+ 26,6	+62,6

Соатлар	1929	1709	- 220	434,7	436.2	100,3	22,53	25,52	+2,99	1,5	49,5	+51,0
Заргарлик буюмлари	4156	4384	+ 228	927,4	1046,7	112,8	22,31	23,87	+1,56	+119,3	+ 50,8	+68,5
Шойи газламалар	7693	6708	- 985	1739,1	1657,2	95,3	22,6	24,70	+2,1	- 81,9	-222,6	+140,7
Тайёр кийимлар	26761	25255	- 1506	6057,5	6221,9	102,7	22,63	24,63	+2,0	+164,4	-340,8	+505,2
Ташқи ва ички кийимлар	6126	3849	- 2277	13992,2	959,4	68,9	22,71	24,92	+2,21	431,8	-517,1	+85,3
Мусиқа асбоблари	6633	6000	- 633	1507,1	1482,8	98,4	22,72	24,71	+1,99	- 24,3	-143,8	+119,5
Чармдан ишланган товарлар	500	344	- 156	115,9	87,2	75,2	23,18	25,3	+2,12	- 28,7	- 36,1	+ 74
Бошқа товарлар	23462	21905	- 1557	4753,9	4797,3	100,9	20,26	21,90	+1,64	+43,4	-315,4	+358,8
Жами	132400	121824	- 10576	28983,6	29074,5	100,3	21,89	23,86	+1,97	+ 90,9	-2315,1	+2406,0

4.5. Фойда режаси бажарилишининг таҳлили

Фойда савдо корхоналари ва ташкилотлари иши самарадорлигини ифодаловчи асосий, айни пайтда уларнинг хўжалик - молиявий фаолияти бўйича барча натижаларни акс эттирадиган умумлаштирувчи кўрсаткичдир.

Фойда ўз иқтисодий мазмунга кўра, савдо ходимлари томонидан яратилган ва улар манфаати учун фойдаланиладиган даромад бўлиб, ҳар бир корхонанинг хўжалик фаолиятини кенгайтириш ва халқ фаровонлиги яхшиланишига сарфланаётган соф даромадга қўшаётган ҳиссасини ифодалайди.

Савдо корхоналари олаётган фойданинг маълум қисми умумдавлат эҳтиёжларини қондириш учун давлат бюджетига тушади, бошқа қисми эса хўжалик фаолиятини янада кенгайтириш ва меҳнатга ҳақ тўлаш фондини кенгайтириш учун корхона ихтиёрида қолади.

Чакана савдо корхоналарида фойда товар айланишини янада тезлаштириш ва савдо хизмати маданиятини юксалтириш, моддий-техника базасини ривожлантириш, савдо ходимларининг ишда энг самарали натижаларга эришишдан моддий манфаатдорлигини ошириш мақсадларида фойдаланишга қаратилган. Фойда миқдорини аниқлаш учун ялпи даромад суммасидан муомала харажатлари чегирилади. Фойда миқдорига қуйидаги омилар таъсир кўрсатади:

- товар айланиши ҳажмининг ўзгариши;
- ўртача ялпи даромад даражасининг ўзгариши;
- ўртача муомала харажатлари даражасининг ўзгариши.

Товар айланиши ҳажмининг фойдага таъсирини ҳисоблаш учун ундаги фарқ режадаги рентабеллик даражасига кўпайтирилиб ёки товар айланиши бўйича режадан ортиқ ёхуд кам фоиз режадаги фойда миқдорига кўпайтирилиб, юзга бўлинади.

Ўртача ялпи даромад даражаси ўзгаришининг фойдага таъсирини аниқлаш учун бу даромад даражасидаги фарқ ҳисобот йилидаги товар айланиши ҳажмига кўпайтирилиб, юзга бўлинади.

Ўртача муомала харажатлари даражаси ўзгаришининг фойдага таъсирини ҳисоблаш учун бу харажатлар даражасидаги фарқ ҳисобот йилидаги товар айланиши ҳажмига кўпайтирилиб, юзга бўлинади.

Юқорида қайд қилинган омилларни ва фойда суммасининг режага нисбатан қандай бажарилганлигини аниқлаш учун 48-жадвалдаги шакл тузилади.

48-жадвал

Фойда режаси бажарилишининг таҳлили

Кўрсаткичлар	Режа бўйича	Ҳақиқатда	Фарқи	Режанинг бажарилиши, %
1.Товар айланиш ҳажми, минг сўм	132400	121824	- 10576	92.0
2.Ялпи даромад, минг сўм	28983.6	29074.5	+ 90.9	100.3
3.Ўртача ялпи даромад даражаси, %	21.891	23.866	+ 1.973	x
4.Муомала харажатлари, минг сўм	24889.8	25215.1	+ 325.3	101.3
5.Муомала харажатларининг ўртача даражаси, %	18.799	20.698	+ 1.899	x
6.Ялпи фойда	4093.8	3859.4	- 234.4	94.2
7.Солиқлар ва бошқа харажатлар, минг сўм	1120	1132	+ 12	101.6
8.Солиқ тўлангандан кейинги ялпи даромад, минг сўм	27863.6	27942.5	+ 78.9	100.2
9.Солиқ тўлангандан кейинги ўртача ялпи даромад даражаси, %	21.045	22.936	+ 1.891	
10. Соф фойда, минг сўм	2973.8	2727.4	- 246.4	91.7
11.Товар айланиши ҳажмига нисбатан ҳисобланган рентабеллик даражаси, %	3.092	3.168	+ 0.076	-

Жадвалдаги маълумотлардан кўриниб турибдики, соф фойданинг мутлақ миқдори ҳисобот йилида режадагига нисбатан 246,4 минг сўм кам бўлган. Соф фойда суммасининг ўзгаришига қуйидаги омиллар таъсир кўрсатган:

1.Товар айланиш ҳажмининг ўзгариши:

Таҳлил қилинаётган савдо корхонасида товар айланиши ҳажми режадагига нисбатан 10576 минг сўмга камайиши соф фойда суммаси 327,0 минг сўмга (-10576 х 3.092/100) камайишига олиб келган, товар айланиши ҳажми режадагига нисбатан 8% бажарилмаган ва 327,0 минг сўмлик фойда кам олинган (- 8 х 4093.8/100).

2. Ўртача ялпи даромад даражасининг ўзгариши:

Ўртача ялпи даомад даражаси ҳисобот йилида режадагига нисбатан 1.975% ошган. Бунинг эвазига савдо корхо-

насининг соф фойдаси 2406,0 минг сўмга (+ 1.975 = 121824/100) кўпайган.

3. Муомала хаажатлари ўртача даражасининг ўзгариши:

Таҳлил қилинаётган савдо корхонаси муомала харажатларининг ўртача даражаси ҳисобот йилида режадагига нисбатан 1,899% ошган. Бу эса, соф фойда суммасининг 2313,4 минг сўмга (+ 1,899 х 121824/100) камайишига олиб келган.

4.Солиқ суммаси ҳисобот йилида режадагига нисбатан 12 минг сўмга кўпайиши фойда суммаси 12 минг сўмга камайишига (1132-1120) олиб келди.

Демак, юқорида ҳисобланган омилларнинг таъсири 246.4 минг сўмни ташкил этади (-327-2313.4 – 12 + 2406 = 246.4 минг сўм).

Таҳлил натижаси шуни кўрсатадики, савдо корхонасида фойда суммасини кўпайтириш учун имкониятлар мавжуд. Бу имкониятлар товар айланиши ҳажмини жадал суръатлар билан ўстириш ва фойда суммаси ўзгаришига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатадиган муомала харажатлари даражасини пасайтиришдан иборат.

Фойда режаси бажарилишига баҳо берилгандан сўнг балансда кўрсатиладиган фойда режасининг бажарилиши таҳлил қилиниши зарур. Чунки балансда кўрсатиладиган фойда миқдори товарларни сотиш натижасида олинган фойдадан кўп ёки кам бўлиши мумкин.

Агар режалаштирилган ва режалаштирилмаган даромадлар миқдори режалаштирилган ва режалаштирилмаган зарарлардан кўп бўлса, у ҳолда балансда фойда товарларни сотиш натижасида олинган фойдадан кўп бўлади ёки аксинча.

Ўз харажатларини ўзи қоплаш шарти ҳар бир корхонани кўзда тутилган режани бажариш чораларини кўришга, барча даромад ва харажатларни қатъий ҳисобга олишга, моддий ва молиявий ресурслардан унумли фойдаланишга ундайди.

Янги тартибда ишлашга ўтиши натижасида савдо корхоналари хўжалигининг мустақиллик доираси анча кенгайди. Улар эндиликда мустақил равишда кўплаб муҳим кўрсаткичларни режалаштириш, иқтисодий рағбатлантириш фондларини ташкил этиш ва бу фондларни қандай мақсадларга сарфлаш ҳамда ходимларни мукофотлаш тартибини белгилаш, уларга бир неча касбни қўшиб бажаргани учун қўшимча ҳақ тўлаш, иш вақти тартибини ўзгартириш, ортиқча жиҳоз ва ускуналарни сотиш ҳуқуқларига эга.

Корхона жамоасининг ишда энг яхши нтижаларга эришишдан моддий манфаатдорлиги хўжалик юритиш ва иқтисодий ривожлантиришнинг муҳим омилидир. Моддий манфаатдорликка ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳани ривожлантириш ва меҳнатга ҳақ тўлаш фондларини тўғри ташкил этиш орқали эришилади.

Хўжалик ҳисобидаги корхоналар оладиган фойданинг маълум қисми улар ихтиёрида қолади. Шу сабабли корхона қанчалик яхши ишласа, унинг ихтиёрида шунчалик кўп фойда қолади.

4.6. Рентабеллик даражасининг таҳлили

Рентабеллик самарадорликни ифодаловчи кўрсаткич бўлиб, савдо корхоналари хўжалик фаолияти натижаларини тўла ва ҳар томонлама тавсифлайди. Рентабелли корхоналар ўз даромадлари билан ҳамма харажатларини қоплайдилар, ўзи ҳамда бутун халқ хўжалиги учун сарфланувчи қўшимча фойда яратадилар. Тўла хўжалик ҳисобида ишлаётган савдо корхоналари ўзлари олган фойда ҳисобига ишлаб чиқаришни кенгайтириш, ижтимоий-маданий тадбирлар, ходимларини моддий рағбатлантириш учун маблағ сарфлайдилар. Лекин унутмаслик керакки, корхоналар хўжалигини иқтисодий томондан мустаҳкам ва барқувватлилигига фақат рентабелликни ўстириш орқали эришиб бўлмайди. Бунинг учун савдо корхоналарини ихтисослаштириш, уларнинг фаолиятини аҳоли ва халқ хўжалиги талабларини қондиришга, хизмат кўрсатиш сифатини юксалтиришга, ходимлар диққатини ички имкониятлардан фойдаланиб, рентабелликни муттасил ошира боришга қаратиш керак.

Иқтисодий таҳлилда рентабеллик даражасини бир қанча усуллар орқали аниқлаш мумкин.

Савдо корхоналарининг асосий иқтисодий кўрсаткичларидан бири бўлган фойда корхона иш самарадорлигини ҳар томонлама ифодалай олмайди, чунки фойда суммаси фақат ялпи даромад ва муомала харажатларигагина эмас, балки товар айланиши ҳажмига ҳам боғлиқдир. Шу сабабли фойданинг мутлақ миқдори билан бир қаторда корхона фаолиятини ва иш самарадорлигини ҳар томонлама ифодаловчи асосий иқтисодий кўрсаткичлардан бири—рента-

беллик даражаси таҳлил қилиниши зарур. Рентабеллик даражасининг моҳияти шундан иборатки, у корхона бўйича товар айланиши ҳажмини муомала харажатларидан, асосий ва айланма маблағлардан қандай фойдаланилганлигини аниқлаш имконини беради. Рентабеллик савдода товар айланишига нисбатан фоиз ҳисобида ҳисоблаб чиқилади.

Савдо корхоналарининг хўжалик фаолиятига баҳо беришда рентабелликнинг бошқа кўрсаткичларидан, ҳам фойдаланилади. Бу кўрсаткич корхонада мавжуд бўлган асосий ва айланма маблағларидан фойдаланишнинг самарадорлик даражаси ҳисобланади. Бу холда рентабеллик даражаси фойданинг асосий ва айланма маблағларга нисбати билан фоиз кўринишида аниқланади.

Агар рентабелликни фоиз ҳисобидаги фойданинг муомала харажатларига нисбати сифатида ҳисобласак, у ҳолда харажатларнинг умумий самарадаорлигини ифодаловчи кўрсаткичга эга бўламиз.

Рентабелликнинг эришилган даражасини тўғри баҳолаш учун корхона, ташкилот ва тармоқлар фаолияти натижалари ўтган йиллардаги натижалар, ўша ихтисосдаги бошқа хўжаликлар кўрсаткичлари ҳамда туман, шаҳар ва республика бўйича ўртача кўрсаткичлар билан солиштирилиб кўрилди. Қуйида савдо корхонаси бўйича хўжалик рентабеллигини таҳлил қилишда 49-жадвалда берилган шаклдан фойдаланилади.

49-жадвал

Рентабеллик даражаси бажарилишининг таҳлили

Кўрсаткичлар	Режа бўйича	Ҳақиқатда	Фарқи	Режанинг бажарилиши, %
1.Товар айланиш ҳажми, минг сўм	132400	121824	- 10576	92.0
2.Ялпи даромад, минг сўм	28983.6	29074.5	+ 90.9	100.3
3.Ўртача ялпи даромад даражаси, %	21.891	23.866	+ 1.973	x
4.Муомала харажатлари, минг сўм	24889.8	25215.1	+ 325.3	101.3
5.Муомала харажатларининг ўртача даражаси, %	18.799	20.698	+ 1.899	x
6.Ялпи фойда	4093.8	3859.4	- 234.4	94.2
7.Солиқлар ва бошқа харажатлар, минг сўм	1120	1132	+ 12	101.6

8.Солиқ тўлашгандан кейинги ялпи даромад, минг сўм	27863.6	27942.5	+ 78.9	100.2
9.Солиқ тўлашгандан кейинги ўртача ялпи даромад даражаси, %	21.045	22.936	+ 1.891	
10. Соф фойда, минг сўм	2973.8	2727.4	- 246.4	91.7
11.Товар айланиши ҳажмига нисбатан ҳисобланган рентабеллик даражаси, %	3.092	3.168	+ 0.076	-

Жадвалдан кўриниб турибдики, ўтган йилда товар айланиш ҳажмига нисбатан ҳисобланган рентабеллик даражаси 2,95 %ни (3745 х 100 : 126653), ҳисобот йилида режа бўйича 3,092 %ни (4093.8 х 100 : 132400), ҳақиқатда эса 3,17%ни (3859.4 х 100 : 121824) ташкил этган. Шундай қилиб, хўжаликнинг рентабеллик даражаси ўтган йилдагига нисбатан 0,22% (3,17 – 2,95), режадагига нисбатан эса, 0,07% (3,17 – 3,092) ошган.

Асосий ва айланма маблағларга нисбатан ҳисобланган рентабеллик даражаси ўтган йили 9,08 % (3745 х 100 : 41200) бўлиб, 8.87% (4093х100:46142) режалаштирилган, ҳисобот йилида эса 9,09% (3859,4 х 100 : 43425) бўлган.

Муомала харажатларига нисбатан ҳисобланган рентабеллик даражаси ўтган йили 15,74% (3745 х 100 : 23786) режа бўйича 16,4% (4093.8 х 100 : 24889.8), ҳақиқатда 15.3%ни (3859.4 х 100 : 25215,1) ташкил этган.

Таҳлил натижаси шуни кўрсатадики, таҳлил қилинаётган савдо корхонасининг муомала харажатларига ҳамда асосий ва айланма маблағларига нисбатан ҳисобланган рентабеллик даражаси шаҳар бўйича ўртача рентабеллик ҳамда илғор корхонанинг рентабеллик даражасидан паст. Илғор корхонанинг ва шаҳар бўйича ўртача рентабеллик даражаси муомала харажатларига нисбатан 19,41% ва 17,3%ни ташкил қилган бўлса, таҳлил қилинаётган савдо корхонасида бу кўрсаткич 15,3% бўлган. Бундай ҳолни асосий ва айланма маблағларга нисбатан ҳисобланган рентабеллик даражасида ҳам кузатиш мумкин. Бу рақамлар таҳлил қилинаётган хўжаликда рентабеллик даражасини ошириш учун катта имкониятлар борлигидан далолат беради.

Рентабеллик даражасини таҳлил қилишда таҳлилнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

· рентабеллик даражасига таъсир этадиган асосий омилларни аниқлаш ва ўрганиш;

· рентабелликни ошириш имкониятларини қидириб топиш ва улардан фойдаланиш бўйича тадбирлар ишлаб чиқиш.

Рентабелликни таҳлил қилишда энг муҳими, унга таъсир этувчи омиллар ўрганилади. Бунда ҳар бир омилнинг: товар айланиши, фойда, асосий ва айланма маблағлар ўртача қолдиғи ўзгаришининг таъсир даражасини алоҳида-алоҳида аниқлаш лозим. Товар айланиши бўйича рентабеллик даражаси режадагига нисбатан 0,07 ошган. Бунга товар айланиши ҳажмининг режадагига нисбатан 10576 минг сўмга камайиши сабаб бўлган.

Рентабеллик даражаси ўзгаришига таъсир кўрсатувчи омилларни аниқлаш учун шартли рентабеллик даражасини аниқлаш зарур.

Бунинг учун эса, ҳисобот йилидаги фойда суммаси 100 га кўпайтирилиб, режадаги товар айланиши ҳажмига бўлинади. Мисолимизда шартли рентабеллик даражаси 2,91%ни ташкил этади (3859.4x100:132400). Рентабеллик даражасига фойда суммаси ўзгаришини аниқлаш учун шартли рентабеллик даражаси режадаги рентабеллик даражаси билан таққосланади. Фойда суммасининг камайиши ҳисобига рентабеллик даражаси 0,182% (2,91 – 3,092) пасайган. Лекин товар айланиши ҳажмининг режадагига нисбатан 10576 минг сўмга камайиши рентабеллик даражаси 0,26% (3,17 – 2,91) ошишига олиб келди. Иккинчи омилнинг таъсирини аниқлашда ҳисобот давридаги рентабеллик даражаси шартли рентабеллик даражаси билан таққосланади.

Ҳисобларнинг тўғрилигини текшириш:

+ 0.26 – 0.182 = + 0.07%

Муомала харажатларига ҳамда асосий ва айланма маблағларга нисбатан ҳисобланган рентабеллик даражасининг ўзгаришига таъсир кўрсатувчи омиллар ҳам шу услубда аниқланади. Агар рентабеллик даражаси ўзгаришига учта ёки бир қанча омил таъсир кўрсатадиган бўлса, у ҳолда таҳлилнинг асосий усулларидан бири – занжирли боғланиш усулидан фойдаланиш лозим.

Ҳулоса қилиб шуни айтиш керакки, савдо корхонасида рентабеллик даражасини янада ошириш учун муайян имкониятлар мавжуд. Фойда миқдорини кўпайтириш, асосий

ва айланма маблағлардан самарали фойдаланиш шундай имкониятлар сирасига киради.

Ялпи даромад режаси, фойда режаси ҳамда рентабеллик даражаси бажарилишини аниқлаш юзасидан ўтказилган таҳлилларда савдо корхоналарининг ўзига хос хусусиятлари инобатга олинган. Таҳлил жараёнида молиявий натижаларни ифодаловчи кўрсаткичлар ҳамда молиявий коэффициентлар кенг кўламда, яъни тармоқлар миқёсида янада чуқурроқ ўрганилиши мумкин.

Бу йўналишдаги таҳлилнинг сўнгги босқичида барча корхона ва ташкилотларга тегишли молиявий натижаларни ифодаловчи кўрсаткичлар ва уларнинг ўзгаришига таъсир этувчи омиллар ўрганилиши лозим.

4.7. Молиявий натижаларни ифодаловчи кўрсаткичлар таҳлили

Молиявий натижалар таҳлили молиявий таҳлилнинг таркибий қисмидир. Унда бевосита корхона фаолиятининг пировард натижалари — фойдасини ифодаловчи молиявий натижалар кўрсаткичлари ўрганилиши лозим.

Молиявий натижалар таҳлили сотилган маҳсулот ҳажми режаси қандай бажарилганлигини ўрганишдан бошланади. Чунки маҳсулот ишлаб чиқариш учун кетган барча харажатларни қоплаб, даромад олишни таъминлайдиган кўрсаткич сотилган маҳсулот эвазига корхонанинг ҳисоб-китоб счётига келиб тушган пул кўрсаткичи ҳисобланади.

Сотилган маҳсулот бўйича соф тушум аниқлангандан кейин сотишдан ялпи тушум натижаси, асосий ишлаб чиқариш фаолиятининг молиявий натижаси, умумхўжалик фаолиятининг молиявий натижаси, солиқ тўланганга қадар умумий молиявий натижа ва корхонанинг ҳисобот давридаги соф фойдаси аниқланади.

Молиявий натижалар кўрсаткичларини таҳлил қилишдан мақсад юқорида қайд қилинган молиявий натижалар даражасига баҳо бериш, молиявий натижаларнинг ўзгаришига таъсир кўрсатувчи омилларни ва корхона соф фойдасини кўпайтириш учун мавжуд имкониятларни аниқлашдан иборат. Таҳлил жараёнида юқорида кўрсатилган молиявий натижалар кўрсаткичларига алоҳида-алоҳида тўхталиб ўтиш зарур.

Молиявий натижаларни таҳлил қилишнинг дастлабки босқичида эътибор соф тушумни аниқлашга қаратилади. Соф тушумни аниқлаш учун сотилган маҳсулот эвазига келиб тушган маблағдан қўшимча қиймат солиғи ва акциз солиғи чегирилиб ташланади.

Иккинчи босқичда сотишдан олинган ялпи молиявий натижа аниқланади. Бунинг учун сотишдан олинган соф тушумдан ишлаб чиқариш таннархи айирилади.

Учинчи босқичда асосий ишлаб чиқариш фаолиятининг молиявий натижаси аниқланиши лозим. Бу кўрсаткични аниқлаш учун ялпи молиявий натижадан сотиш харажатлари, маъмурий харажатлар ҳамда асосий фаолиятнинг бошқа жараёнларидан олинган даромадлар ва қилинган харажатлар чиқариб ташланади.

Маълумки, бозор иқтисодиёти шароитида корхонанинг молиявий натижаси бевосита унинг молиявий фаолиятига ҳам боғлиқ.

Тўртинчи босқичда корхонанинг асосий ишлаб чиқариш фаолияти молиявий натижасидан, уюшма ва шўъба корхоналаридан олинган дивидентлар, олинган бошқа дивидентлар, уюшма ва шўъба корхоналаридан олинган ва уларга берилган қарзлар бўйича фоизлар, тўланган ва олинган бошқа фоизлар, валюта курсининг фарқи, молиявий фаолият бўйича бошқа даромадлар қўшилиб, бошқа харажатлар ва тўланган фоизлар айирилиб, корхона умумхўжалик фаолиятининг молиявий натижаси аниқланади.

Бешинчи босқичда эркин иқтисодиёт шароитида молиявий натижаларни ифодаловчи кўрсаткичлар таркибида фавқулодда олинадиган фойда ва тўланадиган зарар ҳам бўлиши мумкин. Агар умумхўжалик фаолиятининг молиявий натижасига фавқулодда олинган фойдани қўшиб, ундан тўланадиган зарарни айириб ташласак, солиқ тўлангунга қадар эришилган умумий молиявий натижа келиб чиқади.

Олтинчи босқичда солиқ тўланганга қадар умумий молиявий натижадан даромад солиғи ва бошқа харажатларни айириб ташласак, корхонанин соф фойдаси маълум бўлади.

Корхона молиявий натижаларини ифодаловчи кўрсаткичлар таҳлилининг вазифалари қуйидагилардан иборат:

· молиявий натижаларни ифодаловчи барча кўрсаткичларнинг тўғрилигини текшириш;

· молиявий натижаларни ифодаловчи кўрсаткичларнинг ҳисобот давридаги ўзгаришига баҳо бериш;

· ушбу кўрсаткичларнинг ҳар бирига таъсир кўрсатувчи омилларни аниқлаш ва уларнинг таъсирини ҳисоблаш;

· молиявий натижаларни ифодаловчи кўрсаткичларнинг бир-бирига боғлиқлигини аниқлаш ва уларнинг соф фойда ўзгаришига таъсирини ҳисоблаш.

Таҳлил жараёнида қайд этиб ўтилган молиявий натижаларнинг кўрсаткичларига алоҳида—алоҳида тўхталиб ўтамиз.

Таҳлил қилинаётган корхонада сотишдан олинган молиявий натижа ва унинг ўзгаришига таъсир кўрсатувчи омилларни аниқлаш учун 50- жадвалдаги шаклни тузамиз.

50-жадвал

Сотишдан олинган ялпи молиявий натижа ва унинг ўзгаришига таъсир кўрсатувчи омиллар таҳлили

Кўрсаткичлар	Ўтган йили	Ҳисобот йили	Фарқи	Ўтган йилдагига нисбатан бажарилиши, %
1.Сотишдан олинган соф тушум, минг сўм	6542485	8672772	+2130287	132,5
2.Сотилган маҳсулот, иш ва хизматларнинг ишлаб чиқариш таннархи, минг сўм	5640373	7435760	+1795387	131,8
3.Сотишдан тушган ялпи молиявий натижа, минг сўм	902112	1237012	+334900	137,1

Жадвалдаги маълумотлардан кўриниб турибдики, ялпи молиявий натижа ҳисобот йилида ўтган йилдагига нисбатан 334900 минг сўмга ёки 37,1% ошган. Мисолимизда соф тушум ўтган йилдагига нисбатан 2130287 минг сўмга кўпайган, лекин ишлаб чиқариш таннархи ўтган йилдагига нисбатан 1795387 минг сўмга кўпайиши ялпи молиявий натижанинг камайишига олиб келди. Таҳлилнинг кейинги босқичида асосий ишлаб чиқариш фаолиятидан олинган молиявий натижа қандай бажарилганлигини билиш учун 51-жадвалдаги шаклдан фойдаланамиз.

51-жадвал

Асосий ишлаб чиқариш фаолияти молиявий натижасининг таҳлили

Кўрсаткичлар	Ўтган йили, минг сўм	Ҳисобот йили, минг сўм	Фарқи, минг сўм	Ўтган йилдагига нисбатан бажарилиши,%
1.Сотишдан тушган ялпи молиявий натижа	902112	1237012	+ 334900	137,6
2.Сотиш харажатлари	19150	24233	+ 5083	126,5
3.Маъмурий харажатлар	121904	202503	+ 80599	166,1
4.Бошқа даромадлар	-	-	-	-
5.Бошқа харажатлар	465189	633211	+168022	136,1
6.Асосий ишлаб чиқариш фаолияти бўйича молиявий натижа (1-2-3+4-5)	295869	377065	+ 81196	127,4

Таҳлилнинг натижаси шуни кўрсатадики, асосий ишлаб чиқариш фаолияти бўйича молиявий натижа ўтган йилдагига нисбатан 81196 минг сўмга кўпайган. Бу эса 27,4 %ни ташкил этади. Таҳлил қилинаётган корхонада ўтган йилдагига нисбатан сотиш харажатлари 5083 минг сўмга, маъмурий ҳаражатлари 80599 минг сўмга ва бошқа ҳаражатлар 168022 минг сўмга кўпайиши асосий ишлаб чиқариш фаолияти бўйича олинган молиявий натижага салбий таъсир кўрсатган. Лекин шунга қарамасдан, молиявий натижа ўтган йилдагига нисбатан 81196 минг сўмга кўпайган. Таҳлил жараёнида умумхўжалик фаолиятининг молиявий натижаси қандай бўлганлигини ўрганишимиз зарур. Умумхўжалик фаолиятининг молиявий натижасига баҳо бериш учун 52-жадвалдан фойдаланамиз.

52-жадвал

Умумхўжалик фаолиятининг молиявий натижаси таҳлили (минг сўм)

Кўрсаткичлар	Ўтган йили	Ҳисобот йили	Фарқи	Ўтган йилдагига нисбатан бажарилиши,%
1.Асосий ишлаб чиқариш фаолияти бўйича молиявий натижа	295869	377,065	+ 81196	127,4
2. Олинган дивиденслар				
3. Олинган ва берилган қаралар бўйича фоизлар				

4. Валюта курси бўйича фарқ				
5. Молиявий фаолият бўйича даромадлар (+), харажатлар (-)	908055 291550	1556409 487757	+ 648354 + 196207	171,4 167,2
6.Умумхўжалик фаолияти бўйича молиявий натижа (1+2±3±4±5)	912374	1445717	+ 533343	158,4

Жадвалдаги кўрсаткичлардан маълум бўляптики, умумхўжалик фаолиятидан олинган молиявий натижа ўтган йилдагига нисбатан 533343 минг сўмга кўпайган. Демак, молиявий натижанинг ўсиши 58,4% ни ташкил этади.

Умумхўжалик молиявий натижаси кўпайишига асосан молиявий фаолият бўйича даромадларнинг кўпайиши ижобий таъсир кўрсатган. Шуни эслатиб ўтиш керакки, асосий фаолиятдан олинган молиявий натижа 81116 минг сўмга кўпайган бўлса, умумхўжалик фаолияти бўйича молиявий натижа 533343 минг сўмга ошган. Шу билан бирга бошқа харажатлар ҳам кўпайган. Лекин даромадлар суммасининг ўсиши харажатлар суммаси ўсишидан анча юқори. Шунинг учун ҳам умумхўжалик фаолиятидан олинган молиявий натижа ўтган йилдагига нисбатан анча юқори бўлган.

Таҳлил жараёнида умумхўжалик фаолияти бўйича молиявий натижанинг бажарилишига баҳо берилгандан сўнг у солиқ тўлангунга қадар қандай бажарилганлиги таҳлил қилиниши лозим. Бунинг учун 53-жадвалдаги шаклдан фойдаланамиз.

53-жадвал

Солиқ тўлангунга қадар молиявий натижанинг таҳлили

Кўрсаткичлар	Ўтган йили, минг сўм	Ҳисобот йили, минг сўм	Фарқи, минг сўм	Ўтган йилдагига нисбатан бажарилиши, %
1. Умумхўжалик фаолияти бўйича молиявий натижа	912374	1445717	+ 533343	158,4
2. Фавқулотда фойда	-	-	-	-
3. Фавқулотдаги зарар	-	-	-	-
4. Солиқ тўлангунга қадар умумий молиявий натижа (1+2 - 3)	912374	1445717	+ 533343	158,4

Жадвалдаги кўрсаткичлардан маълум бўляптики, умумхўжалик фаолияти бўйича молиявий натижада ҳеч қандай ўзгариш бўлмаган. Чунки таҳлил қилинаётган корхона фавқулотда фойда ва фавқулотда зарар кўрмаган. Таҳлилнинг сўнгги босқичида корхонанинг соф фойдаси аниқланиши зарур.

Таҳлил қилинаётган корхонанинг соф фойдасини аниқлаш ва бу борадаги режа бажарилишига баҳо бериш учун 54-жадвалдаги шаклдан фойдаланамиз.

54-жадвал

Соф фойда бажарилишининг таҳлили

Кўрсаткичлар	Ўтган йили, минг сўм	Ҳисобот йили, минг сўм	Фарқи, минг сўм	Ўтган йилдагига нисбатан бажарилиши, %
1.Солиқ тўлангунга қадар умумий молиявий натижа	912374	1445717	+ 533343	158,4
2.Фойдадан солиқ	343586	442149	+ 98563	128,6
3.Бошқа солиқ ва ажратмалар	141808	456651	+314843	322,0
4.Ҳисобот давридаги соф фойда (1-2-3)	426980	546917	119937	128,1

Жадвалдаги маълумотлардан кўриниб турибдики, таҳлил қилинаётган корхонада ҳисобот йилдагида ўтган йилдагига нисбатан соф фойда суммаси 119937 минг сўмга ёки 28,1% кўпайган.

Таҳлил натижаси шуни кўрсатадики, олинган соф фойда миқдори бундан ҳам юқори бўлиши мумкин эди. Лекин фойдадан тўланган солиқ ажратмалари суммасининг ўтган йилдагига нисбатан 98563 минг сўмга кўпайиши соф фойда суммаси кўпайишига салбий таъсир кўрсатди.

Таҳлил жараёнида солиқ ва ажратмалар суммаси нималар ҳисобига кўпайганлигини ва бунинг сабабларини ҳам аниқлаш лозим.

Молиявий натижалар кўрсаткичлари таҳлилининг сўнгги босқичида корхона молиявий натижаларига умумий баҳо бериш билан бирга соф фойдаси ўзгаришига таъсир этувчи омилларни бир тизимга солиб, соф фойдани кўпайтириш имкониятларини аниқлаш мумкин.

Корхонанинг молиявий натижалари кўрсаткичларига умумий баҳо бериш ва соф фойда ўзгаришига таъсир этувчи омилларни аниқлаш учун 55–56-жадваллардаги шаклларидан фойдаланамиз.

55-жадвал

Корхона молиявий натижаларига умумлашган ҳолда баҳо бериш ва унинг ўзгаришига таъсир кўрсатувчи омилларни аниқлаш (минг сўм)

Кўрсаткичлар	Ўтган йили		Ҳисобот йили		Фарқи	
	даромад	харажат	даромад	харажат	даромад бўйича	харажат бўйича
1.Сотишдан олинган соф тушум	6542485		8672772		+2130287	
2.Сотилган маҳсулот, иш ва хизматларнинг ишлаб чиқариш таннарҳи		5640373		7435760		+1795387
3.Сотишдан олинган ялпи молиявий натижа (1–2)	902112		1237012		+ 334900	
4.Сотиш харажатлари		19150		24233		+ 5083
5.Маъмурий харажатлар		121904		202503		+ 80599
6.Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари ва харажатлари		465189		633211		+168022
7.Асосий ишлаб чиқариш фаолиятининг молиявий натижаси (3-4-5-6)	295869		377065		+ 81196	

8.Бошқа олинган дивиденд-лар						
9.Бошқа тўланган ва олинган фоизлар						
10.Валю-та курси фарқи						
11.Молиявий фаолият бўйича бошқа даромад ва харажат-лар	908055	291550	1556409	487757	+ 648354	+196207
12.Умум-хўжалик фаолия-тининг молиявий натижаси (7+8+9+10 +11)	912374		1445717		+ 533343	
13.Фав-қулодда фойда ва зарар						
14.Солиқ тўлан-гунга қадар умумий молиявий натижа (12-13)	912374		1445717		+ 533343	
15.Фойда (даромад) дан солиқ		343586		442149		+ 98563
16.Бошқа солиқ ва ажрат-малар		141808		456651		+314843
17.Соф фойда (14-15-16)	426980		546917		+ 119937	

Жадвалдаги маълумотлар таҳлил қилинаётган корхонада соф фойдани кўпайтириш имкониятлари мавжудлигидан далолат беради. Бундай имкониятлар сирасига асосан, маҳсулот таннархини, сотиш харажатларини ҳамда маъмурий харажатларни пасайтириш билан боғлиқ имкониятлар ки-

56-жадвал

Соф фойда суммаси ўзгаришига таъсир этувчи омилларни умумлаштириш (минг сўм)

Соф фойда			Таъсир этувчи омиллар										
Ўтган йили	Ҳисобот	Фарқи	Соф тушумнинг ўзгариши	Ишлаб чиқариш таннархининг ўзгариши	Сотиш ҳаражатларининг ўзгариши	Маъмурий ҳаражатларнинг ўзгариши	Бошқа даромадлари ва ҳаражатлари	Бошқа олинган дивидендлар	Тўланган ва олинган фоизлар	Валюта курси фарқи	Молиявий фаолият бўйича бошқа даромад ва ҳаражатлар	Фойдадан солиқ	Солиқ ва бошқа ажратмалар
426980	546917	+119937	+2130287	-1795387	- 5083	- 80599	-168022	-	-	-	+452147	-98563	-314843

ради. Солиқларнинг кўпайиши эса, солиқ ставкалари ҳамда соф тушум ҳажми ўзгаришига ҳам боғлиқ бўлиши мумкин. Умуман олганда, таҳлил қилинаётган корхона молиявий натижалари ҳисобот йилида ўтган йилдагига нисбатан анча яхшиланган.

Лекин корхона маъмурияти ишлаб чиқариш таннархини янада пасайтириш йўлларини қидириб топса, келгусида молиявий натижалар бўйича кўрсаткичлари бундан ҳам юқори бўлиши мумкин.

Қисқача хулосалар

Бозор иқтисодиёти шароитида барча корхоналарнинг асосий мақсади – мавжуд ресурслардан оқилона ва самарали фойдаланиб талабни қондирадиган миқдорда соф фойда олишдир. Соф фойда кўпайиши корхонанинг келажакдаги ривожланишини, ишчи ва хизматчилар моддий манфаатдорлиги ошишини таъминлайди.

Таҳлил жараёнида корхонанинг ялпи ва соф фойдаси тўғри аниқланганлиги, улардан мақсадга мувофиқ фойдаланганлигига алохида эътибор берилиши лозим. Молиявий натижаларни таҳлил қилишдан мақсад бу борадаги кўрсаткичлар тўғри аниқланганлигини текшириш ҳамда бундай ўзгаришларга таъсир этувчи омилларни аниқлаш ва соф фойдани кўпайтириш учун барча турдаги тадбирларни амалга ошириб, соф фойдага салбий таъсир этадиган харажатларни камайтириш чора- тадбирлари белгилаб берилиши лозим.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Молиявий таҳлилнинг мақсади нима?
2. Молиявий таҳлилнинг қандай босқичлари ва асосий шакллари бор?
3. Молиявий таҳлилнинг субъектлари ва мақсадлари ҳақида тўхталинг.
4. Савдо корхоналари ялпи даромадини таҳлил қилишда таҳлилнинг аҳамияти ва вазифалари нималардан иборат?
5. Ялпи даромад режасининг бажарилишига умумий баҳо ва унинг ўзгаришига қандай омиллар таъсир этади?
6. Ялпи даромад даражаси ўзгаришига-чи?

7. Фойда режасининг бажарилишига умумий баҳо қандай таъсир этади, унинг ўзгаришига қайси омиллар таъсир кўрсатади?

8. Савдо корхоналарида рентабеллик даражаси таҳлилининг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?

9. Сотишдан олинган ялпи молиявий натижа ҳақида тўхталинг.

10. Асосий ишлаб чиқариш фаолиятининг молиявий натижаси деганда нималар тушунилади?

11. Умумхўжалик фаолиятининг молиявий натижаси деганда-чи?

12. Солиқ тўлангунга қадар умумий молиявий натижага тавсиф беринг.

13. Корхонанинг соф фойдаси нима?

14. Молиявий натижалар кўрсаткичларига қайси омиллар таъсир этади?

Асосий адабиётлар

1. Абдукаримов И.Т. «Молиявий ҳисоботни ўқиш ва таҳлил қилиш йўллари». –Т., «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси», 1998.

2. Абдукаримов И.Т., Пардаев М.К., «Корхонанинг иқтисодий салохияти таҳлили». –Т., «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси», 2003.

3. Абдураҳмонова Б. «Рентабеллик кўрсаткичларининг таҳлили». –«Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси», №10, 2003.

4. Абдурахмонова Б. «Молиявий натижалар таҳлили». –«Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси», №11, 2003.

5. Баканов М.И., Шеремет А.Д. «Экономический анализ». – М., «Финансы и статистика», 1999.

6. Донсова Л.В., Никифорова Н.А. «Комплексный анализ бухгалтерской отчетности». –М., «Дело и Сервис», 1999.

7. Ергешев Е.Е. «Иқтисодий ва молиявий таҳлил». Дарслик. – Т., «Молия», 2000.

V БОБ. МОЛИЯВИЙ КОЭФФИЦИЕНТЛАР ТАҲЛИЛИ

5.1. Молиявий коэффициентлар таҳлилининг аҳамияти

Бозор иқтисодиёти шароитида корхонанинг молиявий ҳолати мустаҳкамланишига эришишда молиявий коэффициентлардан ҳар томонлама фойдаланиш ва уларни муттасил таҳлил қила бориш муҳим аҳамият касб этади. Молиявий коэффициентлар корхона ҳисоботи – балансидаги айрим моддаларнинг бир-бирига муносабатини ўрганишда кенг қўлланилади. Унинг аҳамияти ҳам шунда. Моҳияти эса, биринчидан, коэффициентларни ҳисоблаш, иккинчидан, олинган натижаларни умумий қабул қилинган стандарт кўрсаткичлари билан ҳамда олдинги кўрсаткичлар билан таққослаш имконини яратишади.

Таҳлил қилинаётган корхонанинг молиявий коэффициентларини бошқа корхоналарнинг бу борадаги кўрсаткичлари ҳамда ўтган йилги ва режа кўрсаткичлари билан таққослаш маълум бир давр ичида шу корхона фаолияти яхши ёки ёмон томонларга ўзгаришини, келгусида тез суръатлар билан ўсиш имкониятларини аниқлашга ёрдам беради. Эслатиб ўтиш керакки, ўтган даврда яхши деб ҳисобланган натижалар бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида талабга жавоб бермаслиги ва мос келмаслиги ҳам мумкин.

Корхонанинг молиявий ҳолатини таҳлил қилиш жараёнида молиявий коэффицентларни қуйидаги бешта блокка бўлиб ўрганиш лозим:

1-блок – қувватлилик коэффициенти;
2-блок – ишчанлик (қобилиятлилик) коэффициенти;
3-блок – рентабеллик коэффициенти;
4-блок – капиталнинг тузилиши коэффициенти;
5-блок – бозорга оид ишчанлик коэффициенти.

Ушбу блоклар 1-чизмадаги каби тасвирланган.

1-чизма

Корхона ҳисоботининг молиявий коэффициентлари

Таҳлил жараёнида юқорида қайд этилган блокларнинг айрим кўрсаткичларига алоҳида-алоҳида тўхталиб ўтилиши лозим.

5.2. Қувватлилик коэффициенти кўрсаткичлари таҳлили

Қувватлилик коэффициенти кўрсаткичлари, корхонанинг ўз қисқа муддатли мажбуриятларини бажариш ёки бажара олмаслик (тўлаш ва тўлай олмаслик) қобилиятини билдиради.

Умумий қабул қилинган стандартларга кўра, қувватлилик коэффициенти (1-2) бир билан икки ўртасида, айрим ҳолларда 3 га чиқиши мумкин. Агар қувватлилик коэффициенти 1 дан паст бўлса, у ҳолда корхона ўз қарзларини тўлай олмасдан инқирозга учраш хавфи гирдобига тушиши ёки уни ўхшаш корхоналар билан бирлаштириш зарурияти тугилиши мумкин. Эслатиб ўтиш керакки, айланма маблағлар қисқа муддатли мажбуриятлардан икки баробар ошиб кетиши ҳам мақсадга мувофиқ эмас, чунки бу капиталнинг таркибий тузилишини номувофиқликка олиб келади.

Жорий қувватлилик коэфициентининг айрим кўрсаткичлари, хусусан, тезлик қувватлилик коэффициенти ҳисобланади, *чунки ҳамма айланма маблағлар корхонанинг* тез муддатда тўлашга қобиллигини кўрсата олмайди. Масалан, пул маблағлари корхонанинг жорий мажбуриятларини қоплаш манбаси ҳисобланади, моддий ишлаб чиқариш заҳиралари эса, улардан тайёр маҳсулот ишлаб чиқарилиб,

сотилгандан кейин ҳисобга олинади. Дейлик, тезлик бўйича қувватлилик коэффициенти йил бошида 0,55 бўлган, йил охирига келиб 1,35 ни ташкил этди. Демак, корхона йил бошига ўз мажбуриятлари бўйича тўловларни тез мудатда тўлай олмайди, йил охирига келиб эса, тўлаш қобилиятига эга бўлди.

Агар мутлақ қувватлилик коэффициенти 0,25 дан ошса, у ҳолда корхона қисқа муддатли мажбуриятларидан тезда қутулиши мумкин. Бу эса яхши кўрсаткич ҳисобланади.

Қувватлилик коэффициенти кўрсаткичлари—жорий, тезлик, мутлақ ва соф айланма капитал тартибида аниқланади.

$$\text{1.Жорий қувватлилик коэффициенти} = \frac{\text{пул маблағлари} + \text{қисқа муддатли молиявий қўйилмалар} + \text{соф дебитор қарзлар} + \text{моддий ишлаб чиқариш заҳиралари}}{\text{корхонанинг қисқа муддатли мажбуриятлари}}$$

$$\text{2.Тез қувватлилик коэффициенти} = \frac{\text{пул маблағлари} + \text{қисқа муддатли молиявий қўйилмалар} + \text{соф дебитор қарзлар}}{\text{корхонанинг қисқа муддатли мажбуриятлари}}$$

$$\text{3.Мутлоқ қувватлилик коэффициенти} = \frac{\text{пул маблағлари}}{\text{корхонанинг қисқа муддатли мажбуриятлари}};$$

$$\text{4.Соф айланма капитал} = \text{Айланмадаги активлар} - \text{Қисқа муддатли мажбуриятлар}$$

Таҳлил қилинаётган корхонада, қувватлилик кўрсаткичлари коэффициентларини аниқлаш учун 57-жадвалдаги шаклдан фойдаланилади. Унда мисол тариқасида олинган Тошкент ёғ-мой комбинатининг қувватлилик кўрсаткичлари коэффициентлари аниқланган.

57-жадвал

Тошкент ёғ-мой комбинатининг қувватлилик кўрсаткичлари коэффициентлари

Кўрсаткичлар	Ўтган йили	Ҳисобот йилида	Фарқи, +, -
1.Пул маблағлари, минг сўм	23891	248326	+ 224435
2.Қисқа муддатли молиявий қўйилмалар, минг сўм	93000	30000	- 63000
3.Соф дебитор қарзлар, минг сўм	406584	353118	- 53466
4.Моддий ишлаб чиқариш заҳиралари, минг сўм	873288	1136415	+ 263127
5.Корхонанинг қисқа муддатли мажбуриятлари, минг сўм	745192	971607	+ 226415
6.Жорий қувватлилик коэффициенти	1,874	1,819	- 0,055
7. Тез қувватлилик коэффициенти	0,702	0,649	- 0,053
8.Мутлақ қувватлилик коэффициенти	0,032	0,255	+ 0,223
9.Айланмадаги активлар, минг сўм	1336763	1767829	+ 371066
10.Соф айланма капитал, минг сўм	591571	796222	+ 204651

Жадвалдаги маълумотлардан кўриниб турибдики, Тошкент ёғ - мой комбинатида қувватлилик коэффициенти 1–2 ўртасида бўлган, аммо ҳисобот йилида ўтган йилдагига нисбатан 0,055 га камайган. Жорий қувватлилик коэффициенти ҳисобот йилида пасайиши натижасида тез қувватлилик коэффициенти ҳам пасайган. Лекин мутлақ қувватлилик коэффиценти ҳисобот йилига келиб, ўтган йилдаги 0,032 ўрнига йил охирида 0,255 ни ташкил этди. Демак, корхона қисқа муддатли мажбуриятларидан тезда қутулиши мумкин. Бу, корхона учун яхши кўрсаткичдир. Корхонада мутлақ қуватлилик коэффициентининг ўсишига асосан унинг пул маблағлари ҳисобот йилида ўтган йилдагига нисбатан 224435 минг сўмга кўпайиши ижобий таъсир кўрсатган.

Ҳисобот йилида ўтган йилдагига нисбатан корхонанинг қисқа муддатли мажбуриятлари кўпайишига қарамасдан соф айланма капитали миқдори 204651 минг сўмга ошган. Чунончи, корхонада соф айланма капиталнинг ўсиш суръати 34,6%ни, қисқа мудатли мажбуриятлар 30,4%ни ташкил этган ёки соф айланма капиталнинг ўсиш суръати қисқа муддатли мажбуриятларнинг ўсиш суръатидан анча

юқори бўлган. Хуллас, корхонанинг қувватлилик кўрсаткичларини баҳолаш у ўз ммажбуриятлари бўйича тўловларни тўлаш имкониятига эгалигини кўрсатади.

5.3. Ишчанлик фаолияти коэффициенти кўрсаткичларини таҳлил қилиш ва баҳолаш

Корхонанинг молиявий аҳволини ўрганиш жараёнида ишчанлик фаолияти кўриб чиқилади. Чунки бу кўрсаткич моддий бойликлардан унумли фойдаланиш даражасини билдиради.

Ишчанлик фаолиятини кўриб чиқишда аввало, активларнинг умумий айланиши ўрганилиши лозим. Негаки активларнинг умумий айланиши–айланма маблағларнинг тез айланиши, ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг пулга айланиши корхонанинг тўлаш қобилиятига тўғридан - тўғри таъсир кўрсатади.

Маҳсулотни сотишдан келган даромаднинг активларнинг ўртача йиллик қийматига нисбати корхона, фирма ва компанияларда мавжуд маблағлардан қандай фойдаланилганлик даражасини, яъни ҳар бир сўмлик активга қанча сўмлик сотилган маҳсулот тўғри келишини билдиради.

Ишчанлик коэффициенти ҳақида янада мукаммалроқ тасаввурга эга бўлиш учун алоҳида олинган айрим кўрсаткичлар–дебитор ва кредитор қарзларнинг, моддий ишлаб чиқариш заҳираларининг айланиши чуқурроқ ўрганилиши лозим.

Дебитор қарзларининг айланиши, йил давомида ўртача дебитор қарзлар неча маротаба пул маблағларига айланганлигини ёки дебитор қарзларининг кун ҳисобида айланиши дебиторлар шу корхонага ўз қарзларини тўлашлари учун қанча кун зарурлигини билдиради.

Бу қуйидагича шаклда ифодаланади:

$$\text{Дқа} = 365 : \frac{СМХ}{ДК}$$

Бу ерда: СМҲ – сотилган маҳсулот ҳажми;
ДК – дебитор қарзлар.

Кредитор қарзларнинг айланиши корхона ва компанияларга тақдим қилинган счётларни тўлаш учун қанча айланма маблағ кераклигини ёки кредитор қарзларнинг кун ҳисобида айланиши корхона, фирма ва компания ўз қарзларини мол етказиб берувчиларга тўлаши учун неча кун зарурлигини англатади. Бу қуйидаги шаклда ифодаланади:

$$К_{к.а.} = 365 : \frac{СМТ}{Кк}$$

Бу ерда: СМТ – сотилган маҳсулот таннархи;
Кқ - кредитор қарзлар.

Моддий ишлаб чиқариш заҳираларининг айланиши бу заҳираларни сотиш учун неча кун талаб қилинишини ифодалайди. Бу қуйидаги шаклда ифодаланилади:

$$М_{з.а.} = 365 : \frac{СМТ}{Мз.к}$$

Бу ерда: $М_{з.к.}$ – моддий заҳираларнинг қиймати.

Операцион даврни давомийлиги. Бу кўрсаткич пул маблағларининг моддий ишлаб чиқариш захиралари қолдиғи билан қанча кун боғлиқлигини англатади. Бу қуйидагича ифодаланади: Од.д = Дк.а+Мз.а. 2-чизмада юқорида қайд этилган кўрсаткичларнинг коэффициентини аниқлаш усуллари кўрсатилган.

Корхонада ишчанлик фаолияти кўрсаткичларини таҳлил қилиш учун 58- жадвалдаги шакл тузилади.

58-жадвал

Кўрсаткичлар	Ўтган йили	Ҳисобот йили	Фарқи (+, -)
1.Маҳсулотни сотгандан кейинги соф тушум (МСКТ), минг сўм	6542485	8672772	+2130287
2.Активларнинг ўртача йиллик қиймати (АЎЙҚ), минг сўм	1396763	1767829	+ 431066
3.Харидорларнинг ўртача йиллик соф дебитор қарзи (ҲЎСДҚ), минг сўм	406584	353088	- 53496
4.Сотилган маҳсулот таннархи (СМТ), минг сўм	5640373	7435760	+1795387
5.Таъминотчиларга ўртача йиллик қарзи (ТЎЙҚ), минг сўм	543686	722040	+ 178354
6.Моддий ишлаб чиқариш заҳираларини ўртача йиллик қиймати (МЗЎҚ), минг сўм	847546	1073919	+ 226373
7.Активларнинг айланиши (АА)	4,68	4,91	+ 0,23
8.Дебитор қарзларнинг айланиши (ДҚА), кун ҳисобида	22,6	14,8	- 7,8
9.Кредитор қарзларнинг айланиши (ККА), кун ҳисобида	35,2	35,4	+ 0,2
10.Моддий ишлаб чиқариш заҳираларининг айланиши (МЗА), кун ҳисобида	86,5	52,7	- 33,8
11.Операцион даврнинг давомийлиги (ОДД), кун ҳисобида	109,1	67,5	- 41,6

2-чизма

ИШЧАНЛИК ФАОЛИЯТИ КЎРСАТКИЧЛАРИ
(Моддий бойликлардан унумли фойдаланишни билдиради)

Активларнинг айланиши (АА) = Маҳсулотни сотгандан кейинги тушум (МСКТ) / Активларнинг ўртача йиллик қиймати (АЎЙҚ)

Дебитор қарзларнинг айланиши (ДҚА) = Маҳсулотни сотгандан кейинги тушум (МСКТ) / Харидорларнинг ўртача йиллик соф дебитор қарзи (ХЎСДҚ)

Кредитор қарзларнинг айланиши (ККА) = Сотилган маҳсулот таннархи (СМТ) / Таъминотчиларга ўртача йиллик қарзи (ТЎЙҚ)

Моддий ишлаб чиқариш заҳираларининг айланиши (МЗА) = Сотилган маҳсулот таннархи (СМТ) / Моддий ишлаб чиқариш заҳираларининг ўртача йиллик қиймати (МЗЎҚ)

Операцион даврнинг давомийлиги (ОДД) = Дебитор қарзларнинг айланиши (ДҚА) + Моддий ишлаб чиқариш заҳираларининг айланиши (МЗА)

58-жадвалдаги маълумотлардан кўриниб турибдики, активларнинг айланиши тезлашиши натижасида бир сўмлик актив тўғри келадиган соф тушум ўтган йилдагига нисбатан 0,23 сўмга ошган, дебиторлик қарзларининг айланиши 7,8 кунга қисқарган бўлса, кредиторлик қарзлари айланиши 0,2 кунга кўпайган. Шу билан бирга моддий ишлаб чиқариш заҳираларининг айланиши 33,8 кунга тезлашган, операцион давр давомийлиги 41,6 кунга камайган.

Таҳлил натижаси шуни кўрсатадики, Тошкент ёг - мой комбинатида ишчанлик фаолияти кўрсаткичлари ўтган йилдагига нисбатан анча яхшиланган. Бу комбинатда келгусида янада ижобий ютуқларга эришилишига олиб келади.

Таҳлил жараёнида рентабеллик кўрсаткичларига ҳам тўхталиб ўтиш зарур. Чунки бу кўрсаткич корхона хўжалик фаолиятининг самарадорлик даражасини билдиради.

5.4. Рентабеллик кўрсаткичлари таҳлили

Рентабеллик саноат корхоналари фаолиятининг самарадорлигини ифодаловчи асосий кўрсаткич бўлиб, хўжалик фаолияти натижаларини тўла ва ҳар томонлама тавсифлаб беради. Рентабелли корхоналар ҳамма харажатларини ўз даромадлари билан қоплайдилар ва саноат корхонаси ҳамда бутун халқ хўжалигини ривожлантириш учун қўшимча фойда яратадилар. Тўла хўжалик ҳисобида ишлаётган саноат корхоналари ўзлари ҳосил қилган фойда ҳисобига ишлаб чиқаришни кенгайтириш, ижтимоий-маданий тадбирлар, ходимларини моддий рағбатлантириш учун маблағ сарфлайдилар. Бу ўринда эътиборда тутиш керакки, корхоналар хўжалик фаолиятини иқтисодий томондан мустаҳкам, қудратли қилишга фақат рентабелликни ўстириш билангина эришиб бўлмайди. Бунинг учун корхоналарни ихтисослаштириш, уларнинг фаолияти аҳоли ва халқ хўжалиги талабларини қондиришини кўзда тутган ҳолда олиб борилиши, ҳамма ходимларнинг асосий диққатини корхона ички имкониятларидан фойдаланиб, рентабелликни оширишга қаратиш талаб қилинади.

Иқтисодий таҳлилда рентабеллик даражасини бир қанча усуллар орқали аниқлаш мумкин.

Асосий иқтисодий кўрсаткичлардан бири бўлган фойда саноат корхоналарининг иш самарадорлигини ҳар томон-

лама ифодалай олмайди, чунки фойда суммаси фақат харажатларга эмас, балки маҳсулот ҳажмига ҳам боғлиқдир. Шу сабабли фойданинг мутлақ миқдори билан бир қаторда корхона фаолиятини ва иш самарадорлигини ҳар томонлама ифодаловчи асосий иқтисодий кўрсаткичлардан бири рентабеллик даражаси ҳисобланади. Рентабеллик даражаси корхона бўйича харажаталардан, асосий ва айланма маблағлардан қандай фойдаланилганлигини аниқлаш имконини беради. Унинг моҳияти ҳам шунда.

3-чизма

РЕНТАБЕЛЛИК КЎРСАТКИЧЛАРИ

Активлар бўйича рентабеллик даражаси (АР), %	=	Соф фойда (СФ) / Активларнинг ўртача йиллик қиймати (АЎЙҚ)
Сотилган маҳсулот бўйича рентабеллик даражаси (СМР), %	=	Соф фойда (СФ) / Маҳсулотни сотгандан кейинги тушум (МСКТ)
Шахсий капиталга нисбатан рентабеллик даражаси (ШКР), %	=	Соф фойда (СФ) / Шахсий капиталнинг ўртача йиллик қиймати (ШҚЎЙҚ)
Бир акциянинг фойдалилик даражаси (ФД)	=	Соф фойда (СФ) / Муомиладаги акциянинг миқдори (МАМ)

Асосий воситалар бўйича рентабеллик даражаси (АВ), %	=	Соф фойда (СФ) / Асосий воситаларнинг ўртача йиллик қиймати (АВ)
Айланма маблағлар бўйича рентабеллик даражаси (АМ), %	=	Соф фойда (СФ) / Айланма маблағларнинг ўртача йиллик қиймати (АМ)
Номоддий активлар бўйича рентабеллик даражаси, % (МА)	=	Соф фойда (СФ) / Номоддий активларнинг ўртача қиймати (МА)
Ўз маблағлари бўйича рентабеллик даражаси, % (ЎМ)	=	Соф фойда (СФ) / Ўз маблағларининг ўртача йиллик қиймати (ЎМ)
Четдан жалб қилинган маблағлар бўйича рентабеллик даражаси, % (ЧЖМ)	=	Соф фойда (СФ) / Четдан жалб қилинган маблағлар (ЧЖМ)
Ишлаб чиқариш фондлари бўйича рентабеллик даражаси,% (АВ+АМ)	=	Соф фойда (СФ) / Асосий воситалар ва айланма маблағларнинг ўртача йиллик қиймати (АВҚАМ)

Корхона хўжалик фаолиятининг самарадорлик даражасини ифодаловчи кўрсаткичлар қуйидагилардан иборат:

- корхона ишлаб чиқариш фаолияти рентабеллиги;
- сотилган маҳсулот рентабелиги;
- асосий воситалар рентабеллиги;
- айланма маблағлар рентабеллиги;
- номоддий активлар рентабеллиги;
- ўз маблағлари рентабелиги;
- четдан жалб қилинган маблағлар рентабеллиги;
- ишлаб чиқариш фондлари рентабеллиги;
- активлар бўйича рентабеллик даражаси.

Бу кўрсаткичлар 3-чизмада акс эттирилган тартибда аниқланади.

Таҳлил қилинаётган корхонада рентабеллик кўрсаткичларини ҳар томонлама ўрганиш, рентабеллик даражаси ўзгаришига фойда миқдори ва активларнинг ўртача йиллик қиймати қандай таъсир кўрсатганлигини аниқлаш учун 59-жадвалдаги шаклдан фойдаланамиз.

59-жадвал

Рентабеллик кўрсаткичлари таҳлили

Кўрсаткичлар	Ўтган йили	Ҳисобот йили	Фарқи (+, -)
1.Соф фойда, минг сўм	426980	546917	+ 119937
2.Активларнинг ўртача йиллик қиймати, минг сўм	1821265	2392991	+ 571726
3.Айланма маблағларининг ўртача йиллик қиймати, минг сўм	424502	625162	+ 200660
4.Маҳсулотни сотгандан кейинги соф тушум, минг сўм	6542485	8672772	+ 2148287
5.Шахсий капиталнинг ўртача йиллик қиймати, минг сўм	1076073	1420693	+ 344620
6.Муомаладаги акциялар сони, дона	-	-	-
7.Активлар бўйича рентабеллик даражаси, %	23,444	22,854	- 0,59
8.Сотилган маҳсулот бўйича рентабеллик, %	6,526	6,306	- 0,220
9. Шахсий капиталга нисбатан рентабеллик даражаси, %	39,679	38,496	- 1,183
10. Битта акциянинг рентабеллик даражаси, %	-	-	-

Жадвалдаги маълумотлардан кўриниб турибдики, ҳисобланган рентабеллик даражаси активларга нисбатан ўтган йилдагидан 0,583%, сотилган маҳсулот бўйича 0,220%, хусусий капиталга нисбатан 1,183% камайган.

Активларга нисбатан ҳисобланган ***рентабеллик даражасининг ўзгариши*** қуйидаги омилларга боглиқ бўлган:

Фойда суммасининг ўзгаришига. Бу омил ҳисобига рентабеллик даражаси 6,585% ошган

(546917:1821265:100)= 30,029%, (30,029 – 23,444).

Активларнинг ўртача йиллик қийматига. Бу кўрсаткич ўтган йилдагига нисбатан 571726 минг сўмга кўпайиши рентабеллик даражаси 7, 175% камайишига олиб келди.

(22,864 – 30,029).

Ҳисобнинг тўғрилигини текширамиз:

+ 6,585 – 7,175 = - 0,59%.

Шахсий капиталга нисбатан ҳисобланган рентабеллик даражасига таъсир кўрсатувчи омиллар қуйидагича бўлган: фойда суммасини ўзгариши ҳисобига рентабеллик даражаси (50,825 –39,679) = + 11,146% ошган (546917: 1076073 x 100)= 50,825%.

Хусусий капиталнинг ўтган йилдагига нисбатан 344620 минг сўмга кўпайиши рентабеллик даражаси 12,329% (38,496% - 50,825%) пасайишига олиб келди.

Ҳисобнинг тўғрилигини текширамиз:

+ 11,146 – 12,329 = - 1,183%

Таҳлил натижаси шуни кўрсатадики, ёғ - мой комбинатида рентабеллик даражасини ошириш имкониятлари мавжуд. Асосий ва айланма маблағлардан янада самарали фойдаланиш шундай имкониятлардан ҳисобланади.

Таҳлилнинг кейинги босқичида рентабеллик даражаси ўзгаришига соф фойда, асосий фондлар ва айланмадаги активлар қийматлари ўзгаришининг таъсирини аниқлаш учун 60-жадвалдаги шакл тузилади.

60-жадвал

Активлар бўйича рентабеллик даражаси ўзгаришига таъсир кўрсатувчи омиллар таҳлили

Кўрсаткичлар Боғланишлар	Таъсир кўрсатувчи омиллар			Рентабеллик даражаси, %	Олдинги ҳисобдан фарқ, +, -	Фарқ сабаблари
	соф фойда	асосий фондларнинг ўртача йиллик қиймати	айланма маблағларининг ўртача йилик қиймати			
1-ҳисоб Ўтган йили	426980	424502	1396763	23,444		
2-ҳисоб	546917	424502	1396763	30,029	+6,585	Соф фойдани ўзгариши
3-ҳисоб	546917	625062	1396763	27,089	- 2,98	Асосий фонд ўзгариши
4-ҳисоб Ҳисобот йили	546917	625162	1767829	22,854	-4,195	Айланма актив ўзгариши

Рентабеллик бўйича умумий фарқ (22,854 – 23,444) = 0,59.

Жадвалдаги маълумотлардан маълум бўляптики, рентабеллик даражаси ўсишига фақат фойда суммасининг кўпайиши ижобий таъсир кўрсатган, қолган омиллар асосий фондлар ва айланма маблағлар қийматларининг ўтган йилдагига нисбатан ўсиши рентабеллик даражаси пасайишига олиб келди. Демак, корхона ҳисобот йилида ўтган йилдагига нисбатан активлардан самарали фойдаланмаган.

Кейинги босқичда капиталнинг тузилиш кўрсаткичлари ўрганилиши лозим.

5.5.Капитал тузилиши кўрсаткичларини таҳлил қилиш ва баҳолаш

Маълумки, бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида корхоналар ўз харажатларини ўзлари қоплашади, етишмаган шароитда маблағларни четдан олишади. Агар корхонанинг молиявий манбаси барқарор, маблағлари четдан келтирилган маблағлардан кўп бўлса, бу унинг молиявий мустақиллигини билдиради. Молиявий тобелик яна ўз айланма маблағларининг ҳар сўмига четдан жалб қилинган маблағлар қанчадан тўғри

келишини ҳам англатади. Масалан, ой бошига ўз айланма маблағларининг бир сўмига тўғри келадиган коэффициент йил бошига 1600 : 1970 = 0,81, йил охирига 1990 : 2120 = 0,94 дан иборат бўлиши ўз маблағларининг ҳар сўмига четдан жалб қилинган маблағлар йил бошида 0,81 тийинни, йил охирида эса 0,94 тийинни ташкил этишини кўрсатади. Четдан жалб қилинган маблағ салмоғининг кўпайиши корхонада иш шароитини қийинлаштириши мумкин. Чунки бундай маблағларга тўланадиган қарз фоизлари доимий харажатларни ташкил қилади. Шу сабабли у корхонанинг молиявий тобелигини ўта кучайтиради, кредит олишини янада қийинлаштради. Шундай экан, ҳар бир корхона молиявий тобелик коэффициентларини яхшилаши, бунинг учун эса, ўзига қулай молиявий қўйилмалар манбаини қидириб топиши зарур.

Шахсий мулк коэффициенти шахсий капиталнинг капитал таркибий тузилишидаги ўрнини белгилаб беради. Капитал таркибида шахсий капитал салмоғининг юқори бўлиши молиявий маблағлар таркибий тузилиши мустаҳкамланишига таъсир кўрсатади. Инвестор ва қарз берувчиларнинг фикрича, корхонанинг молиявий ҳолати барқарорлигини сақлаш учун шахсий капиталнинг умумий капиталга нисбати 60% дан кам бўлмаслиги керак.

Қарз берувчиларни ҳимоя қилиш коэффициентини аниқлаш эса, корхона ёки компания йил давомида қарзлар юзасидан фоиз тўлаш учун қанча маблағ ишлатганлигини билдиради (4-чизма).

Капитал тузилиши коэффициентлари 4-чизмада акс эттирилган тартибда аниқланади.

4-чизма

КАПИТАЛ ТУЗИЛИШИ КЎРСАТКИЧЛАРИ
(Корхонанинг узоқ муддатли қарзларини тўлаш қобилиятини билдиради)

Шахсий мулк коэффициенти (ШМ)	Шахсий капитал (ШК) / Активларнинг ўртача йиллик қиймати (АҚ)
Қарз берувчиларни ҳимоя қилиш коэффициенти (+ҲҚ)	Солиқ ва кредит учун фоиз тўлангунгача соф фойда / Фоиз тўлаш учун давр харажатлари

Таҳлил қилинаётган корхонада капитал тузилиши кўрсаткичларини таҳлил қилиш ва баҳолаш учун 61-жадвалдаги шакл тузилади.

61-жадвал

Капитал тузилиши кўрсаткичларини таҳлил қилиш ва баҳолаш

Кўрсаткичлар	Ўтган йили	Ҳисобот йили	Фарқи (+, -)
1.Четдан келтирилган капитал, минг сўм	745192	972298	+ 227106
2.Шахсий капитал, минг сўм	1076073	1420693	+ 344620
3.Активларнинг ўртача йиллик қиймати, минг сўм	1821265	2392991	+1571726
4.Солиқ ва кредит учун фоиз тўлагунгача соф фойда, минг сўм	912374	1445717	+ 533343
5.Фоиз тўлаш учун давр ҳаражатлари, минг сўм	-	-	-
6.Молиявий қарамлик коэффициенти (1:2)	0,69	0,68	- 0,01
7.Шахсий мулк коэффициенти (2:3)	0,591	0,594	+ 0,003
8.Қарз берувчиларни ҳимоя қилиш коэффициенти (4:5)	26,7	38,4	+ 11,7

Капитал тузилиши кўрсаткичларини баҳолаш, инвесторларнинг фикрича, шахсий капиталнинг умумий капиталга нисбати 60% дан кам бўлмаслиги кераклигини билдиради. Таҳлил қилинаётган корхонада бу кўрсаткич инвесторлар фикрига тўғри келади, яъни ўтган йили 59,1% ни, ҳисобот йилида эса 59,4% ни ташкил этади. Молиявий қарамлик коэффициенти эса ўтган йили 0,69 тийин, ҳисобот йилида 0,68 тийин. Бу четдан жалб қилинган маблағ салмоғининг камайиши корхонада иш шароити яхшиланишидан далолат беради.

5.6. Бозорга оид ишчанлик фаолияти кўрсаткичлари таҳлили

Бозорга оид ишчанлик коэффициентининг моҳияти шундан иборатки, корхона, фирма ва компаниялар акцияларига инвесторлар томонидан қизиқиш ва бу акциялардан манфаатдор бўлиш хусусияти улардан маълум даражада фойда олишни кўзда тутади. Шунинг учун бозорга оид ишчанлик коэффициенти аввало, тўланадиган дивидендлар манбаи, акциялар бозор баҳосининг ўсиш манбаи ҳисобланади. Инвесторларни битта акция келтирадиган даромад қизиқтиради.

Бозорга оид ишчанлик коэффициентларининг асосий кўрсаткичлари билан бир акцияга тўғри келадиган фойда миқдори, акциянинг баланс қиймати, даромад меъёри ва тўланган даромад қисмларини аниқлаш тартиби 5-чизмада кўрсатилган.

5-чизма

БОЗОРГА ОИД ИШЧАНЛИК ФАОЛИЯТИ КЎРСАТКИЧЛАРИ

Қисқача хулосалар

Бозор иқтисодиёти шароитида корхонанинг молиявий холати мустахкамланишига эришишда молиявий коэффициентлардан ҳар томонлама фойдаланиш ва уларни таҳлил қилиб бориш муҳим ахамиятга эга. Молиявий коэффициентларни аниқлашнинг ахамияти шундан иборатки, у биринчидан, коэффициентларни тўғри ҳисоблаш, иккинчидан, олинган натижаларни умумий қабул қилинган стандарт кўрсаткичлари ҳамда олдинги кўрсаткичлар билан таққослаш имконини яратади. Эслатиб ўтиш керакки ўтган даврда яхши деб ҳисобланган натижалар бозор иқтисодиёти шароитида талабга жавоб бермаслиги ва мос келмаслиги ҳам мумкин.

Шу боисдан молиявий коэффициентларни таҳлил қилиш жараёнида асосий эътибор корхонанинг қувватлилик, ишчанлик фаолияти, рентабеллик, капиталнинг ту-

зилиши ва бозорга оид ишчанлик коэффициентлари таҳлилига қаратилмоғи лозим. Чунки бу кўрсаткичлар ижобий ҳамда салбий томонларга ўзгариши корхонанинг молиявий ҳолати ҳам ижобий ва салбий томонларга ўзгаршига олиб келади.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Корхонанинг молиявий ҳолатини таҳлил қилиш жараёнида молиявий коэффициентлар блоклари қандай блокларни ўз ичига олади?

2. Жорий қувватлилик коэффициенти нималарни кўзда тутади?

3. Тез қўвватлилик коэффициенти-чи?

4. Мутлақ қувватлилик коэфффициенти қандай аниқланади?

5. Соф айланма капитал қандай шаклланади?

6. Активларнинг айланиши нималарга асосланади?

7. Дебиторлик қарзларининг айланиши-чи?

8. Кредиторлик қарзларининг айланиши ҳақида сўзлаб беринг.

9. Моддий ишлаб чиқариш захираларининг айланиши қандай натижани кўзда тутади?

10.Опреацион давр давомийлиги ҳақида тўхталинг.

11.Рентабеллик кўрсаткичлари таҳлили қай тартибда ўтказилади?

12.Активлар бўйича рентабеллик даражаси қандай аниқланади?

13.Сотилган маҳсулот бўйича рентабеллик даражаси-чи?

14.Шахсий капиталга нисбатан рентабеллик даражаси-чи?

15.Молиявий тобелик коэффициенти нима?

16.Шахсий мулк коэффициенти нималарга таянади?

17.Бозорга оид ишчанлик фаолияти кўрсаткичлари ҳақида тушунча беринг.

Асосий адабиётлар

1. Маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари тартиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги НИЗОМ– ЎзРВМ қарори, 1999.

2. Абдукаримов И.Т., Пардаев М.К. «Корхонанинг иқтисодий салохияти тахлили». –Т., «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси», 2003.

3. Акрамов Э.А. «Корхонанинг молиявий ҳолатини таҳлили» –Т., «Молия», 2003.
4. Абрютина М.С., Грачев А.В. «Анализ финансово-экономической деятельности предприятия» –М., «Финансы и статистика», 2000.
5. Исроилов Б.И., Пардаев М.К. «Молиявий таҳлил» (услубий кўрсатмалар ва тавсиялар альбоми) –Т., 1999.
6. Ергешев Е.Е. «Иқтисодий ва молиявий таҳлил» Дарслик. – Т., «Молия», 2000.
7. Хеддервик И. «Финансовый и экономический анализ деятельности предприятий» –М., «Финансы и статистика» , 1998.

VI БОБ. КОРХОНАНИНГ МОЛИЯВИЙ АҲВОЛИ ТАҲЛИЛИ

6.1. Корхонанинг молиявий аҳволини таҳлил қилиш ва баҳолашда таҳлилнинг аҳамияти ва вазифалари

Бозор иқтисодиёти шароитида ҳар бир корхона иқтисодий ва молиявий жиҳатдан бақувват бўлиши лозим. Бу эса, улар молиявий жиҳатдан қарам бўлмаслигини ва ташқи омиллар таъсирига учрамаслигини кафолатлацди.

Унутмаслик керакки, бозор иқтисодиёти шароитида корхоналарга олдингидек бюджет томонидан маблағ берилмайди, улар орасида маблағ эркин рақобат асосида шаклланмоқда. Бу жараёнда ўзига хос муаммолар юзага келмоқда. Уларни ҳал қилиш учун аввало, корхонанинг иқтисодий ва молиявий ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичларни аниқлаш ва таҳлил қилиш йўлларини ишлаб чиқиш талаб этилади. Чунки корхона рақобатбардош бўлиши учун биринчи галда унинг, иқтисодий ва молиявий жиҳатдан бақувватлигини таъминлаш лозим.

Корхонанинг молиявий бақувватлиги деганда, у аввало, фаолиятини молиявий жиҳатдан мунтазам равишда таъминлай бориши қурбига эгалиги тушунилади. Демак, корхонанинг молиявий бақувватлигига эришиш учун унинг барча харажатлари қопланишини, рентабеллик даражаси ошиб боришини таъминлаш лозим. Шундай қилиб, корхонанинг бақувватлиги деганда унинг фаолияти натижалари барча харажатларини қоплаб, мсъёрдаги рентабеллик даражасига эришиш имконини берадиган иш ҳажмига ва ўз

истиқболини таъминлай оладиган фойда миқдорига эга бўлишига айтилади.

Корхонанинг молия - хўжалиги унинг давлат, бошқа корхона (ташкилот)лар ва шахслар билан ўзаро муносабатини тартибга солишга боғлиқ бўлган пул ҳисоб-китобларини ифодалайди.

Халқ хўжалиги корхоналари ва тармоқлари молияси деганда, ўз эҳтиёжлари ва умумдавлат эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқ бўлган иқтисодий муносабатлар бирлиги тушунилади. Ҳўжаликнинг молиявий ҳолати унинг айланма маблағлар билан таъминланганлигида, барча турдаги маблағлари тўғри жойлаштирилиши ва улардан талаб даражасида фойдаланишида, давлат бюджети, банклар, товар етказиб берувчилар, бошқа ташкилот ва корхоналар ишчилари билан олиб бориладиган ҳисоб-китоблар ҳолатида ўз аксини топади.

Саноат корхоналарининг иш фаолияти уларнинг молиявий ҳолати билан чамбарчас боғлиқ. Молиявий ҳолат корхона фаолияти натижаларини ҳар томонлама акс эттиради ва режада белгиланган ишларнинг бажарилишига таъсир кўрсатади

Хўжалик молиявий ҳолати таҳлили унинг молиявий фаолияти яхшиланишига, бу жараёнда тежамкорлик кучайишига, ҳисоб-китоб мустаҳкамланишига, молиявий интизом бузилиши ҳолларини очиб ташлаш ва йўқотишга, ички имкониятларни излаб топиш ва улардан фойдаланишга имкон яратади.

Корхона молиявий ҳолати таҳлилининг вазифалари молиявий режа бажарилишини, маблағлар тўғри ёки нотўғри тақсимланиши ва улардан тўғри ёки нотўғри фойдаланилиши, ўз маблағлари билан таъминланганлик даражасини аниқлашдан, айланма маблағлар заҳирасидан фойдаланишда белгиланган режаларга ва ҳисоб-китоб интизомига риоя қилинишини, банк-кредитларидан фойдаланиш, тўлаш қобилияти, айланма маблағлар айланиши ва бошқаларни ўрганишдан; асосий мақсади – хўжалик молиявий фаолиятидаги камчиликларни аниқлаш ва очиб ташлаш ҳамда маблағлардан самарали фойдаланиш имкониятларини белгилашдан иборат.

6.2. Корхонанинг молиявий барқарорлигини таҳлил қилиш ва баҳолаш

Бозор иқтисодиёти шароити маъмурий - буйруқбозликни инкор қилиб, корхона фаолиятини эркин ва мустақил бошқаришни тақазо этади. Бундай шароитда бошқариш буйруқ билан эмас, балки иқтисодий дастаклар билан амалга оширилиши лозим.

Бозор муносабатларига ўтилаётган шароитда республикамизда ҳам корхоналарни бошқаришда иқтисодий дастакларнинг моҳияти кескин ошмоқда.

Корхонани бошқаришда ахборотлар муҳим аҳамиятга эга. Уларнинг асосий қисми молиявий ҳисоботларда акс этдирилади. Молиявий ҳисоботлар корхона фаолияти натижасини ифодаловчи кўзгу ҳисобланади. Ҳозирги шароитда ҳар бир мутахассис раҳбар молиявий ҳисоботларни иқтисодий ўқишни, улардан тегишли хулоса чиқариб, бошқаришда фойдаланишни яхши билиши лозим.

Ўтган даврларда корхона фаолиятига режа бажарилишига қараб баҳо берилар, молиявий ҳисоботнинг асоси бўлган бухгалтерия балансидаги маълумотлар бошқаришда деярли иштирок этмас, натижада корхона фаолиятига тўғри баҳо берилмас эди. Эндиликда эса бошқариш корхонанинг молиявий ҳисоботига асосан амалга оширилмоқда.

Молиявий ҳисоботлар жуда катта ахборотлар манбаи бўлиб, таҳлил жараёнида таяниладиган энг тўғри асосий ҳужжат ҳисобланади. Эндиликда корхонанинг молиявий аҳволини яхши билмасдан фаолият кўрсатиш уни бошқаришда истиқболга нотўғри йўналтириш ёки қоронғи йўлдан юришга мажбур қилиш, демакдир. Корхонанинг молиявий ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлардан энг муҳими молиявий барқарорликни ифодаловчи кўрсаткичлардир. Дарҳақиқат, активлар (асосий фондлар, номоддий активлар, айланма маблағлар)га қўйилган маблағларни ўз маблағлари ҳисобига қоплайдиган, ноўрин дебиторлик ва кредиторлик қарзларига йўл қўймайдиган, мажбуриятлари бўйича тўловларни вақтида тўлайдиган корхона молиявий барқарор корхона ҳисобланади. Молиявий барқарорлик ўз ва қарз маблағлари нисбати билан аниқланиб, қатор кўрсаткичлар ёрдамида ҳисобланади.

Мустақиллик, молиявий барқарорлик ва молиявий қарамлик коэффициентларини молиявий *барқарорликнинг асосий кўрсаткичлари* деб қараш мумкин.

Мустақиллик коэффициенти хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳолатини маблағлари қарз манбаларига қарам эмаслигини тавсифлайди; ўз маблағларининг хўжалик маблағлари умумий суммасидаги улушини кўрсатади ва қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$\text{Муст.к.} = \frac{УС}{С} \text{ ёки } \frac{1ш,390 = сатр}{1ш,550 = сатр}$$

Мустақиллик коэффициентининг ўсиши молиявий мустақилликни ортиши ва молиявий қийинчиликлар хавфи камайишини кўрсатади.

Молиявий барқарорлик коэффициенти ўз ва қарз маблағлари нисбатидир. У қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$\text{М.бар.к.} = \frac{УС}{С} \text{ ёки } \frac{1ш.,390 = сатр}{1ш.,540 = сатр}$$

Ўз маблағларининг қарз маблағларидан ортиқлиги хўжалик юритувчи субъект молиявий барқарорликнинг етарлича заҳирасига эгалигини ҳамда ташқи молиявий манбалардан нисбатан холи эканлигини кўрсатади.

Молиявий қарамлик коэффициенти молиявий қарамлик ва молиявий қийинчиликлар хавфининг кўпайиши ёки камайишини билдиради. У ўз маблағларининг 1 сўмига қанча хўжалик маблағлари тўғри келишини кўрсатади ва қуйидаги формула бўйича хўжалик маблағлари (сармояси)нинг ўз сармоясига нисбати сифатида аниқланади:

$$\text{М.қар.к.} = \frac{С}{УС} \text{ ёки } \frac{1ш.,550 = сатр}{1ш.,390 - сатр}$$

Хусусий сармоя харакатчанлиги ишлаб турган ва ўз сармояси нисбати бўлиб, у ўз айланма маблағларининг (айирув муддати ўтган дебиторлик қарзлари) ўз маблағларидаги улушини тавсифлайди ва қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$\text{Ўс.ҳ.} = \frac{ИшС}{УС}$$

$$\text{ёки } \frac{1ш.,(390 + 400 + 410 - 110)\,сатр - 2 = а.ш.,7 = катак.(якун)}{1.ш.,390 - сатр}$$

Молиявий барқарорликни бошқа кўрсаткичлар ҳам тавсифлаши мумкин. Улардан корхонанинг молиявий ҳолати тўғрисида хулосалар чиқаришда (6-чизмага қаранг) ва молиявий аҳволини таҳлил қилишда фойдаланилади.

Молиявий барқарорлик мезони узоқ муддатли истиқбол нуқтаи назаридан корхона фаолиятининг барқарор, иқтисодиётининг ташқи кредиторлар ва инвесторларга боғлиқлик даражасидир. Корхонанинг шу вақтдаги қарзлари билан ҳисоб-китоб қилиш қобилиятини тавсифловчи баланс ликвидлигидан фарқли ўлароқ, молиявий барқарорлик – корхонанинг тўловга доимо лаёқатлилигини кафолатловчи муайян ҳолатидир.

Хўжалик фаолияти натижасида корхонанинг тўлов қобилияти қисқа давр (чорак, йил) мобайнида ўзгариши мумкин, аммо молиявий барқарорлик кўрсаткичи анча барқарор бўлиб у бундай давр мобайнида деярли ўзгармайди.

Корхонанинг молиявий барқарорлигини (мустақиллигини) баҳолаш ва аниқлаш услубияти

Кўрсаткич	Кўрсаткичнинг қисқача тавсифи	Шакл рақами ва молиявий ҳисобот сатри
Мустақиллик коэффициенти	Ўз маблағларининг хўжалик умумий маблағлари суммасидаги улуши	1-ш., 390-сатр/ 1-ш., 550-сатр.
Молиявий барқарорлик коэффициенти	Ўз жалб қилинган маблағлари нисбати ёки жалб қилинган маблағларнинг 1 сўмига қанча ўз маблағлари тўғри келади	1-ш., 390-сатр/ 1-ш., 540-сатр.
Молиявий қарамлик коэффициенти	Ўз маблағлари 1 сўмига қанча хўжалик маблағлари тўғри келади	1-ш., 550-сатр/ 1-ш., 390-сатр
Ўз сармоясининг ҳаракатчанлиги	Ишлаб турган ва ўз сармоясига нисбатан ёки ўз айланма маблағларининг (айирув муддати ўтган дебиторлик қаралари) ўз сармоясидаги улуши қандай	(1-ш.,(390+400+410 - 110) – 2а ш., 7- катак (якун)) / 1-ш., 390 =сатр

Жалб қилинган сармоянинг тўпланиш коэффициенти	Жалб қилинган сармоянинг бутун хўжалик маблағлари суммасидаги улуши	1-ш., 540 = сатр/ 1 ш., 550-сатр
Жалб қилинган ва ўз сармояси коэффициенти	Ўз маблағлари 1 сўмга қанча қарз маблағи тўғри келади	1-ш., 540 = сатр/ 1-ш., 390- сатр

Корхонанинг молиявий барқарорлигини таҳлил қилишда бу борадаги ҳолатни тавсифловчи кўрсаткичларни ҳисоблаб чиқиш, уларни динамикада, бир йил ёки бир неча йил учун қиёслаш, ёмонлашишининг олдини олиш ёки яхшилашга оид аниқ тавсиялар ишлаб чиқиш керак. Молиявий барқарорликни таҳлил қилишда 62-жадвалдаги шаклдан фойдаланилади. Унда мисол тариқасида Тошкент ёғ-мой комбинатининг 2001 йилги молиявий барқарорлиги таҳлили берилган.

62-жадвал

Тошкент ёғ - мой комбинатининг 2001 йилги молиявий барқарорлиги таҳлили

Кўрсаткичлар	Ўтган йил	Ҳисобот йили	Фарқи (+, -)
1.Мустақиллик коэффициенти	0,591	0,594	0,003
2. Молиявий барқарорлик коэффициенти	1,44	1,46	Қ 0,02
3. Ўз сармоясининг ҳаракатчанлиги коэффициенти	0,60	0,56	- 0,04
4. Молиявий қарамлик коэффициенти	1,69	1,68	- 0,01
5. Жалб қилинган сармоянинг тўпланиш коэффициенти	0,41	0,41	-
6. Жалб қилинган ва ўз сармояси коэффициенти	0,69	0,68	- 0,01

Ўтган йили: 1. $\frac{390\,сатр}{550\,сатр} = \frac{1076073}{1821265} = 0{,}591$

2. $\frac{390\,сатр}{540\,сатр} = \frac{1076073}{745192} = 1.44$

3. $\frac{390+400+410-110}{390} = \frac{1076073-424502}{1076073} = 0{,}60$

4. $\frac{550\,сатр}{390\,сатр} = \frac{1820265}{1076073} = 1.69$

5. $\frac{540\,сатр}{550\,сатр} = \frac{745192}{1821265} = 0,41$

6. $\frac{540\,сатр}{390\,сатр} = \frac{745192}{1076073} = 0,69$

Ҳисобот йили: 1. $\frac{390\,сатр}{550\,сатр} = \frac{1420693}{2392300} = 0,594$

2. $\frac{390\,сатр}{540\,сатр} = \frac{1420693}{971607} = 1,46$

3. $\frac{390+400+410-110}{390} = \frac{1420693-624471}{1420693} = 0,56$

4. $\frac{550\,сатр}{390\,сатр} = \frac{2392300}{1420693} = 1,68$

5. $\frac{540\,сатр}{550\,сатр} = \frac{971607}{2392300} = 0,41$

6. $\frac{540\,сатр}{390\,сатр} = \frac{971607}{1420693} = 0,68$

Жадвалдаги маълумотлардан кўриниб турибдики, таҳлил қилинаётган корхоналарнинг молиявий барқарорлиги ёмон эмас. Ҳисобот йилида унда мустақиллик коэффициенти 0,594 бўлган, яъни барча хўжалик маблағларининг 59,4% ини ўз маблағлари ташкил қилган. Молиявий барқарорлик коэффициенти ҳам юқори – 1.41, яъни ўз маблағлари қарз маблағларидан 1,46 марта кўп.

Ҳозирги шароитда ўз маблағлари қанча кўп бўлса, корхона учун шунчалик яхши. Чунки ўз маблағларининг кўплиги корхона молиявий жиҳатдан барқарор бўлиш учун асос ҳисобланади, четдан жалб қилинган маблағлар учун тўланадиган фоиз суммаси тежалади.

Корхонада молиявий қарамлик коэффициенти ҳам ўтган йилдагига нисбатан 0,01 га камайган. Ушбу кўрсаткич камайган корхонанинг ўз маблағи кўпайиб, молиявий қарамлиги камайиб бораверади, яъни яхшиланиб бораверади.

Корхонада ўз маблағларининг ҳаракатчанлик коэффициенти ўтган йилдагига нисбатан 0,04% пасайган. Демак, харакатдаги маблағлари хусусий маблағларнинг 56%ини

ташкил этади. Ушбу кўрсаткич қанча юқори бўлса, корхона учун шунга яхши.

Хулоса қилиб шуни айтиш керакки, таҳлил қилинаётган корхонанинг ўз маблағлари билан боғлиқ бўлган молиявий барқарорлиги ҳисобот даврида анча яхши бўлган.

Корхонанинг молиявий барқарорлигини янада мустаҳкамлаш учун қуйидагилар амалга оширилиши керак:

· ўз маблағлари улушини бутун хўжалик маблағлари суммасида, шунингдек, айланма маблағлари ичида ошириш;

· жалб қилинган маблағлар улушини камайтириш;

· дебиторлик ва кредиторлик қарзларини камайтириш;

· муддати ўтган дебиторлик ва кредиторлик қарзларини тугатиш.

6.3. Корхонанинг ўз маблағлари билан таъминланиши таҳлили

Саноат корхоналарининг маблағлари вужудга келиш манбаларига кўра, ўз маблағлари, қарзга олинган маблағлар ва жалб қилинган маблағларга бўлинади. Ўз маблағлари уларнинг доимий ихтиёрида бўлади, қарзга олинган маблағлар эса маълум мақсадлар учун олинади ҳамда белгиланган муддатларда қайтариб берилади. Ўз айланма мабалағларининг асосий манбаи устав капитали, қўшилган капитал, заҳира (резерв) капитали, тақсимланган фойда ва балансининг пассив қисмидаги «Ўз маблағларининг манбалари» кўрсаткичларидан ташкил топади.

Саноат корхоналарида баланс бўйича заҳирани ва харажатларни қоплашга тегишли ўз маблағлари миқдори балансининг пассив қисмидаги «Ўз маблағларининг манбалари» йиғиндисидан актив қисмидаги «Узоқ муддатли активлар» йиғиндисини айириб ташлаш йўли билан аниқланади.

Таҳлил жараёнида ўз мабалағлари миқдоридан ташқари, заҳира ва харажатларни қоплашга тегишли ўз маблағлари, узоқ муддатли қарз манбалари, заҳира ва харажатларга тегишли жами манбалар, заҳира ва харажатларни қоплашга ўз манбаларининг, маблағларининг, узоқ муддатли кредит ва қарз манбаларининг етарлилиги ёки етишмаслигини аниқлаш зарур. Бунинг учун дастлабки босқичда балансининг актив ва пассив қисмлари таҳлил қилиниши зарур. Бунда 63-64-жадваллардаги шакллардан фойдаланилади.

63-жадвалдаги маълумотларга кўра, таҳлил қилинаётган корхонада баланснинг актив қисми йил охирига йил бошидагига нисбатан 571035 минг сўм ёки 31,3% га, айланмадаги активлар 371066 минг сўмга, шу жумладан, заҳира ва харажатлар 263127 минг сўмга, пул маблағлари ва қимматли қоғозлар 161435 минг сўмга ёки 38,1% га кўпайган. Лекин дебиторлик қарзлари йил охирига келиб, 53496 минг сўмга ёки 13,1% га камайган. Баланснинг айрим моддалари бўйича ўсиш бўлса-да, айрим моддалари бўйича улуш йил бошидагига нисбатан йил охирида камайиши сезилиб турибди.

63-жадвал

Баланс активининг таҳлили

Кўрсаткичлар	Йил бошига		Йил охирига		Ўзгариши		
	минг сўм	улуши, %	минг сўм	улуши, %	мутлақ сўмда	улуши бўйича, %	йил бошига нисбатан, %
1	2	3	4	5	6(4-2)	7(5-3)	8(6:2100
1. Узоқ муддатли активлар (110 - сатр)	424502	23,3	624471	26,1	199969	+2,8	+47,1
2. Айланмадаги активлар (300 - сатр)	1396763	76,7	1767829	73,9	+371066	-2,8	+26,5
шундан: — заҳира ва харажатлар (120—160 сатрлар)	873288	47,9	1136415	47,5	+263127	-0,4	+30,1
— пул маблағлари ва қимматли қоғозлар (170-210- сатрлар)	116891	6,4	278326	11,6	+161435	+5,2	+138,
—дебиторлик қарзлари (220-290- сатрлар)	406584	22,4	353088	14,8	-53496	-7,6	13,1
Баланснинг активи бўйича жами (310 - сатр)	1821265	100,0	2392300	100,0	+571035	-	+ 31,3

Баланс активи баланснинг биринчи бўлими узоқ муддатли активлар бўйича 199969 минг сўмга, иккинчи бўлими айланмадаги активлар бўйича 371066 минг сўмга, қимматли қоғозлар 161435 минг сўмга, заҳира ва харажатлар 263127 минг сўмга кўпайиши ҳисобига ошган, шунингдек, дебиторлик қарзлари 53496 минг сўмга камайган. Бу, албатта, ижобий кўрсаткич. Мутлақ миқдорлар ўсиши ёки

ўзгариши таъсирида баланснинг таркибий тузилишида ҳам ўзгаришлар бўлган. Демак, *айланмадаги активлар улуши* 2,8% га, заҳира ва харажатлар улуши 0,4% га ва дебиторлик қарзлари улуши 7,6% га камайган бўлса, узоқ муддатли активлар улуши 2,8% га, пул маблағлари ва қимматли қоғозлар улуши 5,2% га ошган. Бу, ўз навбатида, корхонанинг мулк бойлиги яхши сақланганидан далолат беради.

Кейинги босқичда баланснинг пассив қисми таҳлил қилиниши зарур. Бунинг учун 64 - жадвалдаги шаклдан фойдаланилади.

***64*-жадвал**

Баланс пассивининг таҳлили

Кўрсаткичлар	Йил бошига		Йил охирига		Ўзгариши		
	минг сўм	улуши, %	минг сўм	улуши, %	мутлақ сўмда	улуши бўйича, %	Йил бошига нисбатан, %
1	2	3	4	5	6(4-2)	7(5-3)	8(6:2100)
1. Ўз маблағларининг манбалари (390- сатр)	1076073	59,1	1420693	59,4	+344620	+0,3	+31,9
2. Мажбуриятлар(540 - сатр)	745192	40,9	971607	40,6	+226415	- 0,3	+30,3
— узоқ муддатли қарзлар (400-410 - сатрлар)	-	-	-	-	-	-	-
— қисқа муддатли қарзлар (420-430 - сатрлар)	55000	3,0	90000	3,7	+ 35000	+0,7	63,6
— кредиторлик қарзлар (440-530 - сатрлар)	*690192*	*37,9*	*881607*	*36,9*	*+ 191415*	- 1,0	*+27,7*
Баланснинг пассиви бўйича жами (550 - сатр)	1821265	100,0	2392300	100,0	+ 571035	-	+31,3

Баланс пассивининг кўпайиши (64-жадвал) ўз маблағлари манбалари билан етарли даражада таъминланганлигини кўрсатади. Корхонада йил бошидагига нисбатан йил охирига баланснинг пассиви ҳам 571035 минг сўмга кўпайган. Йил бошига нисбатан йил охирига ўз мабалағлари 344620 минг сўмга кўпайган, шунга нисбатан мажбуриятлар ҳам 226415 минг сўмга ошган. Мажбуриятларнинг кўпайиши асосан узоқ муддатли ҳамда кредиторлик қарзлари кўпайиши натижасида содир бўлган. Хўжаликнинг молиявий ҳолатини янада яхшилаш учун қарзларни тўлаш имкониятларини иложи борича тезроқ қидириб топиши керак.

Балансниг актив ва пассив қисмларидан сўнг корхона маблағлари билан қандай таъминланганлиги таҳлил қилиниши мақсадга мувофиқдир. Чунки корхона иш фаолиятини бир меъёрда юритиш учун хўжалик айланма маблағлар билан етарли даражада таъминланиши зарур. Буни, аниқлаш учун 65-жадвалдаги шакл тузилади.

65-жадвал

Корхона ўз маблағлари билан таъминланишининг таҳлили

Кўрсаткичлар	Йил бошига	Йил охирига	Ўзгариши
1. Ўзлик маблағларининг манбалари (390-сатр)	1076073	1420693	+344620
2. Узоқ муддатли активлар (110 - сатр)	424502	624471	+ 199975
3. Захира ва харажатларни қоплашга тегишли ўз маблағлари (1 — 2)	651571	796222	+ 144651
4. Узоқ муддатли кредит ва қарзлар (400-410-сатрлар)	-	-	-
5. Заҳира ва харажатларни қоплашга тегишли ўзманбалари ва узоқ муддатли қарз манбалар (3+4)	651571	796216	+ 144645
6. Қисқа муддатли кредит қарзлар (420— 430-сатр)	55000	90000	+ 35000
7. Заҳира ва харажатларни қоплашга тегишли жами манбалар (5 + 6)	706571	886216	+ 179645
8. Заҳира ва харажатлар (120—160- сатрлар)	873288	1136415	+ 263127
9. Заҳира ва харажатларни қоплашга ўз манбаларининг етарлилиги (+) ёки етишмаслиги (—) (3—8)	-221717	-350199	571916
10. Заҳира ва харажатларни қоплашга ўз узоқ муддатли кредит ва қарз манбаларининг етарлиги (+) ёки етишмаслиги (—), (5—8)	-221717	-350199	571916
11. Заҳира ва харажатларни қоплашга жами манбаларнинг етарлиги (+) ёки етишмаслиги (—), (7—8)	-166717	-250199	416916

Жадвалдаги маълумотлардан кўриниб турибдики, таҳлил қилинаётган корхонада заҳира ва харажатларни қоплашга тегишли ўз маблағлари йил бошига 651571 минг сўмни, йил охирига 796216 минг сўмни, заҳира ва хара-

жатларни қоплашга тегишли жами манбалар йил бошига 706571 минг сўмни, йил охирига 886216 минг сўмни, заҳира ва харажатлар йил бошига 873288 минг сўмни, йил охирига 1136415 минг сўмни ташкил этган.

Демак, таҳлилнинг натижаси шуни кўрсатадики, заҳира ва харажатларни қоплашга ўз маблағлари йил бошида 221717 минг сўм, йил охирига 350199 минг сўм етишмаган. Агар заҳира ва харажатларни қоплашда қисқа муддатли кредитларни ҳисобга оладиган бўлсак, ўз маблағлари етишмаслиги йил бошига 166717 минг сўмни, йил охирига 250199 минг сўмни ташкил этади.

Ҳисоб - китоблардан кўриниб турибдики, корхона ўз маблағлари манбалари билан ҳар томонлама етарли даражада таъминланмаган. Бу эса, келгусида корхонанинг бир меъёрда ишлашига тўсқинлик қилади.

Кейинги босқичида корхонанинг тўлов қобилиятига баҳо бериш мақсадга мувофиқдир. Таҳлил қилинаётган Тошкент ёғ - мой комбинатининг тўлов қобилияти қуйидагича бўлган:

66-жадвал

Тошкент ёғ-мой комбинатининг тўлов қобилиятини таҳлил қилиш ва баҳолаш

Кўрсаткичлар	Йил бошига	Йил охирига	Ўзгариш (+, -)
I Тўлов маблағлари			
1. Ишлаб чиқариш заҳиралари.	847546	1073919	+ 226373
2. Тайёр маҳсулот	25742	62496	+ 36754
3. Пул маблағлари	23891	248326	+ 224435
4. Қисқа муддатли қўйилмалар	93000	30000	- 63000
5. Дебиторлик қаралар	406584	353088	- 53496
Тўлов маблағларининг жами	1396763	1767829	+ 371066
II Корхона мажбуриятлари			
1. Қисқа муддатли кредитлар	55000	90000	+ 35000
2. Харидор ва буюртмачилардан олинган бўнаклар	146506	159567	+ 13061
3. Мол етказиб берувчилардан	103478	119410	+ 15932
4. Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича	24624	42783	+ 18159
5. Бюджетдан	227028	380347	+ 153319
6. Ижтимоий суғурта бўйича	21956	44139	+ 22183
7. Уюшма корхоналарига қарзлар	34966	20231	- 14735
8. Бюджетдан ташқари қаралар	849	1293	+ 444
9. Бошқа қаралар	130785	113837	+ 16948
Тўловларнинг жами	745192	971607	+ 226415
Тўлов маблағларининг ортиқчалиги (+), камомади (—)	+651571	+796222	+ 144651

Таҳлил натижаси шуни кўрсатадики, Тошкент ёғ - мой комбинатининг тўлов қобилияти коэффициенти ўтган йили 1,87 ни ташкил қилиб, тўлов маблағлари суммаси мажбуриятлардагидан 651571 минг сўм кўп, ҳисобот йилида эса, тўлов қобилияти коэффициенти 1,82 ни, тўлов маблағлари суммаси мажбуриятлардагидан 796222 минг сўм кўп бўлган.

Хулоса қилиб шуни айтиш керакки, корхонанинг тўлов маблағлари ўтган йилдагига нисбатан 371066 минг сўмга кўпайиши билан мажбуриятлари ҳам 226415 минг сўмга ошган. Лекин тўлов қобилияти коэффициенти ўтган йилдагига нисбатан 1,87 дан 1,82 га камайган бўлса-да, корхона молиявий жиҳатдан мустаҳкам ҳисобланади. Чунки корхонада тўлов қобилияти коэффициенти 1 дан юқори. Бу унинг молиявий аҳволи мустаҳкамлигидан далолат беради.

6.4. Банкдан бериладиган кредитлардан фойдаланишнинг таҳлили

Корхоналарга банкдан кредит бериш пул муносабатлари тизимини ифодалайди. У орқали корхона ва ташкилотларнинг вақтинча бўш турган маблағларини сафарбар этиш ва кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни таъминлаш учун қайтариш шарти билан улардан режали фойдаланиш амалга оширилади.

Банк томонидан бериладиган кредит корхоналарнинг асосий ва айланма маблағларини ҳосил қилишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Кредит бериш орқали корхоналарнинг хўжалик фаолияти устидан пул воситасида назорат юритиш учун шароит туғилади. Бу жараёнда кредит ва тўлов интизомини бузувчи корхоналарга нисбатан турли жазолар - жарималар, оширилган фоизлар ва бошқалар қўлланилади. Улар корхоналарни маблағлардан самарали фойдаланишга, тежамкорлик тартибларига риоя қилшга, иш самарадорлигини ошириш учун мавжуд бўлган барча имкониятлардан фойдаланишга ундайди.

Банк томонидан бериладиган кредитлар *қисқа муддатли ва узоқ муддатли* кредитларга бўлинади.

Қисқа муддатли кредитлар корхоналарнинг айланма маблағлари (товарлар, идишлар ва шунга ўхшаш) ҳарака-

ти (доиравий айланиши)ни маблаг билан таъминлаш учуи хизмат қилади. У банк томонидаи бир йилгача муддатга берилади.

Узоқ муддатли кредитлар савдо корхоналарига банк томонидан корхонанинг асосий фондларини кенгайтириш учун берилади.

Банклар кредит билаи таъминлаш жараёнида корхона фаолияти устидан сўм билан назорат юритиш имконига эга бўлади. Банк кредитлари савдо корхоналарида айланма маблағларининг ташкил топишида муҳим манба ҳисобланади.

Банк кредит бериш жараёнида корхоналарнинг хўжалик фаолиятини ўрганади ва назорат килади, кредит тизими ёрдамида айланма маблаглардан фойдалаииш самарадорлигини оширишга, корхоналар ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китобларни тартибга солишга, молия ва тўлов интизомини мустаҳкамлашга фаол таъсир этади. Бу эса иқтисодий ва хўжалик ҳисобини мустаҳкамлашга имкон беради.

Банк савдо ташкилотлари ва корхоналарига улар томонидан асосий шартлар - ишнинг рентабеллиги; товарларга ҳақ тўлашда ўз айланма маблаглари режасига амал қилиш; банкка бухгалтерия ҳисоботи ва бошқа ҳисоботларни ўз вақтида тақдим этиш; олган карзларини ўз вақтида узиш каби шартлар бажарилган тақдирда кредит беради. Кредитлар субъектларга бериладиган бўлса, у ҳолда тузилган шартномада уларни қайтариш муддати, берилган кредитлардан мақсадга мувофиқ фойдаланилиши, олинган кредитлар ўз вақтида қайтарилмаса, тўланадиган фоиз даражаларини ошириш кабиларни таҳлил йўли билан ойдинлаштириш лозим.

6.5. Дебиторлик ва кредиторлик қарзлари ҳолатининг таҳлили

Ҳисоблашиш ҳолати таҳлили хўжаликнинг дебиторлик ва кредиторлик қарзлари ҳақидаги маълумотлар билан характерланади. Дебиторлик ва кредиторлик қарзлари, ташкилотлар ва шахслар ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китоблар тугалланмаганлиги натижасида вужудга келади. Таҳлил жараёнида дебиторлик ва кредиторлик қарзлари суммала-

рини моддалар бўйича йил бошидаги ва йил охиридаги ҳолатига кўра таққослаб, улар қанчага кўпайганлиги ёки камайганлиги ҳақида хулоса чиқариш ва бунинг сабабини текшириш керак. Бу қарзлар миқдори оз даражада (минимал) бўлиб, йиғиндиси ўзаро тенг бўлса, хўжалик ҳолати анча яхши, молиявий ҳолати мустаҳкам ҳисобланади.

Дебиторлик қарзи кўпайиб кетганлиги аниқланганда қарздорлар рўйхатини кўриб чиқиш ва уларга қарзни ўзиш ҳақида эслатиб қўйиш, зарурат туғилган тақдирда эса ишни хўжалик судига ўтказиш зарур. Шу билан бирга ҳамма кредиторлар рўйхатини кўриб чиқиб, қарзларнинг ҳосил бўлиш сабабларини ва вақтини, айбдор шахсларни, ўз вақтида узилмаганлиги сабабларини аниқлаш керак. Хулоса ва таклифлар киритишда муддати ўтиб кетган дебиторлик қарзларини тугатиш тадбирларини ишлаб чиқиш зарур. Бундай таҳлилни баланс бўйича ҳар ойда ва ҳар чоракда ўтказиб туриш керак.

Шуни назарда тутиш жоизки, дебиторлик ва кредиторлик қарзлари суммасининг кўпайиб кетиши хўжалик ҳисобкитоби мустаҳкамланишига салбий таъсир кўрсатади. Дебиторлик ва кредиторлик қарзлари икки гуруҳга бўлинади. Биринчи гуруҳга меъёр доирасидаги дебиторлик ва кредторлик қарзлари, иккинчи гуруҳга меъёрдан ташқари дебиторлик ва кредиторлик қарзлари киради. Биринчи гуруҳга кирган дебиторлик ва кредиторлик қарзлари йил давомида қонуний равишда вужудга келса, иккинчи гуруҳдаги дебиторлик ва кредиторлик қарзлари қонунга хилоф равишда шаклланади. Ҳисоб—китоб тартибининг бузилиши, камомад бўйича дебиторлар, муддати ўтиб кетган дебиторлик қарзлари (ўтиб кетган тўловлар ва ҳоказо), ўғирлик натижасида пайдо бўлган қарзларга алоҳида эътибор бериш керак.

Бозор иқтисодиёти шароитида корхоналарга иқтисодий эркинлик берилиши туфайли кўпчилик корхоналар иш фаолиятини жадал суръатлар билан ривожлантириш учун тўғридан - тўғри хорижий фирма ва компаниялар билан алоқа қилмоқдалар. Лекин шуни эслатиб ўтиш керакки, ҳисоб-китоблар ўз вақтида амалга оширилмаганлиги боис кўпчилик саноат корхоналарида ва фирмаларда дебиторлик ва кредиторлик қарзлари миқдори йилдан - йилга ўсиб

бормоқда. Бу, ўз навбатида, корхонанинг молиявий ҳолатига салбий таъсир кўрсатади.

Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов дебиторлик ва кредиторлик қарзлари пайдо бўлиши устидан қатъий назорат ўрнатиш зарурлигини бир неча бор таъкидлади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 12 майдаги «Халқ хўжалигида ҳисоб-китобларни ўз вақтида ўтказиш учун корхоналар ва ташкилотларнинг жавобгарлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонига кўра, муддати 60 кундан ошган қарздорликни муддати ўтган дебиторлик ва кредиторлик қарзлари деб ҳисоблаш белгилаб қўйилган. Ўзбекистон Республикаси «Фуқаролик кодекс» нинг 150-моддасига кўра, қарздорлик бўйича умумий даъво муддати уч йилни ташкил қилади.

Дебиторлик ва кредиторлик қарзлари таҳлили:

· йил бошига ва охирига бўлган дебиторлик ва кредиторлик қарзларини аниқлаш;

· улар динамикасидаги бир йиллик ва қатор йиллар бўйича фарқни ҳисоблаб чиқиш;

· дебиторлик ва кредиторлик қарзлари таркибини аниқлаш;

- 2а-шакл - «Дебиторлик ва кредиторлик қарзлари тўғрисида маълумотнома» маълумотлари бўйича муддати ўтган дебиторлик қарзлари улушини, шунингдек, унинг республика ҳудудидан ташқарида-айрим давлатларда пайдо бўлишини аниқлаш;

- уларнинг пайдо бўлиш вақти ва сабабларини аниқлаш, ундириш ва тўлаш чораларини кўриш;

- дебиторлик ва кредиторлик қарзларини камайтириш бўйича аниқ тавсияларни ишлаб чиқиш керак.

Шу нуқтаи назардан дебиторлик ва кредиторлик қарзлари таҳлили жараёнида таҳлил қилинаётган субъект бўйича ушбу қарзларнинг умумий ҳажми, шу жумладан, дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг қанчаси республикадан ташқаридалигига, умумий дебиторлик ва кредиторлик қарзларидан қанчасининг тўлов муддати ўтган ва қанчасининг тўлов муддати ўтмаганлигига алоҳида эътибор берилиши лозим.

Таҳлил қилинаётган Тошкент ёғ - мой комбинатида дебиторлик ва кредиторлик қарзлари 67-жадвалда акс эттирилган ҳолда бўлган:

67-жадвал

Тошкент ёғ-мой комбинатида дебиторлик ва кредиторлик қарзлари ҳолатининг таҳлили

Кўрсаткичлар	Умумий қаралар	Шундан республика ташқарисида	Умумий қарзлардан муддати ўтгани	Шундан республика ташқарисида	Муддати ўтган қаралариинг улуши, %	
					умумий	республика ташқарисида
1	2	3	4	5	6 (4:2x100)	7 (5:3x100
1. Дебитор корхоналар						
1. Харидорлар ва буюртмачилар билан ҳисоб-китоблар	7064	-	-	-		-
2. Банк тўловлари	235730				15,4	-
3. Бюджет билан ҳисоб-китоблар	44026	-	36400	-	2,9	-
4.Бошқа дебиторлар	66218	-	1280 17445	-	26,3	
ЖАМИ	353080	—	55125		15,6	—
11. Кредитор корхоналар						
1. Мол етказиб берувчилар	119410	-	29780	-	24,9	-
2. Бюджет буйича қаралар	380347	-	62500	-	16,4	-
3. Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича қаралар	42783	-	-	-	-	-
4. Ижтимоий суғурта						
5. Бюджетдан ташқари тўловлар	44139	-	-	-	-	-
6. Уюшма корхоналарига қаралар	1293	-	-	-	-	-
7. Бошқа дебиторлар	20231	-	-	-	-	-
	113837	-	32890	-	28,8	-
ЖАМИ	722040		125170		17,3	-

Жадвалдаги маълумотларга кўра, дебиторлик ва кредиторлик қарзлари ҳолатини қуйидагича баҳолаш мумкин: Тошкент ёғ - мой комбинатида дебиторлик қарзлари ўтган

йили 406584 минг сўм бўлган бўлса, ҳисобот йилда 353080 минг сўмни ташкил этган ёки 53504 сўмга камайган. Жами дебиторлик қарзларидан 55125 минг сўми ёки 15,6 %и муддати ўтган дебиторлик қарзларидир.

Кредиторлик қарзлари ўтган йили 546086 минг сўмни, ҳисобот йилда эса 722040 минг сўмни ташкил этган ёки 178354 минг сўмга кўпайган. Жами кредиторлик қарзларидан 17,3 фоизи ёки 125170 минг сўмининг муддати ўтган.

Дебиторлик ва кредиторлик қарзларнинг кўпайиши нафақат шу корхона молиявий аҳволига, балки бутун республика иқтисодиётига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Шу боис корхона маъмурияти муддати ўтган ҳар бир дебиторлик ва кредиторлик қарзининг пайдо бўлиш сабабларини, уларни қайтариш имкониятларини аниқлаш, бундай қарзларни камайтириш юзасидан аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқиши зарур.

6.6. Айланма маблағлардан фойдаланишнинг самарадорлик даражасини таҳлил қилиш ва баҳолаш

Доирадаги маблағлар айланиб туришини таъминлаш корхона маблағлари ишлатилиш самарадорлигининг муҳим иқтисодий кўрсаткичларидан биридир. Доирадаги маблағлар айланиб туришини тезлаштириш уларнинг хўжалик доирасидан бўшаб, келгуси ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун сарфланишига олиб келади, сусайиши эса товарларни сотиш учун қўшимча айланма маблағларга эҳтиёж туғдиради, молиявий қийинчиликлар содир бўлишига сабаб бўлади. Айланма маблағларнинг кун ҳисобидаги айланувчанлиги энг кўп тарқалган кўрсаткич бўлиб, бу турли даврлар билан таққосланадиган натижаларнинг жуда яққоллиги ва яхши таққосланишига асосланади. Ҳақиқий айланувчанлик корхонанинг бутун айланма маблағлари бўйича ҳам, айрим турлари бўйича ҳам аниқланиши мумкин.

Маблағларнинг таҳлил қилинаётган даврдаги айланувчанлик кўрсаткичлари ўтган даврдаги айланувчанлик кўрсаткичлари билан таққослаш натижасида айланма маблағлар айланувчанлиги тезлашганлиги ёки секинлашганлиги аниқланади. Бу эса, уларга бўлган эҳтиёж ўзгаришига олиб келади. Корхонинг айланма маблағларга бўлган эҳтиёжи айланувчанлик тезлашганда камаяди, бундай маблағларнинг маълум қисми

бўшайди, аксинча, айланувчанлик секинлашганда ошади, доирага қўшимча маблағларни жалб этиш зарурати туғилади.

Бўшаган ёки жалб қилинадиган маблағлар миқдорини аниқлаш учун ҳисобот ва базис даврлардаги кунлар бўйича айланувчанлик ўртасидаги фарқни ҳисобот давридаги бир кунлик товар айланишига кўпайтириш зарур. Бундан ташқари, таҳлил жараёнида айланма коэффициенти аниқланади. Бу кўрсаткич айланма суммасининг айланма маблағлар ўртача қолдиғига нисбатига асосан аниқланади. У қанча юқори бўлса, маблағларнинг айланиш самарадорлиги шунчалик ошади.

Бир айланманинг давом этиш муддати ҳисобот давридаги кунлар сонини (агар йил 365 кун бўлса) айланма коэффициентига бўлиш йўли билан аниқланади. Бунда бир айланмадаги кунлар сони қанчалик кам бўлса, хўжаликнинг айланма маблағлардан фойдаланиши шунча самарали бўлади. Айланма маблағларнинг мустаҳкамлик коэффициенти уларнинг ўртача йиллик қолдиғини маҳсулот ҳажмига бўлиш йўли билан аниқланади. Бу коэффициент қанчалик паст бўлса, маблағларни ишлатиш самарадорлиги шунчалик юқори бўлади.

Таҳлил қилинаётган саноат корхонасида айланма маблағларнинг айланишини таҳлил қилиш учун 68-жадвалдаги шаклдан фойдаланамиз.

68-жадвал

Айланма маблағлар айланишининг таҳлили

Кўрсаткичлар	Ўтган йили	Ҳисобот йили	Ўзгариши (+), (-)
1	2	3	4
1. Сотишдан олинган соф тушум, минг сўм	6542485	8672772	+2130287
2. Айланма маблағларнинг ўртача йиллик қиймати, минг сўм.	1396763	1767829	+371066
3. Айланма маблағларининг мустаҳкамланиш коэффициенти (2:1)	0,21	0,20	-0,01
4.Айланиб туриш коэффициенти (1:2)	4,68	4,90	+ 0,22
5. Бир маротаба айланишнинг кунлар ҳисобидаги давомийлиги	77,9	74,4	-3,3
6. Сотишдан олинган бир кунлик тушум, минг сўм	-	23761,0	-
7. Айланма маблағларнинг айланиши тезлашиши натижасида бўшаб чиқиши (-), секинлашиши натижасида жалб қилиниши(+)	-	-	78411.3

Жадвалдаги маълумотлардан кўриниб турибдики, таҳлил қилинаётган корхонада айланма маблағлар айланувчанлиги ўтган йилдагига нисбатан 3,3 кунга тезлашган, корхонада сотишдан олинган бир кунлик тушум ҳисобот йилида 23761 минг сўмни (8672772 : 365) ташкил этган. Бу эса, айланма маблағлар айланиши тезлашиши натижасида айланмадан 78411,3 минг сўм (—3,3 х 23761) бўшашига олиб келди. Айланма маблағлар айланиши тезлашишига асосан сотишдан олинган соф тушум ўтган йилдагига нисбатан кўпайиши ижобий таъсир кўрсатган.

Қисқача хулосалар

Корхона ва ташкилотларнинг молиявий барқарорлигини таъминлашда айланма маблағлардан самарали фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Айланма маблағларни ишлаб чиқаришда қатнашишини ҳисобга олиб, илмий ва амалий жиҳатдан туркумлаштириш мақсадга мувофиқдир.

Корхона ўз маблағлари билан таъминланишини ва улардан фойдаланишнинг самарадорлик даражасини аниқлашда тегишли кўрсаткичлар тизимидан фойдаланиш керак. Чунки айланма маблағлари қанчалик тез айланса, маълум миқдордаги қисми айланмадан бўшашига, секинлашиши эса айланма маблағлар жалб қилинишига олиб келади.

Корхонадаги айланма маблағлар миқдори ишлаб чиқариладиган маҳсулот ҳажми билан боғлиқ бўлиши зарур. Акс ҳолда айланма маблағларни меъёрдан кўпайиб ёки камайиб кетиши, бу эса молиявий қийинчиликларга олиб келиши мумкин.

Корхонани молиявий барқарорлигини таъминлаш учун жорий қувватлилик кўрсаткичлари коэффициенти 1—2 ўртасида бўлиши керак. Агар бу коэффициент 1 дан паст бўлса, корхона инқирозга учраши ёки турдош корхоналар билан бирлаштирилиши табиий.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Корхонанинг молиявий аҳволини таҳлил қилишда таҳлил қандай аҳамиятга эга ва қандай вазифаларни бажаради?

2. Корхонанинг молиявий барқарорлиги таҳлили қай тартибда ўтказилади.

3. Молиявий барқарорлик қандай кўрсаткичлар орқали аниқланади?

4. Мустақиллик коэффициенти нима?

5. Молиявий барқарорлик коэффициенти нималарни кўзда тутади?

6. Молиявий қарамлик коэффициенти ҳақида тўхталиб ўтинг.

7. Ўз сармоясининг ҳаракатчанлик коэффициенти нималарга асосланади?

8. Жалб қилинган сармоянинг тўпланиш коэффициенти-чи?

9. Жалб қилинган сармоя ва ўз сармояси коэффициентлари хусусида сўзлаб беринг.

10. Корхонанинг ўз маблағлари билан таъминланиши таҳлили қандай ўтказилади?

11. Баланс активи таҳлили-чи?

12. Баланс пассиви таҳлилида нималарга эътибор берилади?

13. Корхонанинг тўлов қобилияти таҳлилида-чи?

14. Банк кредитларидан фойдаланиш таҳлилидан мақсад нима?

15. Дебиторлик ва кредиторлик қарзлари ҳолатининг таҳлили нималарга асосланади?

16. Айланма маблағлардан фойдаланишнинг самарадорлик даражаси таҳлили-чи?

Асосий адабиётлар

1. Бочаров В.В. «Финансовый анализ». Учебное пособие. –М., Нижний Новгород: «ПИТЕР», 2003.

2. Волжин И.О., Ергашбоев В.В. «Молиявий таҳлил». Услубий қўлланма. –Т., «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси», 1998.

3. Ергешев Е.Е. «Иқтисодий ва молиявий таҳлил». Дарслик. –Т., «Молия», 2000.

4. Ергешев Е.Е. «Молиявий таҳлил» Ўқув-услубий қўлланма. –Т., ТДИУ, 2003.

5. Исроилов Б.И., Пардаев М.К. «Молиявий таҳлил». –Т., 1999.

6. Кондраков Н.П. «Основы финансового анализа». М., ГЛАВ бух, 1998.

7. Хисанов Н. «Корхона молиявий ҳолатини баҳолаш». Муомалалар ва уларни ҳал қилиш. –Т., «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси», 1999.

8. Шатецкий В.В. «Финансовый анализ в аудите». Теория и практика: Учебное пособие. –М., «Дело», 2001.

VII БОБ. САВДО ВА УМУМИЙ ОВҚАТЛАНИШ КОРХОНАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШДА ИҚТИСОДИЙ - МАТЕМАТИК УСУЛЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

7.1. Чизиқли дастурлашнинг асосий элементи — симплекс усули

Кейинги йилларда яратилган математик усуллар ёрдамида хўжалик фаолиятини режалаштириш ва бошқариш билан боғлиқ бўлган иқтисодий масалаларни ечиш амалда кенг қўлланилмоқда. Бундай мураккаб масалаларни ҳал этишда амалий математиканинг муҳим қисмларидан бири — чизиқли дастурлаш усуллари асосий ўринни эгалламоқда.

Чизиқли дастурлаш масалаларини ечишда асосан ҳал этилган симплекс усул, иккиламчи симплекс усул, модификацияланган симплекс усул, транспорт масалаларини ечиш ва чизиқли бўлмаган дастурлаш усуллари учун махсус алгоритмлар мавжуд. Улардан фойдаланишни замонавий компьютерларсиз тасаввур этиб бўлмайди, албатта. Масала ечимига кўра, бу алгоритмларни қўллаш ЭҲМ турларига боғлиқ. Унча қийин бўлмаган масалаларни ва тескари матрицаларни симплекс усулининг тўғри алгоритми билан ечиш биринчи авлод ЭҲМ лари ёрдамида бажарилади. Мақбул режани ҳисоблашда модификацияланган мультипликатив алгоритмлар ЭҲМ ёрдамида ечилади.

Катта ўлчамдаги чизиқли дастурлаш масалаларини ечишда модификацияланган симплекс усулидан фойдаланилади. Хозирги вақтда мазкур масалаларни ечиш махсус компьютерлар ёрдамида тез ва ихчам ҳал қилинмоқда (бу ерда минглаб чекланишлар ва бир нечта ўнг минглаб ўзгарувчилар мавжуд бўлиши мумкин). Чизиқли дастурлаш масалаларини ечишда энг кўп қўлланиладиган усул симплекс усулидир.

Симплекс усулининг алгоритми:

а) Масаланинг қўйилиши

Ушбу

$$z = c_1x_1 + c_2 x_2 +... + c_n x_n \qquad (1)$$

мақсад функциясининг максимум қиймати (m n)

$a_{i1} x_1 + a_{i2} k_2 + ... + a_{in} x_n \leq a_i$

ёки

$y_i = - a_{i1} x_1 - a_{i2} x_2 - ... - a_{in} x_n + a_i \geq 0$ (2)

Бу ерда: $x_1 \geq 0$, $x_2 \geq 0$,...$x_n \geq 0$ (3)

шартларда топилсин. Бошқача қилиб айтганда,

(2) системадаги xi(i = 1,n) номаълумларнинг шундай манфиймас қийматларини топиш керакки, натижада (1) мақсад функцияси ўзининг энг катта қийматига эга бўлсин. Симплекс усули тўғрисида айрим мулоҳазалар юқорида айтиб ўтилган. Шунинг учун тўғридан - тўғри масаланинг таянч ва мақбул ечимини топиш ғоясини тушунтирамиз.

б) Масаланинг таянч ечимини топишда симплекс усули (2) тизим ва (1) максад функциясини 69-жадвалга жойлаштирамиз:

69-жадвал

Симплекс усулининг (2) тизим ва (1) мақсад функцияси

	$-X_1$	$-X_2$	.....	X_n	1
$У_1$	a_{11}	a_{12}	.....	a_{1n}	a_1
$У_2$	a_{21}	a_{22}	.....	a_{2n}	a_2
.....	.....	.....	.....	.....	.....
$У_m$	a_{m1}	a_{m2}	.....	a_{mn}	a_m
Z	$-c_1$	$-c_2$	.....	$-c_n$	0

Агар тизим матрицасининг ранги г қ n бўлса, у вақтда Жорданнинг модификацияланган чиқариш усулини n—марта қўллаб, қуйидаги жадвалга эга бўламиз (бунда m>n):

70-жадвал

	$-У_1$	$-У_2$	.....	$-У_n$	1
X_1 X_2 X_n	b_{11} b_{21} b_{n1}	b_{12} b_{22} b_{n2}	....	b_{1n} b_{2n} b_{nn}	b_1 b_2 b_n
$У_{n+1}$= .... $У_m$=	b_{n+1}; 1 .... b_{m1}	b_{n+1} 2 .... b_{m2}	....	b_{n+1}; n .... b_{mn}	b_{n+1} .... b_m
z	q_1	q_2	.....	q_n	Q

Бу ерда ҳал қилувчи элеменг сифатида нолдан ташқари исталган сонни олиш мумкин. 70-жадвалдан номаълум (X_1, X_2...X_n)ларнинг қийматларни ёзиб оламиз.

$X_1 = - b_{11y1} - b_{12y2} - ... - b_{1n} У_n + b_1$;

$X_1 = - b_{n1y1} - b_{a2y2} - ... - b_{nnyn} + b_n$;

70- жадвалнинг иккинчи қисмидан 71-жадвални ҳосил қиламиз:

71-жадвал

	- У1	- У2		-Уп	1
$У_n$ +1=	Ьп +1;1	bn+l; 2	.....	bn+1;n	bn+l
.....	.....	.....	.....	.....	.....
.....	.....	.....	.....	.....	.....
$У_m$	b_{m1}	b_{m2}	.....	bmn	bm
Z	q_1	q_2	.....	q_n	Q

Бу жадвалда ($У_1 \geq 0$, $У_2 \geq 0$,..,Уп≥ 0) шартлар бажарилса,

Z= - $q_1У_1 - q_2У_2$ - ..~ $q_nУ_1$ +Q (1)

Мақсад функциясининг максимум қиймати:

Уі = - Ьіl У2 - ... – Ьіп Уп Ьі 0

(i = n+1, n+2,.., m) (2)

$У_1 \geq 0_i$ $У_2 \geq 0$; $У_n \geq 0$(3)

шартларда топилишини кўриб ўтайлик. Бу ерда қуйидаги икки ҳолни текширамиз:

1) Ҳамма озод ҳадлар мусбат бўлсин.

Агар Ьп + 1$\geq$0; $Ь_{n+2} \geq 0$; $Ь_n \geq 0$, $У_1$ =0; $У_2$ 0;..

$У_n = 0, У_{n+1} = Ь_{nK1}$; $У_{n+2} = Ь_{n+2}$;... $У_m Ь_m$

бўлса, у вақтда мақсад функцияси Z_{max} = Q бўлади.

2) Озод ҳадлар устунидаги сонлардан биттаси ёки бир нечтаси манфий ишорали сон бўлса, у вақтда қўйилган масаланинг таянч ечимини қуйидагича излаймиз: шу озод ҳадлар устунида манфий сонларнинг исталганини ($Ь_i$ i = 1,2..m) оламиз. Агар шу манфий сон қатнашган ($У_i$ i = n 1,1.m) қатордаги номаълумларнинг коэффициентлари ($Ь_i$, i = n + 1,1.. m) мусбат ишорали бўлса, у вақтда қўйилган масала ечимга эга бўлмайди. Акс ҳолда шу номаълумларнинг ($Ь_i$,i=n+1; 1; n+1; 2 +..+m) коэффициентларидан ҳеч бўлмаганда биттаси манфий ишорали бўлса, у вақтда шу манфий ишорали сонни вақтинча ҳал қилувчи элемент деб оламиз. Бу элемент турган устун бош устун бўлади.

Бош қаторни топиш учун озод ҳадлар устунидаги ҳамма сонларни бош устундаги мос келган сонларга (агар уларнинг ишоралари бир хил бўлса) бўламиз. Бўлинган сонларда эиг кичиги қатнашган қатор бош қатор (агар бундай сонлар бир нечта бўлса), улардан исталган бири олинади, деб танлаймиз. Бош қатор ва бош устуннинг кесилган жойидаги сон ҳал қилувчи элемент деб олинади. Натижада Жорданинг модификацияланган чиқариш усулини қўллаб, янги жадвалларни тўлдирамиз. Бу жараён озод ҳадлар устунидаги сонлариинг ҳаммаси мусбат бўлгунча давом этади, акс ҳолда эса юқоридаги жараён такрорланаверади.

7.2. Математик дастурлашнинг муқобил мезони ва унинг турлари

Ечилаётган экстремал масалалар математик дастурлашнинг қайси соҳаларида қурилаётган бўлмасин, унда мақсад функцияси ёки муқобиллик мезонининг қай тартибда қўйилиши муҳим аҳамиятга эга. Агар кўрилаётган масала халқ ҳужалигининг тармоқ ёки корхоналари учун ечилса, унинг муқобиллик мезонини тузиш яна ҳам аҳамиятлидир.

Муқобиллик мезони масала ечимининг мақсадига олиб келувчи кўрсаткич бўлиб, ҳар хил кўринишларда берилиши мумкин. Муқобиллик мезони бутун халқ хўжалигининг тармоқ ва корхоналарига нисбатан қўйиладиган мақсад функцияси эса ажратилган мезон дейилади ва умумий мезонни амалга ошириш учун хизмат қилади.

Тармоқ ва корхоналар фаолиятини режалаштиришда ечиладиган масалаларнинг муқобиллик мезони қай тартибда қўйилишининг айрим ҳолатларини кўриб ўтайлик.

Тармоқ ёки корхоналар ишлаб чиқариши билан боғлиқ бўлган масала кўрилаётган бўлса, муқобиллик мезони сифатида максимал фойда (рентабеллик) ёки минимал (сарфланган) харажатлар олиниши мумкин.

Қуйидагича масала берилган бўлсин: бирор корхонада 300 минг тонна маҳсулот ишлаб чиқарилади. Бу ҳажмдаги маҳсулотни тўрт хил вариантда $X - (X_1, X_2, X_3, X_4)$ ишлаб чиқиш мумкин. Бир тонна маҳсулотнинг таннархи мос равишда $c = c_1, c_2, c_3, c_4 = (90, 96, 102, 105)$ ва ажратилган

капитал қўйилмалар эса X_1 = (R_1, R_2, R_3, R_4,) = (130,30,60,50) бирликда, жами маҳсулот ишлаб чиқаришга ажратилган капитал маблағ 25 млн. сўм бўлсин. Масаланинг математик модели минимал таннархга кўра, қуйидагича бўлади:

1) Оптималлик мезони (мақсад функцияси):

$$Z = 90x_1 + 96x_2 + 102x_3 + 105x_4 \min$$

2) Жами маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми:

$$X_1 + X_2 + X_3 + X_4 \; 300000$$

3) Капитал қўйилмалар бўйича:

$$130x_1 + 90x_2 + 60x_3 + 50x_4 \; 25000000$$

4) Ўзгарувчиларнинг манфий бўлмаслик шарти:

$$X_1 \geq 0;\ X_2 \geq 0;\ X_3 \geq 0;\ X_4 \geq 0$$

Умумий ҳолда эса уларни:

$$Z = \sum_{i=1}^{m} ci \cdot xi \to \min \quad (1)$$

$$\sum_{i=1}^{m} xi \geq B, \quad (2)$$

$$\sum_{i=1}^{k} Ri \cdot xi \leq R1 \quad (3)$$

$$xi \geq 0 (i = 1, m) \quad (4)$$

кўринишда ёзиш мумкин.

Маълумки, ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва режалаштиришда мавжуд бўлган ресурслар (хом ашё, капитал қўйилмалар, ишчи кучи, ишлаб чиқариш қувватлари ва

ҳоказолар) чегараланган. Бу эса, ресурслардан янада самарали фойдаланишни тақозо этади. Шунинг учун айрим ҳолларда муқобиллик мезон сифатида, яъни (1) формулада таннарх ўрнига ci = Si + ERi ифода олинади. Бу ерда: ci – ишлаб чиқариш харажатлари; E – капитал қўйилмаларнинг самарадорлик коэффициенти (бу коэффициент бутун халқ хўжалигига нисбатан қаралса, 0,2 га тенг, айрим олинган тармоқларда ҳар хил бўлиши мумкин); R – капитал қўйилмалар.

Ишлаб чиқаришни ташкил этишда транспортнинг ўрни ҳам беқиёс. Агар транспорт харажатлари ҳам мос равишда ҳисобга олинса, муқобиллик мезонининг кўриниши қуйидагича бўлади:

$$Z = \Sigma (Si + ER + tij)\ xi \rightarrow \min \qquad (5)$$

Ишлаб чиқаришни ташкил этишда фақат капитал қўйилмаларгина чегараланмай, ер, табиий ресурслар, камёб материаллар, ишчиларнинг айрим тоифалари ва ҳоказолар ҳам чегараланган бўлиши мумкин. Шунинг учун c = S + ER формула қуйидагича бўлади:

$$di = cj + \Sigma Ri + \Sigma n \cdot Sij + \Sigma Ге + Lij + \Sigma un \cdot Qnj + Tj \qquad (6)$$

Бу ерда: d – маҳсулот бирлигига кўра, дифференциал харажат;

c – таннарх; R – капитал қўйилмалар; Г – табиий ресурслар (ер, сув ва ҳ.к.)дан фойдаланиш меъёри;

Г – табиий ресурсларнинг тўлов меъёри;

t – ишчи тоифаларига кўра, сарфланадиган меҳнат меъёри;

Г – ишчи гуруҳларига кўра, меҳнат баҳоси;

Q – материалларни ишлатиш меъёри;

u – камёб материалларни ишлатиш меъёри;

T – транспорт харажатлари.

Юқорида кўриб ўтилган муқобиллик мезонларидан ташқари максимал келтирилган фойда (S қ маҳсулотнинг муқобил баҳоси; - дифференциал харажатлар), тармоқлараро мезон ва бутун халқ хўжалигига нисбатан мезонни таққослаш сифатида

$$Wp = (S(_x) - \alpha(x)\ Qx \qquad (7)$$

кўринишидаги муқобил мезонини ҳам олиш, ҳамма тармоқлар халқ хўжалигига нисбатан қаралса, муқобиллик мезони вектор сифатида ҳам берилиши мумкин.

Кўриниб турибдики, режалаштириш ва бошқариш масалаларини математик моделлар ва ЭҲМни қўллаб ҳал этишда муқобиллик мезонини танлаш муҳим аҳамиятга эга.

1-м а с а л а. Бир корхона икки ҳил маҳсулот ишлаб чиқариш учун тўрт хил хом ашёдан фойдаланади. Корхона маҳсулот ишлаб чиқариши учун талаб қилинган хом ашё бирликлари 72 - жадвалда келтирилган.

72-жадвал

Корхона маҳсулот ишлаб чиқариши учун талаб қилинган хом ашё бирликлари

Хом ашёдан тайёрланадиган буюмлар гуруҳи	Маҳсулот ишлаб чиқариш учун зарур бўлган бирликлар		Ишлаб чиқариладиган буюмлар сони
	1- маҳсулот	2- маҳсулот	
A	2	2	12
B	1	2	8
C	4	0	16
D	0	4	12
Ишлаб чиқарилган бир дона буюм ҳисобига олинадиган даромад (минг сўм ҳисобида)			

Талаб қилинган маҳсулотнинг ишлаб чиқарилишини шундай ташкил қилиш керакки, у корхонага энг кўп даромад келтирсин.

Берилган масалани чизиқли дастурлашнинг чизма усули бўйича ечиш учун биринчи хил маҳсулотни ишлаб чиқариш учун зарур хом ашёни x1, иккинчи хил маҳсулотни ишлаб чиқариш учун талаб қилинган хом ашёни эса x2 билан белгилаймиз. У вақтда юқоридаги жадвал маълумотлари асосида қуйидаги чизиқли тенгсизликлар тизимини тузамиз:

$$2x_2+2x_2 \le 12$$
$$x_1+2x_2 \le 8$$
$$4x_1 \le 16,$$
$$4x_2 \le 12 \qquad (1)$$

Бу тизимдаги номаълумлар қийматининг номанфий бўлмаслик шарти қуйидагича:

$$x_1 \ge 0,\ x_2 \ge 0 \qquad (2)$$

Ишлаб чиқарилган биринчи хил маҳсулотнинг бир донасидан 2 минг сўм, иккинчи хил маҳсулотнинг бир донасидан 3 минг сўм даромад олинса, 69-жадвалнинг охирги қатор кўрсаткичи бўйича қуйидаги чизиқли функцияни тузамиз:

$$Z=2x_1+3x_2 \rightarrow \max \qquad (3)$$

Тузилган (1), (2), (3) шартлар қўйилган масаланинг математик ифодасидир. (1) чизиқли тенгсизликлар тизимидан номаълумларнинг шундай қийматларини топиш керакки, натижада (3) чизиқли функция максимум қийматига эга бўлсин.

Масаланинг чизма ечими 1-расмдаги АВСДЕ кўпбурчакда тасвирланиши керак. Бунинг учун чизиқли тенгсизликлар тизимини тенгламалар тизимига айлантириш талаб этилади, чунки тенгсизликлар тизими кўринишида унинг чизмасини чизиб бўлмайди. Шунинг учун тенгсизликлар тизимини қуйидаги тенгламалар тизимига келтирамиз:

$$2x_1+2x_2 = 12$$
$$x_1+2x_2 = 8$$
$$4x_1 = 16$$
$$4x_2 = 16 \qquad x_1 = 0$$
$$x_2 = 0$$

Тўрт бурчакли координатлар тизимида (4) нинг чизмасини чизамиз. Бунинг учун (4) тизимидаги ҳар бир тенгламани айрим-айрим олиб, уларнинг чизмасини x_1 0 x_2 текислигида ҳосил қиламиз. Тенгламалар тизимининг чизмаси 6-чизмада кўрсатилган.

6-чизма. Мақбул ечим ОАВСДЕ кўпбурчак нуқталардан бирида бўлади.

Ҳосил бўлган бу фигурадан масаланинг мақбул ечимини излаймиз. Масаланинг мақбул ечими OABCДE кўпбурчак (1-расм) нуқталаридан бирида бўлиши керак.

Шунинг учун OABCДE кўпбурчакда учларнинг координаталарини топамиз. Чизмадан кўриниб турибдики, O ва A нуқталарнинг координаталари 0(0: 0): A(0: 3): ларга тенг бўлади. Энди C нуқтанинг координаталарини топамиз. Бунинг учун (1) ва (4) тенгламалар тизимини биргаликда ечамиз:

$2x_1 + 2X_2=12$

$4X_2 = 12$

Натижада:

$$x_1 = \frac{\begin{bmatrix} 12 & 2 \\ 12 & 4 \end{bmatrix}}{\begin{bmatrix} 2 & 2 \\ 0 & 4 \end{bmatrix}} = \frac{48-4}{8-0} = \frac{24}{8} 3; x_1 = 3$$

$$x_2 = \frac{\begin{matrix} 12 & 12 \\ 0 & 12 \end{matrix}}{8} = \frac{24-0}{8} = \frac{24-0}{8} = 3; x_2 = 3$$

$$x_1=3;\ x_2=3$$

Демак, кўпбурчакдаги C нуқтанинг координаталари: C(3: 3). Шунингдек, D нуқтанинг координаталари xc=4: x_2= 2 бўлиб, D (4; 2) га, E нуқтанинг координаталари эса x_1=6; x_2 = 0, E (6; 0) га ва F нуқтанинг координаталари F (8; 0) га тенг:

Кўпбурчакда топилган.

7-чизма. Функциянинг йўналиши MN тўғри чизиқ кўринишида

8-чизма. Функция қиймати максимуми BC томонининг ҳамма нуқталарида ётади

2-масала. Инсон ўз соғлиғи ва иш қобилиятини йўқотмаслиги учун бир суткада 4 бирликдан кам бўлмаган B_1, 6 бирликдан кам бўлмаган B_2, 9 бирликдан кам бўлмаган B_3 ва 6 бирликдан кам бўлмаган B_4 озуқа моддаларига эга, таомни истеъмол қилиши керак.

Танланган таомлар жуда арзонлигига эътибор бериш билан бирга инсоннинг иш қобилияти ва саломатлигини тўла сақлаб қолиши учун ошхонада мавжуд бўлган икки хил таомнинг қайси биридан қанча бирликдан истеъмол қилиш кераклиги аниқланиши зарур.

73-жадвал

Ошхонада мавжуд бўлган таомлар

Биринчи хил таомнинг бир порцияси нархи 30 сўм. Унинг таркибида қуйидаги миқдорларда тўйимли моддалар мавжуд		Иккинчи хил таомнинг бир порцияси нархи 20 сўм бўлиб, унинг таркибида қуйида миқдорларда тўйимли моддалар мавжуд	
B_1	2	B_1	1
B_2	0	B_2	3
B_3	1	B_3	3
B_4	3	B_4	2

Танланган таомлар жуда арзонлигига эътибор бериш билан бирга инсоннинг иш қобилияти ва саломатлигини тўла сақлаб қолиши учун ошхонада мавжуд бўлган икки хил таомнинг (73-жадвал) қайси биридан қанча бирликда истеъмол қилиш кераклиги аниқланиши зарур.

Инсон овқатланишни шундай ташкил этиши керакки, унга бир суткалик истеъмол учун керак бўлган таомнинг нархи энг арзон бўлсин, организм эса талаб қилинган моддалар билан сутка давомида тўла таъминлансин. Бу масалани ечишга киришишдан олдин 69-жадвал маълумотларига асосланиб, масала шартини ўзида тўла акс эттира оладиган 74-жадвални тузамиз.

74-жадвал

Инсон организми учун талаб қилинадиган тўйимли моддалар	Бир порция таомдаги моддалар миқдори		Инсоннинг суткалик овқатланиш меъёри
B_1	2	1	4
B_2	0	3	6
B_3	1	3	9
B_4	3	2	6
Бир порция таомнинг нархи (сўм)	30	20	

Юқоридаги шартларга асосан инсон бир суткада истеъмол қилиши зарур бўлган моддаларни ўзида тўла сақлаган таомлардан қанча порция олиш кераклигини аниқлаш лозим. Бунинг учун инсон биринчи таомдан X_1 порция, иккинчи таомдан эса X_2 порция олиб истеъмол қилади, деб фараз этсак, у ҳолда 70-жадвал кўрсаткичлари бўйича:

$$2x_1+x_2\geq 4,$$
$$3x_1\geq 6,$$
$$x_1+3x_2\geq 9,$$
$$3x_1+2x_2\geq 6\ , \qquad (1)$$

Тенгсизликлар тизимини ва шу тизимдаги номаълумларнинг

$$X_1\geq 0, \qquad (2)$$
$$X_2\geq 0,$$

манфий бўлмаслик шарти асосида

$$Z= 30x_1 + 20x_2 \quad (3)$$

мақсад функциясини тузамиз.

1) тенгсизликлар тизимидаги номаълумларнинг шундай қийматларини топиш керакки, натижада (3) функция энг кичик қийматига эришсин.

Бунинг учун тузилган тенгсизликлар тизимини тенгликларга айлантириб, юқоридаги масалага ўхшаш қуйидаги кўпбурчакни ҳосил қиламиз.

ABC кесма учларнинг координаталари қуйидагича (9-чизма).

9-чизма. Функциянинг A,B,C нуқталар учун аниқланади.

A (3; 2), B $\left(\frac{3}{4}:\frac{4}{5}\right)$ C (0;4)

Шунинг учун Z функциянинг қийматини A,B ва C нуқталар учун аниқлаймиз.

$$Z_A = 30 \cdot 3 + 20 \cdot 2 = 130 \text{ сўм}$$

$$Z_A = 30 \cdot \frac{3}{4} + 20 \cdot \frac{4}{5} = 74 \text{ сўм}$$

$$Z_c = 0 + 20 \cdot 4 = 80 \text{ сўм}$$

Демак, биз излаган ечим 74 сўмга тенг. Шундай қилиб, организми талаб қиладиган моддаларни ўзида тўплаши учун инсон бир суткада биринчи таомдан 0,6 порция, иккинчи таомдан 2,8 порция истеъмол қилиши зарур.

7.3. Транспорт масаласининг қўйилиши ва унинг математик модели

Транспорт масаласи ҳар хил ҳолларда қўйилиши мумкин. Айтайлик, m-та ($A_1, A_2, ... A_m$) жўнатиш жойида мос равишда (a_1, $a_2, ... a_a$) миқдордаги бир хил юклар мавжуд бўлсин. Шу юкларни n-та, (B_1, $B_2, ... B_в$) та қабул қилиш жойларига мос равишда ($в_1, в_2, ... в_в$) миқдорда тақсимлаш зарур. Агар бир і жойдан і жойга жўнатилаётган юкларнинг миқдорини хіj ва шу ташилаётган юкларга сарфланган харажатлар миқдорини сіj билан белгиласак, у вақтда:

$$Z = \sum_{i=1}^{m} \sum_{j=1}^{n} c_{ij} x_{ij} \qquad (1)$$

функциянинг максимум ёки минимум қийматларига қуйидаги шартларда эришилсин:

1. $X_{11} + X_{12} + ... + X_{1n} = a_1$,
   $X_{21} + X_{22} + ... + X_{2n} = a_2$,
   $X_{m1} + X_{m2} + ... + X_{mn} = a_{in}$

Бу ерда жўнатиш жойларидан тақсимланаётган юклар, умумий юк заҳиралари (a_1, $a_2, ... a_m$) га тенг бўлиши керак.

2. $X_{11} + X_{21} + ... + X_{m1} = b_1$,

   $X_{12} + X_{22} + ... + X_{m2} = b_2$,

   $X_{1n} + Z_{2n} + ... + X_{mn} = b_n$

Тақсимланаётган юклар талаб қилинадиган $b_1, b_2, \ldots, b_n$ юк миқдорларига тенг бўлиши керак.

$X_{ij} \geq 0$ ($i = 1,2 \ldots m$: $j = 12 \ldots n$) номаълумларнинг манфий бўлмаслик шарти.

Келтирилган ҳамма маълумотларни 75-жадвал кўринишида ёзамиз.

75-жадвал

Жўнатиш жойлари	Қабул қилиш жойлари				Юк заҳираси
	B_1	B2	....	Bn	
A_1	c_{11} x_{11}	c_{12} x_{12}	....	c_{1n} x_{1n}	a_1
A_2	C_{21} x_{21}	C_{22} X_{22}		C_{2n} X_{2n}	a_2
. . .	. . .	. . .	. . .	. . .	. . .
A_m	c_{m1} x_{m1}	c_{m2} X_{m2}	....	c_{mn} X_{mn}	a_m
Юкка бўлган талаб	b_1	b_2	....	b_n	

Агар умумий юк заҳиралари

$$a_1 + a_2 + \ldots + a_m = \sum_{i=1}^{m} \cdot a_i$$

қабул қилиш нуқталаридаги юк заҳираларига тенг бўлса:

$$b_1 + b_2 + \ldots + b_n \sum_{j=1}^{n} \quad \text{агарда} \sum_{i=1}^{m} a_i \sum_{j=1}^{n} b_j \text{ бўлса,}$$

у вақтда бундай кўринишдаги масала ёпиқ транспорт масаласи дейилади. Акс ҳолда қуйидаги ҳолатлар юз беради:

$$1. \sum_{i=1}^{m} a_i > \sum_{j=1}^{n} b_j \quad 2. \sum_{i=1}^{m} a_i < \sum_{j=1}^{n} b_j$$

Бу кўринишдаги масалаларга очиқ транспорт масаласи дейилади.

7.4. Транспорт масаласини ечишда потенциал (эркин ўзгарувчилар) ва тақсимлаш усулларини қўллаш, ечимни таҳлил қилиш

Потенциал усули. Транспорт масаласи 75-жадвал шаклида берилган бўлиб, у ёпиқ транспорт масаласи, яъни $\sum_{i=1}^{m} a_i = \sum_{j=1}^{n} bj$ бўлсин.

Масала шартида келтирилган ҳамма маълумотлар 79-жадвалда ифода этилгандек тўлдирилади. Бу жадвалдаги катакчаларнинг пастки чап бурчакларига юк миқдорлари x_{ij} ни, юқоридаги ўнг бурчакларига юкларни ўтказишга кетган ҳаракат баҳолари c_{ij} ни ёзамиз. Юк тақсимлашни масаланинг берилган шартларига қараб (агар у минимум қийматни талаб этса), энг кичик тарифдан ёки энг катта тарифдан (у максимум қийматни топишни талаб этса) бошлаймиз.

Қаерда юк тақсимлангани қайд этилган бўлса, шу катакчаларни тўлдирилган ёки юк тақсимланган катакчалар дейилади. Юк тақсимланган катакчалар учун масаланинг бошлингич режаси, яъни аниқлик режаси топилади. Бунинг учун $v_j - u_i = c_{ij}$ шарти бажарилиши керак.

Тўлдирилмаган ёки тақсимланган катакларга бўш катакчалар дейилади. Бу катакчалардан масаланинг мақбул ечими, яъни кетма-кет такрорланувчи жараён режаси топилади.

Агарда $v_j - u_i \geq c_{ij}$ бўлса, масаланинг минимум қиймати ёки $v_j - u_i \geq c_{ij}$ бўлса, масаланинг максимум қийматини топиш бўйича шартлар бажарилиши зарур. Бу шартлар бажарилгандан кейингина масаланинг мақбул ечими топилган деймиз. Акс ҳолда юқорида келтирилган жараённи такрорлашга тўғри келади. Бу ерда v_j ва u_i лар жўнатиш жойларидан қабул қилиш манзилларигача бўлган эркин ўзгарувчилар (потенциаллар) деб юритилади. Қўшимча киритиладиган белгилашларни масала ечиш жараёнида баён этамиз. Энди потенциал усулни қўллаб, масаланинг аниқ ечимини топайлик.

1- м а с а л а. Тўртта A_1, A_2, A_3, A_4 товар базаларида 40, 20,30 10 тоннадан маҳсулот мавжуд бўлиб, уларни талаб

қилинган субъектларга 30,40,30 тоннадан етказиб бериш керак. Товарларни базалардан субъектларга етказиб беришда қилинадиган транспорт харажатлари энг кам бўлсин. Товарларни ташиш харажатлари 76-жадвалда келтирилган.

76-жадвал

Товарларни ташиш харажатлари

Жўнатиш пунктлари	Қабул қилиш жойлари			Умумий товар захираси
	B_1	B_2	B_3	
A1	3	4	5	40
A2	7	2	3	20
A3	6	1	4	30
A4	5	2	3	10
Товарга бўлган талаб	30	40	30	100

Товарни ташиш учун кетган харажатни c_{ij} билан, ташилиши керак бўлган ёнилғи миқдорини эса x_{ij} билан белгилаймиз. Транспорт масаласини тақсимлаш усули билан ечганда жадвалнинг юқориги чап бурчагига тариф (c_{ij}) лар, пастки ўнг бурчагига эса ташилаётган юк миқдор (x_{ij}) лари ёзилади.

Масаланинг математик модели жадвал маълумотлари асосида қуйидагича тузилади:

$$X_{11} + X_{12} + X_{13} = 40$$
$$X_{21} + X_{22} + X_{23} = 20$$
$$X_{31} + X_{32} + X_{33} = 30$$
$$X_{41} + X_{42} + X_{43} = 10$$
$$X_{11} + X_{21} + X_{31} + X_{41} = 30$$
$$X_{21} + X_{22} + X_{32} + X_{42} = 40$$
$$X_{13} + X_{23} + X_{33} + X_{43} = 30$$

Бу тенгламалар тизимининг ечимини топиш натижасида чизиқли функция

$$Z = 3x_{11} + 4x_{12} + 5x_{13} + 7x_{21} + 2x_{22} + 3x_{23} + 6x_{31} + x_{32} + 4x_{33} +$$

$$+5x_{41} + 2x_{42} + 3x_{43} \rightarrow (\min)$$

қийматига эга бўлсин.

Масалани ечишда жадвални «шимоли-шарқ» бурчак усули бўйича юқоридан қуйи бурчакка қараб юкларни тақсимлаб чиқамиз ва масаланинг бошланғич режасини тузамиз. Натижада қуйидаги жадвалга эга бўламиз:

77-жадвал

Жўнатиш жойлари	Қабул қилиш манзиллари			Умумий товар заҳираси
	B_1	B_2	B_3	
A_1	3 30	4 10	5	40
A_2		2 20	3	20
A_3	6	1 10	4 20	30
A_4	5	2	3 10	10
Товарларга бўлган талаб	30	40	30	100

Бу жадвалда тақсимланган юкнинг мақбуллик миқдори масаланинг мақсад функцияси орқали тўлдирилган катаклар бўйича ҳисоблаб топилади. Шунга асосан жадвал кўрсаткичлари бўйича мақсад функциясининг қиймати.

$$Z_{min}=30\cdot 3+10\cdot 4+20\cdot 2+10\cdot 1+20\cdot 4+10\cdot 3=90+40+10+80+30=290$$

Бу режа масаланинг ҳақиқий мақбул ечими эканлигини тақсимлаш усули ёрдамида текшириб кўрамиз. Бунинг учун жадвалнинг пастки (энг охирги) ва ўнг томонига қўшимча чизма чизиб, уларни ҳал қилувчи қўшилувчилар деб юритамиз.

78-жадвал

Жўнатилган манзиллари	Қабул қилинган манзиллари			Умумий товар заҳираси	Ҳал қилувчи қўшилувчи
1	2			3	4
	B_1	B_2	B_3		
A_1	3 30	4 10	5	40	0
A_2	7	2 20	3	20	+2
A_3	6	4 10	4 20	30	+3
A_4	5	2	3 10	10	+4
Товарга бўлган талаб	30	30	30	100	
Ҳал қилувчи қўшилувчи	- 3	- 4	- 7		

78-жадвалда келтирилган ҳал қилувчи қўшилувчилар ёрдамида тўлдирилган катакчалардаги тарифларни нолларга

айлантирамиз. Бу қуйидагича бажарилади: A_1B_1 тўлдирилган катаклаги масофа 3 км. бўлганлигидан уни нолга айлантириш учун (пастки қаторга) 3 ни ҳал қилувчи деб олиб, унинг ўнг томонига нолни қўшсак, уларнинг йиғиндиси нолга тенг бўлади. A_1B_1 ни нолга тенглаштириш учун унга пастдан (- 4) ҳал қилувчини қўшамиз ва ҳоказо. Шулар ёрдамида ҳамма тўлдирилган катакчалардаги (тарифлар) масофалар нолга айлангунча режани яхшилаш давом эттирилади. Бундай алмаштиришлар услуби 79-жадвалда келтирилган:

79-жадвал

Жўнатиш манзиллари	Қабул қилиш манзиллари			Товар заҳираси
	B_1	B_2	B_3	
A_1	0 30	0 10	- 2	40
A_2	6	0 20	- 2	20
A_3	6	0 10	0 20	30
A_4	6	0 10	0 20	10
Товарга бўлган талаб	30	40	30	100

Бундай алмаштиришлардан кейин ҳамма тўлдирилмаган катакчалардаги масофалар олдидаги коэффициентлар бўлса, масала ечими ниҳоясига етказилган ҳисобланади. Акс ҳолда масала ечимини топиш қуйидагича давом эттирилади: жадвалдаги масофага ҳал қилувчи қўшимчалар қўшилганда нолга айланадиган, энг соддаси 3 та тўлдирилган катак ва битта манфий ишорали тўлдирилмаган катаклар бўйича тўғри тўртбурчакни оламиз. Бу тўртбурчакда уларнинг ишоралари кетма-кет алмашиниб келади (агар бундай тўғри тўртбурчаклар бир нечта бўлса, уларнинг ишораларини қўямиз, масофалар орасидан энг катта мутлақ қийматга эга бўлган манфий масофадан бошлаймиз). Ҳосил бўлган тўғри тўртбурчакнинг мусбат бурчакларидаги юклардан энг кичик миқдордагисини олиб (бу ерда у 10 га тенг), уни ўзгартирмасдан манфий катакчалардаги юк миқдорига қўямиз, мусбат катакчалардаги юк миқдорларидан олиб ташлаймиз, натижада юкларнинг янгича тақсимланиши 80-жадвалдаги кўринишда бўлади.

80-жадвал

Жўнатиш манзиллари	Қабул қилиш манзиллари			Товар заҳираси	Ҳал қилувчи кўшилувчи
	B_1	B_2	B_3		
A_1	0 30	0	- 2 10	40	0
A_2	6	0 20	- 2	20	- 2
A_3	6	0 20	0 10	30	- 2
A_4	6	2	0 10	30	- 2
Товарга бўлган талаб	30	40	30		
Ҳал қилувчи кўшилувчи	0	- 2	- 2		

Бундай алмаштиришларни масаланинг мақбул ечимига эга бўлгунча давом эттирамиз. Кейинги жадвалларни тўлдиришда юқорида кўриб ўтилган қоидаларга амал қилинади.

Бу кўрсаткичлар бўйича функция қиймати Z_{min} қ 270 минг сўм бўлади (Z_{min} қ минг сўм).

Бироқ 81-жадвалда тўлдирилган катакчаларда манфий кўрсаткичли масофалар бор. Шунинг учун 81-жадвални тузамиз.

81-жадвал

Жўнатиш манзиллари	Қабул қилиш манзиллари			Товар заҳираси
	B_1	B_2	B_3	
A_1	0 30	2	0 10	40
A_2	4	+0 20	- 2	20
A_3	4	- 0 20	0 20	30
A_4	4	2	0 10	10
Товарга бўлган талаб	30	40	30	100

Кейинги жадваллар юқоридаги қоидаларга асосланиб тўлдирилади.

82-жадвал

Жўнатиш манзиллари	Қабул қилиш манзиллари			Товар заҳираси	Ҳал қилувчи қўшилувчи
	B_1	B_2	B_3		
A_1	0 30	2	0 10	40	-2
A_2	4	0 10	-2 10	20	0
A_3	4	0 30	0	30	0
A_4	4	2	0 10	10	-2
Товарга бўлган талаб	30	40	30	100	
Ҳал қилувчи қўшилувчи	+2	0	+2		

83-жадвал

Жўнатиш манзиллари	Қабул қилиш манзиллари			Товар заҳираси
	B_1	B_2	B_3	
A_1	0 30	0	0 10	40
A_2	6	0 10	0 10	20
A_3	6	0 10	2	20
A_4	4	0	0 10	10
Товарга бўлган талаб	30	40	30	100

83-жадвал кўрсаткичларида функция қиймати Z_{min} = 250 минг сўмга тенг:

(Z_{min} = 3·30+5·10+2·10+3·10+3·10+3·10=90+5+20+30+30=30=250 минг сўм)

83-жадвалдаги тўлдирилмаган ҳамма катакчалардаги масофалар мусбат ишорали бўлади. Шунинг учун масала ечимини ниҳоясига етган деб ҳисоблаймиз. Функция қиймати эса Z_{min} 250 минг сўмга тенг бўлади. Шу йўл билан базалардаги ёнилғиларни бўлимлар бўйича ташишни ташкил этсак, бошланғич режага нисбатан Z_{min} 290-250 = 40 минг сўм тежашга муваффақ бўламиз ва тақсимланган юклар x_{11} = 10 Т; x_{32} = 30 Т; x_{23}=10 Т; x_{32}=30 Т; x_{43}=10 Т миқдорида жўнатилишини аниқлаймиз.

7.5. Транспорт масаласининг очиқ модели

Олдинги параграфларда транспорт масалаларининг ёпиқ моделига мансуб бўлган масалаларни кўриб чиққан эдик. Бунда ишлаб чиқариш унга бўлган талабга мос келган эди. Энди ишлаб чиқариш билан талаб мос келмаган ҳолларни кўриб ўтайлик. Бундай ҳолат икки хол бўлиши мумкин.

1-ҳол. Юк жўнатиш манзиллари умумий юк заҳиралари (x_i) қабул қилиш пунктларининг умумий талабларидан (b_i) юқори бўлсин. Бу ифодани математик кўринишда қуйидагича ёзиш мумкин:

$$\sum_{i=1}^{m} a_i > \sum_{j=1}^{n} b_j \qquad (1)$$

Агар (1) тенгсизликни тенгликка айлантириш учун унинг ўнг томонига уларнинг фарқини $\left(\sum_{i=1}^{m} a_i - \sum_{i=1}^{n} b_j\right)$, масалан $b_n + 1$ ни қўшсак,

$$\sum_{i=1}^{m} ai = \sum_{j=1}^{n} bj + bn + 1 \qquad (2)$$

тенглик ҳосил бўлади. Бу ерда b_{nK1} суньий юк қабул қилувчи жой дейилади.

Кўриниб турибдики, натижада транспорт масаласиниг очиқ модели ёпиқ моделга келтирилади. Бунда функциясининг минимум қиймати ва ўзгарувчиларнинг манфий бўлмаслик шартлари ҳам назарда тутилмоқда. Ушбу ҳолда очиқ транспорт масаласининг асосий кўриниши 84-жадвалда кўрсатилган.

84-жадвал

Жўнатиш манзиллари	Қабул қилиш манзиллари					Юк заҳираси
	B_1	B_2	……	B_n	B_{n+1}	
A_1	c_{11} x_{11}	c_{12} x_{12}	……	c_{1n} x_{1n}	0 x_{1n+1}	a_1
A_2	c_{21} x_{21}	c_{22} x_{22}	……	c_{2n} x_{2n}	0 x_{2n+1}	a_2
……	. . .	. . .	……	……	……	……
Ап	c_{m1} x_{m1}	c_{m2} x_{m2}	……	c_{mn} x_{mn}	0 x_{mn+1}	a_m
Юкка бўлган талаб	b_1	b_2	……	b_n	b_{n+1}	

2-ҳол. Жўнатиш манзилларидаги умумий юк миқдори (a_2) қабул қилиш манзилларининг умумий талабидан (b_1) кичик, яъни

$$\sum_{i=1}^{m} vi \angle \sum_{j=1}^{n} bj \qquad (1)$$

бўлсин. Кўриниб турибдики, бу кўринишдаги тенгсизликни тенгликка айлантириш учун унинг ўнг томонига йиғиндилар айирмаси $\sum ai - \sum bj = am + 1$ ни қўшамиз. Бунда:

$$\sum ai + am + 1 = \sum_{i=1}^{n} bj$$

тенглик ҳосил бўлади. Шундай қилиб, яъни очиқ кўринишдаги транспорт масаласини ёпиқ ҳолдаги кўринишга келтирдик. Бу ерда ҳам янги Am+1 суньий юк жўнатиш манзили дейилиб, жўнатиш манзилидан қабул қилувчи манзилларга юк жўнатишда сарфланадиган харажатлар с (m+1)j =0 деб қабул қилинади.

Юқорида кўриб ўтилган икки ҳолда ҳам шу нарса маълум бўлдики, транспорт масаласининг ҳар икки кўринишидаги очиқ модель аввало, ёпиқ кўринишдаги моделга айлантирилгандан кейингина уни ҳал этиш мумкин.

Қисқача хулосалар

Маълумки бозор иқтисодиёти шароитида савдо ва умумий овқатланиш корхоналарида товарларни ташиб келтириш, тайёрлаш ва сотиш учун кўплаб харажатлар талаб қилинади. Товарларни ташиб келтириш учун кетган харажатларнинг йўпайиши, ўз-ўзидан маълумни, сотиладиган товарлар баҳосини ҳаддан ташқари юқори бўлишига олиб келади. Шу боисдан савдо ва умуман овқатланиш корхоналарида юкларни ташиш билан боғлиқ бўлган харажатларни камайтириш муҳим аҳамиятга эга.

Шу нуқтаи назардан кейинги йилларда яратилган математик усуллар ёрдамида хўжалик фаолиятини режалаштириш ва бошқариш билан боғлиқ бўлган иқтисодий масалаларни ҳал этишда амалий математиканинг муҳим қисмларидан бири—чизиқли дастурлаш усуллари асосий ўрин эгалламоқда.

Чизиқли дастурлаш масалаларини ечишда симплекс усулидан фойдаланиш ўз навбатида транспорт масалалари ечимини, яъни юкларни транспортда ташиб келтириш харажатларини камайтириш усулларини белгилаб беради. Бу масалаларни ҳал қилиш замонавий компьютерлардан фойдаланишни тақозо этади. Таҳлил натижаларида юк ташишнинг энг қулай ва афзал томонлари кўрсатиб берилиши лозим.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Корхонанинг хўжалик фаолиятини таҳлил қилишда иқтисодий-математик усуллардан фойдаланиш қандай аҳамиятга эга?
2. Математик дастурларнинг мезони ва унинг турлари ҳақида тўхталиб ўтинг.
3. Чизиқли дастурлашнинг моҳияти нимадан иборат?
4. Транспорт масаласининг қўйилиши ва унинг математик модели-чи?
5. Транспорт масаласини ечишда потенциал тақсимлаш усулларини қўллаш ечимининг таҳлили қандай ўтказилади?
6. Транспорт масаласининг очиқ модели хақида тўхталиб ўтинг.

Асосий адабиётлар

1. Атхамов М., Отабоев Т. «Планлаштиришда математик методларни қўлланилиши». Ўқув қўлланма. –Т., «Ўқитувчи», 2000.
2. Гофуров М., Холмурадов Ш. «Иқтисодий-математик усуллар ва моделлар». –Т., АГНИ, 2001.
3. Кобелов Н.Б. «Практика применения экономико-математических методов и моделей». Учебное пособие. –М., «ЗАО финстатинформ», 2000.
4. Конюховский П. «Математические методы исследования операции в экономике» Учебное пособие. –СПб – ПИТЕР, 2000.
5. Монаков А.В. «Математические методы анализа экономики». Учебное пособие. –СПб – ПИТЕР, 2002.
6. «Анализ экономики и математические методы». Сборник научнўх трудов. –М., ТЕИС, 1998.
7. Сайфулин Р.С. «Экономико-математические методы в анализе хозяйственной деятельности» –М., «Финансы», 1989.

ЎТИЛГАН МАВЗУЛАР БЎЙИЧА ТЕСТЛАР
(Ҳар бир савол бўйича жавоблар орасидан тўғрисини топинг)

1. Товар айланиши режасининг ўртача ассортименти бўйича бажарилиши қандай аниқланади?

а) белгиланган ассортимент ҳисобидаги товар айланиши ҳажми 100 га кўпайтирилиб, ўтган йилги товар айланиши ҳажмига бўлинади;

б) ҳисобот давридаги товар айланиши ҳажми 100 га кўпайтирилиб, режадаги товар айланиши ҳажмига бўлинади;

в) белгиланган ассортимент ҳисобидаги товар айланиши ҳажми 100 га кўпайтирилиб, режадаги товар айланиши ҳажмига бўлинади;

г) белгиланган ассортимент ҳисобидаги товар айланиши ҳажми 100 га кўпайтирилиб, ҳисобот давридаги товар айланиши ҳажмига бўлинади;

д) белгиланган ассортимент ҳисобидаги товар айланиш ҳажми 100 га кўпайтирилиб, режадаги товар айланиши ҳажмига қўшилади.

2. Товар балансининг тузилишини аниқланг.

а) $Т_{зах}^{1} + Т_{с} + Т_{о} = Т_{к} + Т_{чк} + Т_{кч} + Т_{зах}^{2}$

б) $Т_{зах}^{2} + Т_{о} = Т_{к} + Т_{чк} + Т_{с} + Т_{кч} + Т_{зах}^{1}$

в) $Т_{зах} + Т_{к} + Т_{о} = Т_{с} + Т_{чк} + Т_{кч} + Т_{зах}^{2}$

г) $Т_{зах} + Т_{чк} + Т_{о} = Т_{с} + Т_{к} + Т_{кч} + Т_{зах}^{2}$

д) $Т_{зах}^{1} + Т_{зах}^{2} + Т_{о} = Т_{с} + Т_{к} + Т_{чк} + Т_{кч}$

3. Товар айланиш ҳажмининг ўзгаришига сотувчилар сони ўзгаришининг таъсири қандай ҳисобланади?

а) ҳисобот давридаги сотувчилар сонининг режадагидан фарқи ўтган йилдаги бир сотувчига тўғри келадиган товар айланиши ҳажмига кўпайтирилади;

б) ҳисобот давридаги сотувчилар сонининг ўтган йилдаги сотувчилар сонидан фарқи режадаги бир сотувчига тўғри келадиган товар айланиши ҳажмига кўпайтирилади;

в) ҳисобот давридаги сотувчилар сонининг режадагидан фарқи ҳисобот даврида бир сотувчига тўғри келадиган товар айланиши ҳажмига кўпайтирилади;

г) ҳисобот давридаги сотувчилар сонининг режадагидан фарқи режадаги бир сотувчига тўғри келадиган товар айланиши ҳажмига кўпайтирилади;

д) ҳисобот давридаги сотувчилар сонининг режадагидан фарқи режадаги товар айланиши ҳажмига кўпайтирилади.

4. Товар айланиши ҳажми ўзгаришга меҳнат унумдорлигини ўзгаришининг таъсири қандай аниқланади?

а) меҳнат унумдорлиги бўйича мутлақ фарқ савдо ходимларининг ўтган йилдаги сонига кўпайтирилади;

б) меҳнат унумдорлиги бўйича мутлақ фарқ режадаги сотувчилар сонига кўпайтирилади;

в) меҳнат унумдорлиги бўйича мутлақ фарқ ҳисобот давридаги савдо ходимлар сонига кўпайтирилади;

г) меҳнат унумдорлиги бўйича мутлақ фарқ ҳисобот давридаги савдо ходимлари сонига кўпайтирилади;

д) меҳнат унумдорлиги бўйича мутлақ фарқ режадаги савдо ходимлари сонига кўпайтирилади.

5. Савдо корхонаси бўйича меҳнат унумдорлиги ўзгаришига савдо ходимлари орасидаги сотувчилар сони улуши ўзгаришининг таъсири қандай аниқланади.

а) сотувчиларнинг улуши бўйича мутлақ фарқ режадаги ходимлар сонига кўпайтирилиб, 100 га бўлинади;

б) сотувчиларнинг улуши бўйича мутлақ фарқ ҳисобот давридаги сотувчилар сонига кўпайтирилиб, 100 га бўлинади;

в) сотувчиларнинг улуши бўйича мутлақ фарқ ҳисобот давридаги битта сотувчига тўғри келадиган товар айланиши ҳажмига кўпайтирилиб, 100 га бўлинади;

г) сотувчиларнинг улуши бўйича мутлақ фарқ режадаги бир сотувчига тўғри келадиган товар айланиши ҳажмига кўпайтирилиб, 100 га бўлинади;

д) сотувчиларнинг улуши бўйича мутлақ фарқ ҳисобот давридаги ходимлар сонига кўпайтирилиб, 100 га бўлинади.

6. Савдо корхонаси бўйича меҳнат унумдорлигининг ўзгаришига бир сотувчига тўғри келадиган товар айланиши ҳажми ўзгаришининг таъсири қандай аниқланади?

а) бир сотувчига тўғри келадиган ўртача товар айланиши ҳажми бўйича мутлақ фарқ режадаги сотувчилар улушига кўпайтирилиб, 100 га бўлинади;

б) бир сотувчига тўғри келадиган ўртача товар айланиши ҳажми бўйича мутлақ фарқ сотувчиларнинг ҳисобот давридаги улушига кўпайтирилиб, 100 га бўлинади;

в) бир сотувчига тўғри келадиган ўртача товар айланиши ҳажми бўйича мутлақ фарқ режадаги сотувчилар сонига кўпайтирилади;

г) Бир сотувчига тўғри келадиган ўртача товар айланиши ҳажми бўйича мутлақ фарқ ҳисобот давридаги сотувчилар сонига кўпайтирилади;

д) бир сотувчига тўғри келадиган ўртача товар айланиши ҳажми бўйича мутлақ фарқ сотувчиларнинг ўтган йилги улушига кўпайтирилиб, 100 га бўлинади.

7. Сотувчилар сони бўйича нисбий фарқ қандай аниқланади?

а) ҳисобот давридаги сотучилар сони товар айланиши режасининг бажарилишига кўпайтирилиб, 100 га бўлинади ва натижа режадаги сотувчилар сони билан таққосланади;

б) режадаги сотувчилар сони товар айланиши режасининг ортиқча бажарилган фоизига кўпайтирилиб, 100 га бўлинади;

в) режадаги сотувчилар сони товар айланиши ҳажмининг бажарилган фоизига кўпайтирилиб, 100 га бўлинади ва натижа ҳисобот давридаги сотувчилар сони билан таққосланади;

г) режадаги сотувчилар сони товар айланиши режасининг кам бажарилган фоизига кўпайтирилиб, 100 га бўлинади ва натижа ҳисобот давридаги сотувчилар сони билан таққосланади;

д) режадаги сотувчилар сони товар айланиши режасининг кам бажарилган фоизига кўпайтирилиб, 100 га бўлинади.

8. Дўконлар иш тартибини таҳлил қилиш жараёнида товар айланиши ҳажми ўзгаришига савдо майдони ўзгаришининг таъсири қандай аниқланади?

а) савдо майдонининг ўзгариши бўйича мутлақ фарқ ҳисобот давридаги ўртача иш кунларига, режадаги ўртача иш кунининг давомийлигига ва режадаги 1 соатда 1 $м^2$ савдо майдонига тўғри келадиган товар айланиши ҳажмига кўпайтирилади;

б) савдо майдонининг ўзгариши бўйича мутлақ фарқ ҳисобот давридаги ўртача иш кунининг давомийлигига, режадаги ўртача иш кунларига ва режадаги ўртача 1 соатда 1 м² савдо майдонига тўғри келадиган товар айланиши ҳажмига кўпайтирилади;

в) савдо майдонининг ўзгариши бўйича мутлақ фарқ режадаги ўртача иш кунларига, режадаги ўртача иш кунининг давомийлигига ва режадаги 1 соатда 1 м² савдо майдонга тўғри келадиган товар айланиши ҳажмига кўпайтирилади;

г) савдо майдонининг ўзгариши бўйича мутлақ фарқ режадаги ўртача иш кунларига, ҳисобот давридаги иш кунининг давомийлигига ва ҳисобот давридаги 1 соатда 1 м² савдо майдонига тўғри келадиган товар айланиши ҳажмига кўпайтирилади.

9. Товар айланиши ҳажми ўзгаришишга иш кунлари ўзгаришининг таъсири қандай аниқланади?

а) иш кунлари бўйича мутлақ фарқ режадаги савдо майдонига, режадаги иш кунининг давомийлигига ва режадаги 1 соатда 1 м² савдо майдонига тўғри келадиган товар айланиши ҳажмига кўпайтирилади;

б) иш кунлари бўйича мутлақ фарқ режадаги савдо майдонига, режадаги иш кунининг давомийлигига ва ҳисобот давридаги 1 соатда 1м² савдо майдонига тўғри келадиган товар айланиши ҳажмига кўпайтирилади;

в) иш кунлари бўйича мутлақ фарқ ҳисобот давридаги савдо майдонига, режадаги иш кунларига ва режадаги 1 соатда 1 м² савдо майдонига тўғри келадиган товар айланиши ҳажмига кўпайтирилади;

г) иш куни давомийлигининг ўзгариши бўйича мутлақ фарқ ҳисобот давридаги савдо майдонига, режадаги иш кунларига ва ҳисобот давридаги 1 соатда 1м² савдо майдонига тўғри келадиган товар айланиши ҳажмига кўпайтирилади;

д) иш куни давомийлигининг ўзгариши бўйича мутлоқ фарқ режадаги иш кунларига ва режадаги 1 соатда 1м² савдо майдонига тўғри келадиган товар айланиши ҳажмига кўпайтирилади.

10. Товар айланиши ҳажми ўзгаришига иш куни давомийлиги ўзгаришининг таъсири қандай аниқланади?

а) иш кунини давомийлигини ўзгариши бўйича мутлақ фарқ ҳисобот давридаги савдо майдонига, режадаги иш кунларига ва ҳисобот давридаги 1 соатда 1 м² савдо майдонига тўғри келадиган товар айланиши ҳажмига кўпайтирилади;

б) иш кунининг давомийлиги бўйича мутлақ фарқ ҳисобот давридаги савдо майдонига, ҳисобот давридаги иш кунларига ва режадаги 1 соатда 1м² савдо майдонига тўғри келадиган товар айланиши ҳажмига кўпайтирилади.

в) иш куни давомийлигининг ўзгариши бўйича мутлақ фарқ режадаги иш кунларига ва режадаги 1 соатда 1м² савдо майдонига тўғри келадиган товар айланиши ҳажмига кўпайтирилади.

11. Товар айланиши ҳажми ўзгаришига 1 соатда 1 м² савдо майдонига тўғри келадиган товар айланиши ҳажми ўзгаришининг таъсири қандай ҳисобланади?

а) 1 соатда 1 м² савдо майдонига тўғри келадиган товар айланиши ҳажми бўйича мутлақ фарқ ҳисобот давридаги савдо майдонига, ҳисобот давридаги иш кунининг давомийлигига ва ҳисобот давридаги иш кунларига кўпайтирилади;

б) 1 соатда 1 м² савдо майдонига тўғри келадиган товар айланиши ҳажми бўйича мутлақ фарқ ҳисобот давридаги савдо майдонига, режадаги иш кунининг давомийлигига ва режадаги иш кунларига кўпайтирилади;

в) 1 соатда 1 м² савдо майдонига тўғри келадиган товар айланиши ҳажми бўйича мутлақ фарқ режадаги савдо майдонига, режадаги иш кунининг давомийлигига ва режадаги иш кунларига кўпайтирилади;

г) 1 соатда 1 м² савдо майдонига тўғри келадиган товар айланиши ҳажми бўйича мутлақ фарқ режадаги савдо майдонига, режадаги иш кунларига ва ҳисобот давридаги иш кунининг давомийлигига кўпайтирилади;

д) 1 соатда 1 м² савдо майдонига тўғри келадиган товар айланиши ҳажми бўйича мутлақ фарқ ҳисобот давридаги савдо майдонига ва ҳисобот давридаги иш кунининг давомийлигига кўпайтирилади.

12. Муомала харажатлари суммаси ўзгаришига товар айланиши ҳажми ўзгаришининг таъсири қандай аниқланади?

а) товар айланиши ҳажми бўйича мутлақ фарқ ҳисобот давридаги муомала харажатларининг ўртача даражасига кўпайтирилиб, 100 га бўлинади;

б) товар айланиши ҳами бўйича мутлақ фарқ муомала харажатлари режасининг бажарилган фоизига кўпайтирилиб, 100 га бўлинади;

в) товар айланиши ҳажми бўйича мутлақ фарқ режадаги муомала харажатларининг ўртача даражасига кўпайтирилиб, 100 га бўлинади;

г) товар айланиши ҳажми бўйича мутлақ фарқ товар айланиши режасининг бажарилган фоизига кўпайтирилиб, 100 га бўлинади;

д) муомала харажатларининг ўртача даражаси бўйича мутлақ фарқ режадаги товар айланиши ҳажмига кўпайтирилади.

13. Муомала харажатлари суммаси ўзгаришига ўртача муомала харажатлари даражаси ўзгаришининг таъсири қандай аниқланади.

а) муомала харажатларининг ўртача даражаси бўйича мутлақ фарқ режадаги товар айланиши ҳажмига кўпайтирилиб, 100 га бўлинади;

б) муомала харажатларининг ўртача даражаси бўйича мутлақ фарқ ҳисобот давридаги товар айланиши ҳажмига кўпайтирилиб, 100 га бўлинади;

в) муомала хааражатлари суммаси бўйича режа бажарилиши товар айланиши ҳажмининг ҳисобот давридагисига кўпайтирилади;

г) муомала харажатларининг ўртача даражаси бўйича мутлақ фарқ ҳисобот давридаги муомала харажатларига кўпайтирилиб, 100 га бўлинади;

д) муомала харажатларининг ўртача даражаси бўйича мутлақ фарқ режадаги муомала харажатларига кўпайтирилиб, 100 га бўлинади.

14. Муомала харажатлари бўйича нисбий фарқ қандай аниқланади?

а) ҳисобот давридаги ҳамма муомала харажатлари товар айланиши режасининг бажарилган фоизига кўпайтирилиб, 100 га бўлинади ва натижа режадаги муомала харажатлари билан таққосланади;

б) режадаги ҳамма муомала харажатлари товар айланиши режасининг бажарилган фоизига кўпайтирилиб, 100 га бўлинади ва натижа ҳисобот давридаги муомала харажатлари билан таққосланади;

в) режадаги шартли ўзгармас муомала харажатлари товар айланиши режасининг бажарилган фоизига кўпайтирилиб, 100 га бўлинади ва натижага режадаги шартли ўзгарувчан харажатлар қўшилиб, ҳисобот давридаги муомала харажатлари билан таққосланади;

г) режадаги шартли ўзгарувчан муомала харажатлари товар айланиши режасининг бажарилган фоизига кўпайтирилиб, 100 га бўлинади ва натижа режадаги шартли ўзгармас муомала харажатларига қўшилиб, ҳисобот давридаги ҳамма муомала харажатлари билан таққосланади;

д) режадаги шартли ўзгарувчан муомала харажатлари товар айланиши режасининг бажарилган фоизига кўпайтирилиб, 100 га бўлинади ва чиққан натижа ҳисобот давридаги муомала харажатлари билан таққосланади.

15. Меҳнат ҳақи фонди бўйича нисбий фарқ қандай ҳисобланади?

а) савдо корхонаси бўйича режалаштирилган меҳнат ҳақи фонди товар айланиши режасининг бажарилган фоизига кўпайтирилиб, 100 га бўлинади ва натижа сотувчиларнинг ўтган йилги меҳнат ҳақи фонди билан таққосланади;

б) сотувчиларнинг режадаги меҳнат ҳақи фонди товар айланиши режасининг ортиқча бажарилган фоизига кўпайтирилиб, 100 га бўлинади ва натижа сотувчиларнинг ҳисобот давридаги меҳнат ҳақи фонди билан таққосланади;

в) сотувчиларнинг режадаги меҳнат ҳақи фонди товар айланиши режасининг кам бажарилган фоизига кўпайтирилиб, 100 га бўлинади ва натижа сотувчиларнинг ҳисобот давридаги меҳнат ҳақи фонди билан таққосланади;

г) савдо ходимларининг режадаги меҳнат ҳақи фонди товар айланиши режасининг бажарилган фоизига кўпайтирилиб, 100 га бўлинади ва натижа савдо ходимларининг ҳисобот давридаги меҳнат ҳақи фонди билан таққосланади;

д) сотувчиларнинг режадаги меҳнат ҳақи фонди товар айланиши режасининг бажарилган фоизига кўпайтирилиб,

100 га бўлинади ва натижа ҳисобот давридаги меҳнат ҳақи билан таққосланади.

16. Сотувчиларнинг меҳнат ҳақи фондига товар айланиши ҳажми ўзгариши таъсири қандай аниқланади?

а) ҳисобот давридаги меҳнат ҳақи фонди товар айланиши режасининг бажарилган фоизига кўпайтирилиб, 100 га бўлинади;

б) ҳисобот давридаги меҳнат ҳақи фонди товар айланиши режасининг бажарилган фоизига кўпайтирилиб, 100 га бўлинади;

в) режадаги меҳнат ҳақи фонди товар айланиши режасининг бажарилган фоизига кўпайтирилиб, 100 га бўлинади;

г) режадаги меҳнат ҳақи фонди товар айланишининг ортиқча ёки кам бажарилган фоизига кўпайтирилиб, 100 га бўлинади;

д) режадаги меҳнат ҳақи фонди товар айланиши режасининг бажарилган фоизига кўпайтирилиб, 100 га бўлинади ва натижа ҳисобот давридаги меҳнат ҳақи фонди билан таққослнади.

17. Сотувчилар сони ўзгаришининг сотувчилар меҳнат ҳақи фонди ўзгаришига таъсири қандай аниқланади?

а) сотувчилар сони бўйича нисбий фарқи ҳисобот давридаги ўртача бир йилда бир сотувчига тўғри келадиган меҳнат ҳақига кўпайтирилади;

б) савдо ходимлари сони бўйича мутлақ фарқ режадаги ўртача бир йилда бир сотувчига тўғри келадиган меҳнат ҳақига кўпайтирилади;

в) сотувчилар сони бўйича нисбий фарқ режадаги ўртача бир йилда бир сотувчига тўғри келадиган меҳнат ҳақига кўпайтирилади;

г) савдо ходимлари бўйича нисбий фарқ режадаги меҳнат ҳақига кўпайтирилади;

д) сотувчилар сони бўйича мутлақ фарқ ҳисобот давридаги ўртача бир йилда бир сотувчига тўғри келадиган меҳнат ҳақига кўпайтирилади.

18. Ялпи даромад миқдори (суммаси) ўзгаришига товар айланиши ҳажми ўзгаришининг таъсири қандай аниқланади?

а) ялпи даромад ҳажми бўйича мутлоқ фарқ ҳисобот давридаги товар айланиши ҳажмига кўпайтирилиб, 100 га бўлинади;

б) товар айланиши ҳажми бўйича мутлақ фарқ ҳисобот давридаги ўртача ялпи даромад даражасига кўпайтирилиб, 100 га бўлинади;

в) товар айланиши ҳажми бўйича фарқ режадаги ялпи даромад даражасига кўпайтирилиб, 100 га бўлинади;

г) ўртача ялпи даромад даражаси бўйича мутлақ фарқ режадаги товар айланиши ҳажмига кўпайтирилиб, 100 га бўлинади;

д) товар айланиши ҳажми бўйича мутлақ фарқ режадаги ялпи даромад суммасига кўпайтирилиб, 100 га бўлинади.

19. Ўртача ялпи даромад даражаси ўзгаришининг ялпи даромад ҳажми ўзгаришига таъсири қандай аниқланади?

а) ўртача ялпи даромад даражаси бўйича мутлақ фарқ режадаги товар айланиши ҳажмига кўпайтирилиб, 100 га бўлинади;

б) ўртача ялпи даромад товар айланиши ҳажмига бўлинади;

в) ўртача даромад даражаси бўйича мутлақ фарқ режадаги ялпи даромад суммасига кўпайтирилиб, 100 га бўлинади;

г) ўртача ялпи даромажд даражаси бўйича мутлақ фарқ ҳисобот давридаги товар айланиши ҳажмига кўпайтирилиб, 100 га бўлинади;

д) ўртача ялпи даромад даражаси бўйича мутлақ фарқ ўтган йилдаги товар айланиши ҳажмига кўпайтирилиб, 100 га бўлинади.

20. Фойда миқдори ўзгаришига товар айланиши ҳажми ўзгаришининг таъсири қандай аниқланади?

а) товар айланиши ҳажми бўйича мутлақ фарқ ҳисобот давридаги рентабеллик даражасига кўпайтирилиб, 100 га бўлинади;

б) товар айланиши режасининг бажарилиши ҳисобот давридаги фойда миқдорига кўпайтирилиб, 100 га бўлинади;

в) товар айланиши ҳажми бўйича мутлақ фарқ режадаги рентабеллик даражасига кўпайтирилиб, 100 га бўлинади;

г) товар айланиши режасининг бажарилиши режа давридаги фойдага кўпайтирилиб, 100 га бўлинади;

д) товар айланиши ҳажми бўйича мутлақ фарқ режадаги ялпи даромад даражасига кўпайтирилиб, 100 га бўлинади.

21. Ўртача ялпи даромад даражаси ўзгаришининг фойда миқдори ўзгаришига таъсири қандай аниқланади?

а) ўртача ялпи даромад даражаси бўйича мутлақ фарқ режадаги товар айланиши ҳажмига кўпайтирилиб, 100 га бўлинади;

б) ўртача ялпи даромад даражаси бўйича мутлақ фарқ ҳисобот давридаги товар айланиши ҳажмига кўпайтирилиб, 100 га бўлинади;

в) ўртача ялпи даромад даражаси бўйича мутлақ фарқ режадаги фойда миқдорига кўпайтирилиб, 100 га бўлинади;

г) ўртача ялпи даромад даражаси бўйича мутлақ фарқ ҳисобот давридаги фойда миқдорига кўпайтирилиб, 100 га бўлинади;

д) ўртача ялпи даромад даражаси бўйича мутлақ фарқ ўтган йилдаги товар айланиши ҳажмига кўпайтирилиб, 100 га бўлинади.

22. Муомала харажатлари ўртача даражаси ўзгаришининг фойда миқдори ўзгаришига таъсири қандай аниқланади?

а) муомала харажатлари ўртача даражаси бўйича мутлақ фарқ ҳисобот давридаги товар айланиши ҳажмига кўпайтирилиб, 100 га бўлинади;

б) муомала харажатларининг ўртача даражаси бўйича мутлақ фарқ режадаги товар айланиши ҳажмига кўпайтирилиб, 100 га бўлинади;

в) муомала харажатларининг ўртача даражаси бўйича мутлақ фарқ режадаги ялпи даромад суммасига кўпайтирилиб, 100 га бўлинади;

г) муомала харажатларининг ўртача даражаси бўйича мутлақ фарқ ҳисобот давридаги ялпи даромад суммасмга кўпайтирилиб, 100 га бўлинади;

д) муомала харажатларининг ўртача даражаси бўйича мутлақ фарқ ҳисобот давридаги ялпи даромад суммасига кўпайтирилиб, 100 га бўлинади.

23. Муомала харажатлари бўйича нисбий тежалган ва ортиқча сарфланган харажатлар суммаси қандай аниқланади?

а) режадаги товар айланиши ҳажми ҳисобот давридаги муомала харажатлари даражасига кўпайтирилади ва 100 га бўлинади;

б) Режадаги муомала харажатлари ҳисобот давридаги товар айланиши ҳажмига кўпайтирилади ва 100 га бўлинади;

в) муомала харажатлари даражаси бўйича мутлақ фарқ режадаги товар айланиши ҳажмига кўпайтирилади ва 100 га бўлинади;

г) муомала харажатлари даражаси бўйича мутлақ фарқ ҳисобот давридаги товар айланиш ҳажмига кўпайтирилади ва 100 га бўлинади;

д) муомала харажатлари даражаси бўйича мутлақ фарқ ҳисобот давридаги муомала харажатлари суммасига кўпайтирилиб, 100 га бўлинади.

24. Муомала харажатлари ўртача даражаси ўзгаришига товар айланиши таркибий тузилишининг таъсири қандай аниқланади?

а) товар гуруҳлари бўйича товар айланиши улушидаги мутлақ фарқи режадаги товар гуруҳлари бўйича муомала харажатлари даражасига кўпайтирилиб, 100 га бўлинади ва натижа ҳисобот давридаги товар айланиши ҳажмига кўпайтирилади;

б) товар гуруҳлари бўйича ҳисобот давридаги муомала харажатлари даражаси ҳисобот давридаги товар гуруҳлари бўйича товар айланишининг улушига кўпайтирилади;

в) товар гуруҳлари бўйича режадаги муомала харажатлари даражаси товар гуруҳлари бўйича товар айланиши улушига кўпайтирилади;

г) товар гуруҳлари бўйича режадаги муомала харажатлари даражаси товар гуруҳлари бўйича товар айланиши улушининг фарқига кўпайтирилади.

25. Транспорт харажатлари ўзгаришига ташилган юк ҳажмининг таъсири қандай аниқланади?

а) транспорт харажатлари бўйича мутлақ фарқ режадаги бир т/км юк ташиш транспорт тарифига кўпайтирилади;

б) юк ҳажми бўйича мутлақ фарқ ҳисобот давридаги бир т/км юк ташиш транспорт тарифига кўпайтирилади;

в) бир т/км юкни ташиш транспорт тарифи бўйича мутлақ фарқ режадаги юк ҳажмига кўпайтирилади;

г) бир т/км юкни ташиш транспорт тарифи бўйича мутлақ фарқ ҳисобот давридаги юк ҳажмига кўпайтирилади;

д) юк ҳажми бўйича мутлақ фарқ режадаги бир т/км юк ташиш траснпорт тарифига кўпайтирилади.

26. Транспорт харажатлари ўзгаришига бир т/км юк ташиш транспорт тарифининг таъсири қандай аниқланади?

а) бир т/км юкни ташиш транспорт тарифи бўйича мутлақ фарқ режадаги юк ҳажмига кўпайтирилади;

б) бир т/км юкни ташиш транспорт тарифи бўйича мутлақ фарқ ҳисбот давридаги транспорт харажатларига кўпайтирилади;

в) бир т/км юкни ташиш транспорт тарифи бўйича мутлақ фарқ ҳисобот давридаги юк ҳажмига кўпайтирилади;

г) бир т/км юкни ташиш транспорт тарифи бўйича мутлақ фарқ режадаги транспорт харажатларига кўпайтирилади;

д) транспорт харажатлари бўйича мутлақ фарқ режадаги юк ҳажмига кўпайтирилади.

27. Ўртача ялпи даромад даражаси ўзгаришига товар айланиши таркибий тузилишининг таъсири қандай аниқланади?

а) товар гуруҳлари бўйича товар айланиши улушидаги мутлақ фарқ режа давридаги товар гуруҳлари ялпи даромад даражасига кўпайтирилиб, 100 га бўлинади ва натижа ҳисобот давридаги товар айланиши ҳажмига кўпайтирилади;

б) товар гуруҳлари бўйича ҳисобот давридаги ялпи даромад даражаси ҳисобот давридаги товар гуруҳлари бўйича товар айланиши улушига кўпайтирилади;

в) товар гуруҳлари бўйича режадаги ялпи даромад даражаси ҳисобот давридаги товар гуруҳлари бўйича товар айланиши улушига кўпайтирилади;

г) товар гуруҳлари бўйича режадаги ялпи даромад даражаси товар гуруҳлари бўйича товар айланиши улушининг фарқига кўпайтирилади.

28. Товар заҳираларининг айланиши қандай аниқланади?

а) ўртача товар заҳиралари товар айланиши ҳажмига кўпайтирилиб, таҳлил даврига (вақтига) бўлинади;

б) ўртача товар заҳиралари таҳлил даврига (вақтига) кўпайтирилиб, товар айланиш ҳажмига бўлинади;

в) ўртача товар заҳиралари таҳлил даврига (вақтига) бўлинади;

г) товар айланиши ҳажми таҳлил даврига (вақтига) кўпайтирилиб, ўртача товар заҳираларига бўлинади;

д) ўртача товар заҳиралари таҳлил даврига кўпайтирилади.

29. Асосий ва айланма маблағларга нисбатан рентабеллик даражаси қандай аниқланади?

а) ялпи даромад суммаси 100 га кўпайтирилиб, товар айланиши ҳажмига бўлинади;

б) фойда миқдори 100 га кўпайтирилиб, асосий фойданинг ўртача йиллик қийматига бўлинади;

в) фойда миқдори 100 га кўпайтирилиб, айланма маблағларга бўлинади;

г) фойда миқдори 100 га кўпайтирилиб, асосий ва айланма маблағларнинг йиғиндисига бўлинади;

д) ялпи даромад суммаси 100 га кўпайтирилиб, асосий ва айланма маблағларнинг йиғиндисига бўлинади.

30. Муомала харажатларига нисбатан рентабеллик даражаси қандай аниқланади?

а) ялпи даромад суммаси 100 га кўпайтирилиб, муомала харажатларига бўлинади;

б) фойда суммаси 100 га кўпайтирилиб, товар айланиши ҳажмига бўлинади;

в) фойда суммаси 100 га кўпайтирилиб, муомала харажатларига бўлинади;

г) товар айланиши ҳажми 100 га кўпайтирилиб, муомала харажатларига бўлинади;

д) муомала харажатлари 100 га кўпайтирилиб, фойда суммасига бўлинади.

31. Рентабеллик даражасининг ўзгаришига қайси омиллар таъсир кўрсатади?

а) фойда миқдорининг ўзгариши;

б) асосий фондлар миқдорининг ўзгариши;

в) фойда, асосий ва айланма маблағлар миқдорининг ўзгариши;

г) айланма маблағлар миқдорининг ўзгариши.

32. Айланма маблағлар айланиши тезлашиши натижасида бўшаган ва секинлашиши натижасида жалб қилинадиган маблағлар суммаси қандай аниқланади?

а) ўртача бир кунлик товар айланиши ҳажми режадаги бир маротаба айланишининг кунлар ҳисобидаги давомийлигига кўпайтирилади;

б) ўртача бир кунлик товар айланиши ҳажми ўтган йилги бир маротаба айланишининг кунлар ҳисобидаги давомийлигига кўпайтирилади;

в) ўртача бир кунлик товар айланиши ҳажми ҳисобот давридаги бир маротаба товар айланишининг кунлар ҳисобидаги давомийлигига кўпайтирилади;

г) ҳисобот йилидаги ўртача бир кунлик товар айланиши ҳажми бир маротаба айланишининг кунлар ҳисобидаги давомийлиги фарқига кўпайтирилади.

33. Агар товар айланиши ҳажмига 7 та омил таъсир кўрсатса, занжирли боғланиш усулида товар айланиши ҳажмига таъсир кўрсатувчи омиллар қандай аниқланади?

а) 1 - боғланишда ҳаммаси ҳисобот кўрсаткичлари;

б) 2 - боғланишда 2 таси режа, 2 таси ҳисобот кўрсаткичлари;

в) 3 - боғланишда биринчиси режа, 3 таси ҳисобот кўрсаткичлари;

г) 4 - боғланишда ҳаммаси режа кўрсаткичлари;

д) биринчи боғланишда ҳаммаси режа кўрсаткичлари, қолган боғланишларда режа кўрсаткчилари ҳисобот кўрсаткичлари билан алмашиб бориб, охиргисида ҳаммаси ҳисобот кўрсаткичлари бўлади.

34. Агар товар айланиши ҳажмига 4 омил таъсир кўрсатса, улар фоизли сонлар бўйича фарқини топиш усулида қандай аниқланади?

а) сотувчиларнинг ўртача сони, жами одам-кунлари, жами одам-соатлари ва товар айланиши ҳажми бўйича ортиқча бажарилган фоиз режадаги товар айланиши ҳажмига кўпайтирилиб, 100 га бўлинади;

б) сотувчиларнинг ўртача сони, жами - одам кунлари, жами одам - соатлари ва товар айланиши ҳажми бўйича бажарилган фоизларнинг олдинги фоизлардан фарқи режадаги товар айланиши ҳажмига кўпайтирилиб, 100 га бўлинади;

в) сотувчиларнинг ўртача сони, жами одам - кунлари, жами одам-соатлари ва товар айланиши ҳажми бўйича бажарилган фоизининг олдинги фоиздан фарқи ҳисобот давридаги товар айланиши ҳажмига кўпайтирилиб, 100 га бўлинади;

г) сотувчиларнинг ўртача сони, жами одам-кунлари, жами одам соатлари ва товар айланиш ҳажмининг ортиқча бажарилган фоизи ҳисобот давридаги товар айланиши ҳажмига кўпайтирилиб, 100 га бўлинади.

35. Дебиторлик қарзларнинг айланиши қандай аниқланади?

а) товар айланиш ҳажми дебиторлик қарзларга бўлинади;

б) товар айланиши ҳажми таҳлил даврига кўпайтирилиб, дебиторлик қарзларига бўлинади;

в) дебиторлик қарзлари суммаси таҳлил даврига кўпайтирилиб, товар айланиши ҳажмига бўлинади;

г) дебиторлик қарзлари таҳлил даврига кўпайтирилиб, кредиторлик қарзларга бўлинади;

д) дебиторлик қарзлари таҳлил даврига бўлинади.

36. Кредиторлик қарзларининг айланиши қандай аниқланади?

а) кредиторлик қарзлари таҳлил даврига бўлинади;

б) товарлар айланиши ҳажми кредиторлик қарзларига бўлинади;

в) кредиторлик қарзлари суммаси товар айланиши ҳажмига бўлинади;

г) товарларнинг ҳажми таҳлил даврига кўпайтирилиб, кредиторлик қарзларга бўлинади;

д) кредиторлик қарзлари суммаси таҳлил даврига кўпайтирилиб, муомала харажатларига бўлинади.

37. Умумий овқатланиш корхоналари бўйича шартли товар айланиши ҳажми қандай аниқланади?

а) ўзида тайёрланган маҳсулот учга кўпайтирилиб, четдан сотиб олинган маҳсулотга бўлинади;

б) четдан сотиб олинган товарлар миқдори учга тақсимланиб, ўзида тайёрланган маҳсулот миқдорига қўшилади;

в) четдан сотиб олинган товарлар миқдори учга кўпайтирилиб, ўзида тайёрланган маҳсулот миқдорига қўшилади;

г) ўзида тайёрланган маҳсулот миқдори четдан сотиб олинган товарлар миқдорига қўшилади.

38. Ўзида тайёрланган маҳсулот ҳажми ўзгаришига баҳонинг таъсири қандай аниқланади?

а) таомларнинг режадаги ўртача сотиш баҳоси режадаги тайёрланадиган таомлар миқдорига кўпайтирилади;

б) таомларнинг ҳисобот давридаги ўртача сотиш баҳоси режадаги тайёрланадиган таомлар миқдорига кўпайтирилади;

в) таомларнинг ўртача сотиш баҳоси бўйича мутлақ фарқ режадаги тайёрланган таомлар миқдорига кўпатирилади;

г) таомларнинг ўртача сотиш баҳоси бўйича мутлақ фарқ ҳисобот даврида тайёрланган таомлар миқдорига кўпайтирилади.

39. Ошхонага ташриф буюрган хўрандалар сони қандай аниқланади?

а) хўрандалар учун ажратилган жой битта хўррандага хизмат кўрсатиш учун кетган вақтга кўпайтирилади;

б) хўрандалар учун ажратилган жой овқатланиш корхонасининг ишлаган кунларига кўпайтирилади;

в) ўртача иш кунининг давомийлиги бир хўррандага хизмат кўрсатиш учун сарфланган вақтга ҳамда хўррандалар учун ажратилган жойга кўпайтирилади;

г) хўрандалар учун ажратилган жой овқатланиш корхонасининг ишлаган кунларига, ўртача иш кунининг давомийлигига ва бир хўррандаги хизмат кўрсатиш учун сарфланган вақтга кўпайтирилади;

д) овқатланиш корхоналарининг ишлаган кунлари ўртача иш кунининг давомийлигига ва хўррандалар учун ажратилган жойга кўпайтирилади.

40. Товар айланиши режаси бажарилиши қандай аниқланади?

а) ҳисобот давридаги товар айланиши ҳажми ўтган йилги товар айланиши ҳажмига бўлинади;

б) ўтган йилги товар айланиши ҳажми 100 га кўпайтирилиб, ҳисобот йилидаги товар айланиши ҳажмига бўлинади;

в) режадаги товар айланиши ҳажми 100 га кўпайтирилиб, ҳисобот давридаги товар айланиши ҳажмига бўлинади;

г) ҳисобот давридаги товар айланиши ҳажми 100 га кўпайтирилиб, режадаги товар айланиши ҳажмига бўлинади;

д) режадаги товар айланиши ҳажми 100 га кўпайтирилиб, ўтган йилги товар айланиши ҳажмига бўлинади.

41. Товар гуруҳлари бўйича товар айланиши ҳажмининг жами товар айланиши ҳажмидаги улуши қандай аниқланади?

а) ҳисобот давридаги жами товар айланши ҳажми айрим товар гуруҳлари бўйича товар айланишига бўлинади;

б) режадаги айрим товар гуруҳлари бўйича товар айланиши ҳажми 100 га кўпайтирилиб, ҳисобот давридаги жами товар айланиши ҳажмига бўлинади;

в) режадаги айрим товар гуруҳлари бўйича товар айланиши ҳажми 100 га кўпайтирилиб, режадаги жами товар айланиши ҳажмига бўлинади;

г) ҳисобот давридаги айрим товар гуруҳлари бўйича товар айланиши ҳажми 100 га кўпайтирилиб, режадаги жами товар айланиши ҳажмига бўлинади;

д) ҳисобот давридаги айрим товар гуруҳлари бўйича товар айланиши ҳажми 100 га кўпайтирилиб, режадаги айрим товар гуруҳлари бўйича товар айланиши ҳажмига бўлинади.

42. Ўртача муомала харажатлари даражаси қандай аниқланади?

а) товар айланиши ҳажми 100 га кўпайтирилиб, муомала харажатларига бўлинади;

б) муомала харажатларининг ўртача даражаси 100 га кўпайтирилиб, муомала харажатлари суммасига бўлинади;

в) муомала харажатларининг ўртача даражаси 100 га кўпайтирилиб, товар айланиши ҳажмига бўлинади;

г) муомала харажатлари суммаси 100 га кўпайтирилиб, товар айланиши ҳажмига бўлинади;

д) муомала харажатлари суммаси 100 га кўпайтирилиб, муомала харажатларининг ўртача даражасига бўлинади.

43. Ўртача ялпи даромад даражаси қандай аниқланади?

а) товар айланиши ҳажми 100 га кўпайтирилиб, ўртача ялпи даромад даражасига бўлинади;

б) ўртача ялпи даромад даражаси 100 га кўпайтирилиб, ялпи даромад суммасига бўлинади;

в) ўртача ялпи даромад суммаси 100 га кўпайтирилиб, товар айланиши ҳажмига бўлинади;

г) товар айланиши ҳажми ялпи даромад суммасига бўлинади;

д) ялпи даромад суммаси 100 га кўпайтирилиб, товар айланиши ҳажмига бўлинади.

44. Ўртача 1 соатда 1м^2 савдо майдонига тўғри келадиган товар айланиши ҳажми қандай аниқланади?

а) товар айланиши ҳажми савдо майдони ва ўртача йиллик иш кунларининг кўпайтмаси натижасига бўлинади;

б) товар айланиши ҳажми савдо майдони ва ўртача иш куни давомийлигининг кўпайтмаси натижасига бўлинади;

в) товар айланиши ҳажми ўртача йиллик иш кунлари ва иш куни давомийлигининг кўпайтмаси натижасига бўлинади;

г) товар айланиши ҳажми савдо майдони, ўртача иш кунлари ва ўртача иш куни давомийлигининг кўпайтмасига бўлинади.

45. Бир сотувчига тўғри келадиган ўртача йиллик меҳнат ҳақи фонди қандай аниқланади?

а) жами меҳнат ҳақи фонди савдо ходимларининг ўртача сонига бўлинади;

б) сотувчиларнинг меҳнат ҳақи фонди уларнинг ўртача сонига бўлинади;

в) сотувчиларнинг меҳнат ҳақи фонди савдо ходимларнинг ўртача сонига бўлинади;

г) сотувчиларнинг меҳнат ҳақи фонди ёрдамчи хизмат кўрсатувчи ва маъмурий - бошқарув ходимларининг ўртача сонига бўлинади;

д) жами меҳнат ҳақи фонди ёрдамчи хизмат кўрсатувчи ва маъмурий - бошқарув ходимларининг ўртача сонига бўлинади.

46. Савдо корхонаси бўйича меҳнат унумдорлиги қандай аниқланади?

а) товар айланиши ҳажми сотувчиларнинг ўртача сонига бўлинади;

б) товар айланиши ҳажми савдо ходимларининг ўртача сонига бўлинади;

в) товар айланиши ҳажми сотувчилар томонидан ишланган жами иш кунларига бўлинади;

г) товар айланиши ҳажми ёрдамчи хизмат кўрсатувчи ва маъмурий бошқарув ходимларининг ўртача сонига бўлинади;

д) товар айланиши ҳажми сотувчилар томонидан ишланган жами одам соатларига бўлинади.

47. Асосий фондлардан фойдаланишнинг самарадорлик даражаси қандай аниқланади?

а) асосий фондларнинг йиллик қиймати товар айланиши ҳажмига бўлинади;

б) товар айланиши ҳажми хўжаликдан чиқиб кетган асосий фондларнинг қийматига бўлинади;

в) товар айланиши ҳажми асосий фондларнинг ўртача йиллик қийматига бўлинади;

г) товар айланиши ҳажми хўжаликка янги киритилган асосий фондларнинг ўртача йиллик қийматига бўлинади;

д) асосий фондларнинг ўртача йиллик қиймати фойда миқдорига бўлинади.

48. Асосий фондлардан фойдаланиш самарадорлик даражаси ўзгаришининг товар айланиши ҳажмига таъсири қандай аниқланади?

а) асосий фондлардан фойдаланишнинг самарадорлик даражаси бўйича мутлақ фарқ режадаги фондларнинг ўртача йиллик қийматига кўпайтирилади;

б) асосий фондларнинг самарадорлик даражаси бўйича мутлақ фарқ ҳисобот давридаги асосий фондларнинг ўртача йиллик қийматига кўпайтирилади;

в) асосий фондларнинг ўртача йиллик қиймати бўйича мутлақ фарқ режадаги фонд самарасига кўпайтирилади;

г) асосий фондларнинг ўртача йиллик қиймати бўйича мутлақ фарқ ҳисобот давридаги фонд самарасига кўпайтирилади.

49. 1 т/км ташилган юкнинг ўртача транспорт тарифи қандай аниқланади?

а) юк айланиши ҳажми транспорт харажатларига бўлинади;

б) транспорт харажатлари юк айланиши ҳажмига бўлинади;

в) юк айланиши ҳажми юк ташилган масофага бўлинади;

г) юк ташилган масофа юк айланиши ҳажмига бўлинади.

50. Бир сотувчига тўғри келадиган ўртача йиллик товар айланиши ҳажмининг ўзгаришига, ўртача йиллик иш кунлари ўзгаришининг таъсири қандай аниқланади?

а) ўртача йиллик иш кунлари бўйича мутлақ фарқ режадаги ўртача иш куни давомийлиги ва ўртача бир соатга тўғри келадиган товар айланиши ҳажмига кўпайтирилади;

б) ўртача иш кунлари бўйича мутлақ фарқ ҳисобот давридаги ўртача бир соатга тўғри келадиган товар айланиши ҳажмига кўпайтирилади;

в) ўртача иш кунлари бўйича мутлақ фарқ ҳисобот давридаги ўртача 1 соатга тўғри келадиган товар айланиши ҳажмига кўпайтирилади;

г) ўртача иш кунлари бўйича мутлақ фарқ ҳисобот давридаги ўртача иш кунининг давомийлигига ҳамда 1 соатга тўғри келадиган товар айланиши ҳажмига кўпайтирилади;

д) ўртача иш кунлари бўйича мутлақ фарқ режадаги бир соатга тўғри келадиган товар айланиши ҳажмига кўпайтирилади.

51. Бир сотувчига тўғри келадиган ўртача йиллик товар айланиши ҳажми ўзгаришига ўртача иш куни давомийлигининг таъсири қандай аниқланади?

а) ўртача иш кунининг давомийлиги бўйича мутлақ фарқ ҳисобот давридаги иш кунларига ва режадаги ўртача бир соатга тўғри келадиган товар айланиши ҳажмига кўпайтирилади;

б) ўртача иш кунининг давомийлиги бўйича мутлақ фарқ режадаги ўртача иш кунларига ва режадаги ўртача бир соатга тўғри келадиган товар айланиши ҳажмига кўпайтирилади;

в) ўртача иш кунининг давомийлиги бўйича мутлақ фарқ ҳисобот давридаги ўртача иш кунларига ва ҳисобот давридаги ўртача бир соатга тўғри келадиган товар айланиши ҳажмига кўпайтирилади;

г) ўртача иш кунининг давомийлиги бўйича мутлақ фарқ режадаги иш кунларига ва ҳисобот давридаги ўртача бир соатга тўғри келадиган товар айланиши ҳажмига кўпайтирилади.

52. Бир сотувчига тўғри келадиган ўртача йиллик товар айланиши ҳажмининг ўзгаришига ўртача бир соатга тўғри келадиган товар айланиши ҳажми ўзгаришининг таъсири қандай аниқланади?

а) ўртача бир соатга тўғри келадиган товар айланиши ҳажми бўйича мутлақ фарқ режадаги ўртача йиллик иш кунларига ва режадаги ўртача иш кунининг давомийлигига кўпайтирилади;

б) ўртача бир соатга тўғри келадиган товар айланиши ҳажми бўйича мутлақ фарқ ҳисобот давридаги ўртача йиллик иш кунларига ва режадаги ўртача иш кунининг давомийлигига кўпайтирилади;

в) ўртача бир соатга тўғри келадиган товар айланиши ҳажми бўйича мутлақ фарқ ҳисобот давридаги ўртача йиллик иш кунларига ва ҳисобот давридаги ўртача иш кунининг давомийлигига кўпайтирилади;

г) ўртача бир соатга тўғри келадиган товар айланиши ҳажми бўйича фарқ режадаги ўртача йиллик иш кунларига ва ҳисобот давридаги ўртача иш кунининг давомийлигига кўпайтирилади;

д) ўртача бир соатга тўғри келадиган товар айланиши ҳажми бўйича мутлақ фарқ ҳисобот давридаги ўртача йиллик иш кунларига кўпайтирилади.

53. Бир сотувчига тўғри келадиган ўртача йиллик товар айланиши ҳажми қандай аниқланади?

а) товар айланиши ҳажми ўртача йиллик савдо ходимлари сонига бўлинади;

б) товар айланиши ҳажми ўртача йиллик сотувчилар сонига бўлинади;

в) товар айланиши ҳажми ўртача йиллик ёрдамчи хизмат кўрсатувчи ходимлар сонига бўлинади;

г) товар айланиши ҳажми маъмурий - бошқарув ходимларининг ўртача йиллик сонига бўлинади;

д) товар айланиши ҳажми ўртача йиллик сотувчилар, ёрдамчи хизмат кўрсатувчи ва маъмурий - бошқарув ходимлари сонига бўлинади.

54. Ўртача иш кунининг давомийлиги қандай аниқланади?

а) жами ишланган одам-соатлар сотувчиларнинг ўртача сонига бўлинади;

б) жами одам-соатлар ўртача йиллик иш кунларига бўлинади;

в) жами одам-соатлар жами ишланган иш кунларига бўлинади;

г) жами ишланган одам-кунлар жами ишланган ишчи соатларига бўлинади;

д) жами ишланган одам-кунлар сони ўртача иш кунининг давомийлигига бўлинади.

55. Бир сотувчига тўғри келадиган ўртача йиллик иш кунлари сони қандай аниқланади?

а) жами ишланган иш кунлари сони савдо ходимларининг ўртача сонига бўлинади;

б) жами ишланган иш кунлари ёрдамчи хизмат кўрсатувчи ва маъмурий - бошқарув ходимларининг ўртача сонига бўлинади;

в) жами ишланган иш кунлари сотувчиларнинг ўртача сонига бўлинади;

г) жами ишланган иш кунлари ёрдамчи хизмат кўрсатувчи ходимларнинг ўртача сонига бўлинади;

д) жами ишланган иш кунлари маъмурий - бошқарув ходимларининг ўртача сонига бўлинади.

56. Ўртача савдо ходимига тўғри келадиган йиллик меҳнат ҳақи фонди қандай аниқланади?

а) жами меҳнат ҳақи фонди савдо ходимларининг ўртача сонига бўлинади.

б) жами меҳнат ҳақи фонди сотувчиларнинг ўртача йиллик сонига бўлинади.

в) жами меҳнат ҳақи фонди ёрдамчи хизмат кўрсатувчи ва маъмурий - бошқарув ходимларининг ўртача йиллик сонига бўлинади.

г) сотувчилар учун белгиланган жами меҳнат ҳақи фонди сотувчиларнинг ўртача йилик сонига бўлинади.

д) сотувчилар учун белгиланган жами меҳнат ҳақи фонди савдо ходимларини ўртача йиллик сонига бўлинади.

57. Ўртача бир кунлик товар айланиши ҳажми қандай аниқланади?

а) товар айланиши ҳажми жами ишланган иш кунларига бўлинади;

б) товар айланиши ҳажми ўртача йиллик иш кунларига бўлинади;

в) товар айланиши ҳажми жами ишланган иш соатларига бўлинади;

г) товар айланиши ҳажми ўртача иш кунининг давомийлигига бўлинади;

д) товар айланиши ҳажми савдо ходимларининг ўртача сонига бўлинади.

58. Савдо ходимлари меҳнат ҳақи фондига ходимлар сонининг таъсири қандай аниқланади?

а) савдо ходимларининг сони бўйича мутлақ фарқ ҳисобот давридаги бир сотувчига тўғри келадиган ўртача йиллик меҳнат ҳақи фондига кўпайтирилади;

б) савдо ходимларининг сони бўйича мутлақ фарқ режадаги бир сотувчига тўғри келадиган ўртача йиллик меҳнат ҳақи фондига кўпайтирилади;

в) бир савдо ходимига тўғри келадиган ўртача йиллик меҳнат ҳақи фонди бўйича мутлақ фарқ режадаги савдо ходимлари сонига кўпайтирилади;

г) савдо ходимларининг сони бўйича мутлақ фарқ режа давридаги бир савдо ходимига тўғри келадиган ўртача йиллик меҳнат ҳақи фондига кўпайтирилади;

д) сотувчилар сони бўйича мутлақ фарқ режадаги бир сотувчига тўғри келадиган ўртача йиллик меҳнат ҳақи фондига кўпайтирилади.

59. Савдо ходимларининг меҳнат ҳақи фондига ўртача бир савдо ходимига тўғри келадиган йиллик меҳнат ҳақи фонди ўзгаришининг таъсири қандай аниқланади?

а) савдо ходимларига тўғри келадиган ўртача йиллик меҳнат ҳақи фонди бўйича мутлақ фарқ ҳисобот давридаги савдо ходимларининг ўртача сонига кўпайтирилади;

б) савдо ходимларига тўғри келадиган ўртача йиллиик меҳнат ҳақи фонди бўйича мутлақ фарқ режадаги савдо ходимларининг ўртача сонига кўпайтирилади;

в) савдо ходимларига тўғри келадиган ўртача йиллик меҳнат ҳақи фонди бўйича мутлақ фарқ режадаги сотучиларнинг ўртача сонига кўпайтирилади;

г) савдо ходимларига тўғри келадиган ўртача йиллик меҳнат ҳақи фонди бўйича мутлақ фарқ ҳисобот давридаги сотувчилар сонига кўпайтирилади;

д) бир сотувчига тўғри келадиган ўртача йиллик меҳнат ҳақи фонди бўйича мутлақ фарқ ҳисобот давридаги савдо ходимларининг ўртача сонига кўпайтирилади.

60. Иш вақти фонди ўзгаришига сотувчилар сони ўзгаришининг таъсири қандай аниқланади?

а) сотувчилар сони бўйича мутлақ фарқ режадаги бир сотувчига тўғри келадиган ўртача йиллик иш кунларига ва ўртача иш кунининг давомийлигига кўпайтирилади;

б) сотувчилар сони бўйича мутлақ фарқ ҳисобот давридаги бир сотувчига тўғри келадиган ўртача йиллик иш кунларига ва ўртача иш кунининг давомийлигига кўпайтирилади;

в) сотувчилар сони бўйича мутлақ фарқ ҳисобот давридаги бир сотувчига тўғри келадиган ўртача йиллик иш кунларига ва режадаги иш кунининг давомийлигига кўпайтирилади;

г) сотувчилар сони бўйича мутлақ фарқ режадаги ўртача бир сотувчига тўғри келадиган ўртача йиллик иш кунларига ва ҳисобот давридаги ўртача иш кунининг давомийлигига кўпайтирилади;

д) сотувчилар сони бўйича мутлақ фарқ ҳисобот давридаги жами ишланган одам-кунларига кўпайтирилади.

61. Иш вақти фонди ўзгаришига ўртача йиллик иш кунлари ўзгаришининг таъсири қандай аниқланади?

а) ўртача йиллик иш кунлари бўйича мутлақ фарқ ҳисобот давридаги сотувчилар сонига ҳамда ўртача иш кунининг давомийлигига кўпайтирилади;

б) ўртача йиллик иш кунлари бўйича мутлақ фарқ режадаги сотувчилар сонига ва режадаги ўртача иш кунининг давомийлигига кўпайтирилади;

в) ўртача йиллик иш кунлари бўйича мутлақ фарқ ҳисобот давридаги сотувчилар сонига ва режадаги ўртача иш кунининг давомийлигига кўпайтирилади;

г) ўртача йиллик иш кунлари бўйича мутлақ фарқ режадаги сотувчилар сонига кўпайтирилади;

д) ўртача йиллик иш кунлари бўйича мутлақ фарқ режадаги ўртача иш кунининг давомийлигига кўпайтирилади.

62. Иш вақти фонди ўзгаришига ўртача иш куни давомийлигининг таъсири қандай аниқланади?

а) ўртача иш кунининг давомийлиги бўйича мутлақ фарқ ҳисобот давридаги сотувчилар сонига кўпайтирилади;

б) ўртача иш кунининг давомийлиги бўйича мутлақ фарқ ҳисобот давридаги сотувчилар сонига ва ўртача йиллик иш кунларига кўпайтирилади;

в) ўртача иш кунининг давомийлиги бўйича мутлақ фарқ режадаги сотувчилар сонига ва ўртача йиллик иш кунларига кўпайтирилади;

г) ўртача иш кунининг давомийлиги бўйича мутлақ фарқ ҳисобот давридаги сотувчилар сонига ва режадаги ўртача йиллик иш кунларига кўпайтирилади;

д) ўртача иш кунининг давомийлиги бўйича мутлақ фарқ жами ишланган одам-соатларига кўпайтирилади.

63. Молиявий коэффициентлар нечта блокдан иборат?

а) битта блокдан;

б) иккита блокдан;

в) учта блокдан;

г) тўртта блокдан;

д) бешта блокдан.

64. Корхонанинг жорий қувватлилик коэффициенти қандай аниқланади?

а) кассадаги пул маблағларининг қисқа муддатли мажбуриятларга нисбати бўйича;

б) қисқа муддатли молиявий қўйилмаларнинг қисқа муддатли мажбуриятларга нисбати асосида;

в) пул маблағлари, соф дебиторлик қарзлар ва моддий ишлаб чиқариш заҳираларининг қисқа муддатли мажбуриятларга нисбати бўйича;

г) дебиторлик қарзларининг қисқа муддатли мажбуриятларга нисбати асосида;

д) пул маблағлари, қисқа муддатли молиявий қўйилмалар, соф дебитор қарзлар ва моддий ишлаб чиқариш заҳираларининг қисқа муддатли мажбуриятларга нисбати бўйича.

65. Асосий қувватлилик кўрсаткичлари нималардан иборат?

а) жорий қувватлиликдан;

б) соф айланма капитал ва мутлақ қувватлиликдан;

в) жорий қувватлилик, тезкор қувватлилик, мутлақ қувватлилик ва соф айланма капиталдан;

г) мутлоқ қувватлиликдан.

66. Капитал тузилиши кўрсаткичлари нималардан иборат?

а) молиявий тобеликдан;

б) молиявий тобелик ва қарз берувчиларни ҳимоя қилишдан;

в) молиявий тобелик ва шахсий мулкдан;

г) шахсий мулк ва қарз берувчиларни ҳимоя қилишдан;

д) молиявий тобелик, шахсий мулк ва қарз берувчиларни ҳимоя қилишдан.

67. Молиявий тобелик коэффициенти қандай аниқланади?

а) шахсий капиталнинг жалб қилинган капиталга нисбати асосида;

б) активлар ўртача йиллик қийматининг шахсий капиталга нисбати бўйича;

в) шахсий капиталнинг фоиз тўлаш учун давр харажатларига нисбати бўйича;

г) жалб қилинган капиталнинг шахсий капиталга нисбати бўйича;

д) соф фойданинг фоиз тўлаш учун давр харажатларига нисбати бўйича.

68. Ишчанлик фаолияти кўрсаткчиларига нималар киради?

а) активларнинг айланиши;

б) кредитор қарзларнинг айланиши;

в) дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг айланиши;

г) активларнинг айланиши, дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг айланиши, моддий ишлаб чиқариш заҳираларининг айланиши ва муомала даврининг давомийлиги;

д) муомала даврининг давомийлиги.

69. Рентабеллик кўрсаткичлари нималардан иборат?

а) активлар бўйича рентабеллик даражасидан;

б) активлар ва сотилган маҳсулот бўйича рентабеллик даражалидан;

в) сотилган маҳсулот бўйича шахсий капиталга нисбатан рентабеллик даражаси ва бир акциянинг даромадлилик даражасидан;

г) активлар бўйича сотилган маҳсулотга кўра бўйича, шахсий капиталга нисбатан рентабеллик даражаси ва бир акциянинг даромадлилик даражаси;

д) шахсий капиталга нисбатан ва сотилган маҳсулот бўйича рентабеллик даражасидан;

70. Бозорга оид ишчанлик кўрсаткичлари нималардан иборат?

а) баҳо–фойда нисбати ва тўланган даромад қисмидан;

б) баҳо–фойда нисбати ва акциянинг даромадлилигидан;

в) баҳо–фойда нисбати, акциянинг даромадлилиги ва акциянинг баланс қийматидан;

г) баҳо–фойда нисбати, акциянинг даромадлилиги, акциянинг баланс қиймати ва тўланган даромад қисмидан;

д) акциянинг баланс қиймати ва тўланган даромад қисмидан.

71. Баланс бўйича ўз маблағларининг мавжудлиги қандай аниқланади?

а) балансниг пассив қисмидаги биринчи бўлим йиғиндисидан балансниг актив қисми биринчи бўлими йиғиндиси айирилади;

б) балансининг актив қисмидаги биринчи бўлим йиғиндисидан балансининг актив қисмидаги иккинчи бўлим йиғинидиси айирилади;

в) балансининг актив қисмидаги иккинчи бўлим йиғиндисидан балансининг пассив қисмидаги биринчи бўлим йиғиндиси айирилади;

г) балансининг пассив қисмидаги биринчи бўлим йиғиндисидан пассив қисмидаги иккинчи бўлим йиғиндиси айирилади;

д) балансининг актив қисми биринчи бўлими йиғиндисидан пассив қисмининг иккинчи бўлими йиғиндиси айирилади.

72. Корхонанинг ўз маблағлари билан таъминланганлиги қандай аниқланади?

а) корхонанинг ўз маблаглари заҳира ва харажатлар билан таққосланади;

б) заҳира ва харажатлар қисқа муддатли кредит ва қарзлар билан таққосланади;

в) ўз маблағлари ўз маблағларининг манбалари билан таққосланади;

г) ўз маблағлари қисқа муддатли кредит ва қарзлар билан таққосланади;

д) ўз маблағлари узоқ муддатли кредит ва қарзлар билан таққосланади.

73. Молиявий мустақиллик коэффициенти қандай аниқланади?

а) балансининг пассив қисми суммасининг жами актив қисми жами суммасига нисбати бўйича;

б) балансининг пассив қисми бўйича биринчи бўлим йиғиндисининг пассив қисми жами суммаси нисбатига кўра;

в) баланс активининг жами суммаси баланс пассивининг жами суммасига нисбати бўйича;

г) балансининг пассив қисми бўйича биринчи бўлим жами суммасининг актив қисмидаги биринчи бўлим жами суммасига нисбатига кўра;

д) баланс пассивидаги биринчи бўлим йиғиндиси баланс активининг жами суммасига нисбати асосида.

74. Корхонанинг тез қувватлили коэффициенти қандай аниқланади?

а) моддий ишлаб чиқариш заҳираларининг қисқа муддатли мажбуриятларига нисбати бўйича;

б) моддий ишлаб чиқариш заҳиралари ва пул маблағларининг қисқа муддатли мажбуриятларига нисбати бўйича;

в) пул ва соф дебиторлик қарзларининг қисқа муддатли мажбуриятларга нисбати бўйича;

г) қисқа муддатли молиявий қўйилмалар ва соф дебиторлик қарзларининг қисқа муддатли мажбуриятларга нисбати бўйича;

д) пул маблағлари, қисқа муддатли молиявий қўйилмалар ва соф дебитор қарзларининг қисқа муддатли мажбуриятларга нисбати бўйича.

75. Сотишдан олинган соф тушум қандай аниқланади?

а) маҳсулот сотишдан тушган тушумга қўшимча қиймат солиғи қўшилиб, ишлаб чиқариш таннархи айирилади;

б) маҳсулот сотишдан тушган тушумга қўшимча қиймат солиғи ва акция солиғи қўшилиб, ишлаб чиқариш таннархи айирилади;

в) маҳсулот сотишдан тушган тушумдан қўшимча қиймат солиғи ва акциз солиғи айирилади;

г) маҳсулот сотишдан тушган тушумдан ишлаб чиқариш таннархи айирилади.

76. Асосий ишлаб чиқариш фаолиятининг молиявий натижаси қандай аниқланади?

а) сотишдан ялпи молиявий натижадан сотиш харажатлари айирилади;

б) сотишдан ялпи молиявий натижадан сотиш харажатлари, маъмурий харажатлар ва асосий фаолиятнинг бошқа жараёнларидан олинган даромадлар ва харажатлар айирилади;

в) ялпи молиявий натижага сотиш харажатлари ва маъмурий харажатлар қўшилади;

г) ялпи молиявий натижадан асосий фаолиятнинг бошқа жараёнларидан олинган даромадлар ва харажатлар айирилади.

77. Ялпи молиявий натижа қандай аниқланади?

а) сотишдан олинган соф тушумга ишлаб чиқариш таннархи қўшилади;

б) сотишдан олинган соф тушум 100 га кўпайтирилиб, ишлаб чиқариш таннархига бўлинади;

в) сотишдан олинган соф тушумдан ишлаб чиқариш таннархи айирилади;

г) сотишдан олинган соф тушумга ишлаб чиқариш таннархи қўшилади.

78. Умумхўжалик фаолиятининг молиявий натижаси қандай аниқланади?

а) асосий ишлаб чиқариш фаолиятининг молиявий натижасидан уюшма ва шўъба корхоналаридан олинган дивидентлар қўшилади;

б) асосий ишлаб чиқариш фаолиятининг молиявий натижасидан валюта курси фарқи ва бошқа олинган дивидендлар айирилади;

в) асосий ишлаб чиқариш фаолиятининг молиявий натижасига уюшма ва унинг шўъба корхоналаридан олинган дивидендлар, олинган бошқа дивидендлар, олинган ва берилган қарзлар бўйича фоизлар, тўланган ва олинган бошқа фоизлар, валюта курси бўйича фарқ ва молиявий фаолият бўйича бошқа даромадлар қўшилиб, харажатлар айирилади;

г) асосий ишлаб чиқариш фаолиятининг молиявий натижасидан уюшма ва шўъба корхоналаридан олинган ва берилган қарзлар бўйича фоизлар, молиявий фаолият бўйича харажатлар айирилади.

79. Солиқ тўланганга қадар умумий молиявий натижа қандай аниқланади?

а) умумхўжалик фаолиятининг молиявий натижасидан фавқулодда фойда айирилади;

б) умумхўжалик фаолиятининг молиявий натижасига фавқулодда зарар қўшилади;

в) умумхўжалик фаолиятининг молиявий натижасига фавқулодда фойда ва зарар қўшилади;

г) умумхўжалик фаолиятининг молиявий натижасига фавқулодда фойда қўшилиб, фавқулодда зарар айрилади.

80. Соф фойда қандай аниқланади?

а) солиқ тўланганга қадар умумий молиявий натижадан бошқа солиқ ва ажратмалар айирилади;

б) солиқ тўланганга қадар умумий молиявий натижага даромад солиғи ва бошқа ажратмалар қўшилади;

в) солиқ тўланганга қадар умумий молиявий натижадан даромад солиғи ва бошқа ажратмалар айирилади;

г) солиқ тўланганга қадар умумий молиявий натижадан даромад солиғи айирилади.

Тестларнинг жавоблари

1. в) Белгиланган ассортимент ҳисобидаги товар айланиши ҳажми 100 га кўпайтирилиб, режадаги товар айланиши ҳажмига бўлинади.

2. в) $Т_{зах1} + Т_к + Т_о = Т_с + Т_{чк} + Т_{кч} + Т_{зах2}$

3. г) Ҳисобот давридаги сотувчилар сонининг режадагидан фарқи режадаги бир сотувчига тўғри келадиган товар айланиши ҳажмига кўпайтирилади.

4. г) Меҳнат унумдорлиги бўйича мутлақ фарқ ҳисобот давридаги сотувчилар сонига кўпайтирилади.

5. г) Сотувчиларнинг улуши бўйича мутлақ фарқ режадаги бир сотувчига тўғри келадиган товар айланиши ҳажмига кўпайтирилиб, 100 га бўлинади.

6. б) Бир сотувчига тўғри келадиган ўртача товар айланиши ҳажми бўйича мутлақ фарқ сотувчиларнинг ҳисобот давридаги улушига кўпайтирилиб, 100 га бўлинади.

7. в) Режадаги сотувчилар сони товар айланиши ҳажмининг бажарилган фоизига кўпайтирилиб, 100 га бўлинади ва натижа ҳисобот давридаги сотувчилар сони билан таққосланади.

8. в) Савдо майдонининг ўзгариши бўйича мутлақ фарқ режадаги ўртача иш кунларига, режадаги иш кунининг давомийлигига ва режадаги 1 соатда 1м^2 савдо майдонига тўғри келадиган товар айланиши ҳажмига кўпайтирилади.

9. в) Иш кунлари бўйича мутлақ фарқ ҳисобот давридаги савдо майдонига, режадаги иш кунларига ва режадаги 1 соатда 1 м^2 савдо майдонига тўғри келадиган товар айланиши ҳажмига кўпайтирилади.

10. б) Иш кунининг давомийлиги бўйича мутлақ фарқ ҳисобот давридаги савдо майдонига, ҳисобот давридаги иш кунларига ва режадаги 1 соатда 1 м² савдо майдонига тўғри келадиган товар айланиши ҳажмига кўпайтирилида.

11. а) 1 соатда 1 м² савдо майдонига тўғри келадиган товар айланиши ҳажми бўйича мутлақ фарқ ҳисобот давридаги савдо майдонига, ҳисобот давридаги иш кунининг давомийлиги ва ҳисобот давридаги иш кунларига кўпайтирилади.

12.в) Товар айланиши ҳажми бўйича мутлақ фарқ режадаги муомала харажатларининг ўртача даражасига кўпайтирилиб, 100 га бўлинади.

13.б) Муомала харажатларининг ўртача даражаси бўйича мутлақ фарқ ҳисобот давридаги товар айланиши ҳажмига кўпайтирилиб, 100 га бўлинади.

14.г) Режадаги шартли ўзгарувчан муомала харажатлари товар айланиш режасининг бажарилган фоизига кўпайтирилиб, 100 га бўлинади ва натижага режадаги шартли ўзгармас муомала харажатлари қўшилиб, ҳисобот давридаги муомала харажатлари билан таққосланади.

15.д) Сотувчиларнинг режадаги меҳнат ҳақи фонди товар айланиши режасининг бажарилган фоизига кўпайтирилиб, 100 га бўлинади ва натижа ҳисобот давридаги меҳнат ҳақи билан таққосланади.

16. г) Режадаги меҳнат ҳақи фонди товар айланишининг ортиқча ёки кам бажарилган фоизига кўпайитирилиб, 100 га бўлинади.

17.в) Сотувчилар сони бўйича нисбий фарқ режадаги ўртача бир йилда бир сотувчига тўғри келадиган меҳнат ҳақига кўпайтирилади.

18.в) Товар айланиши ҳажми бўйича фарқ режадаги ялпи даромад даражасига кўпайтирилиб, 100 га бўлинади.

19.г) Ўртача ялпи даромад даражаси бўйича мутлақ фарқ ҳисобот давридаги товар айланиши ҳажмига кўпайтирилиб, 100 га бўлинади.

20.в) Товар айланиши ҳажми бўйича мутлақ фарқ режадаги рентабеллик даражасига кўпайтирилиб, 100 га бўлинади.

21.б) Ўртача ялпи даромад даражаси бўйича мутлақ фарқ ҳисобот давридаги товар айланиши ҳажмига кўпайтирилиб, 100 га бўлинади.

22.а) Муомала харажатларининг ўртача даражаси бўйича мутлақ фарқ ҳисобот давридаги товар айланиши ҳажмига кўпайтирилиб, 100 га бўлинади.

23.г) Муомала харажатлари даражаси бўйича мутлақ фарқ ҳисобот давридаги товар айланиши ҳажмига кўпайтирилади ва 100 га бўлинади.

24.а) Товар гуруҳлари бўйича товар айланиши улушидаги мутлақ фарқ режадаги товар гуруҳлари бўйича муомала харажатлари даражасига кўпайтирилиб, 100 га бўлинади ва натижа ҳисобот давридаги товар айланиши ҳажмига кўпайтирилади.

25.д) Юк ҳажми бўйича мутлақ фарқ режадаги 1 т/км юк ташиш транспорт тарифига кўпайтирилади.

26.в) Бир т/км юкни ташиш транспорт тарифи бўйича мутлақ фарқ ҳисобот давридаги юк ҳажмига кўпайтирилади.

27.а) Товар гуруҳлари бўйича товар айланиши улушидаги мутлақ фарқ режа давридаги товар гуруҳлари ялпи даромад даражасига кўпайтирилиб, 100 га бўлинади ва натижа ҳисобот давридаги товар айланиши ҳажмига кўпайтирилади.

28.б) Ўртача товар заҳиралари таҳлил даврига (вақтига) кўпайтирилиб, товар айланиши ҳажмига бўлинади.

29.г) Фойда миқдори 100 га кўпайтирилиб, асосий ва айланма маблағларнинг йиғиндисига бўлинади.

30. в) Фойда суммаси 100 га кўпайтирилиб, муомала харажатларига бўлинади.

31. в) Фойда, асосий ва айланма маблағлар миқдорининг ўзгариши.

32. г) Ҳисобот йилидаги ўртача бир кунлик товар айланиши ҳажми бир маротаба айланишининг кунлар ҳисобидаги давомийлиги фарқига кўпайтирилади.

33. д) Биринчи боғланишда ҳаммаси режа кўрсаткичида бўлиб, қолган боғланишларда режа кўрсаткичлари ҳисобот кўрсаткичлари билан алмашиб боради, охиргисида ҳаммаси ҳисобот кўрсаткичларида бўлади.

34. б) Сотувчиларнинг ўртача сони жами одам-кунлари, жами одам-соатлари ва товар айланиши ҳажми бўйича бажарилган фоизларнинг олдинги фоизлардан фарқи режадаги товар айланиш ҳажмига кўпайтирилиб, 100 га бўлинади.

35. в) Дебиторлик қарзлари суммаси таҳлил даврига кўпайтирилиб, товар айланиши ҳажмига бўлинади.

36. д) Кредиторлик қарзлари суммаси таҳлил даврига кўпайтирилиб, муомала харажатларига бўлинади.

37. в) Четдан сотиб олинган товарлар миқдори учга тақсимланиб, ўзида тайёрланган маҳсулот миқдорига қўшилади.

38. г) Таомларнинг ўртача сотиш баҳоси бўйича мутлақ фарқ ҳисобот даврида тайёрланган таомлар миқдорига кўпайтирилади.

39. г) Хўрандалар учун ажратилган жой овқатланиш корхонасининг ишлаган кунларига, ўртача иш кунининг давомийлигига ҳамда бир хўрандага хизмат кўрсатиш учун кетган вақтга кўпайтирилади.

40. г) Ҳисобот давридаги товар айланиши ҳажми 100 га кўпайтирилиб, режадаги товар айланиши ҳажмига бўлинади.

41. в) Режадаги айрим товар гуруҳлари бўйича товар айланиши ҳажми 100 га кўпайтирилиб, режадаги жами товар айланиши ҳажмига бўлинади.

42. г) Муомала харажатлари суммаси 100 га кўпайтирилиб, товар айланиши ҳажмига бўлинади.

43. д) Ялпи даромад суммаси 100 га кўпайтирилиб, товар айланиши ҳажмига бўлинади.

44. г) Товар айланиши ҳажми савдо майдони, ўртача йиллик иш кунлари ва ўртача иш куни давомийлигининг кўпайтмасига бўлинади.

45. б) Сотувчиларнинг меҳнат ҳақи фонди уларнинг ўртача сонига бўлинади.

46. б) Товар айланиши ҳажми савдо ходимларининг ўртача сонига бўлинади.

47. в) Товар айланиши ҳажми асосий фондларнинг ўртача йиллик қийматига бўлинади.

48. б) Асосий фондлардан фойдаланишнинг самарадорлик даражаси бўйича мутлақ фарқ ҳисобот давридаги асосий фондларнинг ўртача йиллик қийматига кўпайтирилади.

49. б) Транспорт харажатлари юк айланиши ҳажмига бўлинади.

50. а) Ўртача йиллик иш кунлари бўйича мутлақ фарқ режадаги ўртача иш кунининг давомийлиги ва ўртача бир соатга тўғри келадиган товар айланиши ҳажмига кўпайтирилади.

51. а) Ўртача иш кунининг давомийлиги бўйича мутлақ фарқ ҳисобот давридаги иш кунларига ва режадаги ўртача

бир соатга тўғри келадиган товар айланиши ҳажмига кўпайтирилади.

52. в) Ўртача бир соатга тўғри келадиган товар айланиши ҳажми бўйича мутлақ фарқ ҳисобот давридаги ўртача йиллик иш кунларига ва ҳисобот давридаги ўртача иш кунининг давомийлигига кўпайтирилади.

53. б) Товар айланиши ҳажми ўртача йиллик сотувчилар сонига бўлинади.

54. в) Жами одам-соатлар жами ишланган иш кунларига бўлинади.

55. в) Жами ишланган иш кунлари сотувчиларнинг ўртача сонига бўлинади.

56. а) Жами меҳнат ҳақи фонди савдо ходимларининг ўртача сонига бўлинади.

57. а) Товар айланиши ҳажми жами ишланган иш кунларига бўлинади.

58. г) Савдо ходимларининг сони бўйиа мутлақ фарқ режа давридаги бир савдо ходимига тўғри келадиган ўртача йиллик меҳнат ҳақи фондига кўпайтирилади.

59. а) Савдо ходимларига тўғри келадиган ўртача йиллик меҳнат ҳақи фонди бўйича мутлақ фарқ ҳисобот давридаги савдо ходимларининг ўртача сонига кўпайтирилади.

60. а) Сотувчилар сони бўйича мутлақ фарқ режадаги бир сотувчига тўғри келадиган ўртача йиллик иш кунларига ва ўртача иш кунининг давомийлигига кўпайтирилади.

61. в) Ўртача йиллик иш кунлари бўйича мутлақ фарқ ҳисобот давридаги сотувчилар сонига ва режадаги ўртача иш кунининг давомийлигига кўпайтирилади.

62. б) Ўртача иш кунининг давомийлиги бўйича мутлақ фарқ ҳисобот давридаги сотувчилар сонига ва ўртача йиллик иш кунларига кўпайтирилади.

63. д) Бешта блокдан.

64. д) Пул маблағлари, дебиторлик қарзлари, қисқа муддатли молиявий қўйилмалар ва моддий ишлаб чиқариш заҳираларининг қисқа муддатли мажбуриятларига нисбати бўйича.

65. в) Жорий қувватлилик, тезкор қувватлилик, мутлақ қувватлилик ва соф айланма капиталдан.

66. д) Молиявий тобелик, шахсий мулк ва қарз берувчиларни ҳимоя қилиш.

67. г) Жалб қилинган капиталнинг шахсий капиталга нисбати асосида.

68. г) Активларнинг айланиши, дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг айланиши, моддий ишлаб чиқариш заҳираларининг айланиши ва муомала даврининг давомийлиги.

69. г) Активлар бўйича, сотилган маҳсулот бўйича, шахсий капиталга нисбатан рентабеллик даражаси ва бир акциянинг даромадлилик даражаси.

70. г) Баҳо - фойда нисбати, акциянинг даромадлилиги, акциянинг баланс қиймати ва тўланган даромад қисмидан.

71. а) Балансннинг пассив қисмидаги биринчи бўлим йиғиндисидан балансннинг актив қисмидаги биринчи бўлим йиғиндиси айирилади.

72. а) Корхонанинг ўз маблағлари заҳира ва харажтлар билан таққосланади.

73. б) Баланс пассив қисми бўйича биринчи бўлим йиғиндисининг пассиви қисми жами суммаси нисбатига кўра.

74. д) Пул маблағлари, қисқа муддатли молиявий қўйилмалар ва соф дебиторлик қарзларининг қисқа муддатли мажбуриятларга нисбати бўйича.

75. в) Маҳсулот сотишдан тушган тушумдан қушимча қиймат солиғи ва акциз солиғи айирилади.

76. б) Сотишдан ялпи молиявий натижадан сотиш харажатлари, маъмурий харажатлар ва асосий фаолиятнинг бошқа жараёнларидан олинган даромадлар ва харажатлар айирилади.

77. в) Сотишдан олинган соф тушумдан ишлаб чиқариш таннархи айирилади.

78. в) Асосий ишлаб чиқариш фаолиятининг молиявий натижасига уюшма ва унинг шўъба корхоналаридан олинган дивидендлар, олинган бошқа дивидендлар, олинган ва берилган қарзлар бўйича фоизлар, тўланган ва олинган бошқа фоизлар, валюта курси бўйича фарқ ва молиявий фаолият бўйича бошқа даромадлар қўшилиб, харажатлар айирилади.

79. г) Умумхўжалик фаолиятининг молиявий натижасига фавқулодда фойда қўшилиб, фавқулодда зарар айирилади.

80. в) Солиқ тўланганга қадар умумий молиявий натижадан даромад солиғи ва бошқа ажратмалар айирилади.

VIII БОБ. УЛГУРЖИ САВДО КОРХОНАЛАРИДА ТОВАРЛАР АЙЛАНИШИНИНГ ТАҲЛИЛИ

8.1. Улгуржи савдо короналарида товарлар айланишини таҳлил қилишда таҳлилнинг аҳамияти ва вазифалари

Савдо тармоқлари орасида улгуржи савдо алоҳида ўрин тутади. Унинг асосий вазифаларидан бири товарларни ишлаб чиқаришдан улгуржи савдо базалари омборларига, омборлардан истеъмолчиларга етказиб беришдир. Бу вазифани бажариш учун товар етказиб бериладиган савдо ташкилоти ҳамда аҳолининг талаби ўрганилади ва шу асосида халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқариш бўйича буюртмалар тузилади. Улгуржи савдо корхоналари товарлар ишлаб чиқариладиган ва истеъмол қилинадиган туманларни ўзаро боғлаб, аҳолининг тўхтовсиз ўзгариб ва ўсиб бораётган талаблари вақтида, узлуксиз қондирилишини, заҳиралардаги товарларга қўшимча ишлов бериш, уларни ортиб жўнатиш, навларга ажратиш, қадоқлаш, ўраш-жойлаш каби ишлар бажарилишини таъминлайди. Шу мақсадда чакана савдо, умумий овқатланиш, матлубот жамияти ва бошқа харидорларга товарлар етказиб бериш учун база омборларида маълум миқдорда товар заҳираларини сақлайди, омбордаги товар заҳираларини иқтисодий туманлар бўйича бир меъёрда тақсимлайди.

Чакана савдо, умумий овқатланиш корхоналари ва матлубот жамиятларида товар айланиши режасининг бажарилиши кўп жиҳатдан улгуржи товар айланиши режасининг бажарилишига боғлиқ. Агар чакана савдо корхоналари фақатгина харидорларга истеъмол буюмларини сотадиган бўлса, улгуржи савдо корхоналари истеъмолчиларга ишлаб чиқариш воситаларини ҳам сотади.

Улгуржи база ва омборлар чакана савдо корхоналарига жўнатиладиган товар заҳираларини буглаш, керакли товарларни зарур ассортимент ва сифатда истеъмолчиларга етказиб бериш билан ҳам шуғулланади.

Улгуржи савдонинг салбий томонлари ҳам мавжуд. Чунончи, бу йўналишдаги савдо ташкилотлари томонидан тузилган шартномаларга амал қилмаслик натижасида то-

варларни бир меъёрда етказиб бериш мароми (тартиби) бузилиши, оқибатда чакана савдо корхоналари йил бошида кам, йил охирид эса, сифатсиз ва кераксиз бўлган товарлар билан кўп таъминланиши мумкин. Бундай вазият товарлар туманлар, савдо ташкилотлари ва айрим савдо тармоқлари бўйича нотўғри тақсимланиши натижасида вужудга келади.

Улгуржи товар айланиши товарларни чакана ва умумий овқатланиш корхоналарига келгусида аҳолига, корхоналарга, ташкилотларга ва ишлаб чиқариш мақсадлари учун кўп миқдорда сотишдир. Улгуржи савдо корхоналари хўжалик фаолиятини таҳлил қилишдан асосий мақсад уларнинг иш фаолиятига холис баҳо бериш, истеъмолчиларга хизмат кўрсатишни яхшилаш, товарлар ҳаракатини такомиллаштириишдан иборат.

Таҳлил жараёнида улгуржи товар айланиши ҳажми ҳамда харидорларга товар етказиб бериш режаси бажарилишининг ўзгариши, товар айланишининг бир неча йиллар давомидаги ўсиши, товар айланиши ҳажининг ўзгаришига таъсир кўрсатувчи омиллар аниқланиши; бу жараён улгуржи савдо корхоналарида режалаштиришни, ҳар томонлама иқтисодий ривожланишни, саноат корхоналарининг ишлаб чиқариш қувватини ва товар захиралари ҳолатини ҳисобга олган ҳолда олиб борилиши; улгуржи савдо корхоналарига товарлар келиб тушиши режасининг бажарилиши, савдо майдонларидан, асосий фондлардан фойдаланиш ҳамда сифат кўрсаткичлари ялпи даромад, муомала харажатлари, фойда ва рентабеллик даражаси режасининг бажарилиши ўрганилиши зарур.

8.2. Улгуржи товар айланиши режасининг умумий ҳажми, йўналиш шакллари бўйича бажарилишини таҳлил қилиш

Улгуржи савдо корхоналари хўжалик фаолиятининг таҳлили товар айланиши ҳажми бажарилишига баҳо беришдан бошланади. Сўнгра унинг шакллари: омбор, дўкон орқали, ҳисобда қатнашадиган ва ҳисобда қатнашмайдиган транзит ҳамда ўз тизими ичидаги товар айланиши режаларининг қандай бажарилганлиги таҳлил қилинади.

Шуни таъкидлаш лозимки, улгуржи товарларни сотиш учун энг муқобил сотиш шаклларини танлаш савдо корхо-

пасининг асосий вазифаларидан биридир. Сотиш шаклларини танлашда ҳал қилувчи омил сифатида ҳар хил моддий ресурсларни истеъмолчилар томонидан ишлатиш ва истеъмол ҳажми ҳисобга олинади. Агар истеъмол ҳажми кўп бўлса, у ҳолда транзит товар айланиши шаклини қўллаш мақсадга мувофиқ ва аксинча. Кейинги йилларда омборларда товар айланиши улушининг кўпайиши рўй бермоқда.

Омборларда товар айланиши деганда, улгуржи савдо корхоналари товарларни саноат корхоналаридан ўз омборларига олиб келиб, навларга ажратиши, ассортиментлари бўйича бутлаш каби жараёнлар тушунилади. Товар етказиб берувчилар ва истеъмолчилар билан ҳисоблашиш ишларини бевосита улгуржи савдо корхонаси олиб боради. Омборларда товар айланиши шаклини қўллаш, айни бир корхонадан қабул қилинган йирик гуруҳдаги ва кўп миқдордаги товарларни бир қанча истеъмолчилар ўртасида тақсимлаш иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқдир.

Улгуржи савдо айланишининг энг илғор шакли товарлар транзит шаклида айланишидир. Бунда товарлар тўғридан-тўғри ишлаб чиқариш корхоналаридан чакана савдо, умумий овқатланиш корхоналари ва истеъмолчиларга улгуржи савдо базаларини четлаб, етказиб берилади. Транзит шаклида кўпинча тез бузиладиган товарларни етказиб бериш кўзда тутилади. Бу шакл ўз навбатида, истеъмолчиларни товарлар билан таъминлаш жараёнини тезлаштиради, муомала харажатларини камайтиради, улгуржи савдо корхоналарининг молиявий натижаларини яхшилайди.

Транзит товар айланиши икки шаклда олиб борилади: ҳисобда қатнашадиган транзит товар айланиши ва ҳисобда қатнашмайдиган транзит товар айланиши. Ҳисобда қатнашадиган транзит товар айланишида улгуржи савдо корхонасининг ўзи тўғридан - тўғри ҳам товар етказиб берувчи, ҳам сотиб олувчилар билан ҳисоб-китоб қилади. Ҳисобда қатнашмайдиган транзит товар айланишида эса, улгуржи савдо корхонаси воситачилик вазифасини бажаради товарларни етказиб бериш бўйича шартнома тузади, уларни ўз вақтида ортиш ва жўнатиш жараёни устидан назорат олиб боради. Бунда истеъмолчилар товар етказиб берувчилар билан ўзлари ҳисоб-китоб қиладилар. Шунинг учун хам ҳисобда қатнашмайдиган транзит товар айланиши ялпи

даромад, муомала харажатлари ва рентабеллик даражасини аниқлашда ҳисобга олинмайди.

Улгуржи савдо айланиши жараёнида ўз тизимига қарашли омборларга товар юбориш-айланиш режасининг бажарилиши алоҳида ўрин тутади. Бунда улгуржи савдо корхонасига қарашли биринчи омбордан иккинчи омборга товарлар юбориш тушунилади. Улгуржи савдо корхонаси учун бундай ҳоллар бўлмагани маъқул. Чунки бир тизим ичида товарларни жўнатишнинг кўпайиши қўшимча муомала харажатлари ошишига олиб келади.

Улгуржи товар айланиши шакллари бўйича режа бажарилашини таҳлил қилиш учун 85-жадвалдаги шакл тузилади.

Жадвалдан кўриниб турибдики, ҳисобот даврида улгуржи товар айланиши ҳажми ўтган йилдагига нисбатан 13500 минг сўмга, режага нисбатан эса 6000 минг сўмга ортиғи билан бажарилган.

Улгуржи товар айланиши режаси 103,8 фоиз бажарилган ҳолда омборларда товар айланиши 102,3 фоизга, ҳисобда қатнашадиган транзит товар айланиш режаси эса 99,5 фоизга бажарилган. Натижада омборларда товар айланиши улуши камайиб, 50,0 фоиздан 49,2 фоизга тушган.

Ҳозирги вақтда товарларни сотишнинг энг илғор шаклларидан бири бўлган ҳисобга қатнашмайдиган транзит товар айланиш ҳажми ўтган йилдагига ва режадагига нисбатан ҳам ортиғи билан бажарилган. Бу, ўз навбатида, товар етказиб берилган савдо корхонасининг молиявий ҳолатига ижобий таъсири кўрсатган. Ҳар бир савдо корхонаси — истеъмолчи иложи борича товар айланиши ҳажмини ҳисобда қатнашмайдиган товар айланиши шакли ҳисобига кўпайтириши зарур.

Таҳлилнинг навбатдаги босқичида эса истеъмолчиларга товар етказиб бериш ва сотиш йўналишлари бўйича режа бажарилиши таҳлил қилинади. Бунда товарлар етказиб бериш ва сотиш йўналишлари бўйича ажратилган, қатъий белгиланган бозор ва бозор фондидан ташқари режалар ҳамда бошқа ташкилотларга товар етказиб бериш режаси бажарилиши ўрганилади. Бу борадаги кўрсаткичларни таҳлил қилиш учун 86-жадвалдаги шакл тузилади.

85-жадвал

Улгуржи товар айланиши шакллари бўйича режа бажарилишининг таҳлили

Товар айланиш шакли	Ўтган йили		Режа бўйича		Ҳақиқатда		Фарқ		Бажарилиши, %	
	минг сўм	улуши, %	минг сўм	улуши, %	минг сўм	улуши, %	ўтган йилдагига нисбатан, минг сўм	улуши, %	ўтган йилда-гига нисбатан	режага нисба-тан
Товар айланиши — жами, шу жумладан:	150000	100	157500	100	163500	100	+13500	+6000	109.0	103.8
Омбор орқали товар айланиши	82500	55.0	78750	50.0	80587	49.2	- 1913	+1837	98.2	102.3
Ҳисобда қатнашадиган транзит товар айланиши	42150	28.1	47250	30.0	47029	28.7	+4879	- 221	11.5	99.5
Ҳисобда қатнашмайдиган транзит товар айланиши	25350	16.9	31500	20.0	35884	22.1	+10534	+4384	141.5	122.4
Тизим ичидаги товар айланиши	1070	-	1020	-	1090	-	+20	+70	101.8	106.8

86-жадвал

Товарларни етказиб бериш ва сотиш йўналишлари бўйича режа бажарилишининг таҳлили

Товарларни йўналишлари бўйича сотиш	Ўтган йили	Режа	Ҳақиқатда	Фарқ	
				ўтган йилдагига нисбатан	режага нисбатан
I. Бозор фонди:					
1.Давлат чакана савдо корхоналари	102500	106500	117920	+15420	+11420
2.Матлубот жамияти	5205	5950	4345	- 860	- 1605
3.Тоғли туманлар	3105	5750	1685	- 1420	- 4065
Жами	110810	118200	123950	+13140	+5750
II.Бозор фондидан ташқари:					
1.Саноатда қайта ишлаш	356	360	395	+ 39	+ 35
2.Саноат истеъмоли	-	-	-	-	-
3.Давлат бюджет ташкилотлари	440	440	430	- 10	- 10
4.Махсус кийимлар	1250	1250	1375	+ 125	+ 125
5.Бозордан ташқари фондлар	-	-	-	-	-
Жами	2046	2050	2200	+ 154	+ 150
III.Бошқа етказиб беришлар:	-	-	-	-	-
1.Бошқа республикалар-нинг улгуржи базасига	28300	28410	28475	+ 175	+ 65
2.Республика ичидаги улгуржи базаларга жўнатиш (тизим ичида товар жўнатиш)	8844	8840	8875	+ 31	+ 35
Жами	37144	37250	37350	+ 206	+ 100
Ҳаммаси	150000	157500	163500	+ 13500	+ 6000

Жадвалдан кўриниб турибдики, йўналишлар бўйича товарлар айланиши режасининг бажарилиши бир текисда бўлмаган. Айрим йўналишлар бўйича товар айланиши ҳажми жуда ҳам юқори. Масалан, чакана савдо корхоналарининг

базиларига режадагига нисбатан кўп, айримларига эса кам товар етказиб берилган. Бунга асосий товарларнинг ўз муддатида етказиб берилмаганлиги сабаб бўлган. Йўналишлар бўйича товар айланиши режаси бир маромда бажарилмаслиги улгуржи савдо базаси раҳбарларининг маъсулиятсизлиги, назоратни бўшаштирганлиги натижасида юз бериши мумкин.

8.3. Чакана савдо корхоналари ва харидорларга товарларни бир маромда етказиб беришнинг таҳлили

Улгуржи савдо корхонаси йил охирида товарлар айланиши режасининг бажарилишини таъминлаши эмас, балки йил давомида товарларни истеъмолчиларга ва харидорларга бир маромда етказиб бериши ҳам муҳим аҳамиятга эга. Улгужи савдо корхоналари бир маромда иш юритиши товарлар айланиши режасининг муваффақиятли бажарилиши, муомала харажатларининг камайиши, рентабеллик даражасининг ошишига олиб келади. Шунинг учун улгуржи савдо корхоналари омборида товар заҳиралари белгиланган режага мувофиқ керакли ассортиментлар бўйича сақланиши ҳамда истеъмолчилар товар етказиб берувчиларга ўз вақтида буюртмалар бериши зарур.

Улгуржи савдо корхоналарининг бир текисда иш юритиши – истеъмолчиларни ва харидорларни зарур товарлар билан таъминлаш, бу эса чакана товар айланиши режасининг узлуксиз бажарилишини ҳамда аҳолининг керакли товарларга нисбатан ўсиб бораётган талабини вақтида қондириш имконини беради. Товарлар улгуржи савдо корхоналаридан чакана савдо корхоналдарига ҳар беш, ўн, ўн беш ва ўттиз кунда график асосида етказиб берилиши зарур. Лекин кўп ҳолларда улгуржи савдо корхоналари бу графикка амал қилмаслиги натижасида орада узилишлар бўлади.

Товарларни бир текисда етказиб бериш жараёнини таҳлил қилиш учун керакли маълумотлар (10,15,20 кунлик) статистик ҳисоботдан олинади. Таҳлил бир чорак (квартал) маълумотларига асосланган ҳолда олиб борилади. Агар етказиб бериладиган товарлар графигини 15 кун деб оладиган бўлсак, чорак бўйича товар айланиши ҳажми олтита 15 кунга бўлиниб, сўнггра чораклик товар айланишига

нисбатан фоиз ҳисобида ҳар бир 15 кун бўйича товар айланиши улуши аниқланади. Бунда таҳлил ва ҳисоб улгуржи савдо корхонаси бўйича ҳамда айрим олинган истеъмолчилар ва харидорлар бўйича олиб борилади.

Товарлар чоракнинг хар 15 кунида жўнатиладиган бўлса, ҳар 15 кунда жўнатиладиган товарлар миқдори 16,7% ни ташкил этиши керак. Агар жўнатилган товарларнинг ҳақиқий миқдори 15 кун ичида 16,7% фарқ қиладиган бўлса, у ҳолда товарлар бир текисда жўнатилмаган ҳисобланади. Товарлар истеъмолчиларга чоракнинг хар 15 кунида етказиб берилиши жараёнини таҳлил қилиш учун 87-жадвалдаги шакл тузилади.

87-жадвал

Чоракнинг ҳар 15 куни буйича товарларни истеъмолчиларга бир текисда етказиб беришнинг таҳлили

Истеъмолчилар	15 кунлик						Чорак бўйича жами
	1-15 I	16-31 I	1-15 II	16-28 II	1-15 III	16-31 III	
Тоҳир ва Зуҳра							
Жўнатилди, минг сўм	887	866	827	887	935	851	5253
улуши, %	16.9	16.5	15.7	16.9	17.8	16.2	100.0
Ўртача жўнатилган фоиздан фарқ (16,7)	+0.2	- 0.2	- 1.0	+ 0.2	+ 1.1	- 0.5	-
Иккинчи даражали фарқ	0.4	0.4	1.0	0.4	1.21	0.25	3.66
Болалар дунёси							
Жўнатилди, минг сўм	686	749	600	1042	984	739	4800
улуши, %	14.3	15.6	12.5	21.7	20.5	15.4	100
Ўртача жўнатилган фарқ (16,7)	- 2.4	- 1.1	- 4.2	+5.0	+3.8	- 2.3	-
Иккинчи даражали фарқ ва ҳ.к.	5.76	1.21	17.64	25.0	14.44	5.29	69.34
Улгуржи савдо корхонаси бўйича жами							
Жўнатилди, минг сўм	5700	5888	5550	6862	6937	6563	37500
улуши, минг сўм	15.2	15.7	14.8	18.3	18.5	17.5	100
Ўртача жўнатилган фоздан фарқ (16,7)	- 2.5	- 2.2	- 2.9	+ 1.6	+ 1.8	+ 0.8	-

Иккинчи даражали фарқ	5.25	4.84	8.41	2.56	3.24	0.64	24.94

Жадвалдан кўриниб турганидек, улгуржи савдо корхонаси ўз истеъмолчиларига товарларни график асосида бир текисда етказиб бера олмаган. Умуман олганда, чоракнинг учта 15 кунлигида товарларни жўнатиш бўйича режада белгиланган ўртача фоиздан орқада қолган, кейинги 15 кунлигида эса жўнатилган товарлар миқдори кўпайган. Бунда товарларнинг кўпроқ қисми – 12,5% дан 21,7% ошган, «Болалар дунёси» дўконига жўнатилган.

Улгуржи савдо корхонасининг иш сифатини белгиловчи асосий кўрсаткчилардан бири товарларни истеъмолчиларга бир маромда жўнатиш коэффициенти ҳисобланади. Бу коэффициентни аниқлашда ҳар қандай давр кунларидан (5,10,15,20,30) фойдаланса бўлади. Товарларни бир текисда жўнатиш коэффициентини аниқлаш учун аввало, иккинчи даражали фарқ, коэффициент қаторлари (вариация) бир текислик коэффициенти ҳисобланади.

Ўртача иккинчи даражали фарқ қуйидаги формула орқали ҳисобланади:

$$Q = \sqrt{\frac{\sum (x - \bar{x})^2}{n}}$$

Биринчи савдо корхонаси $Q = \sqrt{\frac{3 \cdot 66}{6}} = 0{,}78$;

иккинчи савдо корхонаси $Q = \sqrt{\frac{69 \cdot 34}{6}} = 3{,}4$;

улгуржи савдо корхонаси бўйича $Q = \sqrt{\frac{24 \cdot 94}{6}} = 2{,}04$.

Коэффициент қаторлари (вариация) шундай ўзгариш натижасида юзага келган янги кўриниш қуйидаги формула орқали ҳисобланади:

$$I = \frac{Q \cdot 100}{\bar{x}};$$

Биринчи савдо корхонаси $I = \frac{0{,}78 \cdot 100}{16{,}7} = 4{,}67$;

иккинчи савдо корхонаси $I=\frac{3,4\cdot 100}{16,7}=20,35;$

улгуржи савдо корхонаи бўйича $I=\frac{2,04\cdot 100}{16,7}=12,22;$

Бир текислик коэффициенти қуйидаги формула орқали ҳисобланади:

Биринчи савдо корхонаси бўйича 100 -4,67=95,33%;

Иккинчи савдо корхонаси бўйича 100 – 20,35 = 79,65%;

Улгуржи савдо корхонаси бўйича 100 – 12,22 = 87,78%.

Ҳисобланган коэффициент 100 га қанчалик яқин бўлса, товарларни жўнатиш бир маромда амалга оширилганлигини билдиради.

Товарларнинг бир маромда жўнатилишини таъминлаш кўп жиҳатдан уларни улгуржи савдо корхоналаридан чакана савдо корхоналарига марказлаштирилган ҳолда жўнатишга ҳам боғлиқ.

8.4. Улгуржи база ва омборлардан чакана савдо корхоналарига товарлар мақсадга мувофиқ ташиб келтирилишининг таҳлили

Улгуржи савдо корхоналари таркибида бир қанча таъминот омборлари бор. Республикамиз вилоятларининг бир нечта туманларида жойлашган бу омборлардан истеъмолчиларга товарлар ёзма фармойиш (наряд) орқали жўнатилади.

Унутмаслик керакки, товарлар аввало энг яқиндаги истеъмолчиларга жўнатилиши зарур. Бу транспорт харажатларини камайтириш имконини беради. Чунки транспорт харажатлари муомала харажатлари орасида энг юқори улушга эга.

Таҳлил жараёнида юклар қандай ташиб келтирилганлиги, транспорт турлари, ташилган юкларнинг миқдори, товар етказиб берувчилар билан истеъмолчилар орасидаги масофа ва бир т/км ташилган юк айланишининг ўртача баҳоси аниқланиши зарур. Бу муаммолаларни ҳал қилишда дастурлаш усули муҳим аҳамиятга эга бўлиб, у юк ташишда энг қулай имкониятлар яратади.

Юк ташишнинг оқилона йўлларини оддий усулда ҳам ҳисоблаб чиқиш мумкин. Бунинг учун 88-жадвалдаги шакл тузилади.

Юк ташишнинг энг қулай ва афзал томонлари ишлаб чиқилса, у бу жараёндаги харажатларнинг камайишига олиб келади. Буларнинг исботини қуйидаги ҳисоб-китоблардан ҳам кўриш мумкин:

- биринчи дўкон биринчи омборга биркитилган - 20 т х 1 = 20 т/км;
- иккинчи дўкон иккинчи омборга биркитилган - 15 т х 2 = 30 т/км;
- учинчи дўкон биринчи омборга биркитилган - 25 т х 3 = 75 т/км;
- тўртинчи дўкон иккинчи омборга биркитилган - 30 т х 4 =120 т/км.

88-жадвал

Юкларни мақсадга мувофиқ ташиб келтириш

Хизмат кўрсатилади-ган дўконлар / База омборлари	№1	№2	№3	№4	Жами
Омбор билан дўконлар ўртасидаги масофа, км. I-омбор					
	1	2			
2-омбор	3	2			
3-омбор	1	3			
Ҳақиқатда ташилган I-омбор					
	10	7			
2-омбор	10	8			
3-омбор	-	-			
Жами	20	15	25	30	90
Умумий ташилган юк ҳажми, т/км I-омбор					
	10	17.5	30	-	57.5
2-омбор	30	16	-	56	102
3-омбор	-	-	60	72	132
Жами	40	33.5	90	128	291.5

Юқоридаги ҳисоб-китоблардан ҳамда жавдалдаги маълумотлардан кўриниб турибдики, дўконларга товарларни энг

илғор усулда етказиб бериш учун умумий ташилган юк ҳажми 245 т/км.ни ташкил этиши керак эди (20 т/км Қ 30 т/км Қ 75 т/км Қ 120 т/км), ҳақиқатда эса 291,5 т/км.ни ташкил этди ёки мўлжалдагидан 46,5 т/км кўп (291,5 - 245) бўлди.

8.5. Улгуржи савдо корхоналарига товарлар келишининг таҳлили

Улгуржи савдода ҳам чакана савдодаги каби товарлар айланиши режасининг бажарилиши бир қанча омилларга боғлиқ. Улар орасида улгуржи база ва омборларнинг товар заҳиралари билан таъминланиши энг муҳим ўрин тутади. Бу жараён таҳлили давомида аввало, товар баланси таркиби, товарларнинг келиб тушиш манбалари ўрганилади.

Маълумки, улгуржи товарлар айланиши ҳажми режаси бажарилиши биринчи навбатда уларнинг бошқа тармоқлардан келиб тушишига боғлиқ. Шунинг учун таҳлил жараёнида улгуржи савдо корхоналарига йил давомида товарларнинг қайси тармоқлардан, қандай миқдорда келтирилганлиги, неча фоизи саноат корхоналаридан, бошқа вилоятлардан ва хориждан олинганлиги ўрганилиши зарур.

Статистик ҳисоботга асосан омбордаги товарларнинг ҳаракати таҳлил қилинади. Товарларнинг келиб тушишини таҳлил қилиш учун 89-жадвалдаги шакл тузилади.

89-жадвал

Улгуржи савдо корхоналарига товарлар келишининг таҳлили

Товар келиши тараи	Режа		Ҳақиқатда		Фарқи		Режанинг бажарилиши,%
	минг сўм	улуши, %	минг сўм	улуши, %	минг сўм	улуши, %	
Марказий саноат корхоналаридан	100500	64.0	101800	64.7	+ 1900	+ 0.7	101.3
Бошқа вилоят саноат корхоналаридан	35400	22.5	33150	21.1	- 2250	- 1.4	93.6
Четдан келтирилган	20160	12.8	21290	13.5	+ 1190	+ 0.7	105.6
Республика улгуржи савдо базаларидан	-	-	-	-	-	-	-
Бошқа тушумлар	900	0.7	910	0.7	+ 10	-	101.1
Жами	156900	100	157150	1000	250	-	100.2

Жадвалдан кўриниб турибдики, улгуржи савдо базасига режадагига нисбатан 250 минг сўмлик товар кўп келтирилган. Бу асосан республика саноат корхоналаридан ҳамда четдан келтирилган товарлар ҳисобига содир бўлган.

8.6. Улгуржи савдо корхоналари сифат кўрсаткичларининг таҳлили

Халқ хўжалигининг бошқа тармоқларидаги сингари улгуржи савдо корхоналарида ҳам иш сифати ва самарадорликни белгиловчи асосий кўрсаткичлар даромад, фойда ва рентабеллик даражаси ҳисобланади, фойда эса чакана савдодаги сингари ялпи даромад билан муомала харажатлари ўртасидаги фарқ саналади.

Услуби бир хил бўлганлиги туфайли айрим жойларда таҳлилнинг ўзига хос афзалликлари ва хусусиятлари мавжуд. Улгуржи савдода ялпи даромад товарларга қўйиладиган устама нарх бўлиб, бу ҳисобдан олинган даромаднинг бир қисми улгуржи савдо базаси омборхонаси ихтиёрида қолади.

Улгуржи савдо корхонасида устама нарх иккига бўлинади:

- сотиладиган товар гуруҳларига;
- умумий юк оқимига, яъни омбор ва транзит товарларнинг айланишига.

Кўриниб турибдики, улгуржи савдода ялпи даромад ҳажми ўзгаришига фақат товарларнинг айланиш ҳажмигина эмас, балки айланишининг тузилиши ва шакллари ҳам таъсир кўрсатади.

Ялпи даромад ҳажми ўзгаришига юқорида айтилган омилларнинг таъсирини аниқлаш учун 90-жадвалдаги шаклдан фойдаланилади.

Таҳлил натижаси шуни кўрсатадики, улгуржи савдо корхонаси ялпи даромад ҳажми бўйича режа топшириқларини 737,8 минг сўм ортиғи билан бажарган. Ортиқча бажарилган қисмига қандай омиллар таъсир қилганлигини аниқлаш учун қуйидаги ҳисоблар амалга оширилади:

I-ҳисоб:

Режадаги товар айланишини ҳисобга олган ҳолда ҳисобот давридаги товар айланиши улуши.

Омбор орқали товарларнинг айланиши

$$\frac{157500 \quad 49.3}{100} = 7647.5\text{м.с}$$

Транзит шаклида товарларнинг айланиши

$$\frac{157500 \cdot 50.7}{100} = 79852.5 \text{м.с}$$

Жами: 157500 м.с.

90-жадвал

Улгуржи савдода ялпи даромад режаси бажарилишининг таҳлили

Товар айланиши шакллари	Товар айланиш ҳажми				Уста маб ҳо, %	Ялпи даромад минг сўм			
	режа		ҳақиқатда			режа $\frac{(5x1)}{100}$	$\frac{5x3}{100}$	фарқи	режанинг бажарилиши
	мутлақ суммада	улуши, %	мутлақ суммада	улуши, %					
+	1	2	3	4	5	6	7	8	9
Омбор орқали товар айланиши	78750	50.0	80587	49.3	13	10237.5	10476.3	+238.8	102.3
Транзит шаклида товар айланиши	78750	50.0	82913	50.7	12	9450	9949	+ 499	105.2
Жами	157500	100	163500	100		19687.5	20425.3	+737,8	103,7

2-ҳисоб:

Режадаги товарлар айланиши ва ҳисобот давридаги товарлар айланиши улушига ҳисобланган ялпи даромад омбор орқали товарларнинг айланиши

$$\frac{77647.5x13}{100} = 10094.1 м.с$$

Транзит шаклида товарларнинг айланиши

$$\frac{79852.5x12}{100} = 9549.9 м.с$$

Жами: 19644 м.с.

Таъсир кўрсатувчи омиллар:

1. Товарлар айланиши улушининг ўзгариши 19644-19687.5= - 43.5 минг сўм.
2. Товарлар айланиши ҳажмининг ўзгариши 20425.3 – 19644 = +781.3 минг сўм.

3.Ялпи даромад бўйича умумий фарқ
+781.3 – 43.5 = +737.8 минг сўм.

Чакана савдо корхоналарида муомала харажатлари, фойда ва рентабеллик даражасини таҳлил қилишнинг қандай услубларидан фойдаланилса, улгуржи савдо корхоналарида ҳам худди шундай услублардан фойдаланилади.

Қисқача хулосалар

Савдо тармоқлари орасида улгуржи савдо алохида ўрин тутади. Унинг асосий вазифалдаридан бири товарларни ишлаб чиқаришдан улгуржи савдо базалари омборларига, омборлардан истеъмолчиларга етказиб беришдар. Бу вазифани бажариш учун товар етказиб бериладиган савдо ташкилоти ҳамда аҳолининг талаби ўрганилиши лозим. Чунки чакана савдо, умумий овқатланиш корхоналари ва матлубот жамиятларида товар айланиши режасининг бажарилиши асосан улгуржи товар айланиши режасиг бажарилишига боғлиқ. Таҳлил жараёнида улгуржи савдо товар айланиши режасининг бажарилишига баҳо берибгина қолмасдан товарларни йўналиш бўйича сотиш, истеъмолчиларга бир маромда етказиб бериш, юкларни дўконларга мақсадга мувофиқ ташиб келтириш ва улгурижи савдо корхоналарига товарлар келишини тахлил қилиш ва ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Таҳлил жараёнида улгуржи савдо товар айланиши режасининг бажарилишига таъсир этувчи омиллар, сифат кўрсаткичлари, бу жараённи бошқа тармоқлардан ажратиб турувчи ўзига хос хусусиятлари хар томонлама ўрганилиши лозим.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Улгуржи савдо корхоналарида товар айланиши таҳлили қандай хусусиятларга эга?
2. Чакана савдо корхоналарига товарларни бир меъёрда етказиб бериш жараёни қандай таҳлил қилинади?
3. Улгуржи савдо корхоналарига товарлар келишининг таҳлили қандай амалга оширилади.
4. Улгуржи савдо корхоналарида товар айланиши режасининг бажарилишига қандай омиллар таъсир этади?

5. Улгуржи савдо корхоналари савдо майдонлари билан таъминланишини таҳлил қилишда нималарга эътибор берилади?

6. Улгуржи савдо корхоналарининг сифат кўрсаткичлари таҳлилида (ялпи даромад, муомала харажатлари хусусиятлари, молиявий натижа) нималарга асосланилади?

Асосий адабиётлар

1. Баканов М.И. «Экономический анализ в торговле» — М., «Финансы и статистика», 1996.

2. Ергешев Е.Е, «Иқтисодий ва молиявий таҳлил». Дарслик. —Т., «Молия», 2000.

3. Кровченко Л.И. «Анализ хозяйственной деятельности торговли и общественного питания». —Минск «Вышейщая школа», 1996.

4. Фаттахов А.А. «Экономика коммерческого — посреднических организаций» —Т., «Меҳнат» , 1999.

5. Фаттахов А.А. «Рыночный механизм и интенсификация оптовой торговли» —Т. , 2003.

IX БОБ. УМУМИЙ ОВҚАТЛАНИШ КОРХОНАЛАРИ ХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИНИНГ ТАҲЛИЛИ

9.1. Умумий овқатланиш корхоналари хўжалик фаолиятини таҳлил қилишнинг аҳамияти ва вазифалари

Умумий овқатланиш корхоналари хизмат кўрсатиш соҳасида асосий ўринни эгаллайди, кейинги йилларда тармоқда бу борада юқори натижаларга эришилмоқда. Бу, чакана савдода товарлар айланиши, шу жумладан, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ҳажми йилдан-йилга кўпайишига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Таъкидлаш жоизки, товарлар айланиши ҳажмининг ўсиши аввало, умумий овқатланиш корхоналари замонавий ускуналар билан таъминланганлигига, хусусийлаштирилганлигига, уларда истеъмолчиларга хизмат кўрсатишнинг энг илғор шакллар жорий этилганлигига, якка тартибда ва оилавий пудрат асосида иш юритиш кенг жорий этилганлигига, ишбилармон мутахассилар билан таъминланганлигига, қолаверса, бундай корхоналар сони ва иши сифатига, хом ашё етказиб берадиган бошқа корхоналар билан мустаҳкам алоқа юритишига, уларда товарларни марказлаштирилган ҳолда етказиб бериш кўлами оширилишига, хом ашё маҳсулотларини сақлаш учун совутгич тизимлари кўпайтирилишига боғлиқ.

Умумий овқатланиш корхоналарининг хўжалик фаолияти серқирра. Шу туфайли уларнинг фаолиятини таҳлил қилиш жараёнида қатор муаммоларни ҳал қилишга тўғри келади.

Умумий овқатланиш корхоналари ишлаб чиқариш дастурини бажариш учун ўзларига керакли бўлган хом ашёни саноат, қишлоқ хўжалиги ҳамда қайта ишлаш корхоналаридан сотиб олади, қайта ишлаб, тайёр маҳсулотга айлантиргач, уларни тайёр маҳсулот сифатида истеъмолчиларга етказиб беради.

Уларнинг ишлаб чиқариш фаолияти аввало, товарлар айланиш ҳажмига, шу жумладан, ўзида ишлаб чиқариладиган маҳсулотларга асосланишига кўра, алоҳида хусусиятга эга.

Умумий овқатланиш корхоналари икки йўналишда — ўзида ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотиш ва сотиб олинган тайёр маҳсулотларни сотиш йўналишларида фаолият юритади. Уларда улгуржи савдо товарлари айланиши таркибига пазандачилик маҳсулотлари, яримфабрикатлар,

қандолат маҳсулотлари ва ўзида тайёрланган, аҳолига сотиш учун мўлжалланган бошқа маҳсулотлар киради. Улгуржи товар айланиши таркибига трест ва умумий овқатланиш комбинатлари томонидан тайёрланган яримфабрикатлар, пазандачилик маҳсулотлари, қандолат маҳсулотлари ва улар тайёрлаган, ўзида етиштирилган маҳсулотлар киритилмайди. Улар ҳисоботда алоҳида кўрсатилади. Товарларнинг бундай айланиши тизим ичидаги товар айланиши ҳисобланади. Шунинг учун улар трест, комбинат ёки умумий овқатланиш йўналишидаги бошқа корхоналарнинг ялпи товар айланиши ҳажмига киритилмайди.

Чакана улгуржи товарлар айланиши ва тизим ичида ишлаб чиқарилган маҳсулотларни жўнатиш умумий овқатланиш корхоналарининг умумий ялпи товар айланиши ҳажмини ташкил этади. Ўзида тайёрланган маҳсулот ва товар айланиши жараёнини таҳлил қилиш учун керакли маълумотлар ишлаб чиқариш режаси, бухгалтерия ва статистик ҳисоботлардан, жорий ҳисоблардан ва ўтказилган тафтиш ҳужжатларидан олинади.

Таҳлил умумий овқатланиш корхоналари товарлари айланиши ҳажмига баҳо беришдан бошланади. Таҳлил жараёнида товарлар айланиши режасининг бажарилишига корхона бўйича ҳамда товар айланишининг таркиби ва тузилиши бўйича баҳо берилади, ишлаб чиқариш дастурининг бажарилиши ва товарлар айланиши ҳажмининг ўзгаришига таъсир кўрсатувчи омиллар ўрганилади.

9.2. Умумий овқатланиш корхоналарида товарлар айланиши режаси бажарилишининг таҳлили

Умумий овқатланиш корхоналари ишлаб чиқариш вазифасини бажарибгина қолмай, четдан сотиб олинган ва ўзида тайёрланган маҳсулотлар билан савдо-сотиқ ишларини ҳам олиб боради. Таҳлил жараёнида товарлар айланишининг умумий ҳажми, ўзида тайёрланган ҳамда четдан сотиб олинган товарларнинг ҳисобот давридаги ҳажми ўтган йилги ва режадаги кўрсаткичлар билан таққосланиб, мутлоқ фарқ, шунингдек, режанинг бажарилиши аниқланади. Товарлар айланиши режаси бажарилишининг таҳлили 91 - жадвалда акс эттирилган.

91-жадвал

Товарлар айланиши улуши, ҳажми ва таркиби бўйича режа бажарилишининг таҳлили

Товарлар айланиш таркиби	Товарлар айланиши ҳажми, минг сўм						Товарлар айланишининг бажарилиши, %	
	ўтган йил		режа		ҳақиқатда		ўтган йилдагига нисбатан	режадагига нисбатан
	сумма си	улуши, %	сумма си	улуши, %	сумма си	улуши, %		
Ўзида тайёрланган маҳсулот	41370	70.2	42340	70.4	42910	70.6	102.3	103.7
Сотиб олинган маҳсулот	17520	29.8	17720	29.6	17785	29.4	101.5	100.3
Жами	58890	100	60060	100	60695	100	103.0	101.0

Режалаштирилган товар айланиши ҳажми 101,0% ёки режадагидан 1% ортиқ бажарилган. Бу эса, режадагига нисбатан 635 минг сўмлик (60695-60060) кўп товар айланади, демакдир.

Умумий овқатланиш корхоналарининг энг муҳим кўрсаткичи ўзида тайёрланган маҳсулотларни сотиш режаси бажарилиши ҳисобланади. Чунки товар айланишида маҳсулотлар улуши кўпайиши хўжалик фаолиятининг асосий кўрсаткчиларига ижобий таъсир кўрсатади. Таҳлил қилинаётган корхонада ўзида тайёрланган маҳсулот ҳажмининг улуши ўтган йилдагига нисбатан 0,4%, режадагига нисбатан 0,2% кўпайди, бу эса ишлаб чиқариш ва савдо фаолиятининг яхшиланганлигини билдиради.

Таҳлил жараёнида ўзида тайёрланган маҳсулот билан сотиб олинган товарларга сарфланадиган меҳнат миқдорининг нисбати бир хил бўлмаслигини эътиборда тутиб, товар айланиши ҳажмини таркиби бўйича таққосланадиган ҳолатга келтириш, яъни шартли товар айланиши ҳажмини аниқлаш зарур. Украинадаги умумий овқатланиш ва савдо илмий-тадқиқот институти ҳисобларига қараганда, ўзида тайёрланадиган маҳсулот меҳнатни сотиб олинадиган товарларга нисбатан 3 баробар кўп талаб қилади. Шу боис шартли товар айланиши ҳажмини аниқлаш учун ўзида тайёрланган маҳсулот ҳажми учга кўпайтирилиб ёки сотиб олинган товарлар миқдори учга тақсимланиб, ўзида тайёрланган маҳсулот миқдорига қўшилади. Шартли товар айланиши ҳажми 91-жадвалдаги маълумотларга асосан қуйидагича ҳисобланади:

ўтган йил бўйича 41370 + (17520:3)= 47210 минг сўм;
режа буйича 42340 + (17720:3) = 48246 минг сўм;
ҳақиқатда 42910 + (17785:3) = 48838 минг сўм.

Шартли товар айланиши ҳажми режадагига нисбатан 101,2% бажарилган, сермеҳнатлиликни ҳисобга олмаган ҳолда эса, бу кўрсаткич 101%ни ташкил этади. Ўтган йилдагига нисбатан эса товарлар айланиши ҳажмининг ўсиши 103% ортиғи билан бажарилган бўлиб, сермеҳнатлиликни ҳисобга оладиган бўлсак, бу кўрсаткич 103,4% ни ташкил қилади.

Таҳлилнинг кейинги босқичларида умумий овқатланиш корхоналари туркумлари—ресторан, кафе, ошхона, ихтисослашган умумий овқатланиш корхоналари, майда улгуржи савдо шохобчалари ва товарлар айланиши режасининг таркибий гуруҳлари бўйича бажарилиши ўрганилади.

9.3. Умумий овқатланиш корхоналарида ишлаб чиқариш дастури бажарилишининг таҳлили

Умумий овқатланиш корхоналарида товарлар айланиши ҳажмининг энг кўп улуши ўзида тайёрланган маҳсулотлар ҳажмига тўғри келади. Режанинг муваффақиятли бажарилиши ошхонадаги ишлар яхши йўлга қўйилганлигига ҳамда хизмат кўрсатиш шарт-шароитларига боғлиқ.

Умумий овқатланиш корхонаси ишига тайёрланган таомлар миқдори ва сифатига қараб баҳо берилади. Чунки тайёрланиб сотиладиган маҳсулотлар, таомлар миқдори килограмм, дона ва қиймат кўрсаткичларида режалаштирилади ва ҳисобга олиб борилади.

Бундай корхоналар ишлаб чиқариш дастурининг бажарилишида асосий ўринни тушликка тайёрланадиган маҳсулотлар эгаллайди. Тушликка тайёрланадиган маҳсулотлар таркибига биринчи, иккинчи, учинчи таомлар ва яхна овқатлар киради.

Корхона иш фаолиятини баҳолааётганда тайёрланаётган биринчи, иккинчи ва учинчи таомларнинг бутлигига эътибор берилиши лозим. Таҳлил қилинаётган корхонада асосий маҳсулот ҳисобланган таомлар турлари бўйича режанинг бажарилиши 92-жадвалда акс эттирилган.

92-жадвал

Таом турлари бўйича режа бажарилишининг таҳлили

Таом турлари	Ўтган йил		Ҳисобот йили				Режанинг бажарилиши, %	Фарқи				Ўтган йилдагига нисбатан бажарилиши, %
			режа		ҳақиқатда			режадан		Ўтган йилдан		
	миқдори	улуши, %	миқдори	улуши, %	миқдори	улуши, %		миқдори	улуши, %	миқдори	улуши, %	
Биринчи	74.4	26.0	60.8	23.3	58.6	22.9	96.3	- 2.2	- 0.4	- 15.8	- 3.1	78.7
Иккинчи	100.2	35.0	95.6	36.6	95.2	37.2	99.6	- 0.4	+ 0.6	- 5.0	+ 2.2	95.0
Учинчи	62.9	22.0	59.8	22.9	58.8	23.0	98.3	- 1.0	+ 0.1	- 3.1	+ 1.0	93.4
Яхна овқатлар	48.9	17.0	45.0	17.2	45.3	16.9	96.2	- 1.7	- 0.3	- 3.7	- 0.1	88.9
Жами	286.2	100	261.2	100	255.9	100	97.9	- 5.3	-	- 30.3	-	89.4

Жадвалдан кўриниб турибдики, умумий овқатланиш корхонаси бўйича ишлаб чиқариш дастури 97,9% бажарилган. Таомнинг ҳамма турлари бўйича миқдор кўрсаткичлари режадагига ҳамда ўтган йилдагига нисбатан бажарилмаган. Шу билан бирга ишлаб чиқарилган маҳсулотлар таркиби ҳам ўзгарган. Режадагига нисбатан иккинчи ва учинчи таомларнинг улуши бошқа таомлар улуши камайиши ҳисобига бирмунча кўпайган.

Таҳлил жараёнида тайёрланаётган маҳсулотлар таркибига алоҳида эътибор берилиши зарур. Чунки умумий овқатланиш корхоналари имкони борича юқори баҳода сотиладиган маҳсулотларни ишлаб чиҳаришга ҳаракат қилади ва натижада режа бўйича ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг таркибий тузилиши бузилади.

Умумий овқатланиш корхоналарида баъзан ўзида тайёрланган маҳсулотлар режаси қиймати бўйича бажарилади, лекин тушлик таомлар миқдори бўйича режа бажарилмаган ҳоллар ҳам содир бўлади. Бундай вазиятларда корхона режани бажариш учун юқори баҳодаги маҳсулотларни ишлаб чиқаришга ҳаракат қилади. Шунинг учун ҳам таҳлил давомида таом турлари ва ишлаб чиқарилган маҳсулотлар турлари, сифати ҳамда битта таомнинг ўртача сотиш баҳоси ўрганилиши зарур. Битта таомнинг ўртача баҳоси ва баҳо ўзгаришининг тушликка ўзида тайёрланган маҳсулот ҳажмига таъсирини аниқлаш учун 93-жадвалдаги шаклдан фойдаланилади.

93-жадвал

Умумий овкатланиш корхоналари буйича битта таомнинг ўртача баҳоси ва баҳо ўзгаришининг ўзида тайёрланган маҳсулот қийматига таъсири таҳлили

Кўрсаткичлар	Ўтган йил	Ҳисобот йили		Фарқи		Режанинг бажарилиши, %	Ўтган йилдагига нисбатан бажарилиши,%
		режа	ҳақиқатда	ўтган йилдан	режадан		
1.Тушликка ўзида тайёрланган маҳсулот қиймати, минг сўм	38646	38393	39667	+ 1021	+ 1274	102.6	103.3
2.Тайёрланган таомларнинг миқдори, минг дона	286.2	261.2	255.9	- 30.3	- 5.3	97.9	89.4

3.Таомларнинг ўртача сотиш баҳоси, сўм	135.0	147.0	155	+ 20.0	+ 8	105.4	114.8

Жадвалдан кўриниб турибдики, умумий овқатланиш корхонаси бўйича ишлаб чиқариш дастури 97,9% бажарилган. Бунга сабаб шуки, таомнинг ҳамма турлари ва миқдор кўрсаткичлари режадагига нисбатан бажарилмаган ўтган йилдагига нисбатан пасайган, шу билан бирга ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ўзгарган. Режадагига нисбатан иккинчи ва учинчи таомлар улуши бошқа таомлар улуши камайиши ҳисобига бирмунча кўпайган.

Таҳлил жараёнида юқорида таъкидлаганимиздек, тайёрланаётган маҳсулотлар тузилишига алоҳида эътибор берилиши зарур. Чунки умумий овқатланиш корхоналари асосан юқори баҳода сотиладиган маҳсулотларни ишлаб чиқаришга ҳаракат қилишади. Натижада маҳсулотларни турлари бўйича ишлаб чиқариш режаси тузилади.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, жадвалда акс эттирилганидек, ўртача сотиш баҳоси ўтган йилдагига нисбатан 20 сўмга, режадагига нисбатан 8 сўмга ошган. Бу жорий йилда 2047,2 минг сўмга (+8x255.9), ўтган йилдагидан эса 5118 минг сўмга (+20x255.9) кўпайишига олиб келган.

Маҳсулот сифатини ўрганиш ҳам таҳлилнинг асосий вазифаларидан биридир. Бунда тайёрланган таомларнинг истеъмолчилар талабига тўлиқ жавоб бериши, бутлиги, қуввати ўрганилади. Ўзида тайёрланган маҳсулотлар сифати кўп жиҳатдан фойдаланиладиган хом ашё, яримфабрикат, ишлов бериш технологияси ҳамда корхонанинг малакали мутахассислар билан таъминланишига боғлиқ.

9.4. Умумий овқатланиш корхоналарида товар айланиши ҳажмига ва ишлаб чиқариш дастури бажарилишига таъсир кўрсатувчи омиллар таҳлили

Умумий овқатланиш корхоналарида товар айланиши ҳажми ва ишлаб чиқариш дастурининг бажарилишини таҳлил қилиш жараёнида иш фаолияти ўзгаришига ижобий ҳамда салбий таъсир кўрсатувчи омиллар ўрганилади. Бунда аввало, умумий овқатланиш корхоналарининг хом ашё билан таъминланиш ва улардан фойдаланиш, ишчи кучи

билан таъминланиш даражалари, меҳнат унумдорлиги ҳамда моддий - техника базаси ҳолати ўрганилади.

Умумий овқатланиш корхоналарининг хом ашё манбалари бўйича ҳам чакана савдо корхоналаридаги сингари маҳсулот баланси тузилиб, товар айланиши ҳажмига таъсир кўрсатувчи омиллар аниқланади. Бу жараёнда чакана савдо корхоналарида қўлланиладиган таҳлил услуби билан бир хил услубдан фойдаланилади.

Таҳлилнинг навбатдаги босқичида ишлаб чиқариш дастурининг бажарилишига таъсир кўрсатувчи меҳнат омиллари ўрганилади. Бунда ишчилар ишлаб чиқаришда қатнашадиган ишчилар (ошхона ишчилари), овқатланиш залида ишлайдиган ишчилар, савдо гуруҳларида ва омборда ишлайдиган ишчилар, маъмурий - бошқарув ходимлари ва бошқа гуруҳларга бўлиниши эътиборда тутилади.

Таҳлил жараёнида корхонанинг ишчи кучи билан таъминланиш ҳамда меҳнат унумдорлиги даражалари, корхона бўйича бир ходимга, ишлаб чиқаришда қатнашадиган бир ишчига тўғри келадиган товар айланиши ҳажми аниқланади. Биринчи кўрсаткич асосий кўрсаткич ҳисобланади, иккинчиси эса, товар айланиши ҳамда ишлаб чиқариш дастурининг ўзгаришига таъсир кўрсатувчи омилларни аниқлаш жараёнида қўлланилади.

Корхона бўйича бир ишчига тўғри келадиган ўртача товар айланиши ҳажмини аниқлаш учун ялпи товар айланиши ҳажми корхонадаги ҳамма ишчилар сонига бўлинади. Ишлаб чиқаришда қатнашадиган бир ишчига тўғри келадиган ўртача товар айланиши ҳажмини аниқлаш учун ўзида тайёрланган маҳсулот ҳажми ишлаб чиқаришда қатнашган ишчилар сонига бўлинади. Меҳнат унумдорлигини тайёрланган таомлар миқдори бўйича ҳам аниқлаш мумкин.

Умумий овқатланиш корхоналарида ишчи кучи билан таъминланиш ва меҳнат унумдорлиги режаси бажарилишини таҳлил қилиш учун 94-жадвалдаги шаклдан фойдаланилади.

94-жадвал

Умумий овқатланиш корхоналарида ишчи кучи билан таъминланиш ва меҳнат унумдорлиги режаси бажарилишининг таҳлили

Кўрсаткичлар	Ўтган йили	Ҳисобот йили		Фарқи		Бажарилиши,%	
1	2	3	4	5	6	7	8
1.Ялпи товар айланиши ҳажми, минг сўм	59870	60220	61740	+1520	+1870	102.5	103.1
2.Шартли товар айланиши ҳажми, минг сўм	47210	48246	48838	+ 592	+1628	101.2	103.4
3.Ўзида тайёрланиб, сотилган маҳсулот, минг сўм	41370	42340	42910	+ 570	+1540	101.3	103.7
4.Ишчиларнинг ўртача сони, нафар	2540	2550	2550	-	+ 10	100.0	100.3
5.Шу жумладан, ишлаб чиқаришда қатнашган ишчиларнинг ўртача сони, нафар	812	819	822	+ 3	+ 10	100.3	101.2
Шундан: Ишлаб чиқариш бўлимлари мудирлари, нафар	86	87	89	+ 2	+ 3	102.3	103.4
3-даражали оошпазлар, нафар	93	94	95	+ 1	+ 2	101.1	102.3
4-даражали оошпазлар, нафар	192	123	124	+ 1	+ 2	100.8	102.6
5-даражали оошпазлар, нафар	265	267	268	+ 1	+ 3	100.3	101.1
6-даражали оошпазлар, нафар	180	180	181	+ 1	+ 1	100.5	100.5
Бошқа ишчилар, нафар	66	68	65	- 3	- 1	95.6	98.5
6.Овқатланиш залида ишлайдиган ишчилар, нафар	402	400	401	+ 1	- 1	100.3	99.7
7.Савдо гуруҳлари ва омборларда ишлайдиган ишчилар, нафар	740	744	739	- 5	- 1	99.3	99.8
8.Маъмурий - бошқарув ходимлари, нафар	586	587	588	+ 1	- 2	100.2	100.3

9.Жами ишчилар сонида ишлаб чиқаришда қатнашадиган ишчилар улуши, %	71.968	32.117	32.235	0.118	0.267	100.3	100.9
10.Корхона бўйича ўртача бир йилда бир ходимга тўғри келадиган меҳнат унумдорлиги, сўм а)ялпи товар айланиш ҳажми, сўм (1:4) б)шартли товар айланиш ҳажми, сўм (2:4)	23570 18586	23615 18920	24211 19152	+ 596 + 232	+ 641 + 566	102.5 101.2	102.7 103.0
11.Ишлаб чиқаришда қатнашадиган бир йилда бир ишчига тўғри келадиган ўртача меҳнат унумдорлиги, сўм (3:5)	50948	51697	52201	+ 504	+1253	100.9	102.4
12.Тайёрланган таомлар миқдори, минг дона	286.2	261.2	255.9	- 5.3	-30.3	97.9	89.4
13.Ишлаб чиқаришда қатнашадиган бир ишчига бир йилда тўғри келадиган таомларнинг ўртача миқдори, дона	38694	38424	38917	+ 493	+ 223	101.2	100.5
14.Ўтирадиган жой сони, та	9720	9740	9775	+ 35	+ 55	100.3	100.5
15.Битта ўтирадиган жойга тўғри келадиган, сўм а) ялпи товар айланиши ҳажми (1:4) б)ўзида тайёрланиб сотилган маҳсулот ҳажми (3:4)	6159 4256	6182 4347	6316 4389	+ 134 + 42	+ 157 + 133	102.1 100.9	102.5 103.1

Жадвалдаги маълумотлардан кўриниб турибдики, корхона бўйича меҳнат унумдорлиги режадагига нисбатан 2,5%, шартли товарлар айланиши ҳажми бўйича эса 1,2% ўсган. Ўзида тайёрланган маҳсулот ҳажми режадагига нисбатан 570 минг сўм, ўтган йилдагига нисбатан 1540 минг сўм ортиғи билан бажарилган. Товар айланиши ҳажмининг ўзгаришига қуйидаги омиллар таъсир қилган:

Режага нисбатан:

· ишлаб чиқаришда қатнашган ишчилар сонининг ўзгариши: ишчилар сонининг режадагига нисбатан 3 нафарга кўпайиши ўзида тайёрланган маҳсулот ҳажмининг 155.2 минг сўмлик (+ 3х51697) кўпайишига;

· меҳнат унумдорлигининг режадагига нисбатан 504 сўмга ўсиши ўзида тайёрланган маҳсулот ҳажмининг 414,8 минг сўмлик (+504х822) ортишига олиб келди.

Шундай қилиб, иккита омил ҳам тайёрланган маҳсулот ҳажмига ижобий таъсир кўрсатди.

Ўтган йилдагига нисбатан:

· ишлаб чиқаришда қатнашадиган ишчилар сонининг кўпайиши

· + 10х50948=509.4 минг сўм;

· меҳнат унумдорлигининг ўсиши + 1253х822 = + 1030,6 минг сўм.

Ишлаб чиқариш дастури бажарилишига таъсир кўрсатувчи омиллардан бири корхоналарнинг овқатланиш залларидан унумли фойдаланиш ҳисобланади. Овқатланиш корхоналарининг ишлаб чиқариш қуввати зал майдонига ва заллдан фойдаланишнинг самарадорлик даражасига боғлиқ бўлиши керак. Заллардан фойдаланишнинг самарадорлик даражасини аниқлаш учун хўрандалар ўтирадиган ўринларнинг айланиш коэффициенти аниқланади. Бу мақсаддаги таҳлилда 95–96-жадваллардаги шакллардан фойдаланилади.

95-жадвал

Умумий овқатланиш корхоналарида овқатланиш жойидан фойдаланиш жараёни таҳлили

Кўрсаткичлар	Режа	Ҳақиқатда	Фарқи, +, -	Режанинг бажарилиши, %
1.Хўрандалар учун ажратилган жой, та	150	165	+ 15	110.0
2.Овқатланиш корхонасининг ишлаган кунлари, кун	260	272	+ 12	104.6
3.Ўртача иш кунининг давомийлиги, соат	9	9.5	+ 9.5	105.5
4.Бир хўрандага хизмат кўрсатиш учун кетган вақт, дақиқа	30	35	+ 5	116,6
5.Таъриф буюрган хўрандалар сони, нафар	351000	365451	+14451	102.9

96-жадвал

Хўрандалар сонининг ўзгаришига таъсир кўрсатувчи омиллар

Кўрсаткичлар Боғланишлар	Хўрандалар учун ажратилган жой, сони	Овқатланиш корхонаси ишлаган кунлар, кун	Ўртача иш кунининг давомийлиги, соат	Бир хўрандага хизмат кўрсатиш учун сарфланадиган вақт, дақиқа	Ҳисобланган хўрандалар сони, нафар
I	150	260	9	30	351000
II	165	260	9	30	386100
III	165	272	9	30	403920
IV	165	272	9.5	30	426360
V	165	272	9.5	35	365451

Хўрандалар сони таҳлил жараёнида 14451 нафарга кўпайган. Бунга қуйидаги омиллар таъсир кўрсатган:

1. Залда ўтирадиган жойнинг кўпайиши:

3386100 − 351000 = + 35100 нафар.

2. Иш кунларининг кўпайиши: 403920 − 386100 = + 17820 нафар.

3.Иш кунлари давомийлигининг ўзгариши:

42636- - 403920 = + 22440.

4. Бир хўранда учун сарфланган вақтнинг ўзгариши:

365451 - 426360 = - 60909 нафар

Умумий фарқ: (35100 + 17820 + 22440) – 60909= +14451 нафар.

Умумий овқатланиш корхоналарида ишчи кучи билан таъминланиш, меҳнат унумдорлиги ва заллардан фойдаланиш даражалари ўрганилгандан сўнг товар айланиши ва ишлаб чиқариш дастури бажарилишига таъсир кўрсатувчи омиллардан бири–корхонанинг асосий фондлар билан таъминланиш ва улардан фойдаланишнинг самарадорлик даражаларини таҳлил қилишга ўтилади.

Умумий овқатланиш корхоналари асосий фондлари таркиби ишлаб чиқариш дастури ҳамда товар айланиши ҳажмининг бажарилишига ҳар хил таъсир қилиши мумкин. Шунинг учун асосий фондлар таркиби корхона бўйича алоҳида, актив қисми бўйича ҳамда ошхонада фойдаланиладиган асосий фондларга бўлиниб ўрганилади. Таҳлил жараёнида асосий фондлар билан таъминланиш ва бу фойдаланишнинг самарадорлик даражаси аниқланади.

Товар айланиши ҳажми ўзгариши ҳамда ишлаб чиқариш дастури бажарилиши кўп жиҳатдан асосий фондларнинг, шу жумладан, ошхонада ишлатиладиган асосий фондларнинг самарадорлик даражалари боғлиқ. Чунки ошхонадаги ишлаб чиқаришда бевосита қатнашадиган асосий фондлардан фойдаланиш даражаси қанчалик яхши бўлса, ўзида тайёрланадиган маҳсулотлар ҳам ҳажман шунча кўп бўлади.

Умумий овқатланиш корхоналарида асосий фондлар билан таъминланиш ва улардан фойдаланишнинг самарадорлик даражасини таҳлил қилиш учун 97-жадвалдадаги шаклдан фойдаланилади.

97-жадвал

Асосий фондлар билан таъминланиш ва улардан фойдаланишнинг самарадорлик даражаси таҳлили

Кўрсаткичлар	Ўтган йили	Ҳисобот йили		Фарқи, +, -		Бажарилиши, %	
		режа	ҳақиқатда	ўтган йилдан	режадан	ўтган йилга нисбатан	режага нисбатан
1	2	3	4	5	6	7	8
1.Ялпи товар айланиши ҳажми, минг сўм	59870	60220	61740	+1870	+1520	103.1	102.5

2.Шартли товар айланиши ҳажми, минг сўм	47210	48246	48838	+1628	+ 592	103.4	101.2
3.Ўзида тайёрланиб сотилган маҳсулот, минг сўм	41370	42340	42910	+1540	+ 570	103.7	101.3
4.Асосий фондларнинг ўртача йиллик қиймати, минг сўм	5200	5250	5270	+ 70	+ 20	100.9	100.3
5.Шу жумладан, асосий фондларнинг актив қисми	4060	4065	4090	+ 30	+ 25	100.7	100.6
6.Оиҳонадаги асосий фондларнинг ўртача йиллик қиймати, минг сўм	3120	3200	3240	+ 120	+ 40	103.8	101.2
7.Ўртача ишчиларнинг сони, нафар	2540	2550	2550	+ 10	-	100.3	100
8. Шу жумладан, ишлаб чиқаришда қатнашадиган ишчилар ўртача сони, нафар	812	819	822	+ 10	+ 3	101.2	100.3
9.Корхона бўйича қуролланиш даражаси (4:7) сўм	2047	2058	2066	+ 19	+ 8	100.9	100.3
10.Техникавий қуролланиш даражаси, сўм а)ўртача бир ходимга (5:7) б)ўртача ишлаб чиқаришда қатнашадиган бир ишчига (6:8)	1598 3842	1594 3907	1603 3941	+ 5 + 99	+ 9 + 34	100.3 102.5	100.5 100.8

11.Корхона бўйича фондлардан фойдаланиш-нинг самарадорлик даражаси(1:4)	11.51	11.47	11.71	+ 0.2	0.24	101.7	102.1
12.Асосий фондларнинг актив қисми бўйича фонд самараси 1:5)	14.74	14.81	15.09	+ 0.35	+ 0.28	102.3	101.8
13.Шундан: ишлаб чиқаришда қатнашадиган фондларнинг самарадорлик даражаси(3:6)	13.26	13.23.	13.24	+ 0.03	+ 0.01	99.8	100.1

Жадвал кўрсаткичларидан маълум бўляптики, умумий овқатланиш корхонаси фондларнинг ҳамма турлари билан етарли даражада таъминланган. Асосий фондлар қиймати ўтган йилдагига нисбатан 70 минг сўмга, режадагига нисбатан 20 минг сўмга кўпайган. Натижада қуролланиш ҳамда улардан фойдаланишнинг самарадорлик даражаси яхшиланган. Асосий фондлардан фойдаланишнинг самарадорлик даражаси йилдан - йилга ўсиб бориши, биринчи навбатда, муомала харажатлари пасайишига, умумий овқатланиш корхонасининг молиявий ҳолати мустаҳкамланиши ижобий таъсир кўрсатган.

Қисқача хулосалар

Умумий овқатланиш корхоналари хизмат кўрсатиш сохасида асосий ўринни эгаллайди. Чунки уларининг хўжалик фаолияти серқирра бўлиб, бу жараёнда қатор муаммоларни ҳал қилишга тўғри келади.

Умумий овқатланиш корхоналари ишлаб чиқариш дастурини бажариш учун ўзларига керакли бўлган хом ашёни саноат, қишлоқ хўжалиги хамда қайта ишлаш корхоналаридан сотиб олади ва тайёр маҳсулотга айлантиргач, уларни тайёр маҳсулот сифатида истеъмолчиларга етказиб беради.

Умумий овқатланиш корхоналари хўжалик фаолиятини таҳлил қилишдан мақсад ишлаб чиқариш дастури бажарилишига баҳо бериш, ўзида тайёрланган ва сотиб олинган товарлар режасининг бажарилишини ва уларнинг, яъни ўзида

тайёрланган ва сотиб олинган маҳсулотларнинг салмоғини ўрганиш ҳамда корхоналарда ишлаб чиқариш дастури бажарилишига таъсир этувчи омилларни аниқлаш ва ўзида тайёрланган махсулот таннархини пасайтириш хисобига сифат кўрсаткичларини яхшилаш йўлларини аниқлашдир.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Умумий овқатланиш корхоналарида товар айланиши режасининг бажарилиши қандай таҳлил қилинади? Бундай таҳлил қандай ҳусусиятлар эга?

2. Умумий овқатланиш корхоналарида ишлаб чиқариш дастури бажарилишини таҳлил қилишда нималарга эътибор берилади?

3. Умумий овқатланиш корхоналарида ишлаб чиқариш дастурининг бажарилишига қандай омиллар таъсир этади?

4. Умумий овқатланиш корхоналарида меҳнат ресурсларидан фойдаланш жараёни таҳлилни ўтказишда нималарга асосланилади?

5. Умумий овқатланиш корхоналарида асосий фондлар ва савдо майдонларидан фойдаланишнинг самарадорлик даражаси таҳлилида-чи?

Асосий адабиётлар

1. Баканов М.И. «Экономический анализ в торговле» –М., «Финансы и статистика», 1996.

2. Ергешев Е.Е. «Иқтисодий ва молиявий таҳлил». Дарслик. – Т., «Молия», 2000.

3. Кровченко Л.И. «Анализ хозяйственной деятельности предприятий торговли и общественного питания». –Минск. «Вышейщая школа», 1996.

4. Камышонов П.И., Камышанов А.П. «Бухгалтерский учет в торговле и общественном питании». –М., «Омега-Л», 2003.

5. Менделевич А.М. «Анализ хозяйственной деятельности общественного питания» –М., «Финансы и статистика», 1996.

X БОБ. САНОАТ КОРХОНАЛАРИ ХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИ ТАҲЛИЛИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

10.1. Маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш режаси бажарилишини таҳлил қилишда таҳлилнинг аҳамияти ва вазифалари

Улгуржи чакана савдо корхоналари ва бошқа корхоналарнинг хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш билан бирга, саноат корхоналарининг хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш ўзига хос хусусиятга эга. Саноат корхоналари халқ хўжалиги аҳамиятига эга бўлган ҳамда аҳолининг хилмахил маҳсулотларга бўлган, тобора ўсиб бораётган талабини қондириш учун улгуржи, чакана ва бошқа савдо тармоқларига узлуксиз равишда тайёр маҳсулотлар етказиб беради. Улар ишлаб чиқилган маҳсулотлар ҳажмининг кўпайиши, ўз навбатида, товар айланиши ҳажми ўсишига олиб келади.

Товар айланиши режаси муттасил бажарилиши учун улгуржи чакана савдо корхоналари саноат корхоналари билан харидорлар эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда шартномалар тузишлари, саноат корхоналари эса, шартномаларда кўрсатилган ҳамма товарларни истеъмолчиларга ўз вақтида етказиб беришлари зарур.

Саноат корхоналари хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш жараёнида аввало, ишлаб чиқариш-молия режасининг асосий кўрсаткичлари қай даражада бажарилаётганлиги, агар бу борадаги ютуқлар ва камчиликлар бўлса, тегишли кўрсаткичларда ўзгаришлар бўлса, уларга қандай омиллар таъсир этганлиги ўрганилади.

Бу йўналишдаги таҳлилнинг афзалликлари шундан иборатки, унда маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш режаси бажарилиши таҳлилигагина эмас, балки маҳсулот сифатига, маҳсулот ҳажмининг ўзгаришига таъсир кўрсатувчи омиллардан бири—асосий фондлардан фойдаланишнинг самарадорлик даражаси таҳлилига ҳам эътибор бериш лозим. Бошқа кўрсаткичлар—ассортимент режаси бажарилиши, меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан фойдаланиш, маҳсулот ҳажмининг ўзгаришига таъсир кўрсатувчи меҳнат омиллари, меҳнат унумдорлигининг ўзгаришига таъсир кўрсатув-

чи омиллар саноатда ҳам савдода қўлланиладиган усулда таҳлил қилинади.

10.2. Ялпи, товар ва сотилган маҳсулот режаси бажарилишининг таҳлили

Саноат корхоналарида ишлаб чиқариш дастури бажарилишининг таҳлили ялпи, товар ва сотилган маҳсулот режаси бажарилишини таҳлил қилишдан бошланади.

Ялпи маҳсулот кўрсаткичи ишлаб чиқариш ҳажмига баҳо бериш учун қўлланилади. Ялпи маҳсулот таркибига товар маҳсулоти, тугалланмаган ишлаб чиқариш ва сотиш учун мўлжалланган, ярим тугалланмаган маҳсулотлар киради.

Товар маҳсулоти деб, бозор иқтисодиёти талабларига жавоб берадиган, Давлат стандарти талабларига мос келадиган, техник назоратдан ўтган ва сотиш учун мўлжалланган товарларга айтилади.

Корхонанинг ҳисоб-китоб счётига пули келиб тушган маҳсулот сотилган маҳсулот ҳисобланади.

Таҳлил қилинаётган корхонада ялпи, товар ва сотилган маҳсулот режасининг бажарилишига баҳо бериш учун 98-жадвалдаги шаклдан фойдаланилади.

98-жадвал

Маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш режаси бажарилишининг таҳлили

Кўрсаткичлар	Ўтган йил	Режа	Ҳақиқатда	Ўтган йилдагига нисбатан режанинг ўзгаришн		Ҳисобот йилида ўтган йилдагига нисбатан ўзгариши		Режадагига нисбатан фарқ, +, -	
				мутлақ суммада	%	мутлақ суммада	%	мутлақ суммада	%
Ялпи маҳсулот (таққосланадиган корхонанинг улгуржи баҳосида, (минг сўм)	20154	20760	20980	+606	3,0	+826	4,1	+220	1,1

Товар маҳсулоти амалдаги корхонанинг ялпи баҳосида (минг сўм)	20200	20790	21120	+590	2.9	+ 920	4.5	+330	1.6
Сотилган маҳсулот ҳажми (корхонанинг режалаштирилган баҳосида минг сўм)	20110	20540	20960	+430	2.1	+ 850	4.2	+420	2.1

Жадвалдан кўриниб турибдики, таҳлил қилинаётган корхона ҳамма кўрсаткичлари бўйича ялпи, товар маҳсулоти ҳамда маҳсулот сотиш режаларини ортиғи билан тегишлича 101,1%, 101,6% ва 102,1% бажарган.

Маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш режалари бажарилишига баҳо берилгандан сўнг сотиш режаси бажарилишига таъсир кўрсатувчи омиллар ҳамда товар маҳсулоти ҳажмидаги олий навли маҳсулот салмоғини ва шартнома бўйича маҳсулотлар етказиб бериш қандай бажарилганлигини текшириш зарур.

Корхонанинг асосий кўрсаткичларига умумий баҳо берилгач, маҳсулотларини турлари бўйича ишлаб чиқариш жараёни таҳлил қилинади.

Саноат корхоналарида маҳсулотларни турлари бўйича тўлиқ ишлаб чиқариш муҳим аҳамиятга эга. Агар корхона режалаштирилган маҳсулотларни турлари бўйича тўлиқ ишлаб чиқармаса, у ҳолда аҳолининг айрим товарларга бўлган эҳтиёжи етарлича қондирилмайди.

Эслатиб ўтиш керакки, саноат корхоналари иложи борича кам харажат, кам меҳнат талаб қиладиган ва баҳоси юқори маҳсулотларни ишлаб чиқаришга ҳаракат қилади. Шу боисдан ҳам таҳлил жараёнида маҳсулотларни турлари бўйича ишлаб чиқариш режасининг бажарилишига алоҳида эътибор берилиши лозим. Агар бажарилмаган бўлса, у бунинг сабаблари аниқланиши ва тегишли омиллар бартараф этилиши зарур.

Таҳлил қилинаётган корхонада ишлаб чиқариш режаси маҳсулот турлари ва ассортименти бўйича бажарилишига баҳо бериш учун 99-жадвалдаги шаклдан фойдаланилади.

99-жадвал

Маҳсулот ишлаб чиқариш режасининг белгиланган турлари ва ассортименти буйича бажарилиши таҳлили

Маҳсулот турлари	Маҳсулот бирлигининг баҳоси	Ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдори, дона			Ишлаб чиқарилган маҳсулот қиймати, минг сўм		
		режа	ҳақиқатда	режанинг бажарилиши,%	режа	ҳақиқатда	белгиланган ассортимент ҳисобига
1.Маҳсулот	11000	346	354	102,3	3806	3894	3806
2.Маҳсулот	12500	320	400	125,0	4000	5000	4000
3.Маҳсулот	9400	383	383	100,0	3600	3600	3600
4.Маҳсулот	8000	400	375	93,7	3200	3000	3000
Жами					19110	19694	18606

Жадвалдаги маълумотлардан кўриниб турибдики, режа маҳсулот ҳажми бўйича 103% бажарилган (19694:19110x100), лекин белгиланган ассортимент бўйича бажарилмаган, ассортимент бўйича режанинг бажарилиши 97,3%ни ташкил этган (18606:19110x100). Ассортимент бўйича режа бажарилмаслигига 4-йўналишдаги маҳсулот режалаштирилганига нисбатан 25 донага кам ишлаб чиқарилгани сабаб бўлган. Корхона раҳбарияти бу каби камчиликларни бартараф этишлари ва улар такрорланишининг олдини олиш чораларини кўришлари зарур.

Кейинги босқич ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг сифатлилик даражасига қаратилмоғи лозим.

Маҳсулот сотиш режасининг бажарилиши кўп жиҳатдан ишлаб чиқарилган маҳсулот сифатига ҳам боғлиқ. Дарвоқе, маҳсулот сифатининг яхшиланиши, ўз навбатида, сотилган маҳсулот ҳажми кўпайишига ва фойда миқдори ошишига олиб келади. Маҳсулотнинг сифати халқ хўжалик тармоқларида ҳар хил кўрсаткичлар билан белгиланади. Бу кўрсаткич, масалан, машинасозлик саноатида Давлат стандарти талабига мослиги (ГОСТ), енгил саноат, тўқимачилик ва озиқ-овқат корхоналарида навлари бўйича аниқланади, баъзи корхоналарда эса ишлаб чиқарилган

маҳсулотлар бўйича билдирилган эътироз ёки келиб тушган шикоятларга кўра белгиланади.

Маҳсулот сифатини таҳлил қилишдан мақсад унинг ўртача сифатлилик даражасини, сифат ўзгаришининг сотилган маҳсулот ҳажми ўзгаришига таъсирини аниқлашдан иборат.

Саноат корхоналарида ўртача сифатлилик даражаси қуйидаги уч хил йўл билан аниқланади:

- ўртача сифатлилик даражасини ўртача тортилиш усулида аниқлаш;
- ўртача сифатлилик даражасини ўртача шартли биринчи навга айлантириш йўли билан аниқлаш;
- сифатлилик даражасини ўртача тортилиш баҳосида аниқлаш.

Сифатлилик даражасини ўртача тортилиш усулида аниқлаш жараёнида, биринчи навда ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдори бирга, иккинчи навдаги маҳсулот миқдори иккига ва учинчи навдаги маҳсулот миқдори учга кўпайтирилиб, жами ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдорига бўлинади. Маҳсулотнинг ўртача сифатлилик даражасини бу усулда аниқлаш учун 100-жадвалдаги шакл тузилади.

100-жадвал

Ўртача сифатлилик даражасини ўртача тортилиш усулида аниқлаш

Навлар	Ўлчов бирлиги	Маҳсулот миқдори	
I нав	дона	50000	60000
II нав	дона	6500	4300
III нав	дона	3500	2700
Жами		60000	67000

Жадвалдаги маълумотлардан кўриниб турибдики, режа бўйича ўртача сифатлилик даражаси:

$$\frac{(50000 \times 1) + (6500 \times 2) + (3500 \times 3)}{60000} = 1.22$$

Ҳақиқатда:

$$\frac{(60000 \times 1) + (4300 \times 2) + (2700 \times 3)}{6700} = 1.12$$

Ҳисоб-китоблар шуни кўрсатдики, ишлаб чиқарилган маҳсулот сифати ҳисобот йилида режадагига нисбатан яхшиланган, яъни биринчи навга яқинроқ. Бу кўрсаткич бирга қанчалик яқин бўлса, маҳсулотнинг сифатлилик даражаси шунчалик яхши бўлади.

Ўртача сифатлилик даражасини шартли биринчи навга айлантириш йўли билан ҳам аниқлаш мумкин. Бунда II – III навларда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар баҳосининг биринчи навдаги маҳсулот баҳосига нисбати олинади.

Ўртача сифатлилик даражасини шартли биринчи навга айлантириш йўли билан аниқлаш учун 101-жадвалдаги шакл тузилади.

Жадвалдаги кўрсаткичлардан маълум бўляптики, навлар бўйича режа бир хил бажарилмаган. Чунончи, биринчи нав бўйича – 120%, иккинчи нав бўйича – 66,1% ва учинчи нав бўйича – 77,1% уддаланган. Натижада ҳисобот йилида режадагига нисбатан биринчи нав улушининг кўпайиши ҳисобига ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг иккинчи ва учинчи навлар бўйича улуши камайган. Бу эса, маҳсулот сифати яхшиланганидан дарак беради. Мисолимизда ўртача навлилик коэффициенти қуйидагича:

Режа буйича:

$$\frac{(1\times 100500)+(0.8\times 10660)+(0.5\times 3920)}{115080}=0.96\%$$

Ҳақиқатда эса

$$\frac{(1.0\times 120600)+(0.8\times 7052)+(0.5\times 3024)}{130676}=0.98\%$$

Ҳисобот йилида маҳсулот сифати яхшиланиши натижасида сифат коэффициенти режадагига нисбатан 0,02% ошган (0.98-0.96). Демак, ҳисобот йилида ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг ўртача сифатлилик даражаси бирга (1) яқин. Бу, ўз навбатида, сотиладиган маҳсулотлар баҳоси юқори бўлишига олиб келади. Маълумки, маҳсулот сифати ўзгариши билан сотиладиган маҳсулотнинг ўртача баҳоси ҳам ўзгаради.

101-жадвал

Маҳсулот сифатининг таҳлили

Навлар	Битта маҳсулотнинг баҳоси	Биринчи навга айлантириш коэффициенти	Натура ҳолатида ишлаб чиқарилган маҳсулот, дона				Режанинг бажарилиши, %	Ишлаб чиқарилган маҳсулот қиймати, минг сўм		Биринчи навга ҳисобланган маҳсулот, жами	
			режа бўйича		ҳақиқатда			режа бўйича	ҳақиқатда	режа бўйича	ҳақиқатда
			миқдори	улуши, %	миқдори	улуши, %					
I	2010	1.0	50000	83.3	60000	89.5	120.0	100500	120600	100500	120600
II	1640	0.8	6500	10.8	4300	6.4	66.1	10660	7052	8528	5642
III	1120	0.5	3500	5.9	2700	4.1	77.1	3920	3024	1960	1512
Жами			60000	100.0	67000	100.0	112.0	115080	130676	110988	127754

Маҳсулот сифати ўзгариши натижасида ўртача баҳо ўзгаришининг сотилган маҳсулот ҳажмига таъсирини аниқлаш учун 102-жадвалдаги шакл қўлланилади.

102 -жадвал

Ўртача сифатлилик даражасини ўртача тортилиш баҳосида аниқлаш

Навлар	Маҳсулотнинг баҳоси, сўм	Маҳсулот ҳажми			
		режа		ҳақиқатда	
		миқдори, дона	маҳсулот қиймати, минг сўм	миқдори, дона	маҳсулот қиймати, минг сўм
I	2010	50000	100500	60000	120600
II	1640	65000	10660	4300	7052
III	1120	35000	3920	2700	3024
Жами		60000	115080	67000	130676

Таҳлилининг натижаси шуни кўрсатадики, ўртача баҳо режа бўйича 1918 сўмни , ҳақиқатда эса 1950 сўмни ташкил этган. Демак, ўртача баҳо ҳисобот йилида режадагига нисбатан 32 сўм (1950-1918) юқори бўлган. Бу эса, ўз навбатида, сотилган маҳсулот ҳажмининг 2144 минг сўмга (32х67000) кўпайишига олиб келган. Агар бу кўрсаткични биринчи навга ҳисобланган маҳсулот бўйича таҳлил қиладиган бўлсак, у ҳолда сотилган маҳсулот ҳажмининиг ўртача баҳоси режа бўйича 1849,8 сўмни , ҳақиқатда эса 1906,7 сўмни ташкил этади. Бунда ўртача сотиш баҳоси ҳисобот йилида режадагига нисбатан 56,9 сўмга (1906,7 – 1849,8) ошган.

Ўртача сотиш баҳосининг 56,9 сўмга ошиши сотилган маҳсулот ҳажми 3812,3 минг сўмлик (56,9 х 67000) кўпайганлигини билдиради.

Маҳсулот сифатини тўхтовсиз яхшилаб бориш улар саноат корхоналари томонидан бир меъёрда ишлаб чиқарилишига боғлиқдир. Тажрибалар ҳамда таҳлил натижалари шуни кўрсатадики, корхона томонидан маҳсулот ишлаб чиқариш режасида белгиланган графикдан четга чиқилишига хом ашёлар ўз вақтида олинмаслиги туфайли ишлаб чиқариш меъёр бузилиши сабаб бўлади. Бинобарин, графикка кўра, ҳар ўн кунликда бир ойда ишлаб чиқариш мўлжалланган маҳсулотнинг 33,3%и тайёрланиши зарур.

Лекин юқорида қайд этилган омиллар таъсирида биринчи, иккинчи ўн кунликларда, бир ойда ишлаб чиқариладиган маҳсулот ҳажмининг 55–60% ини, учинчи ўн кунликда режани бажариш учун қолган 40–45% ини ишлаб чиқаришга ҳаракат қилинди. Натижада ишлаб чиқарилган маҳсулот сифати пасайди, омборларда кўплаб маҳсулотлар туриб қолади.

Корхонанинг бир меъёрда маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнини таҳлил қилиш учун 103-жадвалдаги шакл тузилади.

103-жадвал

Бир меъёрда маҳсулот ишлаб чиқаришнинг таҳлили

Кўрсаткичлар	Жами ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми, минг сўм	Шу жумладан, ўн кунлилар бўйича, минг сўм			Жами ишлаб чиқарилган маҳсулотга нисбатан, %		
		I ўн кунлик	II ўн кунлик	III ўн кунлик	I ўн кунлик	II ўн кунлик	III ўн кунлик
Жами ишлаб чиқарилган маҳсулот режа бўйича	20790	6902	6943	6945	33.2	33.4	33.4
ҳақиқатда	21120	6357	6653	8110	30.1	31.5	38.4
Режанинг бажарилиши, %	1016	92.1	95.8	116.7	-	-	-
IV чоракда режа бўйича	4962	1652	1658	1652	33.3	33.4	33.3
ҳақиқатда	5193	1506	1610	2077	29	31	40.0
Режанинг бажарилиши, %	104.6	91.2	97.1	125.7	-	-	-
Декабрда режа бўйича	1668	556	558	554	33.3	33.5	33.3
ҳақиқатда	1722	523	566	633	30.4	32.9	36.7
Режанинг бажарилиши, %	103.2	94.1	101.4	114.2	-	-	-

Жадвалдаги маълумотлардан кўриниб турибдики, корхона бир меъёрда ишлаган, фақат йилнинг охирида IV чоракнинг биринчи ва учинчи ўн кунликларида графикдан четланиш бўлган. Бу эса, корхона бўйича IV чоракнинг учинчи ўн кунлигида ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмига ўз таъсирини кўрсатган.

10.3. Асосий фондлардан фойдаланишнинг самарадорлик даражаси таҳлили

Маҳсулот ҳажми кўпайишига таъсир кўрсатувчи асосий омиллардан бири саноат корхоналарининг асосий фондлар билан етарли даражада таъминланишидир. Шундай экан, маҳсулот ҳажми корхонанинг техника билан таъминланиш ва ишлаб чиқаришда янги техникалардан фойдаланиш даражаларига, бу жараёнда рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришига, ихтисосланишига, булар эса, асосий фондлардан фойдаланишнинг самарадорлик даражасига боғлиқ.

Демак, таҳлил жараёнида асосий фондлардан фойдаланишнинг самарадорлик даражасига алоҳида аҳамият бериш зарур. Таҳлилда асосий фондларниниг таркибий тузилиши, яъни корхонанинг асосий фондлар, шунингдек, ишлаб чиқаришда банд бўлган асосий фондлар билан таъминланиши ва уларнинг техникавий ҳолати ўрганилиши, шу билан бирга корхона ишчиларининг қуролланиш даражаси аниқланиши лозим. Бу кўрсаткич эса, асосий фондлар қийматини энг кўп сменада ишлаган ишчилар сонига бўлиш йўли билан аниқланади.

Яна бир кўрсаткич – корхонанинг энергия билан қуролланиш даражаси куч берувчи машиналар қуввати йиғиндисини (квт - соатда) сменада энг кўп ишлаган ишчилар сонига бўлиш йўли билан аниқланади.

Асосий фондлардан фойдаланишнинг муҳим кўрсаткичларидан бири фонд самарасидир. Бу кўрсаткич товар маҳсулоти ҳажмини асосий фондларнинг ўртача йиллик қийматига бўлиш йўли билан аниқланади.

Таҳлил жараёнида корхона бўйича бир сўмлик асосий фондларга тўғри келадиган фонд самараси ҳамда ишлаб чиқаришда тўғридан - тўғри қатнашадиган асосий фондларнинг актив қисмидан фойдаланиш даражаси аниқланиши зарур.

Саноат корхоналарида асосий фондлар таркибан ишлаб чиқаришда қатнашмайдиган ва ишлаб чиқаришда қатнашадиган асосий фондларга бўлинади. Шу сабабли асосий фондлардан фойдаланишнинг самарадорлик даражаси таҳлили жараёнидаги дастлабки босқичда корхона бўйича

ҳамда асосий фондларнинг актив қисми бўйича самарадорлик даражаси аниқланиши зарур.

Асосий фондлардан фойдаланишнинг самарадорлик даражасини таҳлил қилишдан мақсад ҳисобот йилидаги самарадорлик даражасини ўтган йилги самарадорлик кўрсаткичлари билан таққослаб, бу борадаги даража ўзгаришига таъсир кўрсатувчи омилларни таҳлил йўли билан ҳисоблаб чиқиш ва самарадорлик даражасини ошириш йўлларини белгилаб беришдан иборат.

Асосий фондлардан фойдаланишнинг самарадорлик даражасига таъсир этувчи омиллар қуйидагилардир:

1.Ишлаб чиқаришда қатнашадиган асосий фондларнинг жами асосий фондлар қийматидаги улуши ўзгариши. Бу омил таъсирини аниқлаш учун асосий фондларнинг актив қисми улуши бўйича фарқ бу қисмнинг ўтган йилги самарадорлик даражасига кўпайтрилиб, юзга бўлинади.

2.Асосий фондлар актив қисмидан фойдаланишнинг самарадорлик даражаси ўзгариши.

Бу омил таъсирини аниқлаш учун асосий фондларнинг актив қисми бўйича самарадорлик даражаси фарқи ҳисобот йилидаги асосий фондлар актив қисми улушига кўпайтирилиб, юзга бўлинади.

Юқоридаги кўрсаткичлардан ташқари бир станок-соатга тўғри келадиган маҳсулот ҳажми ҳам аниқланиши зарур. Бу кўрсаткич маҳсулот ҳажмини жами ишланган станок-соатга бўлиш йўли билан аниқланади.

Таҳлил қилинаётган корхонада асосий фондлардан фойдаланишнинг самарадорлик даражасини баҳолаш ва унинг ўзгаришига юқорида қайд этилган омиллар таъсирини ҳисоблаб чиқиш учун 104-жадвалдаги шакл тузилади.

104-жадвал

Асосий фондлардан фойдаланишнинг самарадорлик даражаси таҳлили

Кўрсаткичлар	Белгилар	Ўтган йили	Ҳисобот йили	Ўтган йилдагига нисбатан фарқ, +, -
Ҳисоботда берилган маълумотлар				
1.Товар маҳсулоти, минг сўм	Т.М.	20200	21120	+920
2.Саноат ишлаб чиқаришда қатнашадиган асосий фондларнинг ўртача йиллик қиймати, минг сўм	СИАФ	11420	11780	+360

3.Ўрнатилган асбоб - ускуналар, дона	УАУ	1470	1476	+ 6
4.Асбоб - ускуналарнинг қиймати, минг сўм	АУК	4780	4640	140
5.Жами бир йилда ишланган станоклар сменаси, минг	Ссм.	2680	2880	+200
6.Жами бир йилда ишланган станок – соат, минг	Сс.	17625	18274	+649
Ҳисобланган кўрсаткичлар 7.Бир асбоб - ускунанинг ўртача қиймати, минг сўм (4:3)	АУК / УАУ	3,2	3.1	- 0.1
8.Асбоб - ускуналарнинг жами саноат ишлаб чиқаришида қатнашадиган асосий фондлардаги улуши, %	АУК / СИАФ	41.856	39.388	-2.468
9.Сменалик коэффициент (5:3)	Ссм / УАУ	1.82	1.95	+ 0.13
10.Бир сменада асбоб - ускуналар ишининг давомийлиги (6:5)	Сс / Ссм	6.57	6.34	- 0.23
11.Бир станок-соатга тўғри келадиган маҳсулот миқдори, сўм (4:6)	ТМ / Сс	1146.099	1135.740	+9.641
12.Фондлардан фйдаланишнинг самарадорлик даражаси (1:2), сўм	ТМ / СИАФ	1.768	1.792	+0.024
13.Ўрнатилган бир сўмлик асбоб - ускуналарга тўғри келадиган маҳсулот миқдори (1:4), сўм	ТМ / АУК	4.226	4.552	+0.325

Жадвалдаги маълумотлардан куриниб турибдики, асосий фондлардан фойдаланишнинг самарадорлик даражаси хисобот йилида ўтган йилдагига нисбатан 0,024 сўмга ошган. Бунга асбоб - ускуналардан фойдаланишнинг самарадорлик даражаси ўтган йилдагига нисбатан яхшиланиши, яъни 0,326 сўмга ўсиши ижобий таъсир кўрсатган.

Мисолимизда асбоб - ускуналардан фойдаланишнинг самарадорлик даражаси яхшиланиши корхона бўйича асосий фондлардан фойдаланишнинг самарадорлик даражаси 0,128 сўмга ўсишига олиб келди: $\frac{+0.326 \times 39.388}{100} = +0.128$ сўм.

Асосий фондларнинг актив қисми, яъни ўрнатилган асбоб - ускуналарнинг жами асосий фондлардаги улуши ҳисобот йилида ўтган йилдагига нисбатан 2,468% камайиши эса корхона бўйича асосий фондлардан фойдаланиш

бўйича самарадорлик даражаси 0,104 сўмга пасайишига сабаб бўлди:

$$\frac{-2.468 \times 4.226}{100} = -0.104 \text{ сўм}$$

Иккала омил йиғиндиси корхона бўйича асосий фондлардан фойдаланишнинг самарадорлик даражаси фарқини беради:

+ 0,128 − 0,104 = + 0,024 сўм.

Таҳлилнинг кейинги босқичида товар маҳсулоти ҳажми ўзгаришига асосий фондлар қиймати ўзгариши ҳамда асосий фондлардан фойдаланишнинг самарадорлик даражаси ўзгаришининг таъсирини аниқлаш зарур.

Юқорида қайд қилинган омиллар таҳлилнинг асосий усулларидан бири бўлган интеграл усулида қуйидагича аниқланади:

1. Асосий фондлар қийматининг ўзгариши:

Мисолимизда асосий фондлар қиймати ҳисобот йилида ўтган йилдагига нисбатан 360 минг сўмга кўпайиши маҳсулот ҳажми 640,8 минг сўмга кўпайишига олиб келди:

$$+ 360 \text{ x } 1{,}768 + \frac{+0.024 \times 360}{2} = 636{,}5 + 4{,}3 = + 640{,}8 \text{ минг сўм.}$$

2. Асосий фондлардан фойдаланиш бўйича самарадорлик даражасининг ўзгариши:

Таҳлил қилинаётган корхонада асосий фондлардан фойдаланишнинг самарадорлик даражаси 0,024 сўмга ошган. Бу, ўз навбатида, маҳсулот ҳажми 278,4 минг сўмга кўпайишга олиб келди:

$$+ 0.024 \text{ x}11420 \frac{+0.024 \times 360}{2} = 274.1 + 4.3 = + 278.4 \text{ минг сўм.}$$

Иккала омилнинг йиғиндиси товар маҳсулоти бўйича умумий фарқни беради: + 640.8 + 278.4 = 920 минг сўм.

Товар маҳсулоти ҳажми ўзгаришига, юқорида қайд қилинган омиллардан ташқари, асбоб-ускуналар томонидан ишланган станок-соатлар ўзгариши ҳамда бир станок - соатга тўғри келадиган ўртача товар маҳсулоти миқдори ўзгариши ҳам таъсир кўрсатади.

1. Мисолимизда станок - соатлар ўтган йилдагига нисбатан 649 соатга кўпайиши товар маҳсулоти 743,8 минг сўмга кўпайишига олиб келди:

+ 649 x 1146.099 = + 743.8 минг сўм.

2. Ўртача бир станок - соатга тўғри келадиган маҳсулот миқдори ҳисобот йилида ўтган йилдагига нисбатан 9,641 сўмга кўпайиши товар маҳсулоти 176.2 минг сўмга кўпайишга олиб келди:

+ 9.641 x 18274 = 176.2 минг сўм.

Иккала омилнинг йиғиндиси товар маҳсулоти бўйича умумий фарқни беради: +743.8 +176.2 = + 920 минг сўм.

10.4. Маҳсулот таннархининг таҳлили

Маҳсулот ишлаб чиқариш учун маълум миқдорда харажатлар талаб қилинади. Харажатларнинг пулда ифодаланиши маҳсулот таннархини ташкил этади. Маҳсулот таннархи саноат корхоналарида иш самарадорлигини белгиловчи асосий кўрсаткич ҳисобланади. У харажатлардан фойдаланишнинг самарадорлик даражасини, меҳнат унумдорлигини, ишчиларга тўланадиган меҳнат ҳақини, асосий фондлардан, хом ашё материалларидан фойдаланишни кўзда тутади. Саноат корхоналари хўжалик ҳисобида ишлаш жараёнида маҳсулот таннархининг пасайиши муҳим аҳамиятга эга.

Маҳсулот таннархини таҳлил қилишда ҳисобот давридаги маҳсулот таннархи режадаги ҳамда ўтган йилги таннархи билан таққосланади.

Маҳсулот таннархи таҳлилининг вазифалари қуйидагилардан иборат: умумий харажатлар сарфига баҳо бериш, харажатлар элементлари ва моддалари бўйича қандай сарфланганлигини текшириш, бир сўмлик товар маҳсулоти учун қилинган харажатларни таҳлил этиш, унинг ўзгаришига таъсир кўрсатувчи омилларни аниқлаш, харажатларнинг айрим моддаларини алоҳида-алоҳида таҳлил қилиш, таҳлил натижаларига кўра, маҳсулот таннархини пасайтириш имкониятларини белгилаш.

Таҳлилнинг дастлабки босқичида таққосланадиган ва таққосланмайдиган маҳсулот таннархи таҳлил қилиниши зарур. Таққосланадиган маҳсулот таннархи бир неча йил-

лар давомида ишлаб чиқарилган маҳсулот таннархини олдинги йилги маҳсулот таннархи билан солиштириш имкониятини беради. Бундай маҳсулот таннарҳига таққосланадиган маҳсулот таннархи дейилади. Корхонада илк бор ишлаб чиқарилаётган муайян маҳсулот таннархини ҳеч қандай кўрсаткич билан таққослаб бўлмайди. Бундай маҳсулот таннархига таққосланмайдиган маҳсулот таннархи деб аталади.

Таҳлил жараёнида корхона учун энг муҳим кўрсаткичлардан бири бир сўмлик товар маҳсулоти учун қилинган харажатларни аниқлашдан иборат. Чунки бир сўмлик товар маҳсулоти учун харажатларнинг пасайиши корхона молиявий натижаларига тўғридан - тўғри таъсир кўрсатади. Бир сўмлик товар маҳсулоти учун қилинган харажат маҳсулотнинг тўлиқ таннархини товар маҳсулотига бўлиш йўли билан аниқланади. Бу кўрсаткични таҳлил қилишдан мақсад бир сўмлик товар мақсулотига қилинган харажатлар ўзгаришига таъсир этувчи омилларни аниқлашдир.

Бир сўмлик товар маҳсулоти учун кетган харажатлар ўзгаришига: режага нисбатан маҳсулот таннархини пасайтириш, маҳсулотлар таркибий тузилишининг ўзгариши, хом ашё материалларига қўйиладиган баҳонинг ўзгариши, сотиладиган маҳсулот турлари ва ассортиментининг ҳамда баҳонинг ўзгариши каби омиллар таъсир кўрсатиши мумкин.

Таҳлил жараёнида маҳсулот таннархининг харажат элементлари, яъни моддий харажатлар, меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари, ижтимоий суғурта ажратмалари, асосий фондлар, номоддий активлар амортизацияси ва бошқа харажатлар ўтган йилги харажат элементлари билан таққосланиб, уларнинг жами харажатлардаги салмоғи хамда тежалган ва ортиқча сарфланган қисми аниқланиши зарур.

Харажатларнинг элементлари бўйича сарфига баҳо берилгандан сўнг маҳсулот ишлаб чиқариш таннархини калькуляция моддалари бўйича таҳлил қилиш зарур. Уларга хом ашё материаллар, сотиб олинган ярим тайёр маҳсулотлар, энергия, асосий ва қўшимча меҳнат ҳақи, ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, асбоб - ускуналарни сақлаш, цех харажатлари, умумзавод харажатлари, брак харажатлари ва ишлаб чиқаришдаги бошқа харажатлар киради.

Харажатларни моддалари бўйича таҳлил қилиш қайси модда бўйича ортиқча сарфга йўл қўйилган, қайси модда бўйича тежамкорликка эришилганлигини аниқлаш имкониятини беради. Агар таққослаш натижасида ортиқча сарфлар аниқланса, корхона маъмурияти бундай сарфларнинг олдини олиш чораларини кўриши зарур.

Харажатлар орасида материал харажатларининг улуши юқори. Шунинг учун материал харажатлари сарфини таҳлил қилишга алоҳида тўхталиб ўтиш зарур.

Таъкидлаш керакки, материал харажатларининг ўзгариши асосан энг муҳим иккита омилга, боғлиқ. Уларнинг биринчиси, сарфланадиган материал харажатлари меъёрининг ўзгариши; иккинчиси, материал харажатлари баҳосининг ўзгаришидир.

Материал харажатлари ўзгаришига таъсир кўрсатувчи омилларни таҳлил қилиш учун 105-жадвалдаги шаклдан фойдаланилади. Жадвалдан кўриниб турибдики материал харажатлари, атлас бўйича 85 сўмга, крепдишин бўйича 33 сўмга ва помбархат бўйича 150 сўмга кўпайган, фақат шифон бўйича 120 сўмга камайган. Харажатларнинг кўпайишига қуйидагилар сабаб бўлган: атлас бир киши учун меъёрдагидан кўпроқ сарфланган, боз устига ҳисобот йилида баҳо ҳам режадагига нисбатан юқорироқ бўлган. Бошқа маҳсулотлар бўйича харажатларнинг ўзгаришига ҳам меъёр ва баҳонинг ўзгариши таъсир кўрсатган. Меъёр ва баҳо ўзгариши ҳисобига жами ишлаб чиқарилган маҳсулотга сарфланган материал харажатлари суммасини ҳисоблаб чиқиш мумкин.

Мисолимизда атлас бўйича меъёр ва баҳонинг ўзгариши жами ишлаб чиқарилган маҳсулотга нисбатан материал харажатларининг 102850 сўмга, шундан крепдишин бўйича 32010 сўмга ва помбархат бўйича 161250 сўмга ортиқча сарфланишига олиб келди. Фақат шифон бўйича материал харажатлари 160200 сўмга тежалган. Бунга асосан хақиқатдаги меъёр сарфини режадагига нисбатан камайтириш ҳисобига эришилган.

Саноат корхоналарида таннархни таҳлил қилишда умумлаштирувчи кўрсаткичлардан бири бир сўмлик товар маҳсулоти учун сарфланган харажат ҳисобланади. Таҳлил жараёнида бир сўмлик товар маҳсулоти учун сарфланган харажатларнинг ўзгаришига таъсир кўрсатувчи омилларни

аниқлаш муҳим аҳамиятга эга. Бир сўмлик товар маҳсулоти харажатлари ўзгаришига ишлаб чиқарилган маҳсулот таркибининг ўзгариш, материаллар баҳосининг ўзгариши, айрим маҳсулотлар таннархининг ўзгариши ва бошқа омиллар таъсир кўрсатади.

Маҳсулот таннархини пасайтириш имкониятларини аниқроқ билиш учун калькуляция варақларида берилган харажатларни ҳар тарафлама ўрганиш зарур. Биринчи навбатда таҳлилга, кўпроқ сарфларга йўл қўйилган моддалар жалб қилинади, сарфлар юқорилигининг сабаблари ўрганилади ва уларни пасайтириш йўллари белгиланади.

105-жадвал

Материал харажатларининг ўзгаришига таъсир кўрсатувчи омиллар таҳлили

Маҳсулот турлари	Бир метр маҳсулот учун кетган материал харажатлари, сўм			Фарқи			Ҳақиқатда ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдори, метр	Ишлаб чиқарилган маҳсулот бўйича фарқ		
	режадаги меъёр бўйича ва режадаги баҳо	ҳақиқатдаги меъёр бўйича ва режадаги баҳо	ҳақиқатдаги меъёр бўйича ва ҳақиқатдаги баҳо	ҳаммаси бўйича	шу жумладан, ўзгариш			ҳаммаси	шу жумладан,	
					меъёр ҳисобига	баҳо ҳисобига			метр ҳисобига	баҳо ҳисобига
1	2	3	4	5 (4-2)	6 (3-2)	7 (4-3)	8	9 (5x8)	10(6x8)	11 (7x8)
Атлас	1280	1344	1365	+ 85	+ 64	+ 21	3210	+102850	+ 77440	+ 25410
Шифон	1275	1122	1155	- 120	- 153	+ 33	1335	- 160200	-204255	+ 44055
Крепдишин	600	576	633	+ 33	- 24	+ 57	970	+ 32010	- 23280	+ 55290
Помбархат	2010	2144	2160	+ 150	+ 134	+ 16	1975	+161250	+144050	+ 17200

Қисқача хулосалар

Саноат корхоналарининг хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш ўзига хос хусусиятга эга. Саноат корхоналари аҳолининг хилма-хил маҳсулотларга бўлган талабини қондириш учун улгуржи, чакана ва бошқа ташкилотларга узлуксиз равишда тайёр махсулот етказиб беради. Чунки савдо корхоналари товар айланиши режасини бажариш учун саноат корхоналари билан харидорлар эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда шартномалар тузади, саноат корхоналари эса, шартномада кўрсатилган ҳамма товарларни истеъмолчилдарга ўз вақтида етказиб бериши зарур.

Саноат корхоналари хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш жараёнида, товар маҳсулоти режасининг шартнома бўйича режанинг бажарилишига баҳо бериш мақсадга мувофиқ. Бу корхоналар шунингдек, шартномада кўрсатилган маҳсулотларни ўз вақтида харидорларга етказиб бериш вазифасини ўз зиммасига олиши зарур.

Саноат корхоналарида товар маҳсулоти бўйича режанигина эмас, балки, маҳсулот турлари ва ассортименти бўйича режа ҳам бажарилиши керак. Чунки саноат корхоналари иложи борича кам харажат талаб қиладиган, харидорбоп товарларни ишлаб чиқаришга ҳаракат қилади. Бу эса аҳолининг айрим товарларга бўлган талаби қондирилмаслигига олиб келади. Шу боисдан таҳлил жараёнида маҳсулот хажмини ўзгаришига хамда махсулот турлари бўйича режа бажарилишига алоҳида эътибор берилиши мақсадга мувофиқдир.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Ялпи, товар ва сотилган маҳсулот режаси бажарилишини таҳлил қилишдан мақсад нима?

2. Маҳсулотнинг турлари ва ассортименти бўйича режа бажарилиши қай тартибда таҳлил қилинади?

3. Маҳсулотнинг сифатлилик даражасини таҳлил қилишда нималарга эътибор берилади?

4. Маҳсулотни бир меъёрда ишлаб чиқариш таҳлилида-чи?

5. Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми шартнома бўйича бажарилишини таҳлил қилиш нималарни кўзда тутади?

6. Асосий фондлардан фойдаланишнинг самарадорлик даражасини таҳлил қилишда нималарга асосланилади?

7. Материаллардан фойдаланишнинг таҳлилида-чи?

8. Маҳсулот таннархи таҳлилининг аҳамияти нимада?

9. Маҳсулот таннархи таҳлили қандай вазифаларни бажаради?

10. Бир сўмлик товар маҳсулоти ишлаб чиқариш учун қилинган харажатлар таҳлилининг вазифалари нималардан иборат?

11. Харажатларни элементлари ва калькуляция моддалари бўйича таҳлил қилишдан мақсад нима?

Асосий адабиётлар

1. Абрютина М.С., Грачев А.В. «Анализ финансово-экономической деятельности предприятия» –М., «Финансы и статистика» , 2000.

2. Ергешев Е.Е. «Иқтисодий ва молиявий таҳил» Дарслик. –Т., «Молия», 2000.

3. Прынин Б.В. «Экономический анализ предприятий» Учебник. –М., «ЮНИТИ-ДАМА», 2000.

4. Савицкая Г.В. «Анализ хозяйственной деятельности предприятий». Учебник. –М., «ИНФРА-М», 2003.

5. Савицкая Г.В. «Методика комплексного анализа хозяйственной деятельности». Краткий курс для высших учебных заведений. –М., «ИНФРА-М», 2002.

6. Шоалимов А.Х. «Бошқарув таҳили» Ўқув қўлланма. –Т., ТДИУ, 2003.

XI БОБ. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ КОРХОНАЛАРИ ХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИ ТАҲЛИЛИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

11.1. Қишлоқ хўжалиги корхоналарида иқтисодий таҳлилининг ташкил этилиши ва манбалари

Қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолияти таҳлили режалаштириш, ҳисоб ва ҳисоботнинг илмий тизимига асосланади. Чунки режа топшириқлари мукаммаллиги ҳисоб ва ҳисоботнинг тўғрилигига боғлиқ. Режа, ҳисоб ва ҳисобот кўрсаткичларини бузиш давлат олдида жиноятдир.

Қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолити таҳлилининг объекти бундай корхоналар ва уларнинг бўлинмаларида ишлаб чиқаришни ривожлантириш даражаси ва суръати, яъни улардаги ишлаб чиқарувчи кучлар ривожланишининг даражаси (ер, сув, меҳнат, моддий техника ресурслари билан таъминланганлиги), ишлаб чиқариш ресурслари ва иқтисодий қонунлардан фойдаланиш даражасидир (бу, экинлар ҳосилдорлиги, ишлаб чиқариш унумдорлиги, маҳсулот таннархи, рентабеллик ва бошқа кўрсаткичлар билан ўлчанади). Режаларнинг бажарилишини, меҳнат ва истеъмол миқдорини назорат қилиш, мулкнинг бутлигини таъминлаш, иқтисодий тежамкорликка эришиш учун кураш, хўжалик ҳисобини ҳамма ички бўлинмаларда жорий этиш ва мустаҳкамлашга ёрдам бериш иқтисодий таҳлилнинг энг муҳим вазифаларидан ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалиги корхоналарида таҳлил ишига, одатда, давлат ва жамоа хўжалигининг бош иқтисодчиси бошчилик қилади. Лекин, корхонанинг хўжалик фаолиятини режалаштириш, чуқур, кенгроқ ва ҳар тарафлама таҳлил қилишдек мураккаб ишни бош иқтисодчининг якка ўзи уддалай олмайди. Шунинг учун таҳлил ўтказишга, режалаштиришга хўжаликдаги мутахассислар ва бошқа хизматчилар ҳам жалб қилинади.

Деҳқончилик ва ердан фойдаланиш соҳасини агроном, чорвачилик соҳасини зоотехник, техникадан фойдаланишни механик-муҳандис молиявий режанинг бажарилиши ва молиявий натижаларни бош бухгалтер таҳлил қилиши мумкин.

Бригадирлар, ферма мудирлари, ишлаб чиқариш участкалари ва бўлимларнинг бошлиқлари ўзлари раҳбарлик

қилаётган бўлими фаолияти натижаларини мунтазам таҳлил қилиб, режа ва хўжалик ҳисоби топшириқлари бажарилишини текширишлари, фодаланилмаётган имкониятларни излаб топиб, ишга солиш, умумий кўрсаткичларни яхшилаш йўлларини белгилаб беришлари лозим.

Қишлоқ хўжалиги корхоналарида таҳлилни бухгалтерия ҳисобисиз жорий қилиш ва мустаҳкамлаш мумкин эмас. Бухгалтерия ҳисоби режа бажарилишининг бориши хўжалик фаолияти жараёнида қилинган сарфлар ва эришилган натижаларнинг нисбати, харажатлар ва даромадлар миқдори ҳамда молиявий натижалар хақидаги кўрсаткичларни шакллантиради. Шу боисдан ҳам бухгалтерия ҳисоботлари тўғри ва аниқ тузилиши катта аҳамиятга эга.

Қишлоқ хўжалиги корхоналари хўжалик фаолиятининг таҳлили жараёнида қуйидаги манбалардан фойдаланилади: хўжаликнинг тасдиқланган ишлаб чиқариш-молиявий режаси, йиллик ҳисобот, ишлаб чиқариш бўлинмаларига берилган хўжалик ҳисоби топшириқлари, технологик карталар, қўлланилаётган ишлаб чикариш меъёрлари, уруғлик, ем-хашак, ўғит, нефть маҳсулотлари сарфи меъёрлари, таъмирлаш харажатлари лимитлари, молиявий меъёрлар ва бошқа манбалардан иборат.

Қишлоқ хўжалиги корхоналарида иқтисодий таҳлил зиммасидаги муҳим вазифаларни бажариш воситаси сифатидагина эмас, балки хўжаликни бошқариш ва хўжалик фаолиятини назорат қилишда ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Шу орқали у республикамиз халқ хўжалигининг ривожланиши ва мустаҳкамланишига ёрдам беради.

11.2. Ердан фойдаланиш жараёнининг таҳлили

Қишлоқ хўжалиги корхоналарини ихтисослаштириш ва уларнинг хўжалик фаолияти натижалари кўп жиҳатдан бу корхоналар ишлаб чиқариши билан боғлиқ табиий-иқтисодий омилларга боғлиқ. Бундай омиллардан энг асосийси ердир. Шу боисдан ҳам қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолиятининг иқтисодий таҳлили уларда ердан фойдаланиш жараёнини ўрганишдан бошланади.

Инсон ҳаёти ва ишлаб чиқариш фаолиятининг зарур моддий шароитлари орасида ер, ер ости бойликлари, ўрмон сувлари алоҳида ўрин тутади. Ер ҳар қандай ишлаб чиқа-

ришнинг энг биринчи асоси, табиий негизидир, усиз инсоннинг ўзи ҳам ҳаёт кечира олмайди.

Ер қишлоқ хўжалиги соҳасининг меҳнат қуроли ҳамдир. Одам ишлаб чиқариш жараёнида ерга, у орқали ўзи экиб, ўстираётган қишлоқ хўжалиги экинларига таъсир кўрсатади.

Қишлоқ хўжалиги учун ернинг энг муҳим хусусияти, сифат кўрсаткичи доимий унумдорлигидир. Тупроқ унумдорлиги кўп жиҳатдан қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосилдорлик даражасини, деҳқончилик ва чорвачиликнинг ялпи маҳсулоти ҳажмини белгилайди. Ернинг асосий ишлаб чиқариш воситаси сифатидаги бу хусусияти сира пасаймайди, аксинча ундан тўғри ва оқилона фойдаланилса, ошиб боради.

Ерни ҳеч ким барпо қилмайди, у ҳеч нима билан алмаштирилмайди, аммо чекланган. Ер маънавий тўзимайди, тўғри фойдаланилса, унинг ҳосилдорлик имконияти ортаверади.

Иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларини белгилаш ердан фойдаланиш жараёни таҳлилининг муҳим вазифасидир. Бундан асосий мақсад ердан фойдаланиш кўрсаткичларини яхшилаш имкониятларини қидириб топиш, ҳар бир хўжаликдаги экин майдонларининг унумдорлигини сақлаш ва ошириш йўлларини ишлаб чиқишдир.

Ердан фойдаланиш жараёни таҳлилини ҳужжатлар билан танишишдан бошлаш керак. Ҳар бир хўжаликнинг «Ердан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи Давлат далолатномаси» бор. Унда (расмий ҳужжатда) фойдаланиладиган ерларнинг чегаралари кўрсатилган бўлади.

Ерлар турлари ва сифат тузилишига қараб, «Ер дафтари»да ҳисобга олинади. Ҳар бир хўжаликда «Ер дафтари»дан ташқари «Хўжалик ичида ердан фойдаланиш режаси» ҳам бўлади. Бу режага алмашлаб экиладиган барча майдонлар ва бошқа ерлардан фойдаланиш чизмаси ҳам илова қилинади.

Қишлоқ хўжалиги ерлари тузилишини яхшилаш ишлаб чиқаришини кенгайтиришнинг энг муҳим ва асосий имкониятидир. Миллион-миллион гектар бўз ва қўриқ ерларни, кам маҳсул ўтлоқлар ва яйловларни, зах ерлар ва ботқоқликларни, чўл ва ярим чўлларни экинзорларга

айлантириш орқали озиқ-овқат, техника экинлари ва емхашак майдонларини кенгайтириш мумкин.

Ердан фойдаланиш ҳолати тузилиши хўжаликнинг умумий экин майдонига нисбатан фоиз ҳисобида белгиланади, ердан фойдаланиш режасида кўзда тутилган кўрсаткичлар эса ҳақиқий маълумотлар билан таққослаб аниқланади.

106-жадвал

Ер фонди таркиби ва тузилиши таҳлили

Ер фондининг таркиби	Ўтган йил	Ҳисобот йили		Кўпайиши (+), камайиши (-)		Ер фондининг тузилиши умумий майдонга нисбатан		
		режа бўйича	ҳақиқатда	ўтган йилга нисбатан	режадагига нисбатан	ўтган йилда	ҳисобот йили	
							режа бўйича	ҳақиқатда
Жами ер майдони, га	3964	3964	3964	-	-	100	100	100
Шундан ҳайдаладиган ерлар	2010	2040	2045	+25	- 5	50.7	51.4	51.3
Шу жумладан, экин экилган ер	1323	1525	1510	+187	- 15	33.4	38.4	38.1
Суғорилади-ган ерлар	1300	1340	1330	+ 20	- 10	32.7	33.8	33.5
Яйлов	710	680	785	- 20	+105	17.9	17.1	19.8
Боғлар, токзорлар, кўчатзорлар ва кўп йиллик дарахтзорлар	220	220	220	-	-	5.5	5.5	5.5
Умумқишлоқ хўжалиги ер майдони, шахсий фойдаланиладиган ерлар	-	-	-	-	-	-	-	-
Бошқа ерлар	820	820	720	- 100	-100	20.6	20.6	18.2

Таҳлил қилинаётган хўжаликда қишлоқ хўжалиги ерлари ҳисобот йилида режадагига нисбатан 15 гектарга камайди. Ҳисобот йилида режа бўйича хайдаб экиладиган ер майдонини яйлов ҳисобидан 30 гектарга, суғориладиган экин майдонини эса янги ерларга сув чиқариш ҳисобидан 10 гектар кўпайтириш мўлжалланган.

Хўжалик ҳайдаладиган ерларнинг деярли 74,2%идан фойдаланган: бундай ерларнинг 2035 гектари ўрнига 1510 гектарига қишлоқ хўжалиги экинлари экилган.

Ерларнинг сифат таркибидаги ўзгаришларни таҳлил қилиш ва улардан фойдаланиш даражасини ўрганиш жараёнида қуйидаги қўшимча кўрсаткичлар аниқланиши зарур:

· бутун ер майдонида қишлоқ хўжалиги ерларининг салмоғи;

· умумий ҳайдаладиган ер майдонида суғориладиган ерлар салмоғи;

· ҳайдаладиган ерлардан фойдаланиш даражаси.

Маълумки, унумли алмашлаб экишни жорий қилиш экин майдонлари таркиби ва тузилишини такомиллаштиришда, ердан фойдаланишни яхшилаш, унинг маҳсулдорлигини оширишда муҳим омил ҳисобланади. Суғориладиган ерларда деҳқончилик қилинадиган хўжаликларда суғориб экиладиган қишлоқ хўжалиги экинлари майдонининг тузилишини белгилаган маъқул.

107-жадвал

Қишлоқ хўжалиги экинлари майдонларининг кенгайиши ва тузилиши

Экин турлари	Экин майдони, га			Фарқи, +,-		Экин майдонларининг тузилиши		
	ўтган йил	ҳисобот йилида		ўтган йилдагига нисбатан	режага нисбатан	ўтган йил	ҳисобот йилида	
		режа бўйича	ҳақиқатда				режа бўйича	ҳақиқатда
Донли экинлар	55	245	133	+190	- 114	4.2	16,0	8,6
Пахта	1235	1234	1327	+ 92	+ 93	93.3	80,9	87,8
Картошка, сабзавот ва полиз экин	24	26	32	+ 8	+ 6	1,8	1,7	2,1
Ем-хашак экинлари	9	20	20	+ 11	-	0.7	1.4	1.5
Жами экин майдони	1325	1525	1510	+ 187	- 15	100.0	100	100

Жадвалдаги маълумотлардан кўриниб турибдики, таҳлил қилинаётган хўжаликнинг экин майдони ҳисобот йилида ўтган йилдагига қараганда 187 гектарга, режадагига нисбатан эса 15 гектарга камайган.

Экин майдони ҳажмидаги ўзгаришлар нитижасида унинг тузилиши ҳам ўзгарган. Ҳисобот йилида барча қишлоқ хўжалиги экинлари майдонида техника экинлари майдони салмоғи кўп – 87,8% дан 93,3% гача, донли экинлар майдонлари салмоғи 4,2% дан 8,6% гача, қолган экин майдонлари салмоғи эса 2,5% дан 3,6% гача. Бу кўрсаткичлар шундан далолат берадики, хўжаликда алмашлаб экиш тизими жорий этилмаган. Пахтакор хўжаликларда алмашлаб экиш тўғри йўлга қўйилганда эди, пахта мажмуида пахтазорлар салмоғи 65–70%, ем-хашак экинлари майдони салмоғи 15–20% бўларди.

Қишлоқ хўжалигини юксалтириш ва бу соҳа маҳсулотларига нисбатан ўсиб бораётган эҳтиёжларни қондиришнинг асосий йўли техника билан таъминлаш жараёнини жадаллаштириш, фан ютуқлари ва илғор тажрибалардан кенг фойдаланиш, деҳқончилик ва чорвачилик маданиятини юксалтириш, барча экинлар ҳосилдорлигини кескин суръатда ошириш, энг кам меҳнат ва маблағ сарфланган ҳолда ҳар бир гектар ердан олинадиган маҳсулотни кўпайтиришдир. Бинобарин, ердан фойдаланиш жараёни таҳлили ишлаб чиқаришни жадаллаштириш ва унинг самарадорлигини ўрганиш билан чамбарчас боғлиқ.

Қишлоқ хўжалигини жадаллаштириш мураккаб иқтисодий жараён бўлиб, у қишлоқ хўжалиги корхонаси иқтисодиётининг энг муҳим томонларини қамраб олади. Бу йўналиш таҳлили давомида жадаллаштириш даражаси ва унинг самарадорлигини белгилаш учун қуйидаги кўрсаткичлар тизими ҳар тарафлама ўрганилади:

· меҳнат ресурслари билан таъминланганлиги (ер майдони бирлигига тўғри келадиган ходимлар сони);

· ер майдони бирлигига тўғри келадиган асосий ишлаб чиқариш фондлари, айланма маблағлар қиймати (фондлар билан таъминланиш даражаси);

· экин майдони ёки ҳайдаладиган ер бирлигига тўғри келадиган меҳнат ва маблағлар;

· экин майдони ёки ҳайдаладиган ер бирлигига сарфланган ўғит миқдори;

· маҳсулдор чорва зичлиги (бош ҳисобида).

Жадаллаштиришнинг иқтисодий самарадорлигини белгиловчи асосий кўрсаткичлар қуйидагилардан иборат:

· экинлар ҳосилдорлиги, чорва моллари ва парранда-лар маҳсулдорлиги;

· ҳайдаладиган ер бирлигига тўғри келадиган ялпи маҳсулот, ялпи даромад ва соф даромад;

· меҳнат унумдорлиги ва меҳнат ҳақи;

· фонд самараси;

· рентабеллик даражаси.

Ҳар 100 гектар қишлоқ хўжалиги еридан олинадиган ялпи маҳсулот, ялпи ва соф даромад кўрсаткичларидан таҳлил қилинаётган хўжаликнинг бир неча йил мобайнида ердан фойдаланиш даражасини белгилаш учун фойдаланиш мумкин. Аммо улардан қишлоқ хўжалиги ерлари тузилиши ҳар хил бўлган турли субъектларнинг хўжалик фаолиятига баҳо беришда фойдаланиб бўлмайди. Таққослаш ҳолатига келтириш учун қишлоқ хўжалиги ерларининг ҳар хил турларини коэфициентлар бўйича суғориб экиладиган шартли ерларга айлантириш керак.

11.3. Деҳқончилик маҳсулотлари етиштириш режаси бажарилишининг таҳлили

Деҳқончилик қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг асосий тармоғидир. Чорвачилик тараққиёти ҳам айнан шу тармоқнинг ривожланишига боғлиқ. Деҳқончиликда ялпи маҳсулот етиштириш ва бу маҳсулотлар етиштириладиган экинларнинг ҳосилдорлиги, режанинг бажарилиш кўрсаткичларини ўрганиш ялпи маҳсулот ҳажмини кўпайтириш имкониятларини аниқлаш ва улардан фойдаланишгагина эмас, балки хўжаликдаги деҳқончилик тармоқларини янада ривожлантириш юзасидан аниқ чора - тадбирлар белгилашга ҳам имкон яратади.

Деҳқончиликда ялпи маҳсулот етиштириш режаси кўрсаткичлари ўрганилгач, бу режанинг бажарилишини таҳлил қилишга ўтилади.

Режанинг бажарилишига тўғри ва аниқ баҳо бермоқ учун ҳар бир экин турини кўриб чиқиш, ҳақиқий ҳосилдорлик-

ни режалаштирилган кўрсаткич билангина эмас, балки олдинги 2—3 йил давомида эришилган даража билан ҳам солиштириш керак. Чунки ялпи маҳсулот ҳажмига об-ҳаво шароитларининг йил давомидаги ўзгариши ҳам жиддий таъсир кўрсатиши мумкин.

Таҳлил жараёнида деҳқончилик маҳсулотлари ҳажмининг ўзгаришига таъсир кўрсатувчи омиллар аниқланади. Маҳсулот ҳажмининг ўзгаришига икки омил—экин майдони ва ҳосилдорлик бевосита таъсир кўрсатади. Режанинг бажарилиши ва деҳқончилик маҳсулотлари ялпи ҳажми ўзгаришига айрим омиллар таъсирини таҳлил қилишда 108-жадвалдаги шаклдан фойдаланиш мумкин.

Жадвалдаги маълумотлар шуни кўрсатадики, пахтачилик хўжалигида асосий қишлоқ хўжалиги экинларидан пахта, кузги буғдой, жўхори ва полиз маҳсулотлари етиштириш режалари ошириб бажарилган. Аммо, баҳорги буғдой, картошка етиштириш режалари бажарилмаган. Бу, экин майдони ва ҳосилдорлик ўзгариши ҳисобига содир бўлган. Масалан, ялпи пахта ҳосили режадагига нисбатан 3883,8 ц. ошган. Экин майдони 93 гектарга ошганлиги ҳисобига ялпи ҳосил 3087,6 ц. (93х33,2)кўпайган.

Ҳосилдорликнинг режадагига нисбатан 0,6 ц. кўпайиши ҳисобига ялпи ҳосил 796,2 ц. (0,6 х 1327) ошган.

Ҳисобнинг тўғрилигини текшириш учун ҳақиқатда йиғиб олинган ва режада мўлжалланган ялпи ҳосил миқдори ўртасидаги фарқ сифатидаги умумий ўзгаришни экин майдони ва ҳосилдорликдаги ўзгаришлар ҳисобига бўлган фарқ суммасига солиштириш керак. Пахта ялпи ҳосилининг экин майдони ва ҳосилдорлик ҳисобидаги фарқи 3883.8 ц.ни (3087,6+796,2) ташкил этади.

Деҳқончилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришда ҳосилдорликнинг ўсиши ҳал қилувчи вазифани бажаради. Деҳқончилик экинлари ҳосилдорлигини таҳлил қилишда ҳосилдорлик режасининг бажарилиши, унинг даражасини белгилаш; режа кўрсаткичлари бажарилмаслиги ва ҳосилдорликни муттасил ошириб бориш имкониятларидан фойдаланилмаганлиги сабабларини аниқлаш керак.

108-жадвал

Деҳқончилик маҳсулотлари ялпи ҳосили режасининг бажарилишига таъсир кўрсатувчи омилларни аниқлаш

Маҳсулот турлари	Экин майдони, га			Ҳосилдорлик, центг/га			Ялпи ҳосил,		Режага нисбатан фарқ (+, -)			
	режа бўйича	ҳақиқатда	фарқи (+, -)	режа бўйича	ҳақиқатда	фарқи	режа бўйича	ҳақиқий экин майдони ва режадаги ҳосилдорлик (шартли маҳсулот)	ҳақиқатда	ҳаммаси	шу жумладан экин майдони ўзгаришия ҳисобига	шу жумладан ҳосилдорлик ўзгаришпи ҳисобига
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13
Пахта	1234	1327	+ 93	33.2	33.8	+ 0.6	40968,8	44056,4	44852,6	+3883.8	+3087.6	+ 796.2
Кузги бўғдой	130	135	+ 5	10	11.8	+ 1.8	1300	1350	1593	+ 293	+ 50	+ 243
Баҳорги буғдой	80	72	- 8	14	12.5	- 1.5	1120	1008	900	- 220	- 112	- 108
Жўхори(доп учун)	35	40	+ 5	47	45	- 2	1645	1880	1800	+155	+ 235	- 80
Картошка	5	4	- 1	90	91	+ 1	450	360	364	- 86	- 90	+ 4
Полиз экинлари	21	20	+ 5	192	141	- 51	4032	4992	3666	- 366	+ 960	- 1326

Маҳсулот ҳажми ўзгаришига таъсир кўрсатувчи омиллар таҳлилидан сўнг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини кўпайтиришда ҳал қилувчи роль ўйнайдиган ҳосилдорлик режасининг бажарилиши таҳлил қилиниши лозим. Қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини таҳлил қилишда ҳосилдорлик режасини бажариш ва унинг даражасини белгилаш, режа кўрсаткичларини бажармаслик ва ҳосилдорликни мунтазам ошириб бориш имкониятларидан фойдаланмаслик сабабларини аниқлаш керак.

Қишлоқ хўжалиги корхоналари хўжалик фаолиятига тўғри баҳо бериш учун ҳосилдорлик режасини бажариш даражасинигина эмас, балки бу режанинг йўналишини ҳам билиб олиш керак. Гап шундаки, баъзи хўжаликлар ҳосилдорликни режалаштириш ишига юзаки муносабатда бўладилар. Натижада шундай режаларга дуч келинадики, улар хўжаликдаги мавжуд реал имкониятларни жуда ҳам ошириб, ҳосилдорликда эришилган даражани ва бундан кейин уни янада ошириш имкониятларини эътиборга олмасдан пасайтириб тузадилар.

Маълумки, об-ҳавонинг қулай ёки ноқулай келиши ҳосилдорлик ўзгаришига таъсир кўрсатади. Шунинг учун ҳосилдорликни таҳлил қилиш жараёнида фақат бир йиллик маълумотлар билан чекланмаслик, бу борадаги режа бажарилишини ўрганиш жараёнида кўп йиллик маълумотларга таяниш лозим.

Таҳлил қилинаётган хўжаликда ҳосилдорлик режасининг бажарилиши 109-жадвалда акс эттирилган.

109-жадвал

Қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигининг ўсиш суръатлари (ц/га)

Экин турлари	Таҳлил қилинаётган хўжалик			Бажарилиши, %		Туман бўйича ўртача ҳосилдорлик
	2000 йил	2001 йил	2002 йил	2002 йил 2000 йилдагига нисбатан	2002 йил 2001 йилдагига нисбатан	
1. Галла ва дуккакли экинлар	10	12.4	15	150.0	120.9	12
Шу жумладан:						
Шоли	35	36	37	105.7	121.0	34
Дон учун экилган маккажўхори	27	30	60	222.2	200.0	58
2.Пахта	31	33	36	111.0	109.0	34
3.Капоп (поя)	150	160	140	93.3	87.5	152
4.Сабзавот	200	190	215	105.0	813.1	170
Шу жумладан:						
карам	100	105	110	110.0	104.7	90
бодринг	143	120	210	146.8	175	200
помидор	145	160	170	117.2	106.2	152
5.Картошка	80	110	120	150	109.0	90
6.Беда	110	120	150	136.3	125.0	130
7.Силос бостириш учун маккажўхори	320	400	340	106.0	85	270

Жадвалдаги маълумотлардан кўриниб турибдики, таҳлил қилинаётган пахтачилик хўжалигида кўпчилик экинларнинг ҳосилдорлиги ўтган йиллардагига нисбатан юқори бўлган. Хўжаликнинг ҳосилдорлик кўрсаткичлари туманнинг ўртача кўрсаткичларидан ҳам ошган.

Қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини ошириш ва уларнинг етиштириш таннархини арзонлаштириш кўп жиҳатдан ширкат хўжалиги бўлинмаларининг бригада хўжалик ҳисоби топшириқларини бажаришига боғлиқ.

Деҳқончиликда ялпи маҳсулот ҳажмини кўпайтириш имкониятларини аниқлаш учун ялпи ҳосил режасининг ба-

жарилиши, хўжаликнинг ишлаб чиқариш бўлинмалари (бригада ва звенолар) бўйича таҳлил қилиниши зарур.

Бундай таҳлилда бир хил шароитда жойлашган бригадаларнинг ҳосилдорлик даражаси ва ҳосилдорликни ошириш имкониятларини аниқлаш зарурияти туғилади. Бригадалар бўйича ҳосилдорлик ва ялпи ҳосил ҳажми бажарилишига баҳо бериш учун 110-жадвалдаги шаклдан фойдаланилади.

Жадвалдаги кўрсаткичлардан маълум бўляптики, бригадалар ҳосилдорликни ошириш ҳисобига ялпи ҳосилни оширганлар, шу билан бирга экин майдонини кенгайтириш ҳисобига ҳам ялпи ҳосил кўпайган. Лекин 3,4 - бригадаларда ҳосилдорлик режага нисбатан паст бўлган, 2,4 - бригадалар ялпи ҳосилни экин майдони ҳисобига кўпайтирган. Таҳлил қилинаётган пахтачилик бригадаларида ҳар гектар пахта майдонидан олинган ҳосилда жуда катта фарқ борлигини кўрамиз: 6- бригадада ҳосилдорлик 40 ц/га бўлса, 4-бригадада 26 ц/га ни ташкил этган. Агар пахта ҳосилдорлиги хамма бригадаларда 6-бригададаги даражага етказилганда, хўжалик бўйича қўшимча 8227,4 ц. (40—33,8) х 1327 қ 8227,4 ц. пахта олинган бўлар ёки ялпи ҳосил 18,3% ошириларди.

110-жадвал

Хўжаликдаги пахтачилик бригадаларида ялпи пахта ҳосили режаси бажарилишининг таҳлили

Бригадалар	Экин майдони, га.		Ҳосилдорлик, ц/га		Ялпи ҳосил, ц.			Фарқи, +, - (ц)		
	режа бўйича	ҳақиқатда	режа бўйича	ҳақиқатда	режа бўйича	ҳақиқатда	режадаги ҳосилдорлик ва ҳақиқий экин майдони	ҳаммаси	шу жумладан	
									экин майдонининг ўзгаришни ҳисобига	ҳосилдорлик ўзгаришни ҳисобига
1	2	3	4	5	6(2x4)	7 (3x5)	8(2x5)	9 (7-6)	10 (8-6)	11(7-8)
1-бригада	70	72	28	30	1960	2160	2100	+200	+40	+160
2-бригада	60	64	32	30	1920	1920	1800	-	-120	+120
3-бригада	75	70	29	27	2175	1890	2025	-285	-150	-135
4-бригада	80	82	30	26	2400	2132	2080	-268	+320	-52
5-бригада	65	70	31	37	2015	2590	2405	+575	+390	+185
6-бригада ва ҳ.к.	72	68	32	40	2304	2720	2176	+416	-128	+544
Хўжалик бўйича	1234	1327	33.2	33.8	40968.8	448526	44056.7	+3883.8	+3087.6	+796.2

Таҳлил жараёнида қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигига таъсир этувчи омиллар—алмашлаб экишга мўлжалланган ерларнинг ўзлаштирилиши, юқори сифатли уруғликлар билан таъминланиш, ўғит ва заҳарли химикатларнинг қўлланилиши, мелиорация ишларининг бажарилиши, ҳамма ишларнинг режага мувофиқ амалга оширилиши, ҳосилнинг маълум миқдорда нобуд бўлиши, асосий ишларни механизациялаштириш, меҳнатнинг тўғри ташкил этилишига алоҳида эътибор берилиши керак.

Юқорида қайд этилган ишларнинг асосий қисми агротехника қоидаларига амал қилинсагина кутилган самарани беради. Агротехника қоидаларининг иқтисодий самарадорлиги эса ҳосилдорлик, 1 гектар экин майдонидан олинадиган ялпи ва соф ҳосил, меҳнат унумдорлиги, таннарх ва бошқалар билан аниқланади.

11.4. Чорвачилик маҳсулотлари етиштириш режаси бажарилишининг таҳлили

Қишлоқ хўжалигининг асосий икки тармоғи-деҳқончилик ва чорвачилик бир-бири билан чамбарчас боғланган.

Чорвачиликни ривожлантириш жараёни таҳлилининг асосий вазифалари чорва моллари ва паррандалар сонини кўпайтириш ва уларнинг маҳсулдорлигини ошириш режалари бажарилишини текширишдан, ҳақиқий кўрсаткичлар режада кўзда тутилган кўрсаткичлардан фарқ қилишига ижобий ва салбий таъсир кўрсатувчи омилларни аниқлашдан иборат.

Чорвачиликда ишлаб чиқариш жараёни деҳқончиликдагидан фарқли ўлароқ, узлуксиз давом этади. Чорвачилик маҳсулотлари етиштириш об-ҳаво шароитига эмас, кўпроқ меҳнат, ем-хашак ва маблағ сарфига боғлиқ. Бу борадаги асосий кўрсаткичларнинг жорий таҳлили айниқса муҳим аҳамият касб этади.

Чорвачилик маҳсулотлари етиштириш режасининг бажарилиши одатда, натурал ўлчовлар асосида таҳлил қилинади. Бу жараёнда аввало, чорва молларининг айрим турлари, пода ҳаракати бўйича тузилиши, таркиби (сигирлар, ғунажинлар, ўтган йили ва шу йили туғилган бузоқлар, боқувга қўйилган моллар, қўй, эчки, икки ойликкача

бўлган ва икки ойликдан ошган чўчқа болалари, боқувдаги чўчқалар ва бошқалар) аниқланади. Чорва моллари ва паррандаларни кўпайтириш режасининг бажарилиши таҳлил қилинаётганда мол ва паррандаларнинг ҳар бир тури ва гуруҳлари бўйича урчиш режаси қандай бажарилгани кўриб чиқилади. Фарқлар чорва моллари ва паррандалар сонини кўпайтириш имкониятларини ёки мавжуд подани нобудгарчиликсиз сақлаб қолиш билан боғлиқ чора - тадбирларни ёхуд режалаштиришдаги хатоларни аниқлашга ёрдам беради.

Чорвачилик маҳсулотлари ҳажмининг ўзгариши икки омилга: маҳсулдор моллар сонининг ўзгаришига ва уларнинг маҳсулдорлигига боғлиқ. Бу омилларнинг маҳсулот ҳажми ўзгаришига таъсирини аниқлаш учун занжирли боғланиш ёки фарқни топиш усулларидан фойдаланиш мумкин. Занжирли боғланиш усулида ҳайвонларнинг ҳисобот давридаги ўртача сонини режадаги моллар маҳсулдорлигига кўпайтириш натижасида шартли маҳсулот аниқланади. Ялпи чорвачилик маҳсулотининг ҳайвонлар сонидаги ўзгаришлар ҳисобига юз берган фарқ шартли ялпи маҳсулот билан режадаги ялпи маҳсулот ўртасидаги айирмага, ҳайвонлар маҳсулдорлигидаги ўзгаришлар ҳисобига бўладиган фарқ эса, ҳисобот йилидаги мавжуд ялпи маҳсулот билан шартли ялпи маҳсулот ўртасидаги айирмага тенг.

Чорвачилик ялпи маҳсулоти бўйича фарқни бошқа йўл билан ҳам ҳисоблаб чиқариш мумкин. Бунинг учун 111-жадвалда кўрсатилгандек, ҳайвонлар бош сони билан маҳсулдорлиги бўйича фарқи алоҳида-алоҳида аниқланади. Таҳлил қилинаётган хўжаликда ҳайвонлар сони ҳисобот даврида режадагига нисбатан 74 бошга камайган, шунинг учун сут етиштириш 1391 ц. га озайган (-74х1880). Ҳақиқатда эса, ҳисобот йилида бир бош сигирдан ўрта ҳисобда режадагига нисбатан 215 литр сут кўп соғиб олинган. Шу ҳисобга сут етиштириш ҳажми 469 центнер кўпайган (215х218). Ҳақиқатда етиштириш ҳажми бўйича режага нисбатан фарқ 922 ц. ни ташкил этади (- 1391+469).

Маълумки, моллар маҳсулдорлигининг оширилиши чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ҳажмини кўпайтиришга имкон берувчи асосий омиллардан биридир. Шундай экан, самарадорликка эришишда маҳсулдорлик таҳлили алоҳида аҳамият касб этади.

Маҳсулдорлик чорвачиликнинг асосиий маҳсулотлари бўйича олиб борилади. Қорамолларнинг асосий маҳсулоти, юқорида қайд этилгандек, бир бош сигирдан ўрта ҳисобда соғиб олинадиган сут, бундан ташқари 100 бош сигир ҳисобига олинадиган бузоқ, ёш моллар ва боқувга қўйиладиган молларнинг асосий маҳсулоти эса боқувда орттирадиган вазн, тухум йўналишдаги паррандаларнинг асосий маҳсулоти тухум, гўштга етиштирилаётганлари учун гўшт ҳисобланади. Чорвачилик моҳсулоти ҳажмининг ўзгаришига таъсир кўрсатувчи омилларни занжирли боғланиш усулида аниқлаш учун қуйидаги жадвал тузилади.

111-жадвал

Чорвачилик ялпи маҳсулоти режаси бажарилишига таъсир кўрсатувчи омиллар таҳлили

Маҳсулот	Молларнинг йиллик ўртача сони, бош			1 бош молнинг маҳсулдорлиги			Ялпи маҳсулот, т			Режадагига нисбатан фарқ, +, -		
	режа бўйича	ҳақиқатда	фарқи, +, -	режа бўйича	ҳақиқатда	фарқи, +, -	режа бўйича	ҳақиқатдаги мол бош сони ва режадаги маҳсулот	фарқи, +, -	ҳам-маси	шу жумладан	
											моллар сони ўзгариши ҳисобига	маҳсулдорлик ўзгариши ҳажми-га
1	2	3	4	5	6	7	8 (5x2)	9 (5x3)	10 (6x3)	11 (10-8)	12 (4x5) (9-8)	13 (7x3) (10-5)
Сут	292	218	- 74	1880	2095	+ 215	5489	4098	4567	- 922	- 1391	+ 469
Тухум	1978	1200	- 778	85	83	- 2	168130	102000	99600	- 68530	- 66130	- 2400

Чорвачилик маҳсулоти ҳажмининг бажарилишига баҳо бериш ва унинг ўзгаришига таъсир кўрсатувчи омилларни занжирли боғланиш усулида аниқлаш учун 112-жадвалдаги шаклдан фойдаланилади.

112-жадвал

Чорвачиликда маҳсулотлари етиштириш режаси бажарилишининг таҳлили

№	Кўрсаткичлар	Режа бўйича	Ҳақиқатда	Фарқи, +, -
1.	Боқувдаги моллар сони, бош	145	209	+ 64
2.	Боқувдаги кунлар сони, бош	224	234	+ 10
3.	Боқувдаги моллар бир суткада ортган вазни, грамм	340	325	- 15
4.	Боқувдан сўнг умумий ортган вазн, центнер	110.4	158.9	+ 485

Жадвал маълумотлардан кўриниб турибдики, боқувдаги моллар вазни 48,5 центнер ошган. Бунга қуйидаги омиллар таъсир кўрсатган: моллар сонининг ўзгариши, боқувдаги кунларнинг ўзгариши, бир суткадаги вазн ўзгариши. Бу омилларнинг ортган вазн ўзгаришига таъсирини занжирли боглаиш усулида аниқлаш учун 113-жадвалдаги шакл тузилади.

113-жадвал

Моллар сони, боқувдаги кунлар ва бир суткадаги вазн ўзгаришининг ортган вазн ўзгаришига таъсирини занжирли боғланиш усулида аниқлаш

Кўрсаткичлар / Боғланишлар	Боқувдаги моллар сони, бош	Боқувдаги кунлар сони	Моллар бир суткада ортган вазни, г.	Боқувдан сўнг умумий ортган вазн, ц.
I	Режа 145	Режа 224	Режа 340	Режа 110,4
II	Ҳақиқатда	Режа 224	Режа 340	Ҳисобланган
	209			159,2
III	Ҳақиқатда	Ҳақиқатда	Режа 340	Ҳисобланган
	209	234		166,3
IV	Ҳақиқатда	Ҳақиқатда	Ҳақиқатда	Ҳақиқатда
	209	234	325	158,9

Боқувда ортган вазннинг ўзгаришига қуйидаги омиллар таъсир кўрсатди:

боқувдан олинган моллар
сонининг ўзгариши 159,2-110.4 = + 48,8 цент;
молларнинг боқувдаги
кунлари ўзгариши 166,3-159.2 = + 7,1 цент;
молларнинг бир суткада
ортган вазни ўзгариши 158,9-166,3 = - 7.4. цент;
жами омиллар фарқи 158,9-110,4 = + 48.5 цент.

Таҳлил жараёнида чорвачилик маҳсулотларини кўпайтириш учун моллар маҳсулдорлигини ошириш муҳим ўрин тутишига, бу эса, чорвачилик билан шуғулланадиган хўжаликнинг биринчи навбатда ем-хашак ва зотли моллар билан таъминланиш даражасига боғлиқлигига кўпроқ аҳамият бериш лозим.

Чорвачилик маҳсулотлари ҳажмини оширишда аввало, чорва моллари ва паррандалар сонини кўпайтириш муҳим аҳамиятга эга. Шу боис, бу борадаги таҳлил ҳам мақсадга эришишнинг муҳим шарти ҳисобланади.

Чорва моллари сонини кўпайтириш режаси бажарилишини таҳлил қилиш жараёнида мол ва паррандаларнинг ҳар бир тури ва гуруҳлари бўйича урчиш режаси қандай бажарилгани кўриб чиқилади, сўнгра мол ва парандалар сони ҳаракати (ойда айланиши) режасининг қандай уддаланганлиги ўрганилади.

Таҳлил қилинаётган хўжаликда чорва моллар ва паррандалар сони режасининг бажарилиш 114-жадвалда акс эттирилган.

114-жадвал

Чорва моллари ва паррандалар сони бўйича режа бажарилишининг таҳлили

Ҳайвонларнинг турлари ва гуруҳлари	Ҳайвонларнинг йил охиридаги сони, бош			Фарқи, +,-	
	Ўтган йили	ҳисобот йили		Ўтган йилга нисбатан	режага нисбатан
		режа бўйича	ҳақиқатда		
1.Қорамоллар, жами...	1128	1193	1188	+ 60	- 5
Шу жумладан:					
Буқалар	4	4	3	- 1	- 1
Сигирлар	500	495	520	+ 20	+ 25
2 ёшдан катта ғунажинлар	211	229	200	- 11	- 29
туғилган бузоқлар ва боқувдаги моллар	413	465	465	+ 52	-

2.Чўчқалар, жами:	1100	1140	1250	+150	+ 110
шу жумладан:					
эркак чўчқалар	14	14	14	-	-
урғочи чўчқалар	40	40	40	-	-
2 ойликкача бўлган чўчқа болалари	300	310	314	+14	+ 4
нодани тўлдирадиган 2-4 ойлик чўчқа болалари	330	400	450	+ 120	+50
боқувдаги чўчқалар, ҳаммаси	416	375	432	+ 16	+56
3.Ишга яроқли отлар	40	38	36	- 4	- 2
Тойлар ва тойчалар	20	25	31	+ 11	- 6
4.Паррандалар (жўжалардан ташқари)	3000	3200	4000	+1000	+800
жўжалар	1000	1200	1200	+ 200	-
5.Асалари (уя)	100	102	104	+ 2	+ 2
6.Шартли қорамолга айлантирилганда барча чорва, от, чўчқа ва паррандалар	800	850	900	+ 100	+50

Жадвалдаги маълумотлардан кўриниб турибдики, пахтачилик хўжалигида сигирлар сони ўтган йилдагига нисбатан 20 бошга, режадагига нисбатан 25 бошга, чўчкалар режадагидан 110 бошга, паррандалар ўтган йилдагига нисбатан 1000 бошга, режадагига нисбатан 800 бошга кўпайган. Ҳайвонларнинг бошқа турлари бўйича режа бажарилмаган. Чорвачилик соҳасидаги яна бир камчилик шундан иборатки, хужаликда режага нисбатан қорамол 5 бош, буқалар 1 бош, 2 ёшдан катта ғунажинлар 29 бош, ишга яроқли отлар 2 бош ва тойлар 6 бош кам. Бундан ташқари қорамоллар таркибида сигирлар салмоғи камайиб хисобот йилида атиги 44%ни ташкил этган, бу кўрсаткич камида 55—60% га етказилиши керак.

Қишлоқ хўжалигида подалар мунтазам равишда кўпайтириб борилмоқда. Уларнинг таркибида ва тузилишида миқдорий ўзгаришлар юз беради: сигирлар урчитилади, улардан бола олинади, ёш моллар катта моллар гуруҳига, яроқсиз моллар сифатсиз моллар гуруҳига ўтказилади, қари моллардан бир қисми давлатга сотилади. Селекция режаларига мувофиқ ҳайвонлар зотини яхшилаш ишлари олиб борилади, пода ичидаги энг яхши моллар танлаб кўпайтирилади, зотли моллар сотиб олинади, молларнинг сифати, таркиби ва маҳсулдорлиги яхшиланади.

Таҳлил қилинаётган хўжаликда қорамоллар бўйича пода айланиши (оборотни) 115-жадвалда акс эттирилган.

115-жадвал

Қорамоллар бўйича пода айланишини таҳлили (бош ҳисобида)

Кўрсаткичлар	Буқалар	Сигирлар	2 ёшдан катта сигирлар	Ўтган йили туғилган бузоқлар	Ҳисобот йилида туғилган бузоқлар	Боқувга қўйилган катта моллар	Жами
Йил бошида мавжуд	4	500	211	413	-	-	1128
Кирим:							
Режа бўйича	-	-	-	-	300	-	300
Ҳақиқатда	-	-	-	-	350	-	350
Бошқа гуруҳлардан ўтказилган							
Режа бўйича	-	80	80	-	-	80	240
Ҳақиқатда	-	90	13	80	-	82	265
Чиқим							
Бошқа гуруҳларга ўтказилган							
Режа бўйича	-	70	80	95	-	-	245
Ҳақиқатда	-	75	92	105	-	-	272
Давлатга сотилган							
Режа бўйича	-	-	20	170	15	80	295
Ҳақиқатда	-	-	27	130	40	82	279
Тирик вазнда, центн.							
Режа бўйича	-	-	60	500	7	200	767
Ҳақиқатда	-	-	90	700	10	300	1100
Нобуд бўлган							
Ҳақиқатда	-	-	-	-	-	4	4
Йил охирига қолдиқ	4	510	191	148	285	4	1134
Режа бўйича	-	515	105	258	310	-	1128
Ҳақиқатда							
Режага нисбатан, %	-	100.9	54.9	174.3	108.7	-	104.7
Йил бошига нисбатан, %	-	103	49.7	62.4	-	-	105.3

Мисолимизда моллар сони бир йил мобайнида режага нисбатан 5,3% га 4,7% га ошган. Аммо хўжаликда боқувдаги молларнинг улишига йўл қўйилган.

Моллар сонини ошириш ва таркибини яхшилаш режаси бажарилиши таҳлилидан кейин уларнинг маҳсулдорлиги ўрганилиши зарур. Хўжаликда чорва моллари ва парранда маҳсулдорлиги режасининг бажарилишини таҳлил қилиш учун 116-жадвалдаги шаклдан фойдаланилади.

116-жадвал

Чорва моллари ва паррандалар маҳсулдорлиги режаси бажарилишининг таҳлили

Кўрсаткичлар	Ўтган йили	Режа бўйича	Ҳисобот йили	Бажарилиши, %		Туман бўйича ўртача кўрсаткичлар	Илғор хўжалик кўрсаткичлари
Йил мобайнида 1 сигирдан ўрта ҳисобда соғиб олинадиган сут, кг.	2480	2560	2540	102.4	99.2	2410	3100
Ёш қорамолнинг бир суткада ўртача ортган вазни, гр.	420	450	460	109.5	102.2	400	470
2 ойликдан юқори чўчқанинг бир суткада ортган вазни, гр.	280	300	350	125.0	116.6	305	380
Бир қўйдан олинадиган жун, кг.	1.5	1.8	1.9	126.6	105.5	1.9	2.0
Бир товуқдан олинадиган тухум, дона	60	62	70	116.6	113.0	80	100
100 сигир ва ғунажинлардан олинадиган бузоқлар, бош	70	72	76	108.5	105.5	18	85
100 қўйдан олинадиган қўзи, бош	80	85	90	112.5	105.8	92	102
1 бош асосий она чўчқадан олинадиган чўчқа боласи, бош	9	8	10	111.1	125	7	10

Жадвалдаги маълумотлардан шундай хулоса чиқариш мумкинки, таҳлил қилинаётган хўжалик ҳамма кўрсаткичлар бўйича режани ортиғи билан бажарган. Лекин бу борадаги кўрсаткичлар таққосланаётган хўжаликдагидан анча паст. Ички имкониятлардан унумлироқ фойдаланилса, улар-

ни таққосланаётган хўжалик кўрсаткичларига тенглаштириш имкониятлари мавжуд.

11.5. Маҳсулотдан фойдаланиш ва уни сотиш режаси бажарилишининг таҳлили

Бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги ҳар бир корхона ва унинг ишлаб чиқариш бўлинмасида режа интизомига риоя этиш маҳсулотни реализация қилиш режасининг бажарилиши шунингдек, етиштирилган маҳсулотнинг тўғри тақсимланишига ва ундан тўғри фойдаланиш даражаларига кўп жиҳатдан боғлиқ. Шу боис маҳсулотни сотиш ва уни тақсимлаш режасининг бажарилишини таҳлил қилиш зарур.

Давлатга асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сотиш топшириқлари айрим хўжаликлар учун уларнинг бир неча йилга мўлжалланган муқобил таклифларини инобатга олиб ихтисослаштирилишига, ривожланиш истиқболига, табиий-иқтисодий шароитига мувофиқ равишда кўриб чиқилади ва қатъий қилиб белгиланади. Давлат қишлоқ хўжалиги корхоналарига етиштирган маҳсулотларининг асосий қисмини зарур ижтимоий чиқимларни қоплайдиган баҳода сотиши учун кафолат беради. Уларни режадан ташқари сотган маҳсулотига оширилган қатъий баҳо белгилаб, рағбатлантиради.

Маҳсулотни сотиш ва ундан фойдаланиш жараёни таҳлилининг асосий вазифаси бу борадаги режалар (давлатга сотиш, бошқа йўналишлар бўйича сотиш режалари) бажарилишини текшириш, маҳсулотининг товарлилик даражасини ошириш, товар бўлмаган маҳсулотлардан фойдаланишни яхшилаш ва бу жараёнда фойдаланилмаётган имкониятларни аниқлашдан иборат. Бу йўналишдаги таҳлилда аввало, давлатга маҳсулот сотиш режасининг бажарилиш кўрсаткичлари чуқур ўрганиш асосида баҳоланиши керак.

Режалаштирилган давлат буюртмаси қай даражада бажарилганлиги ҳар бир маҳсулот тури бўйича режада кўрсатилган ҳажмга нисбатан давлатга сотилган товар маҳсулоти ҳажмининг фоизи билан белгиланади. Давлат буюртмаси қандай бажарилганлигини таҳлил қилишда 117-жадвалдаги шаклдан фойдаланилади.

117-жадвал

Маҳсулотларни давлат буюртмаси бўйича сотиш режаси бажарилишининг таҳлили (центнер ҳисобида)

Товар маҳсулотининг турлари	Ўтган йил	Ҳисобот йили			Ўтган йилдагига нисбатан бажарилиши, %
		режа бўйича	ҳақиқатда	бажарилиши,%	
Дон	540	250	663.7	265.4	122.9
Пахта	39980	40968,8	44852,6	109,4	112.1
Каноп	12700	10400	9000	71.0	86,5
Жун	28.2	24	29.1	103.2	121.2
Пилла	138	121	123.9	102	89.7

Жадвалдан кўриниб турибдики, хўжалик ҳисобот йилида ўтган йилдагига нисбатан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш ва давлатга сотиш режасини бажаришда маълум ютуқларга эришган. Бу борадаги режа дон сотиш бўйича 265,4%, пахта бўйича 109,4%, жун бўйича 107,2%, пилла бўйича 102,3 % бажарилган. Хисобот йилида ўтган йилдагига нисбатан дон 22,9%, пахта – 12,1%, жун – 21,2% кўп сотилган.

Бироқ хужаликда каноп етиштириш камайган ва бу турдаги маҳсулот режадагига нисбатан 29% кам етказиб берилган, шунингдек, ўтган йилдагига нисбатан 10,3% кам пилла етиштирилган.

Эслатиб ўтиш кераккки, баъзи маҳсулот турларининг товарлилик даражаси алоҳида аҳамиятга эга. Товарлилик кўрсаткичлари маҳсулот товар қисмининг ялпи маҳсулотга нисбати орқали белгиланади.

Пахта, пилла, жун, каноп, тамаки ва қанд лавлаги каби маҳсулотлар давлатга сотилади. Демак, уларнинг товарлилиги 100% га тенг. Деҳқончилик маҳсулотларининг кўпчилик турларидан чорва озуқаси сифатида фойдаланилади ва улар юксак товар маҳсулоти бўла олмайдилар. Алоҳида маҳсулот турларининг товарлилик фоизи паст бўлиши ҳамма вақт ҳам хўжалик фаолияти қониқарсизлигидан далолат беравермайди.

Таҳлил қилинаётган хўжаликда деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари асосий турларининг товарлилик даражаси 118-жадвалда акс эттирилган.

118-жадвал

Деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари товарлилик даражасининг таҳлили

Маҳсулот турлари	Режа, цент. ҳисобида			Ҳақиқатда, цент. ҳитсобида		
	етиштирилган	сотилган	товарлилик даражаси, %	етиштирилган	сотилган	товарлилик даражаси, %
Дон	7200	6500	90,2	7900	6700	84,8
Пахта	40968	40963	100,0	44852	44852	100,0
Жун	24	24	100,0	29,1	29,1	100,0
Каноп	10400	10400	100,0	9000	9000	100,0
Хўжалик бўйича жами, минг сўм ҳисобида	4275	3980	93,0	4640	4420	95,2

Жадвалдаги маълумотлардан кўриниб турибдики, таҳлил қилинаётган хўжаликда барча маҳсулот турларининг (дон маҳсулотларидан ташқари) товарлилик даражаси 100% ташкил этади. Шу боисдан ҳам хўжаликнинг товарлилик даражаси 95,2% га тенг.

Қишлоқ хўжалигида ялпи маҳсулот турли мақсадларда ишлатилади: асосий қисми давлатга, бир қисми хўжалик ичида ва бозорда сотилади, яна бир қисмидан ишлаб чиқаришни янгилаш ва кенгайтиришда фойдаланилади.

Ҳозирги шароитда кўпчилик хўжаликлар ёрдамчи корхоналарига эга бўлиб, етиштирилган маҳсулотларининг бир қисмини қайта ишлаш учун шу корхоналарга берадилар, маълум қисмини ишчи-хизматчиларининг шахсий эҳтиёжларига сарфлайдилар уларга иш ҳақи ҳисобидан тарқатадилар.

Таҳлил қилинаётган хўжаликда маҳсулотлардан фойдаланиш режасининг бажарилишини таҳлил қилиш учун 119-жадвалдаги шаклдан фойдаланилади.

119-жадвал

Деҳқончилик маҳсулотларидан фойдаланиш режаси бажарилишининг таҳлили (центнер ҳисобида)

Маҳсулот турлари	Йил бошидаги маҳсулот миқдори	Ҳисобот йилидаги ҳосил		Сотиб олинган ва четдан келтирилган		Харажат қилинган										Йил охирига қолгани	
		режа	ҳисобот	режа	ҳисобот	давлатга сотиш учун		уруғлик учун қолдирилган		чорва молларига едирилган		бошқа харажатлар		жами харажат қилинган			
						режа	ҳисобот	режа	ҳисобот	режа	ҳисобот	режа	ҳисобот	режа	ҳисобот	режа	ҳисобот
Дон, жами	2313	6500	7914	-	-	3808	5077	410	1215	1182	1897	-	-	5400	8189	3413	2038
Лавлаги	2894	7000	7591	-	-	-	-	-	-	8466	4595	-	-	8466	4595	1428	5890
Картошка	120	1000	1656	-	539	890	781	-	351	-	5	-	-	890	1137	230	1178
Сабзавот ва бошқалар	-	1620	1678	-	-	1620	1665	-	-	-	13	-	-	1620	1678	-	-

Жадвалдан кўриниб турибдики, хўжалик йил бошида дон ва ловлаги заҳирасига эга бўлган. Ялпи маҳсулот етиштириш режаси шу турдаги маҳсулотлар бўйича оширилиб бажарилган. Бу эса, хўжаликка дон сотиш ва уруғлик сақлаш режасини ошириб бажариш, лавлаги заҳираси билан таъминланиш имконини берган. Заҳираси кам бўлганлиги сабабли картошка четдан сотиб олинган. 5 центнер картошка ва 13 центнер сабзавот чиритиб юборилганлиги сабабли чорва молларига берилган.

11.6. Машина ва трактор паркидан фойдаланишнинг таҳлили

Қишлоқ хўжалиги ривожланиши билан унда юк ташиш ҳажми ҳам ошиб боради. Шу муносабат билан соҳада кўплаб машиналар сотиб олинади.

Юк автомашиналари ишлаб чиқариш эҳтиёжларини қондириш, сотиладиган ва олинадиган маҳсулотларни ташишда асосий восита ҳисобланади.

Автомобилларда юк ташиш қийматининг салмоғи маҳсулот таннархида асосий қисмни эгаллайди. Автотранспортдан унумли фойдаланиш ва юк ташиш таннархини арзонлаштириш имкониятларини қидириб топиш мақсадида бундай воситалардан фойдаланишни иқтисодий жиҳатдан таҳлил қилиш муҳим аҳамиятга эга. Бу жараёнда фойдаланиладиган маълумотлар йиллик ҳисоботлар ва ишлаб чиқариш - молия режаларида акс эттирилади. Ҳар бир автомашинадан фойдаланиш ва фойдаланилганлиги ҳақидаги маълумотлар «Юк автомашиналарида бажариладиган ишларнинг ҳисоб дафтари»га ёзиб борилади.

Автотранспортдан тўғри фойдаланиш даражаси хўжаликдаги мавжуд машиналарнинг сони, йўлда иш билан банд бўлган вақти, юк билан юриш салмоғи, юк кўтариш қобилияти каби кўрсаткичлар билан белгиланади.

Битта машинанинг ўртача юк кўтариш қобилияти умумий тоннани сутка ичида ишлаган машиналарнинг умумий сонига, хўжаликдаги мавжуд машина-кунлар сони эса автомобилларнинг рўйхатдаги ўртача сонини 365 га кўпайтириб аниқланади.

Таҳлил жараёнида юк автомобилларининг техникавий жиҳатдан тайёр туриш коэффициенти ҳам аниқланиши

зарур. Бунинг учун автомобилларнинг таъмирда бўлган ва бекор турган кунлари миқдори хўжаликдаги автомобиль кунлари сонидан айрилади. Ҳосил бўлган сон юк автопаркининг техникавий жиҳатдан тайёр юк автомобиллари сонини ифодаловчи кўрсаткич ҳисобланади. Бу кўрсаткични хўжаликдаги мавжуд машина-кун миқдорига бўлсак, юк автомобиллари паркининг техникавий жиҳатдан тайёрлик коэффициенти келиб чиқади.

Автомобиль паркидан фойдаланиш коэффициенти хўжаликдаги машиналар ишда банд бўлган вақтни ифодаловчи машина-кун сонини мавжуд актомобилларнинг умумий сонига бўлиш орқали топилади.

Машиналарнинг иш вақти фондидан фойдаланиш коэфициенти ҳақиқатда сарфланган машина-соатларини машиналарнинг ишда бўлган умумий машина-соатларига бўлиш йўли билан аниқланади. Бу коэффициентнинг юқорилиги автомашиналар бекор туриши камайганлигини билдиради.

Таҳлил қилинаётган корхонада автомобиллардан фойдаланишни таҳлил қилиш учун 120-жадвалдаги шаклдан фойдаланилади.

120-жадвал

Корхонада автомобиллардан фойдаланишнинг таҳлили

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Ўтган йил	Ҳисобот йили	Фарқи	Ўтган йилга нисбатан, %
1.Автомобилларнинг рўйхатдаги сони	дона	24	25	+ 2	108,3
2.Юк кўтариш қобилияти	тонна	64	72	+ 8	112,5
3.Машиналарнинг ўртача тоннажи (2:1)		2,66	2,77	+0,11	104,1
4.Хўжаликда мавжуд бўлиб турган машина-кунлар (1к х 365 кун)	кун	8760	9490	+730	108,3
5.Ишлаб турган машина кун		5304	5310	+ 6	100,1
6.Автопаркдан фойдаланиш коэффициенти (5:4)	К°	0,60	0,55	-0,05	916
7.Автомобилларнинг жами босган йўли	м/км	715,6	732	+16,4	102,3
Шу жумладан: 8.Юк билан босилган йўл	м/км	390	398	+ 8	102,0

9.Йўл босиндан фойдала-ниш коэффициенти (8:7)	К°	0,544	0,543	-0,000	100,0
10.Автомобилнинг бир суткада юрган масофаси (7:5)	км.	134,9	137,8	2,9	102,1
11.Жами ташилган юк	м/т	59,8	61,2	1,4	102,3
12.Ташилган тонна/км	Минг т/км	1073,4	1076	+ 2,6	100,3
13.Машиналарнинг ўртача юк билан таъминланганлиги (12:8)	тн	2,75	2,70	- 0,05	98,1
14.Юк ташиш қобилиятидан фойдаланиш коэффициенти(13:3)	К°	1,03	0,97	-0,06	94,1
15.Автомобилнинг ташиган юки: а)бир йилда (12:1) б)бир машина-кунда иш билан банд бўлган вақти (12:5)	м т/км т/км	44,7 202	41,3 202,6	-3,4 + 0,6	92,3 100,1

Жадвалдаги маълумотлардан кўриниб турибдики, ҳисобот йилида ўтган йилдагига нисбатан машиналарнинг ўртача йиллик сони 2 тага кўпайган, юк кўтариш қобилияти ҳам ошган, лекин автопаркдан фойдаланиш коэфициенти 0,05 (пунктга) ёки 8,4% га, юк ташиш қобилиятидан фойдаланиш коэффициенти 0,06 пунктга ёки 5,9% камайган. Хулоса қилиб шуни айтиш керакки, корхона ўртача битта автомобилда ташиладиган юк ҳажмини кўпайтириш, машиналарнинг юк билан таъминланиш даражасини ошириш орқали автопаркдан унумли фойдаланиш имкониятига эга. Бу, ўз навбатида, автопаркдан фойдаланишнинг самарадорлик даражасини янада оширишга ва ташилган юк ҳажми (бир тонна/км.) нинг таннархи пасайишига олиб келади.

Кейинги босқичда трактор паркидан фойдаланиш жараёнини таҳлил қилиш лозим. Чунки трактор паркидан унумли фойдаланиш қишлоқ хўжалигини механизациялаш даражаси ўсишига ва маҳсулот таннархи пасайишига тўғридан - тўғри таъсир кўрсатувчи омиллардан бири ҳисобланади.

Трактор паркидан фойдаланиш жараёнининг таҳлили қишлоқ хўжалиги, яъни корхоналар тракторлар, комбайнлар ва бошқа турдаги қишлоқ хўжалиги техникалари билан қандай таъминланганлигини аниқлашдан бошланади. Қишлоқ хўжалигининг техника билан таъминланиш даражаси:

- ҳар 100 гектар ерларга тўғри келадиган тракторлар;
- ҳар 100 гектар донли экин майдонига тўғри келадиган ғалла комбайнлари;
- ҳар 100 гектар пахтазорга тўғри келадиган пахта териш машиналари;

· силос учун маккажўхори экиладиган ҳар 100 гектар майдонга тўғри келадиган ўриш машиналари;

· ҳар 100 гектар ер майдонига тўғри келадиган культиваторлар сони орқали аниқланади.

Трактор паркидан фойдаланиш жараёнини таҳлил қилиш учун трактор паркидан фойдаланиш коэффициенти қўлланилади. Бу кўрсаткич тракторларнинг бир йилда ишлаган жами иш кунларини улар хўжаликда бўлган жами иш кунларига бўлиш йўли билан аниқланади.

Таҳлил қилинаётган хўжаликда трактор паркидан фойдаланиш даражасига баҳо бериш учун 121-жадвалдаги шакл тузилади.

121-жадвал

Трактор паркидан фойдаланишнинг таҳлили

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Ўтган йил	Ҳисобот йили	Фарқи
1.Тракторларнинг ўртача сони (юмшоқ хайдалган ерга ҳисобланган)	дона	45	46	+1
2.Жами ишланган иш кунлари		11250	11830	+ 580
3.Хўжаликда бўлган иш кунлари (45 х 365 кун)		16424	16790	+ 366
4.Ўртача бир тракторга тўғри келадиган иш кунлари (2:1)		260	257,1	+7,1
5.Жами ишланган машина - смен		12150	13195	+ 1045
6.Ўртача бир тракторга тўғри келадиган машина - смен (3:1)		270	286	+ 16
7.Бажарилган иш ҳажми (юмшоқ хайдалган ерга ҳисобланган)	га	17505	20475	+ 2970
8.Шартли бир тракторга тўғри келадиган иш унуми:				
ўртача йиллик (7:1)	га	389	445	+ 56
ўртача кунлик (7:2)	га	1,55	1,73	+ 0,18
ўртача бир сменада (7:1)	га	1,44	1,551	+ 0,111
9.Трактор паркидан фойдаланиш коэффициенти (2:3) ёки (4:365)		0,68	0,70	+ 0,02
10.Тракторларнинг сменада ишлаш коэффициенти (5:2)		1,08	1,12	+ 0,04

Жадвалдаги маълумотлардан кўриниб турибдики, тракторлар билан бажарилган иш ҳажми ўтган йилдагига нис-

битан 2970 гектарга кўпайган. Бунга асосан бор тракторга тўғри келадиган иш унуми ошиши ҳисобига эришилган. Мисолимизда иш сменасининг 1045 сменага кўпайиши бажарилган иш ҳажми 1505 гектарга кўпайишига (1045x1,44), бир сменага тўғри келадиган иш ҳажми 0,111 гектарга кўпайиши эса, иш ҳажми 1465 гектарга кўпайишига олиб келди (0.111x13195). Омилнинг йиғиндиси +1505 + 1465 = 2970 гектар.

Таҳлилда пахта териш машиналаридан фойдаланиш жараёнини таҳлил қилиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Маълумки, пахтачиликда харажатларнинг деярли ярими ҳосил теримига сарфланади. Шу боисдан ҳам етиштирилган пахта таннархининг арзон ёки қимматлиги пахтани йиғиштириб олишда терим машиналаридан фойдаланиш даражасига боғлиқ. Таҳлил қилинаётган хўжаликда пахта териш машиналаридан фойдаланиш даражасини аниқлаш учун 122-жадвалдаги шаклдан фойдаланилади.

122-жадвал

Пахта териш машиналаридан фойдаланишнинг таҳлили

Кўрсаткичлар	Режа бўйича	Ҳақиқатда	Фарқи, +, -	Илғор хўжалик
1.Пахта териш машиналарининг ўртача сони	9	11	+2	8
2.Ўртача битта пахта териш машинасига тўғри келадиган иш кунлари	27	25	-2	24
3.Ўртача битта пахта терпш машинаси терган пахта, тонна	175	106	-9	190
4.Ўртача битта пахта терпш машинасида бир кунда терилган пахта, тонна	6,4	6,6	+0,2	7,9
5.Ялпи ҳосил, тонна	3260	3370	+110	3610
6.Ялпи ҳосилга нисбатан машинада терилган пахта, тонна	1564	1819	+225	2220
7.Пахтанинг ялпи теримга нисбатан машинада терпш даражаси, %	48	54	+6	61

Жадвалдаги маълумотлардан кўриниб турибдики, таҳлил қилинаётган хўжаликда пахтанинг 48% ини машинада териш режалаштирилган, ҳақиқатда эса механизмлар билан 54 фоизи йиғиштириб олинган. Аммо бу таққосланаёт-

ган хўжаликнинг бу борадаги кўрсаткичидан (61%)анча паст. Демак, таҳлил қилинаётган хўжалик раҳбарлари келгусида пахтани машинада териш даражасини ошириш учун мавжуд имкониятлардан янада унумлироқ фойдаланишлари зарур.

11.7. Деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари таннархининг таҳлили

Маҳсулот таннархи қишлоқ хўжалигида маҳсулот ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган меҳнат ва моддий маблағлар суммасининг пулдаги ифодасидир.

Маҳсулот таннархини мунтазам равишда пасайтириб бориш учун ишлаб чиқариш харажатлари таркиби ва тузилишини, ялпи маҳсулот таннархи мажмуасида ҳар бир харажатнинг тутган ўрнини билиш лозим. Бу, маҳсулот таннархи режасининг бажарилишини чуқур таҳлил қилиш имконини беради.

Таҳлил маҳсулот таннархининг бир неча йилги ўсиши ёки пасайишини ва асосий маҳсулот турлари таннархини пасайтириш режасини бажаришга доир кўрсаткичларни текширишдан бошланади. Сўнгра маҳсулот таннархининг пасайиши ёки ошишига таъсир кўрсатувчи омиллар ўрганилади. Бунда таннарх маҳсулотлар тури бўйича аввало, деҳқончилик маҳулотлари, кейин чорвачилик маҳулотлар бўйича таҳлил қилинади.

Деҳқончилик маҳсулотларининг таннархи даражасига иккита энг муҳим омил таъсир кўрсатади: бир гектарга сарфланадиган харажатлар миқдорининг ўзгариши; бир гектардан олинадиган ҳосилдорликнинг ўзгариши.

Деҳқончилик маҳсулотлари таннархига таъсир кўрсатувчи омилларни аниқлаш учун 123-жадвалдаги шакл тузилади.

Жадвалдаги маълумотлардан кўриниб турибдики, маҳсулот таннархи ҳисобот йилида режадагига нисбатан фақат пахта бўйича 49,3 сўмга ошган, дон ва картошка маҳсулотлари бўйича эса, 346,6 ва 100,3 сўмга пасайган. Харажатлар асосан бир гектарга қилинган чиқимлар ошиши ҳисобига кўпайган. Лекин ҳамма турдаги экинлар ҳосилдорлигининг ўсиши маҳсулот таннархи пасайишига олиб келган.

123-жадвал

Деҳқончилик маҳсулотлари таннархи ўзгаришига бир гектарга сарфланадиган харажат миқдори ўзгариши ва ҳосилдорлик таъсирининг таҳлили

Экинлар номи	Ҳосилдорлик, цга		1 гектарга сарфланган харажат, сўм		1 центнер маҳсулотнинг таннархи, сўм			Режадагига нисбатан фарқ, тежалган (-) ортиқча сарфланган (+)		
	режа бўйича	ҳақиқатда	режа бўйича	ҳақиқатда	режа бўйича	режа-даги харажат ва ҳақиқий ҳосилдорлик	ҳақиқатда	шу жумладан ўзгариш		
								ҳаммаси	1 гектарга сарф харажат ҳисобига	ҳосилдорлик ҳисобига
А	1	2	3	4	5	6 (3:2)	7	8 (7-5)	9 (7-6)	10 (6-5)
Пахта	33.2	33.8	177750	182630	5353.9	5258.8	5403.2	+ 49.3	+ 144.4	- 95.1
Дон	18.5	21.3	49180	49240	2658.3	2308.9	2311.7	- 346.6	+ 2.8	- 349.4
Картошка	90	95	185740	186525	2063.7	1955	1903.4	- 100.3	+ 8.3	- 108.6

Маҳсулот таннархини пасайтириш, шу жумладан, 1 центнер пахта таннархини пасайтириш қишлоқ хўжалиги корхоналари молиявий натижаларининг яхшиланишида, молиявий ҳолатининг мустаҳкамланишида асосий восита ҳисобланади.

Бозор иқтисодиёти шароитида маҳсулот таннархини пасайтиришнинг асосий омилларидан бири пахта ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришда қўл меҳнатини камайтириш, табиат инжиқликларини енгиш ва механизациялаш даражасини оширишдир.

Пахтачиликда харажатларнинг энг кўп қисмини меҳнатга ҳақ тўлаш фонди ташкил этади. Ҳозирги шароитда пахта ҳосилини йиғиб олиши жараёнида қўл меҳнатидан тўлиқ воз кечиб, пахта териш машиналаридан унумли фойдаланилса, маҳсулот таннархи сезиларли даражада пасаяди, уларни хорижий давлатларга сотиш орқали валюта фонди мустаҳкамланади ва республикамиз бюджетига келиб тушадиган пул маблағлари кескин кўпаяди.

Кейинги босқичда қишлоқ хўжалигининг асосий тармоғи-чорвачилик маҳсулотлари таннархи таҳлил килиниши зарур. Чорвачилик маҳсулотлари таннархининг ўзгариши чорва моллари бош сонига тўғри келадиган харажатлар миқдори ва бир бош чорва моли маҳсулдорлигининг ўзгаришига боғлиқ.

Таҳлил қилинаётган хўжаликда чорвачилик маҳсулотлари таннархи ўзгаришига таъсир этувчи омилларни аниқлаш учун 124-жадвалдаги шаклдан фойдаланилади.

124-жадвал

Чорвачилик маҳсулотлари таннархи ўзгаришига таъсир этувчи омилларни аниқлаш

Маҳсулот турлари	1 бош молга сарфланган харажат, сўм		Маҳсулдорлик, кг.		1 ц. маҳсулот таннархи			Фарқ -, +		
	режа бўйича	ҳақиқатда	режа бўйича	ҳақиқатда	режа бўйича	ҳақиқатда	режадаги харажатлар ва ҳақиқий маҳсулдорлик	ҳаммаси бўйича	шу жумладан маҳсулдорликнинг ўзгариши	шу жумладан харажат миқдорининг ўзгариши
1	2	3	4	5	6 (2:4)	7 (3:5)	8 (2:5)	9 (7-6)	10 (6-8)	11 (7-8)
Сут	433200	448500	2200	2400	19.6	186.5	180.5	- 9.2	- 15.5	+ 6.3
Боқувдаги ёш ва катта қорамоллар вазнининг ортиши	121200	277600	84.3	96.5	1437.7	2876.6	1255.9	+ 1438.9	- 181.8	+1620.7
Чўчқалар вазнининг ортиши	89600	140000	64	67	1400	2089.5	1337.3	- 689.5	- 62.3	+751.8
Моллар вазнининг ортиши	12350	14500	12.5	13	908	1115.3	950	+ 207.3	+ 42	+165.3
Жун	5620	6000	1.9	2.0	2957.8	3000	2810	+ 42.2	- 147.8	+190

Жадвалдаги рақамлардан кўриниб турибдики, таҳлил қилинаётган хўжаликда 1 ц. сутнинг таннархи режа бўйича 196 сўм, ҳақиқатда 186,8 сўм, шартли таннархи эса, 1805 сўм. Соғиб олинган 1 ц. сут таннархининг режа бўйича таннархдан фарқи 9,2 сўм, шу жумладан, таннарх бир бош мол маҳсулдорлиги ўзгариши ҳисобига 15,5 сўмга камайган, бир бош молга харажатлар кўпайиши ҳисобига 6,3 сўмга ошган.

Чорвачилик маҳсулотларининг бошқа турлари бўйича ҳам 1 бош молни боқиш харажатлари ошиши ҳисобига таннарх ортиши кўриниб турибди. Чорвачилик маҳсулотлари таннархини янада чуқурроқ ўрганиш, уларнинг таркибини калькуляция моддалари бўйича таҳлил қилиш лозим.

Қисқача хулосалар

Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда, унинг самарадорлигини юксалтиришда моддий-техника ресурсларининг, илғор технологияларнинг ахамияти беқиёс.

Улардан тўлиқ ва самарали фойдаланганлик даражасини маълум бир кўрсаткичлар тизими ёрдамида таҳлил қилиш лозим. Таҳлил жараёнида асосий эътибор ердан, сувдан ва ишлаб чиқаришга таълуқли асосий фондлардан фойдаланиш даражасига эътибор берилиши лозим. Чунки ердан, сувдан ва техникадан унумли, фойдаланилса, кўзланган натижаларга эришиш мумкин. Бу, ўз навбатида қишлоқ хўжалигида деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини йўналишига ва маҳсулот таннархини пасайишига олиб келади.

Шу боисдан деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари режасининг бажарилиши маҳсулот таннархи, техникадан унумли фойдаланиш, ердан фойдаланиш ҳар томонлама таҳлил қилиниб борилиши қишлоқ хўжалиги корхоналари салоҳияти юқори бўлишига ва келгусида талабни қондирадиган сифатли махсулотлар етиштиришга олиб келиши лозим.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Ердан фойдаланиш жараёни қандай таҳлил қилинади?
2. Деҳқончилик махсулотлари етиштириш режасининг бажарилишини таҳлил қилишда нималарга асосланилади?
3. Унинг ўзгаришига қайси омиллар таъсир этади?
4. Чорвачилик маҳсулотлари етиштириш режасининг бажарилишини таҳлил қилишда нималарга эътибор бериш зарур?
5. У қайси омиллар таъсирида ўзгаради?
6. Маҳсулотдан фойдаланишнинг таҳлили нималарни кўзда тутади?
7. Маҳсулотнинг товарлилик даражаси таҳлили-чи?
8. Автотранспортдан фойдаланишни таҳлил қилишдан мақсад нима?
9. Трактор паркидан фойдаланиш таҳлилидан-чи?
10. Пахта териш машиналиридан фойдаланишни таҳлил қилишда нималарга эътибор бериш зарур?
11. Деҳқончилик маҳсулотлари таннархининг таҳлили қандай тартибда ўтказилади?
12. Унинг ўзгаришига қандай омиллар таъсир этади?
13. Чорвачилик маҳсулотлари таннархи таҳлили ва унинг ўзгаришига таъсир этувчи омиллар ҳақида сўзлаб беринг.

Асосий адабиётлар

1. Абдуғаниев А., Абдуғаниев А.А. «Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти» Дарслик –Т., 2004
2. Ергешев Е.Е. «Иқтисодий ва молиявий тахлил» Дарслик. –Т., «Молия», 2000.
3. Ламыкин И.А. «Анализ хозяйственной деятельности сельскохозяйственных предприятий», –М.: «Финансы и статистика», 1998.
4. Рахмонов И. «Қишлоқ хўжалик корхоналари фаолиятини тахлил қилиш». –Т., 1996.
5. Ульянов И.П. «Анализ хозяйственной деятельности колхозов и совхозов». –М., «Финансы и статистика», 1995.
6. Хон Н.А. «Қишлоқ хўжалик корхоналари фаолиятининг анализи» –Т., «Ўқитувчи», 1994.

БАЛАНС ВА ҲИСОБОТЛАР

БУХГАЛТЕРИЯ БАЛАНСИ
Тошкент ёғ-мой комбинати, 2002 й.

Кўрсаткичларнинг номи	Сатр коди	Ҳисобот йили бошига	Ҳисобот даври охирига
1	2	3	4
АКТИВ			
1. Узоқ муддатли активлар			
Асосий воситалар:			
бошланғич (қайта тиклаш) қиймат (01,,3)	010	496441 / 2437469	779396 / 2740724
Эскириш (02)	011	130858 / 805337	184671 / 975308
қолдиқ қиймат (010-011)	012	365583 / 1632132	594725 / 1765416
Номоддий активлар:			
бошланғич қиймат	020	-	-
Эскириш	021	-	-
қолдиқ қиймат (020-021)	022	-	-
Капитал қўйилмалар (07,08)	030	58897	29724
Шўъба корхоналаридаги акциялар (08)	040	-	-
Шўъба корхоналарига берилган қарзлар (06)	050	22	22
Уюшма корхоналаридаги акциялар (06)	060	-	-
Уюшма корхоналарига берилган қарзлар (08)	070	-	-
Узоқ муддатли инвестициялар (06)	080	-	-
Бошқа қарзлар (06)	090	-	-
Бошқа активлар	100	-	-
1 - бўлим бўйича жами: 012+022+030+040+050+060 070+ 080+ 090+100	110	424502 / 1691051	624471 / 1795162
2. Оборот активлари			
Ишлаб чиқариш заҳиралари (10,11,12,13,15,16)	120	847546	1073919
Тугалланмаган ишлаб чиқариш (20,21,23,29)	130	-	-
Тайёр маҳсулот (40)	140	25742	62496
Олиб сотиладиган товарлар (41-42)	150	-	-
Келгуси давр сарфлари (31)	160	-	-
Пул маблағлари (51,55,56,57)	170	23891	248326

Валюта маблағлари (50,55,56,57)	180	-	-
Ғазнадаги пул маблағлари (50)	190	-	-
Қисқа муддатли қўйилмалар (58)	200	93000	30000
Сотиб олинган хусусий акциялар (56)	210	-	-
Дебиторлар:			
Харидор ва буюртмачилар билан ҳисоблашишлар (09,45,62 -82)	220	3268	7064
Бўнак (аванс) тўловлари (61)	230	311850	235780
Бюджет билан ҳисоблашишлар (68,19)	240	41644	44026
Ходимлар билан ҳисоблашишлар (73)	250	-	-
Шўъба корхоналари билан ҳисоблашишлар (78)	260	-	-
Уюшма корхоналари билан ҳисоблашишлар (79)	270	-	-
Таъсисчилар билан ҳисоблашишлар (75)	280	-	-
Бошқа дебиторлар (63,71,76)	290	49822	66218
II - бўлим бўйича жами 120+130+140+150+160+170 180+190+200+210+220+230 240+250+260+270+280+290	300	1396763	1767829
Балансинг активи бўйича ЖАМИ (110+300)	310	1821265 / 3087814	2392300 / 3562991

Кўрсаткичларнинг номи	Сатр коди	Ҳисобот йили бошига	Ҳисобот даври охирига
1	2	3	4
ПАССИВ *I. Ўзлик маблағларнинг манбалари*			
Устав капитали (85/1)	320	48487	48487
Қўшилган капитал (85/2)	330	233615	233615
Резерв капитали (85/3)	340	31112	108237
Тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар) (87)	350	762859	1030294
Мақсадли тушум ва фондлар (96,88)	360	-	-
Келгуси давр сарфлари ва тўловлари учун резерваллар (89)	370	-	-
Келгуси давр даромадлари (83)	380	-	-
I - бўлим бўйича жами 320+330+340+350+360+370 +380	390	1076073	1430693

2. Мажбуриятлар			
Узоқ муддатли қарзлар (95,97)	400	-	-
Узоқ муддатли кредитлар (92)	410	-	-
Қисқа муддатли қаралар (93,94,97)	420	-	-
Қисқа муддатли кредитлар (90)	430	55000	90000
Харидор ва буюртмачилардан олинган (счётларга келиб тушган) бўнаклар (64)	440	146506	159567
Кредитлар:			
Мол етказиб берувчилар (60)	450	103478	119410
Бюджет бўйича қарзлар (68)	460	227028	380347
Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича қаралар (70/1, 70/2)	470	24624	42783
Ижтимоий суғурта ва таъминот бўйича қарзлар (69)	480	21956	44139
Мулкий ва шахсий суғурталар бўйича қарзлар (65)	490	-	-
Бюджетдан ташқари тўловлар бўйича қарзлар (67)	500	849	1293
Шўъба корхоналарига қаралар (78)	510	-	-
Уюшма корхоналарига қаралар (78)	520	34966	20231
Бошқа кредиторлар (75/1,71/2, 73, 76/1, 79)	530	130785	113837
II бўлим бўйича жами: 400+410+420+430+440+450 460+470410+420+430+440+450 460+480460+490+500+510+520 +530	540	745192	971607
ЖАМИ	550	1821265	2392300

Раҳбар_____ Бош бухгалтер_____

МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАР ТЎҒРИСИДА ҲИСОБОТ

Кўрсаткичлар	Сатр рақами	Ўтган йилнинг шу даврида		Ҳисобот даврида	
		даромадлар (фойда)	харажатлар (зарар)	даромадлар (фойда)	харажатлар (зарар)
Маҳсулот (иш, хизмат) сотишдан тушган тушум	010	8136664	x	10849395	x
Қўшилган қиймат солиғи	020	x	1308497	x	1808295
Акцизлар	030	x	285682	x	368384
	040	x	-	x	-
Сотишдан олинган соф тушум 010-020-030-040	050	6542485	x	8672772	x
Сотилган маҳсулот иш ва хизматларнинг ишлаб чиқариш таннархи	060	x	5640373	x	7435760
Сотишдан тушган ялпи молиявий натижа 050-060	070	902112	-	1237012	-
Сотиш харажатлари	080	x	19150	x	24233
Маъмурий харажатлар	090	x	121904	x	202503
Асосий фаолиятнинг бошқа жараёнларидан даромадлари ва харажатлар	100	-	465189	-	633211
Асосий ишлаб чиқариш фаолиятининг молиявий натижаси (фойда ёки зарар) 070-080-090-100	110	295869	-	377065	-
Уюшма ва шўъба корхоналаридан олинган дивидендлар	120	-	x	-	x

Бошқа олинган дивидендлар	125	-	x	-	x
Уюшма ва шўъба корхоналаридан олинган ва берилган қаралар бўйича фоизлар	130	-	-	-	-
Бошқа тўланган ва олинган фоизлар	135	-	-	-	-
Валюта курси фарқи	140	-	-	-	-
Молиявий фаолият бўйича бошқа даромад ва харажатлар	145	908055	291550	1556409	487757
Умумхўжалик фаолиятининг молиявий натижаси (фойда ёки зарар) 110+120+125+130 135+140+145	150	912374	-	1445717	-
Фавқулотда фойда ва зарар	160	-	-	-	-
Солиқ тўланганга қадар умумий молиявий натижа 150-160	170	912374	-	1445717	-
Фойда-(даромад)дан солиқ	180	x	343574	x	442149
Юқоридаги моддаларга кирмайдиган бошқа солиқ ва ажратмалар	190	x	141808	x	456651
Хисобот давридаги соф фойда (зарар) 170-180-190	200	426980	-	546917	-

АСОСИЙ ВОСИТАЛАР ҲАРАКАТИ ТЎҒРИСИДА ҲИСОБОТ

Тошкент ёғ-мой комбинати, 2002 йилга

Кўрсаткичларнинг номи	Сатр рақами	Бошланғич (тиклаш) қиймати				Йиғилган амортизация (эскириш) миқдори				Қолдиқ қиймати	
		йил бошига қолдиқ	келиб тушган	чиқим қилинган	йил охирига қолдиқ	йил бошига қолдиқ	келиб тушган воситалар бўйича	чиқим қилинган воситалар бўйича	йил охирига қолдиқ	йил бошига	йил охирига
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
Бино	010	244918 / 1370984	36045	91	280872 / 1416050	20092 / 221787	12274	91	32275 / 290564	224826 / 1149197	248597 / 1125486
Иншоот	020	7937 / 29724	8899	74	16762 / 38730	2147 / 11314	288	74	2361 / 12580	5790 / 18410	14401 / 26150
Узатиш мосламалари	030	1122 / 5923	2042	692	2471 / 6404	1054 / 5551	31	692	393 / 2121	67 / 372	2078 / 4283
Машина ва жиҳозлар	040	207067 / 886920	226641	1122	432586 / 1126225	24786 / 483394	37686	1122	131350 / 590013	112281 / 403526	301236 / 536212
Шу жумладан:											
а) куч машина ва жиҳозлари	041	21256 / 96572	1073	-	22229 / 99106	5496 / 34775	1575	-	7071 / 42582	15660 / 61797	15158 / 56524
б) ишчи машина ва жиҳозлар	042	144868 / 719184	218254	382	362740 / 944760	773777 / 416123	29555	382	106350 / 501832	67491 / 303061	256190 / 442928
в) ўлчов ва тартибга солувчи асбоблар,											

Бошқа олинган дивидендлар	125	-	x	-	x
Уюшма ва шўъба корхоналаридан олинган ва берилган қаралар бўйича фоизлар	130	-	-	-	-
Бошқа тўланган ва олинган фоизлар	135	-	-	-	-
Валюта курси фарқи	140	-	-	-	-
Молиявий фаолият бўйича бошқа даромад ва харажатлар	145	908055	291550	1556409	487757
Умумхўжалик фаолиятининг молиявий натижаси (фойда ёки зарар) 110+120+125+130 135+140+145	150	912374	-	1445717	-
Фавқулотда фойда ва зарар	160	-	-	-	-
Солиқ тўланганга қадар умумий молиявий натижа 150-160	170	912374	-	1445717	-
Фойда-(даромад)дан солиқ	180	x	343574	x	442149
Юқоридаги моддаларга кирмайдиган бошқа солиқ ва ажратмалар	190	x	141808	x	456651
Хисобот давридаги соф фойда (зарар) 170-180-190	200	426980	-	546917	-

АСОСИЙ ВОСИТАЛАР ҲАРАКАТИ ТЎҒРИСИДА ҲИСОБОТ

Тошкент ёғ-мой комбинати, 2002 йилга

Кўрсаткичларнинг номи	Сатр рақами	Бошланғич (тиклаш) қиймати				Йиғилган амортизация (эскириш) миқдори				Қолдиқ қиймати	
		йил бошига қолдиқ	келиб тушган	чиқим қилинган	йил охирига қолдиқ	йил бошига қолдиқ	келиб тушган воситалар бўйича	чиқим қилинган воситалар бўйича	йил охирига қолдиқ	йил бошига	йил охирига
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
Бино	010	244918 / 1370984	36045	91	280872 / 1416050	20092 / 221787	12274	91	32275 / 290564	224826 / 1149197	248597 / 1125486
Иншоот	020	7937 / 29724	8899	74	16762 / 38730	2147 / 11314	288	74	2361 / 12580	5790 / 18410	14401 / 26150
Узатиш мосламалари	030	1122 / 5923	2042	692	2471 / 6404	1054 / 5551	31	692	393 / 2121	67 / 372	2078 / 4283
Машина ва жиҳозлар	040	207067 / 886920	226641	1122	432586 / 1126225	24786 / 483394	37686	1122	131350 / 590013	112281 / 403526	301236 / 536212
Шу жумладан:											
а) куч машина ва жиҳозлари	041	21256 / 96572	1073	-	22229 / 99106	5496 / 34775	1575	-	7071 / 42582	15660 / 61797	15158 / 56524
б) ишчи машина ва жиҳозлар	042	144868 / 719184	218254	382	362740 / 944760	773777 / 416123	29555	382	106350 / 501832	67491 / 303061	256190 / 442928
в)ўлчов ва тартибга солувчи асбоблар,											

мосламалар ва лаборатория жиҳозлари	043	13275/34505	2780	266	15789/36624	5931/22108	1685	266	7550/26266	7344/12397	8439/10358
г)ҳисоблаш техникаси	044	24290/33402	3894	474	27710/36787	5226/9634	4498	474	9250/15234	19064/23769	18460/21503
д)бошқа машина ва жиҳозлар	045	3478/3257	640	-	418/8948	756/754	373	-	1129/4079	2722/2503	2989/4899
Транспорт воситалари	050	18961/58232	8882	1200	26643/65914	7035/28097	4457	1200	10292/35936	11926/30135	16351/29978
Асбоб - ускуналар	060	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-
Ишлаб чиқариш инвентарлари	070	12581/77683	2502	-	15083/21651	3914/29472	1757	-	5671/14114	8667/48211	9412/7537
Хўжалик инвентари	080	3856/8003	1122	-	4978/65749	1830/3233	498	-	2322/29979	2026/4770	2650/35770
Ишчи ва маҳсулдор ҳайвонлар	090	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-
Кўп йиллик экинлар	100	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-
Ер ҳолатини яхшилашдаги капитал харажатлар (инпоотсиз)	110	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-
Бошқа асосий фондлар	120	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-
ЖАМИ	130	496441	286133	3179	779395	130858	56991	3179	184670	365583	594725
Шулардан:		2437469	-	-	2740723	782848	-	-	975507	1654621	1765416

- ишлаб чиқариш	131	437723 / 2247545	285893	3179	720437 / 2550557	126920 / 756568	53191	3179	176932 / 937517	310803 / 1490977	543505 / 613040
- ноишлаб чиқариш	132	58718 / 189924	240	-	58958 / 190165	3938 / 26280	3800	-	7738 / 37790	54780 / 163644	51220 / 152376
Тугалланмаган қурилиш	140	58897 / 73858	17944	47117	29724	x	x	x	x	x	x
Маълумот учун											
Кирим қилинган:											
Ўз маблағлари ҳисобига:	150	150	58897 / 73858	17944	47117	29724	x	x	x	x	x
Банк кредитлари ҳисобига	152	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-
Ижарага берилган асосий воситалар	160	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-
Ижарага олинган асосий воситалар	170	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-

Раҳбар_____ Бош ҳисобчи_____

ПУЛ ОҚИМЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ ҲИСОБОТ
2002 йил учун

Кўрсаткичларнинг номи	Сатр рақами	Чиқим	Кирим
Хўжалик фаолиятида пул маблағлари			
Харидорлардан келиб тушган пул маблағлари	010	-	10334938
Мол етказиб берувчиларга тўланган пул маблағлари	011	05463323	-
Ходимларга ва ходимлар номидан тўланган пул маблағлари	012	584568	-
Бошқа пулли тўловлар ва тушумлар	013	2334296	617194
ЖАМИ: Хўжалик фаолиятидан пул маблағларининг соф кирими – чиқими (010+011-012+013)	014	8382187	10952132
Инвестиция фойдаси ва молиявий хизмат кўрсатиш			
Олинган фоизлар	020	-	-
Тўланган фоизлар	021	37648	-
Олинган дивидендлар	022	-	-
Тўланган дивидендлар	023	-	-
ЖАМИ: Инвестиция фойдаси ва молиявий хизмат кўрсатишдаги соф кирим- чиқим (020+ 021+ 022+023)	024	-	-
Солиқлашиш			
Даромад (фойда)дан тўланган солиқ	030	468749	-
Бошқа тўланган солиқлар	031	1792503	
ЖАМИ: Тўланган солиқлар (030+031)	032	-	-
Инвестиция фаолияти		2261252	-
Номоддий активларни сотиб олиш ва сотиш	040	-	-

ХУСУСИЙ КАПИТАЛ ТЎҒРИСИДАГИ ҲИСОБОТ
2002 йил учун

Кўрсат-кичлар	Сатр рақа-ми	Устав капи-тали	Қўшил-ган капитал	Резерв капи-тали	Тақсим-лашма-ган фойда	Хусу-сий капи-тал билан қопдан-маган зарар	Жами
Йил бошига қолдиқ	010	48487	233615	31112	762859	-	1076073
Хусусий (ҳиссадор) капиталнинг ўсиши	020	-	-	-	-	-	-
Қимматбаҳо қоғозлар эмиссияси	030	-	-	-	-	-	-
Асосий воситалар-нинг қайта баҳолаклиши	040	x	-	x	x	x	-
Резерв учун ажратма	050	x	x	77185	x	-	77185
Жорий йил фойда-зарари	060	-	-	-	267435	-	267435
Дивидендлар	070	x	x	x	x	x	-
Ҳисобот даври охирига қолдиқ	080	48487	233615	108297	1030294	-	1420693
Маълумот учун: Ҳисобот даври охирида устав капиталига киритилган	090	x	x	x	x	x	-
Чиқарилган акциялар-нинг сони, дона	100	x	x	x	x	x	242437
Шу жумладан: имтиёзли-							

Раҳбар_____ Бош бухгалтер_____

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Каримов И.А. «Ўзбекистон: бозор иқтисодиётига ўтишда шахсий модел». –Т: «Ўзбекистон», 1993.

2. Каримов И.А. «Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисодий сиёсат, мафкура». –Т: «Ўзбекистон», 1996.

3. Каримов И.А. «Ўзбекистон мустақил тараққиёт йўлида». –Т: «Ўзбекистон», 1995.

4. Каримов И.А. «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида». –Т: «Ўзбекистон», 1995.

5. Ўзбекистон Республикаси корхоналари тўғрисида қонун.

6. Ўзбекистон Республикасининг бухгалтерия ҳисоби тўғрисида қонун. Т., 1996.

7. Ўзбекистон Республикасининг солиқ кодекси. Тошкент, 1998.

8. Маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низом. ЎзРВМ қарори, 1999.

9. Халқ хўжалигида ҳисоб-китоблар ўз вақтида ўтказилиши учун корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг масъулиятини ошириш борасидаги чора - тадбирлар тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони. 12 май 1995 йил, 12 май.

10. Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти. –Т., 1998-1999.

11. Бухгалтерия ҳисобининг ҳалқаро стандартлари. –Т., 1995.

12. «Анализ хозяйственной деятельности в промышленности». –Минск. «Высшая школа», 1999.

13. Акрамов Э.А. «Корхонанинг молиявий холатини таҳлили», –Т.: «Молия», 2003.

14. Абрютина М.С., Грачёв А.В., «Анализ финансово-экономической деятельности предприятия». –М., 2000.

15. Баканов М.И., Шеремет А.Д. «Экономический анализ». – М., «Финансы и статистика». 1999.

16. Баканов М.И., Шеремет А.Д. «Теория экономического анализа». –М., «Финансы и статистика». 1996.

17. Бухгалтерский анализ. Перевод с англ. –Киев. Торгово-издательское бюро, 1993.

18. Григорьев Ю.А. «Учёт, анализ и контроль внешнеэкономической деятельности и валютных операций». –М., ПАИМС, 1993.

19. Демеченков В.Е., Милета В.И. «Системный анализ деятельности предприятий». –М., «Финансы и статистика» 1990.

20. Ергешев Е.Е. «Иқтисодий ва молиявий таҳлил». Дарслик. –Т., «Молия», 2000.

21. Ергешбоев В.В., Волжин И.О. «Финансовый анализ». –Т., 1998.

22. Ефимова О.В. «Финансовый анализ». –М.: 1996.
23. Иброҳимов А.Т. «Молиявий таҳлил», –Т, «Меҳнат», 1995.
24. Исроилов Б. «Молиявий таҳлил». –Т., 1999.
25. Ковалёв В.В. «Финансовый анализ». –М., «Финансы и статистика». 1996.
26. Қодирхонов С.Б., Жуманиёзов К.К. «Бухгалтерия ҳисобининг стандарт шаклларини ташкил қилиш асослари», –Т., 1993.
27. Кодирхонов О.Б. «Саноатда бухгалтерия ҳисоби». –Т., «Ўзбекистон», 1993.
28. Методика анализа деятельности производственного предприятия (объеденения). Издание 2-ое под ред. А.Бужинского., А.Шеремета. –М., «Финансы и статистика». 1995.
29. Новодворский В.Д., Пономарёва Л.В., Ефимова О.В. Бухгалтерская отчётность: Составление и анализ. В 3-х частях. – М., Бухгалтерский учёт. 1994.
30. Палий В.Ф. «Новая бухгалтерская отчётность». «Содержание, методика анализа», Контролинг, 1991.
31. Савицкая Г.В. «Анализ хозяйственной деятельности предприятия». Минск, «Новое знание», 1994.
32. Шеремет А.Д. и др. «Методика финансового анализа предприятия». – М., «Финансы и статистика». 1992.
33. Шеремет А.Д., Сунц В.П. «Аудит». –М., 1995.
34. Шишкин А.К., Микрюков В.А., Дишпант И.Д. «Учёт, анализ, аудит на предприятии». –М. 1996.
35. Шоалимов А.Х. «Бошқарув таҳлили». Ўқув қўлланма. –Т., ТДИУ, 2003.
36. «Финансовый анализ деятельности фирмы», –М.: Ист. Сервис, 1994.
37. Фридман П. «Контроль затрат и финансовых результатов при анализе качестве и продукции». Перевод с англ –М., ЮНИТИ Аудит, 1994.
38. Черкасов В.Е. «Практическое руководство по финансово-экономическим расчётам», –М. Метаинформ. 1995.
39. Хритгри., Фосткер Г. «Бухгалтерский учёт: Управленческий аспект. Перевод с англ. –М., «Финансы и статистика», 1995.
40. Энтони Р., Рис Дж. Учёт: ситуации и примеры. Перевод с англ. –М., «Финансы и статистика». 1993.

МУНДАРИЖА

Кириш. 3
I БОБ. ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛНИНГ ПРЕДМЕТИ ВА УСЛУБИ
1.1. Иқтисодий таҳлилнинг аҳамияти ва вазифалари 5
1.2. Иқтисодий таҳлил асослари. 7
1.3. Иқтисодий таҳлил фанининг мазмуни ва предмети. 9
1.4. Иқтисодий таҳлил фанининг услуби. 11
1.5. Корхоналарда иқтисодий таҳлилни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби. 15
1.6. Иқтисодий таҳлил жараёнида қўлланиладиган усуллар. 18
1.7. Иқтисодий таҳлилнинг турлари. 24
1.8. Иқтисодий таҳлилнинг манбалари. 35
Қисқача хулосалар. 36
Назорат ва муҳокама учун саволлар. 36
Асосий адабиётлар. 37
II БОБ. ТОВАР АЙЛАНИШИ РЕЖАСИ БАЖАРИЛИШИНИНГ ТАҲЛИЛИ
2.1. Чакана савдода товарларнинг айланиши, унинг халқ хўжалигидаги аҳамияти ва таҳлилнинг вазифалари. 38
2.2. Чакана савдода товар айланишининг умумий ҳажми, чораклар, ойлар ва товар гуруҳлари бўйича савдо режаси бажарилишининг таҳлили. 40
2.3. Савдо корхоналарида товар заҳиралари билан таъминланиш ва товарлар айланишининг таҳлили. 49
2.4. Савдо корхоналарида ишчи кучи билан таъминланиш ва иш вақти фондидан фойдаланишнинг таҳлили. 60
2.5. Товар айланиши ҳажмининг ўзгаришига таъсир кўрсатувчи меҳнат омиллари таҳлили. 65
2.6. Товар айланиши режаси бажарилишига ташкилий ва техникавий омиллар таъсирининг таҳлили (дўконларнинг иш тартиби таҳлили) 73
2.7. Асосий фондлар ҳолати, таркибий тузилиши ва улардан фойдаланишнинг самарадорлик даражаси таҳлили. 78
Қисқача хулосалар. 81
Назорат ва муҳокама учун саволлар. 82
Асосий адабиётлар. 83
III БОБ. МУОМАЛА ХАРАЖАТЛАРИ ТАҲЛИЛИ
3.1. Чакана савдода муомала харажатларини камайтиришнинг моҳияти, аҳамияти ва таҳлилнинг вазифалари 84
3.2. Муомала харажатларининг сарфланишига умумий баҳо бериш. 86
3.3. Муомала харажатларининг моддалар бўйича таҳлили. .. 92

3.4. Меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан фойдаланишнинг таҳлили. 100
3.5. Транспорт харажатлари таҳлили. 107
Қисқача хулосалар. 109
Назорат ва муҳокама учун саволлар. 110
Асосий адабиётлар. 110
IV БОБ. МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАР ТАҲЛИЛИ
4.1. Молиявий таҳлилнинг мақсади, босқичлари ва асосий шакллари. 111
4.2. Молиявий таҳлилнинг субъектлари. Уларнинг мақсади ва манфаатдорлиги. 112
4.3. Савдо корхоналарида ялпи даромадни таҳлил қилишда таҳлилнинг аҳамияти, вазифалари ва манбалари 113
4.4. Савдо корхоналарида ялпи даромад режасининг бажарилишига умумий баҳо ва унинг ўзгаришига таъсир этувчи омиллар таҳлили. 115
4.5. Фойда режаси бажарилишининг таҳлили 126
4.6. Рентабеллик даражасининг таҳлили 129
4.7. Молиявий натижаларни ифодаловчи кўрсаткичлар таҳлили. 133
Қисқача хулосалар. 142
Назорат ва муҳокама учун саволлар. 142
Асосий адабиётлар. 143
V БОБ. МОЛИЯВИЙ КОЭФФИЦИЕНТЛАР ТАҲЛИЛИ
5.1. Молиявий коэффициентлар таҳлилининг аҳамияти. 144
5.2. Қуватлилик коэффициенти кўрсаткичлари таҳлили. 145
5.3. Ишчанлик фаолияти коэффициенти кўрсаткичларини таҳлил қилиш ва баҳолаш 148
5.4. Рентабеллик кўрсаткичлари таҳлили. 151
5.5. Капитал тузилиши кўрсаткичларини таҳлил қилиш ва баҳолаш. 156
5.6. Бозорга оид ишчанлик фаолияти кўрсаткичларини таҳлили. 159
Қисқача хулосалар. 160
Назорат ва муҳокама учун саволлар. 161
Асосий адабиётлар. 161
VI БОБ. КОРХОНАНИНГ МОЛИЯВИЙ АХВОЛИ ТАҲЛИЛИ
6.1. Корхонанинг молиявий аҳволини таҳлил қилиш ва баҳолашда таҳлилнинг аҳамияти ва вазифалари. 162
6.2. Корхонанинг молиявий барқарорлигини таҳлил қилиш ва баҳолаш. 164
6.3. Корхонанинг ўз маблағлари билан таъминланиши таҳлили. 169
6.4. Банкдан бериладиган кредитлардан фойдаланишнинг таҳлили. 174

6.5. Дебиторлик ва кредиторлик қарзлари ҳолатининг таҳлили. 175
6.6. Айланма маблағлардан фойдаланишнинг самарадорлик даражасини таҳлил қилиш ва баҳолаш. 179
Қисқача хулосалар. 181
Назорат ва муҳокама учун саволлар. 181
Асосий адабиётлар. 182
VII БОБ. САВДО ВА УМУМИЙ ОВҚАТЛАНИШ КОРХОНАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШДА ИҚТИСОДИЙ-МАТЕМАТИК УСУЛЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ
7.1. Чизиқли дастурлашнинг асосий элементи—симплекс усули 183
7.2. Математик дастурлашнинг муқобил мезони ва унинг турлари. 186
7.3. Транспорт масаласининг қўйилиши ва унинг математик модели. 194
7.4. Транспорт масаласини ечишда потенциал (эркин ўзгарувчилар) ва тақсимлаш усулларини қўллаш, ечимни таҳлил қилиш. 196
7.5. Транспорт масаласининг очиқ модели 202
Қисқача хулосалар. 203
Назорат ва муҳокама учун саволлар. 204
Асосий адабиётлар. 204
Ўтилган мавзулар бўйича тест саволлари. 205
Тестларнинг жавоблари. 235
VIII БОБ. УЛГУРЖИ САВДО КОРХОНАЛАРИДА ТОВАРЛАР АЙЛАНИШИНИНГ ТАҲЛИЛИ
8.1. Улгуржи савдо корхоналарида товарлар айланишини таҳлил қилишда таҳлилнинг аҳамияти ва вазифалари 241
8.2. Улгуржи товар айланиши режасининг умумий ҳажми, йўналиш шакллари бўйича бажарилишини таҳлил қилиш. 242
8.3. Чакана савдо корхоналари ва харидорларга товарларни бир маромда етказиб беришнинг таҳлили. 247
8.4. Улгуржи база ва омборлардан чакана савдо корхоналарига товарлар мақсадга мувофиқ ташиб келтиришининг таҳлили. 250
8.5. Улгуржи савдо корхоналарига товарлар келишини таҳлили. 252
8.6. Улгуржи савдо корхоналари сифат кўрсаткичларининг таҳлили 253
Қисқача хулосалар. 255
Назорат ва муҳокама учун саволлар. 255
Асосий адабиётлар. 256
IX БОБ.УМУМИЙ ОВҚАТЛАНИШ КОРХОНАЛАРИ ХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИНИНГ ТАҲЛИЛИ

9.1. Умумий овқатланиш корхоналари хўжалик фаолиятини таҳлил қилишнинг аҳамияти ва вазифалари. 257
9.2. Умумий овқатланиш корхоналарида товарлар айланиши режаси бажарилишининг таҳлили. 258
9.3. Умумий овқатланиш корхоналарида ишлаб чиқариш дастури бажарилишининг таҳлили. 260
9.4. Умумий овқатланиш корхоналарида товар айланиши ҳажмига ва ишлаб чиқариш дастури бажарилишига таъсир кўрсатувчи омиллар таҳлили. 263
Қисқача хулосалар. 271
Назорат ва муҳокама учун саволлар. 272
Асосий адабиётлар. 272
X БОБ. САНОАТ КОРХОНАЛАРИ ХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИ ТАҲЛИЛИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ
10.1. Маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш режаси бажарилишини таҳлил қилишда таҳлилнинг аҳамияти ва вазифалари. 273
10.2. Ялпи, товар ва сотилган маҳсулот режаси бажарилишининг таҳлили. 274
10.3. Асосий фондлардан фойдаланишнинг самарадорлик даражаси таҳлили. 282
10.4. Маҳсулот таннархининг таҳлили 286
Қисқача хулосалар. 291
Назорат ва муҳокама учун саволлар. 291
Асосий адабиётлар. 292
XI БОБ. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ КОРХОНАЛАРИ ХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИ ТАҲЛИЛИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ
11.1.Қишлоқ хўжалиги корхоналарида иқтисодий таҳлилнинг ташкил этилиши ва манбалари. 293
11.2. Ердан фойдаланиш жараёнининг таҳлили. 294
11.3. Деҳқончилик маҳсулотлари етиштириш режаси бажарилишининг таҳлили. 299
11.4. Чорвачилик маҳсулотлари етиштириш режаси бажарилишининг таҳлили. 306
11.5. Маҳсулотдан фойдаланиш ва уни сотиш режаси бажарилишининг таҳлили. 315
11.6. Машина ва трактор паркидан фойдаланишнинг таҳлили. 319
11.7. Деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари таннархининг таҳлили. 324
Қисқача хулосалар. 328
Назорат ва муҳокама учун саволлар. 329
Асосий адабиётлар. 329
БАЛАНС ВА ҲИСОБОТЛАР. 330
АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ. 340

Қоғоз бичими 54x84 $^{1}/_{16}$. Шартли босма табоқ 21,75.
Адади 1000 та. Буюртма 67.

«Toshkent tezkor bosmaxonasi» ОАЖ.. 2005 йил.
700200 Тошкент, Радиал тор кўчаси, 10-уй. Тел.: 148-00-55

65.053
Е 654

Ергешев Еркин Ергешевич 1944 йилда Қозоқистон Республикасининг Чимкент вилояти Сары-Агаш туманида туғилган. 1960 йилда ўрта мактабни, 1966 йилда Тошкент халқ хўжалиги институтини, 1976 йилда М.В.Ломоносов номидаги Москва Давлат университети аспирантурасини тамомлаган. Иқтисод фанлари номзоди, Тошкент Давлат иқтисодиёт университетининг фахрий профессори.

Муаллиф иқтисодий таҳлил назарияси, иқтисодий ва молиявий таҳлили муаммоларини чуқурлаштириш масалалари билан шуғулланади. У икки дарслик, икки ўқув қўлланма, кўплаб илмий мақолалар муаллифи. Жами 160 босма табоқдан, сони 60 дан зиёд илмий ва илмий услубий ишлар унинг қаламига мансуб. 1966 йилдан то ҳозирги кунга қадар Тошкент Давлат иқтисодиёт университетининг «Аудит» кафедрасида ишлаб келмоқда.